



# Инг қизик ЛАТИФЛАР

- Қалланга нима бўлди?
- Учар лисончага йўлқидим.
- Қерда?
- Ошхонамизда.



Инг кизик  
**ЛАТИФЛАР**



Тўловчи ва таржимон:  
**Шодмон Отабек**  
«Akademnashr» nashriyoti

---

**МАЖБУРИЙ НУСXA**

Тошкент  
«Akademnashr»  
2015

398.23 - Латифалар  
762

**УЎК: 82-7**  
**КБК: 82.3(5Ў)**  
**Э-62**

Э-62 Энг қизи латифалар: Ҳангомалар / тўпловчи ва таржimon Ш.Отабек. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – 304 б.

ISBN 978-9943-4404-8-7


УЎК: 82-7  
КБК: 82.3(5Ў)

*Латифани, кулгу ва ҳангомани ҳамма яхши кўради.*

*Умрида латифа эшитмаган ёки латифа айтмаган одам бўлмаса керак. Латифа ишқибозлари ўзаро гурунглашганда бежиз: «Янгисидан борми?» – дейишмайди.*

*Латифалар, ҳангомалар табиий равишда тугилади ёки тўқилади, сўнг оғиздан оғизга ўтиб оммалашади. Латифаларда давр руҳи, одамларнинг феъл-атвори яққол очилади. Одамларнинг кулгига муносабатига, ниманинг устидан ва қандай кулаётганига қараб унинг кимлигини, характерини билиш мумкин. Айни чоғда, латифалар халқнинг маданияти, менталитети ҳақида ёрқин тасаввур беради.*

*Ушбу китобда жамланган сара, кулгили латифалар, турфа ҳангомалар китобхонга завқ-шавқ улашади ва манзур бўлади деган умиддамиз.*



ISBN 978-9943-4404-8-7

© Шодмон Отабек  
«Энг қизиқ латифалар»  
© «Akademnashr», 2015

1043942  
2

## АҒ ДАН-БАҒ ДАН

Самолётнинг йўловчилар салоида радиокарнай орқали ташвишли овоз янгради:

– Йўловчилар орасида врач борми?

Бир йўловчи ўрнидан туриб учувчилар хонаси томон кетди. Орадан бироз вақт ўтгач ўша врачнинг янада ташвишли хитоби эшитилди:

– Йўловчилар орасида учувчилар борми?



Ҳайдовчи дарё бўйида балиқ тутаётган одамнинг галати қилигини кўриб машинасини тўхтатди. Балиқчи икки марта қармоққа илинган катта балиқни қўйиб юборди. Учинчи гал эса ўртачароқ балиқни тутиб челакка солди.

– Нега катта балиқларни ташлаб юбордингиз? – деб сўради ҳайдовчи.

– Чунки у қозонимга сигмасди-да.



Рассом галерея мудиридан сўради:

– Менинг картиналаримга биронтаси қизиқяптими?

– Кеча бир жаноб сизнинг вафотингиздан кейин бу картиналарнинг баҳоси кўтариладими деб сўради. Мен: «Ҳа, албатта, кўтарилади», – деб жавоб бердим.

– Хўш, ким экан ўша жаноб?

– Сизни даволаётган врач.



Ресторан директори официантга деди:

– Мижозлар билан ҳеч қачон тортишманг, улар ҳамиша ҳақ бўлишади.

– Тушунарли, аммо у мижоз сизни ...тентак деб айтди-да!



Бир одам ҳаммомга бориб, душнинг остида шамсиясини тутиб тураверибди.

- Сенга нима бўлди, тентакмисан?
- Йўқ. Сочигимни унутибман.



- Эски йилдаги даромадни нимага сарфладинг, оғайни?
- Уй солдим, ўзинг-чи?
- Қорин солдим.



- Уят эмасми? Кўринишдан соппа-соғ бўла туриб садақа сўраяпсан. Ишласанг бўлмайдим?

- Мен ишдан кейин сўраяпман.



Муюлишга етганда йигит қизга деди:

- Эсингиздами, ўтган йили Янги йил базмига кетаётиб мана шу ерда иккаламиз кучукдан қўрқиб қочиб қолган эдик.

- Ҳа, ўшанда сиз мендан ўзиб кетгансиз, буниси эсимда,
- деди қиз.



Ўғил ўн саккизга кирганда отаси дебди:

- Мана энди тамаки чекишингга рухсат бераман.

- Раҳмат, дада. Чекишни ташлаганимга икки йил бўлди.



- Дўхтир, ёшим саксондан ошган бўлса-да, ҳалиям қизларнинг орқасидан югуриб юраман.

- Э, зўр-ку!

- Лекин нимага югураётганимни эслолмайман-да!



Бир одам оғайнисига шапалоқ туширибди.

- Бу нимаси? Ҳазилми ёки жиддий урдингми?

- Жиддий урдим.

- Унда бошқа гап. Бунақа ҳазилни ёқтирмайман.



Ҳайвонот боғи ходими тимсоҳнинг катта очилган оғзига тикилиб турарди.

– Нима бўлди ўзи? – деб сўради яқинига келган бир томошабин.

– Ҳозирча бир нима дейиш қийин. Дўхтир у ёқдан чиқмаяпти.



Қоқ ярим тунда телефон жиринглади.

– Алло, – дея жавоб қилди уйқусираган овоз.

– Айтинг-чи, бу 32-29-33 ми?

– Эсингизни едингизми? Бизда умуман телефон йўқ.



Ўғил онасига инжиқлик қиларди:

– Бўлди, бас, энди мактабга бормайман!

– Хўш, нима бўлди ўзи?

– Э, қўйинг, сўраманг. Камол яна қулоқчўзма ўйнайди, Аҳмад дарслик билан бошга туширади, Санжар оёқдан чалади...

– Барибир мактабга боришинг керак, болам. Биринчидан, ёшинг қирққа бориб қолди. Иккинчидан, сен мактаб директорисан.



Музейда бир томошабин қадимги сопол буюмни бехос синдириб қўйди.

– Вой, энди нима бўлади?! – деди музей назоратчиси. – Ахир бу ўн иккинчи асрда яратилган эди.

– Хайрият! – дея жавоб қилди томошабин. – Янгимикин деб қўрқиб кетувдим...



Журналист юз ёшга кирган қария билан суҳбатлашмоқда.

– Келгусидаги режаларингиз қандай?

– Баҳорда уйланмоқчиман.

– Шу ёшда-я?

– Мен-ку истамасдим, отам мажбурляпти.



- Эшитдингми, фалончи ўлибди.
- Нимадан?
- Билмадим. Гулчамбарда «Хотинидан», «Қайнонасидан», «Жамоасидан» деб ёзилибди.



- Дўконингиздан канарейка сотиб олаётганимда «Бу қуш ўн йил яшайди», – дегандингиз. Эртасигаёқ ўлиб қолди-ку.
- Демак, у ўша куни ўн ёшга кирибди-да!



- Кўчада одамлар узун навбатда туришарди. Бир аёл яқинлашиб сўради:
- Нима беришяпти?
- Дюма.
- Бу кремплиндан яхшими?
- Билмадим. Ҳали ичиб кўрганим йўқ.



- Иккита пенсионер ўзаро гурунглашмоқда.
- Биласанми, ҳарбийда юрганимизда бизга эрлик қувватимизни сусайтирадиган хапдори беришганди.
- Ҳа, эсимда.
- Ўша дори энди таъсир қилаётганга ўхшайди.



- Сиз доира чалишни ўрганияпсизми?
- Ҳа, бир йилдан бери...
- Хўш, бирор ютуққа эришдингизми?
- Эришганда қандоқ, барча қўшниларим кўчиб кетди, бутун бошли қаватда бир ўзим қолдим.



- Қоқ ярим тунда телефон жиринглади. Эркак киши гўшакни кўтарди.
- Алло! Бу ҳаммомми?
- Йўқ!
- Унда нега яланғоч турибсиз?



– Дада, нима учун бу сериални болалар кўриши мумкин эмас?

– Жим ўтир! Ҳозир ўзинг кўрасан!



– Менга сизнинг гўзаллигингиз, зеболигингиз, доною ақллигингиз ёқади. Хўш, менинг нимам ёқади? – деб сўрабди йигит.

– Менга сизнинг бошқаларга мана шундай тўғри баҳо бера олишингиз ёқади.



Бир куни адабий журнал муҳарририга шеър қўлёмаси юборилди. Шеър «Мен нечун тирикман?» деб аталаркан. Шеърнинг ўзи эса жуда узун ва зерикарли экан. Муаллифга жуда қисқа жавоб жўнатилди: «Сиз шеърингизни почта орқали юборганингиз учун тириксиз. Агар уни идорамизга ўзингиз олиб келганингизда, шубҳасиз, бу ердан тирик чиқмасдингиз».



Бир йигит автобусга чиқаётиб йўлида турган кампирни туртиб ўтаркан, шундай деди:

– Ошиқма, кампиршо, нариги дунёга кетадиган пайтинг кепқопти.

– Шаштинг жуда баланд, болам, нариги дунёга ҳам менадан олдин борадиган кўринасан!



Ўқитувчилар хонасига кирган ота ҳовлиқиб ўшқира бошлади:

– Менинг ўғлимни ким урди? Раҳбар қани ўзи? Нега урасан? Ким ҳуқуқ берди?

– Ҳовлиқманг, – тушунтирди ўқитувчи. – Ўғлингиз кейинги пайтларда ҳеч кимни менсимай қўйди. Дарсларга қатнашмайди, шу кетишида кетаверса одам бўлмайди.

– Сен бу ёғидан хавотирланма, одам бўлади, одам бўлмаса ўқитувчи бўлади.



- Раънохон, эртага яна учрашамизми?
- Майли.
- Сизни хафа қилиб қўймадимми, ишқилиб?
- Йўқ, менга муомалангиз жудаям ёқди...
- Йўғ-э, ростданми? Дадам: «Бирорта қизни илинтирмоқчи бўлсанг унга ширин муомала қил», – деб ўргатганлар-да!



Назоратчи балиқчига яқинлашиб сўради:

- Нега рухсат берилмаган жойда балиқ овлаяпсиз?
- Мен балиқ тутаётганим йўқ, чувалчангни чўмилтиряпман.
- Қани, мен уни бир кўриб қўяй-чи! Ҳмм... Марҳамат қилиб жарима тўланг!
- Нега энди?
- Чувалчанг иштонсиз-ку!



- Алло! Бу ФХДЁми?
- Ҳа.
- Аризаларни соат нечагача қабул қиласизлар?
- Кимсиз ўзи?
- Зокиржон Фурқат деган одамман.
- Яна уйланыпсизми? Кинода биттасига уйландингиз, драмтеатрда бошқасига, операда яна бўлагига...
- Энди роман ҳақида гап кетяпти, тўртинчисига уйланмоқчиман.
- Шу билан бас қиласизми ахир?
- Қайдам... Мусулмончиликда тўрттагача рухсат бор. Лекин адабиётимизда жанрлар кўп-да...



Бир озғин йигит ёнида турган семиз одамга деди:

- Агарда мен транспорт бошлиғи бўлганимда йўловчилардан вазнига қараб йўл ҳақи ундирган бўлардим.
- Семиз одам жавоб қилди:
- Агарда шундай бўлганда, сени ҳеч ким транспортга чиқармасди.



Тун ярмида имзосиз хат ёзиб ўтирган ифвогар хотинига ўшқирди:

- Боланг йиғлайверса, сенинг устингдан ҳам юмалоқ хат ёзвораман. Тезроқ зумрашангнинг чакагини ўчир!
- Тавба, нима деб ёзасиз? – деб сўради хотини.
- Ўзини аяйди, боласини эмизаётиб сутдан уриб қолади деб ёзаман.



Официантдан сўрашибди:

- Энг катта орзуинг нима?
- Одамлар уйларида овқатланиб, чой пулини почта орқали юборворишса зўр бўларди.



Бир эркак метрода кекса аёлга жой бўшатди.

- Э, қўяверинг, мен туриб кетавераман.
- Ҳечқиси йўқ, ўтираверинг. Сиз эркаклар фақат чиройли, келишган аёлларгагина жой бўшатади деб ўйламанг.



Қишлоқ кўчасидан қушдек учиб бораётган «Нексия» дарвоза ёнидаги супада ўтирган Афандининг рўпарасига бориб тўхтади. Машинадан олифта кийинган бир йигит тушди-да, Афандига салом бериб, уни бағрига босди.

- Дада, – деди йигит уни танимай турган Афандига мурожаат қилиб, – нима, мени танимаяпсизми?

- Йўқ, таниёлмай турибман, бўтам, – деди Афанди йигитга бошдан-оёқ тикилиб.

- Ахир мен сиз бундан ўн йил олдин шаҳарга нос олиб келиш учун юборган ўғлингизман! Ўшанда шаҳарда қолиб кетиб ишга кирдим. Уйлик-жойлик бўлдим, машина сотиб олдим. Дуруст қипманми, дада?

- Хўш, нос қани? – деб сўради Афанди.



- Қара-чи, тўқайда бир ҳайвонни отувдим, нимакин?
- Кўрдим, Эшмат экан, паспортида шундай ёзилибди.



– Биласизми, қўшнижон, ҳозирги одамлар анча олижаноб бўлиб қолишибди.

– Нега ундай деяпсиз?

– Яқинда автобусга чиқаётиб қоқилиб тушдим. Биласизми, одамлар мени босиб кетишмади, устимдан сакраб ўтишди.



Отчопарда икки оғайни гурунглашарди:

– Сен мана бу отга дов тик, у биринчи бўлиб келади. Чавандоз билан гаплашганман.

– От билан-чи?



Бокс судьяси санай бошлади:

– Бир, икки, уч...

Ёрда ётган боксчининг мураббийи шогирдининг қулоғига шивирлади:

– Саккизгача ўрнингдан турмай ётавер.

– Хўп, – деди боксчи ётган жойида, – ҳозир соат неча бўлди?



– Менга неча ёш берасиз, қани, топинг-чи.

– Бир нима дейишга ҳайронман.

– Ўзим ёрдамлашаман. Қизим боғчага боради.

– Қизингиз боғча мудирасими?



Бир безоридан қочиб кетаётган тўрт кишини кўрган одам деди:

– Нега энди бир безоридан тўрт киши қочиб кетяпсизлар?

– Ахир у қай биримизни қувалаётганини билмаймиз-да.



– Сир сақлай оласанми?

– Бўлмасам-чи, маошим ошганига беш йил бўлди, ҳалигача хотиним билмайди.



Бошлиқ янги ишга кираётган ходимга деди:

- Бизда тартиб шунақа, мен нима десам, шуни қиласиз. Дарёга ташла десам, ташлайсиз.
- Хўп, мен кетдим, бўлмаса.
- Қаёққа?
- Сузишни ўргангани!



- Хотинингга унинг пули кўп бўлгани учун уйланганинг тўғрими?
- Ёлгон! Ёнимда бир тийин ҳам пулим бўлмагани учун уйланганман.



- Дугонажон, у мени яхши билмай туриб уйланмоқчи!
- Билиб олгунча тезроқ рози бўлиб тега қол.



- Бу шляпада ўн ёшга ёшариб кетаман.
- Ёшингиз нечада ўзи?
- Шляпа кийганимдами ёки шляпасиз эканимдами?



- Директорни тентак деб сўкканингиз тўғрими?
- Тўғри.
- Эшак деганингиз-чи?
- Йўқ, буни унутибман, эслатганингиз учун раҳмат.



- Онанингиз неча ёшда?
- Агар унинг гапи рост бўлса, мен ундан тўрт ёш каттаман.



- Кеча зиёфатда олдинги эримни учратиб қолдим.
- Хўш, кейин нима бўлди?
- Ҳеч қачон унинг бунақа ёқимтой суҳбатдош эканини билмаган эдим.



– Жонгинам, нега йиғлаяпсан? Ахир мен үн йилга эмас, бор-йўғи бир ойга кетяпман, холос.

– Одатингни биламан! Бир ойга деб дарров, уч кунда, келасан.



– Тухум қанчадан?

– Бутуни уч юз, пачоғи икки юз эллик сўмдан.

– Ундай бўлса, қўлингиз дард кўрмасин, менга ўнтасини пачоқ қилиб бера қолинг!



– Жонгинам, сенга тўғрисини айтишга мажбурман: мен уйланганман.

– Ёпирай, қўрқитвординг-а! Машинангни ўғирлатвордингмикин деб ўйлабман!



– Қалланга нима бўлди?

– Учар ликопчага йўлиқдим.

– Бу воқеа қаерда содир бўлди?

– Ошхонамизда.



– Эрга чиққанингизга неча йил бўлди?

– Умуман олгандами ёки шу топдами?



– Дада, нега келин-куёвлар бир-бирининг қўлидан ушлаб олишади.

– Жангдан олдин боксчилар ҳам бир-бирининг қўлидан ушлаб қўяди-ку!



– Эрим тўйдан кейиноқ ўлиб қолди.

– Роса омади бор экан.

– Нега?

– Узоқ қийналиб юрмабди.



Хўранда официантга шикоят қилди:

– Бифштекс ниҳоятда қаттиқ, чандир экан. Ярим соатдан буён чайнаяпман.

– Ташвишланманг, ресторанимиз ёпилишига яна бир соат бор. Бемалол чайнайверинг.



– Айт-чи, жонгинам, пул учун иблисга ҳам турмушга чиқармидинг?

– Ўйлаб кўрардим... Хўш, қанча пулинг бор ўзи?



Самолёт океан устида ҳалокатга учрабди. Омон қолган йўловчилар иккита кимсасиз оролга тушиб қолишибди. Оролнинг бирида аёллар, иккинчисида эркаклар макон топишибди. Эркаклар энди нима қилсак экан дея бош қотиришибди. Йигирма ёшли йигит шундай дебди:

– Юринглар, аёллар томон сузиб борамиз!

Қирқ ёшли йўловчи жавоб қилибди:

– Ҳовлиқмайлик, мана, ҳозир сол ясаймиз-да, сузиб кетамиз.

Эллик ёшли йўловчи қўшимча қилибди:

– Менимча, ортиқча овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Уларнинг ўзлари олдимизга сузиб келишади.

Олтмиш ёшли йўловчи дебди:

– Азаматлар, ўзингизни босинг! Ахир улар шу ердан ҳам яхши кўриняпти-ку!



Қарилик пенсиясини расмийлаштираётган Афанди таъмагир бошлиққа писанда қилибди:

– Кўчада қўзи ҳам бор.

Бу гапни эшитган бошлиқ зудлик билан ҳужжатларни расмийлаштирибди-да, жимжимадор имзо чекиб, муҳр босибди. Сўнг Афандига юзланиб дебди:

– Ана, отахон, ҳаммасини тахт қилдик. Ҳовлида келинингиз бор, қўзини унга ташлаб кета қолинг.

Шунда Афанди кулимсираб дебди:

– Кўчада қўшним Қўзибой кутиб турувди.



Миллионер ўлим тўшагида ётибди. Атрофида яқинлари: қариндошлари, дўстлари, бизнесдаги ҳамкорлари йиғилишган. Бемор алаҳсираб сўкинди:

– Аблаҳлар, муттаҳамлар, қотиллар...

– Ҳали умид қилса бўлади, – деди даволовчи врач. – У ўз яқинларини танияпти...



Кичкина ўғил отасидан сўради:

– Ада, пул нима ўзи?

Отаси ўйланиб туриб жавоб қилди:

– Пул – бу машиналар, коньяклар, чиройли аёллар...

– Пул бўлмаганда-чи? – ўғил яна қизиқсинди.

– Трамвай, чой ва ойинг...



Боғда бир йигит ёнида ўтирган нотаниш қизни ўпиб олибди. Ҳеч қандай қаршилиқ бўлмагач, у қизни яна ўпибди-да, ҳайрон бўлиб сўрабди:

– Нега индамай ўтирибсиз?

– Ойим ҳеч қачон бегона эркаклар билан гаплашмагин деб тайинлаган.



Ҳарбий хизматга чақирув марказида бўлажак аскардан маълумоти ҳақида сўрашди.

– Мен иккита институтни ва магистратурани битирганман.

– Ёзиб қўйинг, – деди чақирув комиссиясининг раиси котибига, – чақирилувчи ўқиш ва ёзишни билади.



Бир киши йўловчилар билан тўлиб-тошган автобуснинг орқасидан чошиб борарди.

– Овора бўлма, барибир етолмайсан, – деди унга йўловчилардан бири.

– Уни фақат мен тўхтата оламан, ахир унинг ҳайдовчисиман, – деди ҳалиги одам ҳансираб.



- Оилангизда янги фарзанд туғилди, шекилли.
- Янги дейишга ҳам тилим бормаиди. Бақриб-чақришидан анча тажрибаси борга ўхшайди.



- Иккита кайфи ошиб қолган улфат гурунглашяпти.
- Сен бирон марта темирўл фалокатини кўрганмисан?
  - Бир марта кўрганман. Ўшанда қоронғи туннельга кириб қизнинг ўрнига унинг бувисини ўпиб олганман.



- Қуён қаҳвахонага кириб қаҳва ва булочка олди. Қўлини ювиб қайтиб келса, қаҳва жойида йўқ.
- Қаҳвамни ким ичди? – деб сўради.
- Ҳайвонлардан садо чиқмади.
- Қайта сўраяпман, ким ичди?
- Шунда айиқ ўрнидан туриб дўриллаб деди:
- Мен ичдим.
  - А-а... булочкани нега емадингиз?



- Янги русдан солиқ назоратчиси сўраяпти:
- Сиз иккита виллангиз, олтига «Мерседес» машинангиз, шаҳар марказидаги бешта уйингизни пешона тери эвазига олганман деб ҳисоблайсизми?
  - Бўлмаса, ниманинг ҳисобига?
  - Балки, халқнинг ҳисобигадир?
  - Э, қўйсангиз-чи! Халқда шунча пул нима қилсин?!



- Учувчи йўловчиларни тинчлантирди:
- Ҳурматли ўртоқлар, техник сабабларга кўра ерга қўнолмаймиз. Таҳликага тушманглар, вақтимиз етарли, ҳаммамиз самолётдан сакраймиз.
  - Мен умримда парашютда сакрамаганман, – деди йўловчилардан бири қалтираб.
  - Жуда соз, – деди учувчи, – унда сиз шундоқ сакрайсиз. Барибир парашют ҳаммага етмайди.



Бир аёл эрига мақтанибди:

- Бугун автобуста чиқсам, бараварига иккита эркак менга жой бўшатди.
- Ишқилиб, ўша бўшаган икки ўриндиққа жойлаша олдингми?



Узоққа югуриш мусобақаси охирлаётган эди. Томошабинлардан бири ёнидаги шеригига деди:

- Ана у бўйинбоғ тақиб олгани, менимча, маррага биринчи бўлиб келади.
- Қанақасига бўйинбоғ бўлсин, бу унинг тили-ку!



Ресторанга ташриф буюрган хўранда ходимага деди:

- Менга бифштекс ва икки оғиз ширин сўз керак.
- Ходима овқатни келтириб қўйгач, хўранда сўради:
- Икки оғиз ширин сўз-чи?
- Официантка энгашиб хўранданинг қулоғига шипшиди:
- Овқатни асло ея кўрманг, у айниган...



Олағовур бозорда бир оғзи шалоқ йигит қари хотинга ўшқирди:

- Хў эшакнинг онаси, қоч йўлдан!
- Хўп, ўғлим, ўта қол, – деди кампир меҳрибонлик билан.



– Бошлиқ билан ходимнинг фикр алмашиб туришини қандай тушуниш мумкин?

- Жуда оддий. Ходим бошлиқнинг хонасига ўз фикри билан кириб, бошлиқнинг фикри билан чиқиб кетади.



Автобуста пул йиғаётган кондуктор йўлдан чиққан кампирдан сўради:

- Қаердан чиқдингиз, хола?
- Қаердан чиқардим, орқа эшикдан чиқдим-да.



Бир эркак кўчада кетаётса, орқасидан кимдир биқинига пичоқ тираб дебди:

- Пулни чўз!
- Бир тийиним ҳам йўқ.
- Унда соатингни еч!
- Соатим ҳам йўқ.

Шунда йўлтўсар эркакнинг елкасига сакраб чиқиб дебди:

- Ҳеч бўлмаса, муюлишгача кўтариб бор!



Ота сичқон икки ўғли билан айланиб юрган эди, мушук келиб қолди. Шунда сичқон дарҳол болаларини шкаф остига яшириб, ўзи стул устига сакраб чиқди ва Бовуллай бошлади. Вовуллашни эшитган мушук қочиб қолди.

– Кўрдингларми, – деди ота сичқон кулиб, – бирорта чет тилини билиш қанчалик муҳим!



– Узоқ қариндошлар билан танишиб олиш учун нима қилиш керак?

- Бойиб кетсанг бўлди, ўзлари келишади.



Бошлиқ бир одамни тунги қоровулликка ишга олаётиб деди:

– Шуни ҳисобга олингки, тун бўйи бир жойда қимирламай ўтириш осон эмас.

– Ишонаверинг, мен ўрганиб кетганман. Яқиндагина беш йил «ўтириб» чиқдим.



Самолёт тепага кўтарилиб, сайёҳлар камарларини боғлашгач, бир йўловчи ёнидаги шеригига деди:

– Сиз биринчи марта хорижга чиқяпсизми? Мен бутун дунёни айланиб чиққанман. Хитой, Швеция, Испания, Монако дейсизми, хуллас, кўрмаган жойим қолмаган.

– Ундай бўлса, географияни яхши билсангиз керак?

– Афсуски, у мамлакатда ҳали бўлмаганман.



Ўйиндан кейин мураббий футболчига танбеҳ берди:

- Бу нима қилиқ? Тўпни ўз дарвозангга киритдинг-ку!
- Нима қилай, қўлай вазиятни қўлдан бой бергим келмади-да.



– Сигирингиз бир кунда қанча сут беради?

- Ўн литр.
- Қанчасини сотасиз?
- Ўн уч литрини.



Бир ифвогар одам фолчига фол очтирди:

- Мен қайси куни ўламан?
- Сиз байрам куни ўласиз.
- Қанақа байрамда?
- Сиз ўладиган кун байрам бўлади.



Автобусда тик туриб кетаётган кекса чол ёнида без бўлиб ўтириб кетаётган ўсмирга насиҳат қилибди:

- Оёғим лат еган, қон босимим ҳам юқори, бошим айланади... Сизларнинг ёшингизда биз катталарга жой бўшатардик.
- Ана шунинг учун ҳам касалсиз-да, – дебди ўсмир.



Сотувчининг қўпол муомаласидан жаҳли чиққан харидор деди:

- Айтган гапларингизни қайтариб олиб, кечирим сўранг.
- Бу ерда ҳеч нарса қайтариб олинмайди, жуда бўлмаса, алиштириб берилади.



Қизиқчидан сўрашди:

- Нима учун хўрсз эрталаб уйғонганда бир оёғини кўтариб туради?
- Иккала оёғини кўтарса қулаб тушади-да, – жавоб қилди қизиқчи.



Бир отлиқ олифта эшакда кетаётган чолни калака қилмоқчи бўлди:

– Ҳой ота, эшак қандай юради?

Энсаси қотган чол шартта «узиб» олди:

– Эшак отга миниб юради!..



– Ҳой, нега гердайиб юрибсан?

– Кеча ғоз гўшти егандим.



– Сизни овчи дейишади, шу тўғрими?

– Тўғри, ёввойи ўрдак, тустовуқ ови жону дилим.

– Яна нималар отасиз?

– Тўй-ҳашамларда бир шиша-ярим шиша отиб турамиз, ёмонроқ ётиб қолсак хуррак ҳам отамиз...



– Ойижон, дадам айтдики, биз маймундан тарқаган эмишмиз. Шу гап тўғрими?

– Билмайман, ўғлим. Даданг ҳали қариндошлари билан таништирмаган.



Афанди сафардан қайтаётиб қорни очди. Бир эшикни тақиллатгани, ёш бола чиқди.

– Ўғлим, ҳозир нима еган бўлсангиз, шундан бироз олиб чиқинг, – деди Афанди.

– Шапалоқ егандим, – йиғламсираб жавоб берди бола.

– Унда емишларингга барака берсин! – дея жўнаб қолди Афанди.



Сотувчи харидордан сўради:

– Кеча ўғлингиз қимматбаҳо моллардан олган эди, сиз намунча арзонини танлайсиз?

– Ўғлимнинг отаси бор, мен эса ғирт егимман, – деди харидор.



- Мен эҳтиётдан кўричагимни олдириб ташладим.
- Мен эса, овқат тақчил бўлгани учун, ошқозонимни олдириб ташладим.



Афанди ресторалга овқатланиш учун кираётиб ёмғирда ҳўл бўлиб кетган соябонини эшик тагида очиқ қолдирди. Ҳар эҳтимолга қарши унинг ёнига шундай хат ёзиб қўйди: «Бу соябон бокс бўйича шаҳар чемпиониға тегишли». Овқатланиб бўлгач чиқиб қараса, соябон йўқ. Ўрнида бошқа хат турибди: «Соябонни югуриш бўйича шаҳар чемпиони олиб кетди, етиб олсанг соябонни қайтариб оласан».



Иккита сўққабош суҳбатлашяпти.

- Яқинда пазандалик китобини сотиб олувдим, аммо ундан фойдаланишнинг иложи йўқ экан.
- Нега?
- Китобдаги ҳар бир тавсия «Тоза идишни оласиз» деган сўз билан бошланаркан.



- Ҳалол одамни сотиб олиб бўладими?
- Йўқ, сотиб олиб бўлмайди... Аммо сотса бўлади...



- Зарифбой бошлиғининг олдида ўзини сувдаги балиқдек ҳис қилади.
- Ў-ҳў... Ўзини жуда эркин тутаркан-да?
- Йўқ, оғзини балиқдек очади-ю, ҳеч нарса деёлмайди...



- Кеча менға бир қароқчи ҳужум қилди, аммо ҳеч қаерға арз қилиб бормадим.
- Нега ундай қилдингиз?
- У ҳамма чўнтакларимни ағдариб кўриб ҳеч нарса тополмагандан кейин раҳми келиб қўлимға минг сўм тутқазиб кетди.



- Таъзиянома нима?
- Энг яхши характеристика.



- Энг оғир ишни мен нонуштагача қиламан.
- Нима қиласан?
- Ётган жойимдан тураман.



Рашкчи эрдан сўрашди:

- Қандай хотин ифбатли ҳисобланади?
- Хўроздан ҳам юзини яшириб юрадиган хотин!



Янги йил куни ўрмонда ҳайвонлар зиёфат қилмоқчи бўлибди. Озроқ пул йиғиб тошбақани ароққа жўнатишибди. Орадан икки соат ўтса ҳамки тошбақадан дарак бўлмабди. Тулки ғазаб билан тошбақани сўка бошлабди:

- Айтувдим-а шу лапашангни жўнатмайлик деб.

Шунда эшик очилиб тошбақа кўринибди ва тулкига қараб дебди:

- Тулки, агар яна орқамдан гапирсанг, умуман бормайман!



- Аҳмоқ бўлган маъқулми ёки калми?
- Аҳмоқ бўлган маъқул.
- Нега?
- Кал бош ҳаммага кўриниб туради, аҳмоқлик эса билинмайди.



Афандидан сўрашибди:

- Нега туфлининг уч размер кичигини киясиз?
- Хотиним кўримсиз, тинимсиз вайсаб асабимни эговлайди, қайнонам ҳам ундан қолишмайди. Ўғлим такасалтанг. Шундай бўлгач, оқшомда уйга келиб туфлимни ечганимдагина энгил тортаман.



Машҳур режиссёр бошловчи киноактрисага деди:

– Мен сизни янги кинофильмда бош ролни ўйнашга таклиф этаман. Бир йилдан сўнг сизда Оскар бўлади. Бунга ишонаверинг.

– Қиз бола туғилса-чи?



Саксон ёшли актёр дўстига деди:

– Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонгач, биринчи навбатда, газеталарни варақлаб чиқаман. Вафотим ҳақидаги таъзияномага кўзим тушмаса, кийиниб театрга жўнайман.



«Ким бўлсам экан?» деган мавзуда суҳбат давом этарди. «Мен стюардесса бўлмоқчиман» деган қиздан ўқитувчи сўради:

– Бу касб ҳақида ҳеч тасаввурга эгамисан?

– Бўлмасам-чи! Стюардесса самолётдаги йўловчиларга овқат ва ичимликлар беради. Агар биронтаси ўзини ёмон ҳис қилса, уни очиқ ҳавога олиб чиқади.



– Ҳозиргина анави муюлишда бир қароқчи тилла соатимни ечиб олди, – дея бир одам милиционерга шикоят қилди.

– Ёрдам сўраб бақирмадингизми?

– Оғзимни очишга кўрқдим, тишларим тилла эди-да.



Бир йигит чиройли қизни кўриб унга тикилиб қолди. Кейин сўради:

– Яхши қиз! Сиз бир кўришда ошиқ бўлиш мумкинлигига ишонасизми?

– Йўқ, ишонмайман!

– Унда, келинг, иккинчи марта учрашайлик.



Пиёниста дўстига ҳасрат қилди:

– Мен бечоранинг айбим нима? Фақат ичаман, чекаман, сўкаман, холос...



Шилқим йигит истироҳат боғида ўтирган қизга деди:

- Агар сенга тегинсам, нима қиласан?
- Бобомни чақираман.
- Ўпиб олсам-чи?
- Бобомни чақираман.
- Нега айнан бобомни чақираверасан?
- Чунки унинг қулоғи эшитмайди.



Бир одамни ит тишлаб олди. У дўхтирга борди.

– Сизни қутурган ит тишлабди, – деди дўхтир.

Шунда ҳалиги одам қоғозга шошиб бир нималарни ёза бошлади.

– Нима, васиятнома ёзясизми? – сўради дўхтир. – Хавотирланманг, тузалиб кетасиз.

– Мен тузалгунимча тишлашим керак бўлган одамларнинг рўйхатини тузаяман.



Мижоз сартарошга деди:

– Кўриб турибсиз, мен тепакалман, шунга ҳақни ҳам камроқ олишингиз керак.

– Мен сиздан ҳақни устарани камроқ ишлатганим учун эмас, балки сочингиздан жунларни қидириб топганим учун оламан!



– Сизга пиво келтирайми? – деб сўради официант хўрандадан.

– Йўқ, маъданли сув бера қолинг, рулдаман.

Орадан бир дақиқа ўтгач официант пиво олиб келди.

– Энди бемалол ичаверинг, машинангизни ўғирлаб кетишибди.



– Нима учун эртақларда ялмоғиз кампир бор-у, ялмоғиз чол йўқ?

– Ялмоғиз чолни ялмоғиз кампир ямлаб ташлаган.



Хасис одам машина олмоқчи бўлиб сўрабди:

- Машинангиз қанча бензин ейди?
- Бир қошиқ, – дебди машина эгаси ҳазиллашиб.
- Шундай денг... Ошқошиқдами ёки чойқошиқда?



- Бунча хурсандсиз, дадаси?
- Бошлиқ меҳнат таътилига чиқди.



- Дадажон, хўрозлар нега тонг ёришмасдан қичқиришади?
- Товуқлар уйғонганда хўрозларнинг овози эшитилмай қолади-да!



Асфальт ковлаётган ишчидан йўловчи сўради:

- Қандай қилиб шундай шовқинга чидайсиз-а?
- Э, бу ҳеч гап эмас! Мен бир неча йил бошланғич синфларга дарс берганман.



География ўқитувчиси ўқувчилардан сўради:

- Ким харитадан «Борса келмас» деган жойни кўрсатади?
- Мен, – деди бир ўқувчи ва харитадан Тошкент шаҳрини кўрсатди.
- Нега энди Тошкент «Борса келмас» бўларкан? – ҳайрон бўлиб сўради ўқитувчи.
- Бизнинг қишлоқдан Тошкентга ўқишга кетганларнинг ҳеч бири қайтиб келмаган, – деди ўқувчи.



- Нега яна тўхтаб турибмиз? – деди тезюарар поездда кетаётган йўловчи.
- Рельсга сигир ётиб олибди.
- Бу етгинчи бор тўхташимиз-ку, нима, бу ерда сигирлар кўпми?
- Йўқ, бу ўша аввалги сигир, биз уни қувиб етиб олдик.



– Ўғлингиз нуқул икки баҳо оляпти, буёнинг устига, тўполончи, – деди ўқитувчи.

– Шунақаами? У нечанчи синфда ўқийди ўзи?



Божхона хизматчиси:

– Хоним, бизнинг мамлакатга итларни келтириш ман этилган.

– Менинг итим йўқ.

– Унда, кечирасиз, пальтоингиздан чиқиб турган дум ўзингизники эканлигини билмабман.



– Намунча овози ёқимсиз! Ким экан у куйлаётган?

– У менинг қизим.

– Кечирасиз, билмабман. Аслида, гап овозда эмас, қўшиқда. Тўғриси айтсам, қўшиқнинг ўзи расво. Қизиқ, ким куй басталаган экан?

– Мен...



– Дунёда қачон очарчилик бошланади?

– Хитойлар чўпни қўйиб, қошиқда овқат ейишга ўтишганда!



– Яхши кўрган қизингга уйландингми ёки ҳалиям овқатни ўзинг қиляпсанми?

– Уйланиб ҳам олдим, овқатниям ўзим қиляпман.



Ўқитувчи ўқувчидан сўрабди:

– Харитадан Индонезияни кўрсат-чи!

– Ҳозир, бир дақиқа, – дея ўқувчи уяли телефондан рақам теради. – Ҳозир отамдан сўраб биламан.

– Овора бўлма, отанг ҳам билмайди.

– Нега билмас экан?

– Чунки отангни ҳам ўзим ўқитганман.



- Сенга аёллар ёқадими ёки ароқ?
- Бу ишлаб чиқарилган йилига боғлиқ.



- Ойижон, денгизда чўмилсам майлими?
- Йўқ, мумкин эмас.
- Ахир дадам чўмиляпти-ку!
- Даданг суғурта қилинган.



Психологдан сўрашди:

- Қандай хотинлар садоқатли – қора сочлисими ёки малла сочлилари?
- Оқ сочлиси!



- Икки грамм никотин отни ўлдираркан.
- Отлар нега сигарет чекмаслигини энди билдим.



- Ҳинд аёллари эрга тегса пешонасига нуқта қўйишаркан.
- Эри ўлса-чи?
- Вергул қўйишади.



Бир хонадонга қароқчи ҳужум қилди. Дағ-дағ титраётган уй бекасидан сўради:

- Исминг нима?
- Робия.
- Майли, сени кечирдим, раҳматли онамнинг исмиям Робия эди. Хўш, сенинг исминг нима? – қароқчи эрдан сўради.
- Тешабойман, аммо ёшлигимда мени Робия дейишарди.



Ёзувчи ўртоғидан сўради:

- Янги романимни ўқидингми?
- Қаҳрамони ким?
- Ким охиригача ўқиб чиқса ўша – қаҳрамон!



Боксчи спорт журналистидан сўради:

- Қалай бугунги чиқишим?
- Фикримни телефонда айтсам бўладими?



Йигит қизга тегажоқлик қиларди:

- Ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми?
- Раҳмат, яхши.
- Онангиз ўзини яхши ҳис қиляптими?
- Улар ҳам яхши, раҳмат.
- Акангиз, синглингиз-чи?
- Яхши, раҳмат.

Йигит яна нима дейишни билмай ўйлавиб қолди. Шунда қизнинг ўзи қўллаб юборди:

- Менинг яна бувижоним ва бобожоним ҳам бор.



- Дўстим, бугун оқшомда бирга овқатлансак.
- Яхши таклиф, розиман.
- Унда уйингга соат нечада борай?



– Дўхгир, мен бир ойдан буён ҳар куни тўшимда каламушлар билан футбол ўйнаяпман.

- Мана бу дорини ичсангиз тузалиб кетасиз.
- Дорини эртадан ичсам бўладими?
- Нега?
- Бугун финал ўйини бўлади.



Ёзувчи дўкон мудиридан сўради:

- Менинг китобимни кимлар кўпроқ сотиб оляпти?
- Баққоллар, носфурушлар...



- Югуришда биринчи ўринни олибсан, табриклайман.
- Э, бу ғирт тасодиф. Дам олаётиб билмай чумолининг уясига ўтириб олибман...



Харидор сотувчидан норози бўлиб сўради:

– Сизда инсоф борми ўзи?

– Йўқ, омборда ҳам йўқ.



Голливуд киноюлдузи ўзининг тўйига кетаётиб поездга улгуролмади. Шунда қайлиғига телеграмма юборди: «Мен боргунча бошқасига тегиб кетма».



– Менинг жияним сизларда ишлайдими?

– Ҳа, ишларди. Охирги футбол ўйинида сизнинг дафн маросимингизга бораман деб ишдан рухсат сўраб кетганча қайтиб келмади.



Тарих музейини томоша қилиб юрган кекса хоним дам олиш учун оромкурсига ўтирди. Шунда назоратчи ходим унга танбеҳ берди:

– Бу жойга ўтириш мумкин эмас, у Людовик ХІ нинг курсиси.

– Ташвишланманг, у келиши билан бўшатиб бераман.



– Илгари пул олганда ведомостга қўшув белгисини қўярдингиз. Энди эса тешиккулча шаклини чизяпсиз. Бунинг маъноси нима?

– Чунки энди турмушга чиқдим.



– Аёллар нега чиройли?

– Эркаклар яхши кўриши учун!

– Аёллар нега аҳмоқ бўлишади?

– Эркакларни яхши кўриши учун!



Дангасадан сўрашди:

– Емоқ яхшими ёки ётмоқ?

– Ётиб емоқ.



Опера театрида томошабинлардан бири саҳнадаги артистга ўзича жўр бўлиб хиргойи қила бошлади. Шунда ёнидаги томошабин жаҳл билан хитоб қилди:

– Жим бўлинг!

– Сиз менга гапиряписизми? – сўради хиргойи қилаётган одам.

– Йўқ! Сизни эшитишимга халақит бераётган саҳнадаги артистга гапиряпман.



– Муаллим, кеча сизни кинода хотинингиз билан кўрдим.

– Сендан илтимос, кўрганингни хотинимга айтма!



Бошлиқ бухгалтерларни ишга олиш учун чақириб, уларга икки карра икки неча бўлади деб савол берибди. Ҳаммадан ҳар хил жавоб чиқибди. Ниҳоят, битта номзод раҳбарга яқинлашиб қулоғига: «Ёлғиз қолганингизда айтаман», – деб шипибди. Ёлғиз қолишгач, шундай жавоб қилибди:

– Сизга қанча қилиб берай?

Бошлиқ ўша номзодни ишга олибди.



Бир психолог маърузасида шундай деди:

– Сўз билан одамни ҳар мақомга солиш мумкин. Мана, ҳозир тажриба қилиб кўрамиз.

Маърузачи қаёққадир телефон қилиб сўради:

– Қўзибойни мумкинми?

– Қўзибой бу ерда турмайди, – деган жавоб эшитилди.

Орадан кўп ўтмай тажриба яна давом эгди:

– Қўзибойни чақириб қўйинг.

– Қўзибой бу ерда турмайди деяпман-ку! – гўшакдан ўшқирган овоз эшитилди.

– Ана, эшитдингизми, астойдил жаҳли чиқяпти.

– Сўз билан одамни жинни қилиб қўйиш мумкин, – деди бир талаба. – Ишонмасангиз, телефонни бериб туринг, ҳозир кўрасиз.

Талаба тезда ўша рақамга қўнғироқ қилди:

– Алло! Мен Қўзибойман. Мени ҳеч ким сўрамадими?..



Бир одам бюрократ бошлиқнинг ҳузурига кириб деди:

– Эртага келинг дегандингиз, мана, келдим.

– Ҳмм... Шундай деганмидим?

– Ҳа, шундай дегансиз.

– Яхши! Ундай бўлса эртага келинг-да! Нега бугун келдингиз?



Бир одам тилла балиқ тутиб олибди. Балиқ шундай дебди:

– Учта тилагингни бажо қиламан, фақат ўша нарсалар қўшнингда ўн баробар кўп бўлади.

– Ҳўп.

Ҳалиги одам бир миллион доллар сўраган экан, тилаги муҳайё бўлибди. Қўшниси ўн миллионли бўлибди. Данғилла-ма иморат сўрабди. Бу тилаги ҳам ижобат бўлибди. Қўшнида ўнта шундай иморат пайдо бўлибди. Учинчи совғага келганда у одам чидолмай шундай дебди:

– Илтимос, мени микроинфарктга дучор қил!



Бир афғон меҳмондорчиликка хотинининг орқасидан кетаётган экан, уни кўрган бошқа йўловчи шундай дебди:

– Ота-боболаримиз хотиннинг орқасидан эмас, олдидан юришган.

– Ота-боболаримиз даврида мина бўлмаган-да.



– Беҳуда кутяпсан, бўтам, – деди кампир бекатда турган ўсмирга. – Бу автобус фақат байрам кунлари юради.

– Бугун менинг туғилган куним.



Вайсақи уй бекаси хизматкорини ишдан ҳайдади. У кетаётиб итга танга пул ташлади.

– Бу нима қилиқ? – деди бека ҳайрон бўлиб.

– Ит бу сийловга лойиқ. Сизда ишлаган шу уч ой мобайнида у ҳар кунни уч маҳал ликопчаларни топ-тоза қилиб ялаб қўярди.



Бир қиз ҳар гапида «вой» деяверар экан, отаси танбеҳ берибди:

- Гапирганинга «вой» демасдан гапир.
- Вой, майли, дадажон!
- Ҳозиргина нима дедим? Яна «вой» дейди-я!
- Вой, ҳўп дедим-ку, дадажон.
- Агар яна «вой» десанг, эрга бевораман.
- Вой, вой, вой...



Кинотеатрдаги томошабин олдида ўтирган кишига деди:

- Марҳамат қилиб шляпангизни олиб қўйсагиз! Бирор нарса кўрармикинман деб, паттага уч минг тўлаганман!
- Мен ҳам бошқалар кўриб қўйсин деб, бу шляпага йигирма минг тўлаганман!



Хасис эр хотинига деди:

- Хотин, биласанми, газетада ёзишича, бир марта юракдан кулиш кулган кишига тўртта тухумнинг қувватини бераркан. Ҳар куни қозон осавермай, болаларни кулдириб ҳам туриш керак.



Бир одам чўпон қўшнисидан илтимос қилибди:

- Мана шу битта эчкимни юзта қўйингизга қўшиб боқиб беринг.
- Ҳўп.
- Орадан бир ой ўтгач у одам эчкисини суриштирибди:
- Бизнинг эчки юрибдими?
- Эчкингизни бўри еб кетди.
- Ие, юзта қўйни емаган бўри келиб-келиб битта эчкини ейдими?
- Бўри қўй гўштини емас экан, қон босими юқари экан.

## ЭР-ХОТИН, ҚАЙНОНА

Иккита оғайни кўчада кетишаётган экан, рўпарадан иккита хотин чиқиб қолибди.

- Ана бу хотинларни кўряпсанми?
- Кўряпман.
- Улардан бири менинг хотиним, иккинчиси маъшуқам.
- Ғалати тасодиф! – дебди иккинчиси. – Наригиси менинг хотиним, буниси эса маъшуқам.



Котиба бошлиғига деди:

- Хотинингиз телефонда илтимос қиляпти.
- Илтимос қиляпти?! Унда бу менинг хотиним эмас!



- Мен тушимда бўйдоқ эмишман ва сендан менга турмушга чиқишингни сўрабман.
- Намунча бунчалик димоғинг чоғ?
- Сен менга рад жавобини берибсан...



- Эркакларга бир гап айтсанг, бу қулоғидан кириб, унисидан чиқиб кетади.
- Хотинларга бир гап айтсанг, икки қулоғидан кириб, оғзидан чиқиб кетади.



- Эшитишимча, уйланган эмишсан.
- Ҳа, ошхоналарда овқатланиш ёқмаётган эди.
- Энди-чи?
- Энди ёқяпти.



– Шанба куни тўйга боришим керак. Шу тўйга мутлақо боргим йўқ.

– Ундай бўлса борма!

– Йўқ, бормасам бўлмайди, куёв ўзимман!



Хотин эрига деди:

– Кеча чўкаётганимда мени қутқариб қолган одамни кўрдингизми?

– Ҳа, кўрдим, у кеча келиб узр сўраб кетди.



Эр кечаси уйга келмади. Эрталаб кўринганда хотини сўроққа тутди:

– Кеча қаерда тунадингиз?

– Нодирникида.

Хотин тезда Нодирга телефон қилди:

– Эрим кеча сизларникида тунадими?

– Ҳа, ҳозир ҳам ухлаб ётибди.



– Итингизнинг думини нега кесиб ташладингиз?

– Қайнонам келганда думини ликиллатганига чидай олмадим.



Узоқ вақт бир-бирини кўрмаган дўстлар тасодифан учрашиб қолишди. Шаҳарлик йигит дўстини уйига таклиф қилди. Меҳмон дастурхон ёнига ўтириб ҳазиллашди:

– Қани, дўстим, кароматингни кўрсат!

Дўсти ўтирган жойида бақирди:

– Каромат! Бу ёққа қаравор!



Эр уйга маст ҳолда келди. Хотини уни ўқлов билан кутиб олди. Эр чўкка тушиб хотинининг белидан қучди

– Тилла топаман деб бутун дунёни айланиб чиқдим, лекин сендақа тиллани тополмадим.



Хотин эрига бақияпти:

- Сизга хизматкор бўлиш жонимга тегди, ажрашаман.
- Йўқ, сен бўшатилдинг.



Бир одам бозорда сигирини сотарди. Харидор келиб сўради:

- Сигирингиз серсутми?
- Ҳа, сути яхши, аммо битта камчилиги бор.
- Қанақа камчилик экан?
- Соғилаётганда қаттиқ тепади.
- Ҳечқиси йўқ, сигирни хотиним соғади.



Поездда икки йўловчи суҳбатлашяпти.

- Менинг хотиним фаришта.
- Бахтли экансиз, меники ҳали тирик.



– Хотинимнинг ой-куни яқин эди. Уйдан тезда келинг деб шошилишч телефон қилишди. Шошиб уйга бордим, шошиб гаражга кириб, шошиб машинани олиб чиқиб, шошиб туғруқхонага бордим, шошиб тушиб, шошиб машина эшигини очсам... э воҳ, шошилишчда хотинни эсдан чиқариб уйда қолдирибман.



– Уйланганимга ўттиз йил бўлди, фақат бир мартагина хотин билан фикримиз бир жойдан чиққан.

- Қачон шундай бўлди?
- Уйимизга ўт тушганда битта эшикдан қочиб чиққанмиз.



Кўпхотинли киши қамоққа ҳукм қилинди. Унинг камерадошлари сўрашди:

– Сен бу ерга жазо муддатини ўташга келдингми ёки дам олгани?



- Битта йўлланмага бутун оила дам олиши мумкинми?
- Мумкин, агар йўлланма қайнонага берилса.



- Дадаси, мана, 8 мартда олинадиган совғаларнинг рўйхатини тузиб чиқдим. Ўқийми?
- Йўқ, шошма! Олдин валерианкамни олиб чиқ.



Хотин эриникидан аразлаб кетиб қолди. Лекин кўп ўтмай қайтиб келиб эрига: «Мени кечиринг», – деб ёлбоғ а бошлади. Эрнинг фиғони фалакка чиқди:

- Кетиб қолганингни кечирим мумкин, аммо қайтиб келганингни у дунё-бу дунё кечирмайман!



Қаҳратон қишда Афандининг уйига меҳмон келди. Афанди иссиқ сандалда ўтириб дутор чаларди. Дуои фотиҳадан сўнг меҳмон сўради:

- Янгамиз кўринмайдилар?
- Ташқарида ўтин ёряпти.
- Сиз иссиқ уйда дутор чалиб ўтирсангиз, янгам хотин боши билан совуқда ўтин ёрса, шуюм инсофданми? – деди меҳмон.
- Янгангиз дутор чалишни билмаса, нима қилай?



Ахлат ташийдиган машина орқасидан ҳайҳайлаб югуриб кетаётган дўстини кўрган ўртоғи деди:

- Нима, машина билан кимўзарга югуриясанми, дўстим?
- Йўқ, – деди дўсти ҳаллослаб, – хотиним эски пайпоғимни ахлатга қўшиб ташлаб юборибди. Ичида беркитган пулим бор эди.



– Ойижон, уч номзод йигитлардан қай бирини танлашни билмаяпман. Улардан биринчиси яхши пул топади, иккинчиси ўта ақлли, учинчиси рақс тушади.

- Биринчисини рақсга ўргатиб бўлмасмикин?



Қари бўйдоқ дўстига деди:

- Хотинлар қароқчидан ҳам баттар бўлишади.
- Нега ундай деяпсан?
- Қароқчи ё пул ё ҳаёт деса, аёллар бирваракайига ҳар иккисини талаб қилади.



Ажрашаётган эр-хотин уч нафар фарзандни ўзаро бўлишолмай хуноб бўлишди. Ногоҳ эрнинг миясига ажойиб фикр келди.

– Топдим! – деди у жонланиб. – Кейинги йили ажраша қолайлик.

– Тушунмадим, – деди хотини анграйиб.

– Келаси йили тўртинчисини туғасан, шунда болаларни тенг иккитадан бўлиб оламиз.



Бир кишининг хотини уч кунгача уйга келмади. Эр ҳаяжонланиб милиция бўлимига борди.

– Мана бу қоғозни олиб хотинингизнинг ташқи кўринишини ёзинг, – деди милиция ходими.

– Ёзишга ёзаман, аммо буни кейин хотинимга кўрсатманг.



– Сиз, аёллар, ҳайвонот дунёсидан миннатдор бўлишингиз керак! – деди эр. – Масалан, қимматбаҳо пўстин кийишингиз учун қундуз мўйнасини, бежирим туфли учун тимсоҳ терисини, ихчам сумкача учун илон ҳам терисини тортиқ қилади. Ана шу нарсаларни сизларга сотиб олиб берадиган эшак ҳам топилади.



Истироҳат боғидаги ўриндиқда бир чол йиғлаб ўтирарди. Ёнидан ўтаётган бир одам ундан нима бўлганини сўради.

– Ёшим етмиш бешда. Уйда йигирма беш ёшли хотиним бор. Жуда чиройли. Мени жуда ҳам яхши кўради.

– Хўш, унда нима гап ўзи?

– Қаерда яшашимни унутиб қўйдим.



Харидор сотувчидан сўради:

– Синглим, хотинимга туғилган кунига нима совға олсам бўларкин?

– Ўзларидан сўрай қолмадингизми?

– Менда бунча пул йўқ-да.



Хотин ухлаётиб ўйларди: «Эртага турмуш қўрганимизга ўн беш йил бўлади. Эрим эсласа керак. Қандай совға оларкин?..»

Енида ётган эр ҳам ўйларди: «Ўн беш йил!.. Агар мен уни ўшандаёқ бўғиб ўлдирганимда эртага озодликка чиққан бўлардим».



– Шунақаям омадсизлик бўладими? – дея бир одам дўстига ҳасрат қилди. – Далаҳовлимни ўғри урди, уйимга ўт тушди, машинамниям уриб олдим. Буям камлик қилгандек, хотиним ҳам кетиб қолди. Бундан баттар бўлиши мумкинми?

– Мумкин. Агар хотининг қайтиб келса...



Бир одам дўстига ҳасрат қилди:

– Бўлди, тамом, ажрашаман!

– Нима гап ўзи?

– Хотиним уззукун пивохоно ва ресторанларда изғиб юради.

– Наҳотки, шунчалик алкаш бўлса?

– Йўқ, у мени қидиради.



Эр жаҳли чиқиб хотинига деди:

– Ўғлимиз жуда бебош бўлиб кетяпти. Ҳаменимдан пул ўғирлабди.

– Нега энди ўғлимизни айблаяпсиз? Балки, пулни мен олгандирман.

– Йўқ, сен олмагансан, агар сен олсанг, ҳаменда ҳеч нарса қолмасди.



– Айтишларича, семиз кишилар ориқларга нисбатан эси пастроқ бўлармиш, – деди бир одам хотинига. – Сен қандай фикрдасан?

– Тўғри айтдинг, бақалоғим.



Хотин эрига деди:

– Ойимни шаҳарга олиб бориб томоша қилдирсангиз бўларди.

– Фойдаси йўқ, у яна йўлни топиб қайтиб келаверади.



– Дўстим, дардингни янгилаганим учун кечиргин-у, хотинингнинг оёғини машина эзиб кетибди деб эшитдим, тузукми ахир? Афсус, сенгаям жабр бўпти.

– Э, нимасини айтасан, оёғидаги этикни икки юз долларга обевурдим, эсизгина, янгигина этик эди-я.



– Ойижон, мен у йигитга турмушга чиқмайман.

– Нега?

– У кофир экан, дўзахнинг борлигига ишонмаяпти.

– Парво қилма, сенга уйлангандан кейин дўзахнинг борлигига албатта ишонади.



– Тароғим синиб қолувди, янгисини олишга пул беринг, – деди хотин эрига.

– Тароқнинг битта тиши синса ҳам янгисини олаверасанми?

– Охирги тиши синувди, дадаси.



Ашаддий жиноятчи қамоқхонадаги шеригига деди:

– Менинг бир ажойиб орзуим бор.

– Қандай орзу экан?

– Банкни ўмариб, у ерда қайнонамнинг бармоқ изларини қолдирсам дейман.



– Мўйнали пўстининг чиройли экан. Эринг ишини ўзгартирдим?

– Йўқ, эримни ўзгартирдим.



Эр хотинига деди:

– Хайрият, бугун биринчи марта телефонда оғроқ гаплашдинг.

– Чунки телефон қилган дугонам эмас экан. Бир аёл адашиб телефонимизга тушиб қолипти, шунинг учун чорак соат гаплашдим, холос.



Тилшунос профессордан сўрашди:

– Сиз ҳамма тилларни биласизми?

– Ҳа, фақат иккита тилдан ташқари.

– Қизиқ, қандай тил экан у?

– Хотинимнинг тили билан қайнонамнинг гилини билмайман.



Полиция комиссари жиноятчини тутиб келтирган агентдан сўради:

– Ахир у аёллар кийимини кийиб олган экан-ку, жиноятчилигини қаёқдан билдингиз?

– Жаноб комиссар, мен унинг орқасидан узоқ кузатиб юрдим. У биронта ҳам модалар витринаси олдида тўхтамади.



– Менга қара, сен хотинингни алдайсанми?

– Албатта, бошқа кимни ҳам алдардим.



Кема ҳалокатига учраган йўловчи тонгга яқин инсон қадами етмаган оролчага етиб бориб ҳайратдан ўзидан кетаёзди. Ўша ерда ҳам хотини бобиллаб турарди:

– Ҳм-м! Энди келдингизми? Кема кечқурун чўккан эди, туни билан қаерларда санқиб юрдингиз?..



- Оилавий ҳаётинг қандай?
- Зўр! Ажралишни уч марта кейинга қолдирдик.



- Менинг қайнонам ажойиб аёл, шунақанги ажойибки, таърифлашга ожизман. Фақат битта нуқсон бор.
- Қандай нуқсон экан?
- Нафас олади, ер ютгур!



Бир аёл интернет орқали бадавлат одам билан танишибди ва унинг таклифига кўра учрашувга чиқибди. Бироқ уйга қовоғидан қор ёғиб қайтибди.

- Нега бунчалик хафасан? – сўрабди синглиси.
- Биласанми, у учрашувга 1928 йилда чиққан «Мерседес»-ни миниб келибди.
- Ваҳ, ахир бу зўр-ку! Бунақа антиквар машина жуда қиммат туради.
- Тўғрику-я, бироқ у машинасини чиққан йилдан буён ҳайдар экан-да.



- Ота-оналаримга ажралишаётганимиз ҳақида қандай айтишни билмай бошим қотяпти.
- Нимага қўрқяпсан?
- Улар ҳали турмушга чиққанганимни билишмайди-да.



- Нима учун ҳамма аёллар сени яхши кўришади?
- Чунки мен ақлли, олижаноб ва чиройлиман.
- Унда нега уйланмайсан?
- Яна қайтараман: чунки мен ақллиман!



– Неча марта айтаман, овқат тайёрлаётганимда мени алаҳситманг деб. Мана, ҳозир овқат қилишни ўрганаётган китобимнинг бети ёпилиб қолди. Энди нима овқат қилаётганимни эсдан чиқариб қўйдим.



– Оғайни, нега қайнонангнинг қабрига шундай катта тош ўрнатдинг?

– Қабридан чиқиб кетмасин дедим.



– Шундай қилиб, сизнинг кўпхотинлигингиз ҳақидаги айблов тасдиқланмади, – деб эълон қилди судья. – Энди хотинингизнинг олдига қайтишингиз мумкин.

– Уф-ф... қайсинисига борсам экан?!.



Газетадаги эълон:

«Битта эллик ёшли хотинимни иккита йигирма беш ёшлисига алмаштираман».



– Уйланганлар уйланмаганларга нисбатан узоқ яшайди дейишади. Шу гап ростми?

– Йўқ. Уларга умр узоқроқ туюлади, холос.



– Хотиним билан ҳар жанжаллашганимизда минг сўмдан ташлаб қўядиган одатим бор.

– Хўш, натижа нима бўлди?

– Яқинда «Нексия» сотиб олдик.



Эр ишдан шошиб келиб футболни кўриш учун телевизорни қўйди.

– Мен ҳисоб қандай бўлишини биламан, радиодан эшитувдим, истасангиз айтишим мумкин, – деди хотини.

– Айтма, қизиғи қолмайди, ўзим кўриб биламан, – деди эр.

– Кўрсангиз кўраверинг, барибир гол бўлмайди, – деб қовун туширди хотин.



– Дада, сизни ойингиз урармиди?

– Йўқ, фақат сенинг ойинг уради.



- Уйланганмишсан деб эшитдим.
- Ҳа, уйландим.
- Хўш, қалай энди?
- Э, сўрама! Ичиш мумкинмас, чекиш мумкинмас.
- Афсусланияпсанми?
- Афсусланиш ҳам мумкинмас!



Ўғил отасидан сўради:

- Дада, айтишларича, айрим Шарқ мамлакатларида куёв уйлангунча хотинининг ким эканлигини билмас эмиш. Шу гап тўғрими?
- Ҳамма мамлакатларда аҳвол шундай, ўғлим!



Шифокор ҳузурига кирган аёл сўради:

- Дўхтир, эримнинг асаблари жуда таранглашиб қолган. Айтинг-чи, асабини даволаш учун денгизга саёҳат қилайликми ёки тоққа?
- Яхшиси, сиз тоққа, эрингиз денгизга борсин ёки аксинча...



- Уйландингми?
- Йўқ.
- Нега?
- Танлаган қизларим онамга ёқмаяпти.
- Онангга ўхшаган қиз топсанг, ёқади.
- Онамга ўхшагани отамга ёқмаяпти.



- Жонгинам, мен дўстим Ферузга ўхшаб катта фермер эмасман, машинам ҳам йўқ, лекин шуни билиб қўйингки, мен соф севги эгасиман.
- Мурод ака! Мен ҳам сизни жуда яхши кўраман. Бир илтимосим бор...
- Айтинг, ҳар қандай илтимосингизни бажараман.
- Ўша фермер дўстингиз билан таништириб қўйинг!..



Бир қиз фолбиндан сўрабди:

- Мени Эшмат билан Тошмат севади. Айтинг-чи, улардан қай бири омадли бўлиши мумкин.
- Тошмат омадли, чунки сенга Эшмат уйланади.



- Мен бир йилдан буён хотиним билан гаплашмайман.
- Нега?
- Гапини бўлгим келмайди.



Икки оғайни пивохонада ўтиришарди. Ногоҳ улардан бири гуп этиб столнинг остига кулади.

– Ёрдам беринглар! – қичқирди шериги. – Дўхтирни чақиринг! Инфаркт!

– Қанақа инфаркт, тўнка?! – деди оғайниси стол остидан тўнғиллаб. – Нима, кўрмаяпсанми, бу ёққа хотиним кириб қолди-ку!



Яқинда турмушга чиққан қиз дадасидан маслаҳат сўради:

– Дада, эрим ҳаддан ташқари семириб кетяпти, бироз озиб, бинойидек бўлиши учун нима қилиш керак?

– Э, қизим, – деди дадаси, – эрни оздиришда ойингнинг тажрибаси зўр, сен ундан сўрай қол.



– Демак, сиз жиноятчи қайнонангизни бўғиб турганини кўриб тургансиз?

– Кўриб турувдим, жаноб судья.

– Нега ёрдам бермадингиз?

– Ёрдам бермоқчи эдим, аммо у бир ўзи ўлдира олишига кўзим етгач, аралашмадим.



– Меҳмондорчиликка кимларни таклиф этамиз? – деб сўради хотин эридан.

– Аввал парҳездагиларни айтамиз, – жавоб қилди эри.



Телевизор қаршисида видеофильм томоша қилиб ўтирган аёл эрига эркаланди:

– Дадаси, сиз ҳам анави артистга ўхшаб эркалатишни биласизми?

– У бунинг учун маош олади-да, хотин.



Кечаси хотин эрини туртди.

– Нима, футболми?

Хотин яна туртди.

– Хоккейми?

Аччиқланган хотин балконга чиқиб ташқарига қараб чинқирди:

– Бу шаҳарда ҳақиқий эркак борми ўзи?

Шунда биринчи қаватдан кўшни эркакнинг овози эшитилди:

– Нима, ароғинг борми?



– Хотининг бир неча кундан буён қора кўйлак кийиб юрибди. Бирорта қариндоши оламдан ўтдимиз?

– Йўқ, у қачон мен билан жанжаллашса биринчи эрини кўмсаб аза очади.



– Дўстим, хотинингдан ажралишганмишсан?

– Биринчи апрель ҳазили қилиб дўконимдан камомад чиқиб қолди, тилла тақинчоқларингни сотиб тўламасам қамалиб кетаман дегандим. Кечқурун келиб қарасам, онасиникига кетиб қолибди.



Сартарошхонада уста мижозга деди:

– Сочларингиз тўкилиб боряпти. Шу кетишда кўп ўтмай бошингиз ялтироқ бўлиб қолади. Сочингизнинг қолган қисмини сақлаб қолиш учун бирон чора кўришингиз керак.

– Чорасини кўриб қўйдим. Хотиним билан ажралиш ҳақида ариза бердим.



– Айтинг-чи, эрингизнинг аёллар орқасидан югуришига муносабатингиз қандай?

– Югурса югурар. Масалан, итим машиналар орқасидан югуришни яхши кўради, лекин бу машинага етиб олиши билан рулга ўтиради дегани эмас-ку!



Бир киши болаликдан бирга ўсган дўстининг ёнига келиб маслаҳат сўради:

– Мана, сен прокурорсан. Айт-чи, қайнонам 20 йилдан буён менга зуғум ўтказиб келади. Уни қамаш мумкинми?

– Йўқ.

– Агар уни бир уриб ўлдириб қўйсам, мени неча йилга қамайсан?

– Ўн беш йилга.

– Йўғ-эй?! Бир вайсақи кампир учун шунча йилми? Ахир биз сен билан қадрдон дўстмиз-ку!

– Сен қотиллик қилган бўласан, қотилга эса мутлақо шафқат қилинмайди. Лекин... менинг қайнонамни ҳам қўшиб ўлдирсанг... дўстлигимиз ҳурмати ёрдам беришим мумкин.



– Тинчликми? Қовоғингдан қор ёғяпти.

– Ҳозиргина собиқ хотинимнинг янги эри менга телефон қилиб: «Уч йиллик турмушинг давомида унга овқат қилишни ўргатсанг бўлмасми?» – деб роса бошимни қотирди.



– Нега хотинингиз билан ажрашмоқчисиз?

– У ётган жойида чекади.

– Бу нарса ажралишга баҳона бўлолмайди-ку.

– Тўғри, бироқ хотиним қулогимдан кулдон ўрнида фойдаланади-да.



– Айтинг-чи, аҳмоқлик ажралишга баҳона бўла оладими?

– Албатта! Нима, хотинингиз аҳмоқми?

– Йўғ-э, унга уйланган мен аҳмоқ!



Бир вақтда уйланган икки ўртоқ суҳбатлашарди:

– Энди оилавий бўлиб борди-келди қилсак, яхши бўларди. Менинг хотиним ҳамма нарсани хомлигича ейиш фойдали деяпти.

– Буни қара-я, менинг хотиним ҳам овқат қилишни ёқтирмайди.



– Биласанми, – деди эр хотинига, – хотинлар косметикага давлат армияга сарфлайдиган маблағдан ҳам кўпроқ пул сарфларкан.

– Аёлларнинг ғалабаси ҳам икки ҳисса кўпроқ-да!



– Табриклайман, дўстим! Хотининг билан ярашиб тўғри қилибсан.

– Янглиш эшитибсан. Ярашиш хаёлимга ҳам келгани йўқ.

– Ахир кечагина хотининг билан юзма-юз туриб ўтин аралаганингни кўрдим-ку!

– Ўтин эмас, мебелни ўртасидан бўлиб тақсимлаётган эдик.



– Сиз уйланганмисиз ёки сўққабошмисиз? – деб сўради чевар буюртмачидан.

– Уйланганман.

– Унда яширин чўнтак кўзга кўринмайдиган жойга тикиларкан-да?

– Фойдаси йўқ, хотиним барибир топиб олади.



Милиция бўлимига бир аёл йиғлаб кирди:

– Эрим йўқолиб қолди, топишга ёрдам қилинг, мен усиз яшолмайман.

– Кечирасиз, эрингиз қачон йўқолди?

– Бир ҳафта бўлди.

– Нега энди қидиряпсиз?

– У бугун маош олиши керак эди.



– Вокзалга бориб қайнонамни кутиб олсанг, ўн доллар берман.

– Мабодо у келмаса-чи?

– Унда йигирма доллар оласан.



– Нима қилай? Эрим ҳамма вақт олдинги хотини ҳақида гапиради.

– Сеники яхши экан. Меники бўлғуси хотини ҳақида гапириб куйдиради.



Эр-хотин ўғилчасини овқатлантириб ўтиришган экан. Ўғилча шўрвадан чиққан суякни гажийтганини кўриб онаси уришибди:

– Нега суяк гажийсан? Нима, сен итмисан?! Отанга бер!



– Бўйдоқ деб кимни айтишади?

– Уйқусида бемалол гапира оладиган кишини.



Суқротдан шогирдлари сўрашибди:

– Кўнгилдагидек никоҳ учун қандай шартлар керак?

– Бунинг учун икки нарсa зарур. Эр кар, хотин кўр бўлиши керак.



Бир киши янги уйланган ўртоғидан сўради:

– Хотининг билан қандай яшаяпсизлар?

– Биринчи ҳафтада мен гапирдим, у тинглади, иккинчи ҳафтада у гапирди, мен тингладим, энди иккаламиз барабарига гапиряпмиз, кўшнилар эшитишяпти.



– Кўп ташвиш чекаверманг. Хотинингизнинг асаб касаллиги унча хавфли эмас. Бу касал билан юзга киради.

– Мен-чи, дўхтир?



– Тўғриси айтинг, сизга чиройли аёллар ёқадими ёки ақллиси?

– Униси ҳам, буниси ҳам ёқмайди, шунинг учун сенга уйланганман-да, хотин.



Судда хотини билан ажрашаётган одамдан сўрашибди:

– Нега ажрашяпсиз?

– Хотиним ғилай экан.

– Ғилайлигини тўйдан олдин пайқамаганмидингиз?

– Унда менга кўз сузаяпти деб ўйлагандим.



– Қайноталар нега келинларига меҳрибон бўлишларини биласанми? – деб сўрабди яқинда қайнота бўлган киши ўртоғига.

– Сен биласан-да, яқинда қайнота бўлдинг-ку!

– Чунки иккови ҳам бир одамдан қўрқишади.



Бозордан қайтиб келган эрига хотини деди:

– Ҳечам яхши нарсаларни танлашни билмадингиз-билмадингиз-да.

– Эй хотин, – деди эри, – яхши нарсаларни танлашни билганимда сени танлармидим.



– Нега эринг билан ажрашдинг?

– У менга итдан талаб қилинадиган нарсани талаб қилди-да.

– Қизиқ, нимани талаб қилди ўзи?

– Вафодорликни.



Ошиқ йигит севгилисига сирли шивирлади:

– Биласизми, мен ниҳоятда камтар, ҳалол одамман. Шу вақтгача қўй оғзидан чўп олмаганман. Агар сўзларимга ишонмасангиз бориб хотинимдан сўранг.



Хотин эридан сўради:

- Азизим, «Қандай қилиб юз йил яшаш мумкин?» деган китоб олиб келган эдим, шунга кўзинг тушмадим?
- Мен у китобни яшириб қўйдим, – деди эр, – чунки ойи-жонинг ўқий бошлаган экан.



- Нега қиз қуриб кетгандай, шу қизга уйландинг, ялмоғиз кампирнинг ўзи-ку! – деди ширакайф киши дўстига.
- У менинг ҳаётимни сақлаб қолди!
- Қандай қилиб?
- Мени огоҳлантирди, «Агар менга уйланмасанг, ўлдираман», – деди.



- Қоронғи муюлишда қароқчи йўловчининг пешонасига тўл-понча тираб деди:
- Қани, тезда пулни чиқар, акс ҳолда, миянгнинг қатиғини чиқарвораман.
- Чиқаролмайсан, хотиним асал ойдан кейин «Сенинг миянг йўқ!» деган.



Ўғил отасидан сўради:

- Ота, милтиқ билан автоматнинг фарқи нимада?
- Хўш, сенга қандай тушунтирсам экан... Мана, менинг гапиришимни милтиққа қиёсласак, онангнинг гапириши худди автоматнинг ўзи!



- Яқинда уйланган йигит хотинига супурги сотиб олиб берди. Хотин супургини айлантириб кўраркан, сўради:
- Бундан қандай фойдаланиш ҳақидаги йўриқнома қани?



- Дадажон, нега сиз онамга уйлангансиз?
- Мана кўряпсанми? – деди эр хотинига. – Ҳатто шу бола ҳам сенга уйланганимга ажабланыпти.



- Хотининг овқат қила оладими?
- Қила олади. Фақат у қилган овқатни мен еёлмайман.



- Ўтган ҳафта газетага ўзимга мос умр йўлдош излаётганим ҳақида эълон бергандим. Қара, бир халта мактуб келди.
- Уларда нима деб ёзилган?
- Асосан «Менинг хотинимни ола қол!» деган таклиф ёзилган.



- Қўшнимнинг бошига оғир мусибат тушди.
- Қандай мусибат экан?
- Хотиним билан қочиб кетди...



Эр хотини билан машинада кетишарди. Тезликни оширгани учун ДАН ходими тўхтатди.

- Тезликни оширганим йўқ! – деди эр норози бўлиб.
- Оширдингиз!
- Оширмадим!
- Оширдингиз!

Шунда хотин ДАН ходимига қараб деди:

– Бу билан тортишиб ўтирманг. Ичиб олганда шунақа ўжар бўлиб қолади.



Эру хотин саёҳатлар бюросига келипти.

- Биз денгиз сафарига бормоқчимиз, – дебди эр.
- Имкони бўлса, ҳар хил каюталарда, – деб луқма ташлабди хотин.
- Ҳар хил океанларда бўлса, янада яхши бўларди, – илова қилибди эр.



– Нега аёллар эркакларга нисбатан узоқроқ умр кўришадими?

- Чунки уларнинг хотини йўқ-да!



Бир аёл милиция бўлимига бориб эри тўрт кундан буён уйга келмаганини айтди.

- Эрингизнинг баданида биронта белгиси борми?
- Йўқ, аввал уйга қайтсин, белгилар кейин пайдо бўлади.



Судья айбланувчига деди:

- Хотинингизнинг шикоятига қараганда, сиз уни оёғингиз билан роса тепкилабсиз. Нега шундай қилдингиз?
- Чунки бинойи эркаклар аёл кишига қўл кўтармайди-да!



- Нега шу вақтгача уйланмадинг?
- Мен мукамал аёлни қидиряпман.
- Хўш, биронтасини топдингми?
- Топдим, аммо унга ҳам мукамал эр керак экан.



- Сизга раҳмим келиб кетяпти, қўшни.
- Нима учун?
- Мен бугун хотинимга қимматбаҳо шуба олиб келувдим.
- Жуда яхши. Хўш, бунинг менга нима дахли бор?
- Дахли шундаки, хотиним ҳозир уни хотинингизга кўрсатгани кийиб чиқмоқчи...



- Қизим, сен у йигитга турмушга чиқма! У олдинги хотинини калтаклагани учун ўн беш ой қамоқда ётиб чиққан экан.
- Вой алдоқчи-ей! Менга: «Уч ойгина ётиб чиққанман», – деганди.



- Агар эрим мен билан жанжаллаша бошласа, мен уни онамникига кетиб қоламан деб қўрқитаман.
- Мен бўлсам тескарисини қиламан. Эртадан бошлаб онамни уйга олиб келаман десам бас, эримнинг овози чиқмай қолади.



– Хотиним билан ажрашмоқчиман. Ярим йилдан бери мен билан гаплашмайди.

– Ҳей нодон! Гапирмайдиган бунақанги зўр хотинни қаердан топасан? Ҳйлаб кўр!



– Яхши кўрган қизинг сени ташлаб кетгани тўғрими?

– Тўғри.

– Унга отанг миллионер экани, бир оёғи гўрдалигини айтмадингми?

– Айтувдим, у отамга турмушга чиқиб кетиб менга она бўлиб қолди.



Танишувдан бир ой ўтгач қиз йигитдан сўради:

– Азизим, энди қариндошларинг билан таништирмайсанми?

– Сенга қандай тушунтирсам экан, болалар қайнонамни кига кетишган, хотиним меҳнат таътилида...



– Улар узоқ вақт бирга бўлишса-да, турмуш қуришмади.

– Нега?

– У ичган пайтда қиз истамади, йигит эса ҳушёрлигида уйланишни истамади.



Гапга нўноқ бир йигит куёв бўлганида чимилдиқда келинболани нима деб гапга солишни билмай шундай деди:

– Дадангизнинг ҳўкизи нечта?

– Сиз билан иккита бўлди.



– Тасаввур қиламан, икки кун ғойиб бўлиб кетганимда каллангга жуда ёмон ўйлар келиб кўрққандирсиз? – деди хотин эрига.

– Ҳа, албатта, – жавоб қилди эри, – қайтиб келасан деб кўрқдим.



– Қиёмат қачон бўлади?

– Хотинимнинг жаҳли чиққанда.



Она ўғлининг унаштирилганини эшитиб қувониб кетди ва табриклар хат ёзди:

«Ўғилгинам, янгиликни эшитиб бошим осмонга етди. Отанг иккаламиз бахтинг очилганидан хурсандмиз. Яхши хотин – Яратганнинг ҳадяси. Эркак учун хотиндан яқинроқ дўст, хотиндан азизроқ хазина бўлмайди».

Ўғил хатни олиб ўқиган эди, отасининг иловасига кўзи тушди:

«Уйланишни хаёлингга келтирма, тентак!»



– Азизим! Бугун тўйимизга 25 йил бўлибди. Кел, шу сани одатдагидан бошқачароқ нишонлайлик, – деди хотин эрига.

– Хўп. Бир дақиқа сукут сақлаймиз!



– Мен кеча лотереядан бир миллион сўм ютиб олдим. Хотиним хурсандлигидан соқов бўлиб қолди.

– Қара-я, бирданига қўшалоқ бахт кулиб боқибди.



Эр-хотин баҳслашиб қолишди.

– Ҳа, чиндан ҳам сиз худбин экансиз, – деди хотин. – Нуқул: «Меники, меники...» – деяверасиз... Менинг хотиним, менинг уйим, менинг пулим... Энди сизнинг ҳеч вақонгиз йўқ, фақат бизники деб гапиринг, хўпми? Тўхтанг, шкафдан нимани қидиряпсиз?

– Бизнинг шимимизни, – жавоб қайтарди эри.



– Эшитаман, йигитча.

– Мен қизингизнинг қўлини сўраб келдим.

– Қўлини нима қиласиз? Ўзини ола қолинг.



– Ким хотинидан қўрқса, бир қадам олға!

Ҳамма бир қадам ташлабди. Фақат бир киши қимирламабди.

– Хотинингдан қўрқмайсанми? – сўрашибди ундан.

– Хотиним жойингдан жилма деган, – дебди у.



– Тўғриси айт, мендан олдин ҳам биронта йигитни севганмисан?

– Тавба, сиз – йигитларга ҳайронман. Барчангиз бир хил саволни берасизлар-а...



«Отелло» спектакли тамом бўлгач, бир хоним жуда таъсирланиб кетиб: «Муаллифи саҳнага чиқсин!» – деб қичқирибди.

Шунда эри унинг тирсагидан силтаб тортаркан, жаҳл билан деди:

– Ўтир жойингга, аҳмоқ! Муаллифи ўтган йили қазо қилган...



– Сизга ичиш, чекиш, қарга ўйнаш, бегона аёллар билан юриш мутлақо мумкин эмас, – дебди шифокор беморга.

– Тушунарли... Демак, хотиним келиб кетишга улгурибди-да...



– Қизим, нега бунчалик менга дағдаға қиляпсан?

– Вой, кечирасиз, ойижон, хаёлпаршонлик, мен сизни қайнонам деб ўйлабман.



Вокзалда куёв қайнонасини сафарга кузатяпти. Муттасил соатдан кўз узмаётган куёвдан қайнона сўради:

– Поездим жўнашига қанча вақт қолди.

– Бир соату йигирма дақиқаю тўрт сония! – жавоб қилди куёв.



- Дадаси, эртага якшанбада нималар қилишни ўйлаясиз?
- Уйдан чиқиб кетиш учун сенга нима баҳона топсам экан деб ўйлаяпман, хотин!



Она қизига маслаҳат берди:

- Эринг билан ҳеч қачон тортишиб ўтирма, дарров йиғлавор.



Хотин эрига тайинлади:

- Мен қўшниникига беш дақиқага кириб чиқаман, сиз бўтқани ҳар ярим соатда аралаштириб туринг, хўпми?



- Хотин, энди нима қилай?

- Нима бўлди?

– Қўшни телевизор олганда ҳоли-жонимга қўймай янги телевизор олдирдинг, қўшни мебель олган куннинг эртасига биз ҳам мебель сотиб олдик. Қўшни машинасини алмаштирганда фингшийвериби мени ҳам янги машина сотиб олишга мажбур қилдинг.

- Нима, қўшнимиз яна бирон нарса сотиб олибдими?

- Ҳа, у яна уйланибди.



- Мен тўсатдан ўлиб қолсам йиғласанг кераг-а, хотин?

– Бўлмасам-чи, жоним! Биласиз-ку, мен арзимаган нарсаларга ҳам йиғлайвераман.



Хотин севги лирикаси тўпламини ўқиётган эди. У ногоҳ ҳайрон бўлиб эрига қаради:

– Қизиқ, қандайдир Петрарка дегани бундан 20 йил олдин менга бағишланган шеърингизни ўғирлаган экан.



- Овқатинг намунча шўр, хотин?

- Ниманг кўп бўлса, ўшандан солавер дедингиз-ку!



– Мен бугун газетада ўқидим, одам бир йилда уч килограмм туз ейиши керак экан, – деди хотин.

– Тўппа-тўғри, хотин, – деди эри, – лекин бир ўтириш-да эмас-да.



Афанди ёшлигида жиккаккина, бежирим йигитча экан. Отаси уни уйлантирмоқчи бўлиб анча-мунча қизларни топибди-ю, ҳеч бири Афандига ёқмабди. Бир куни отаси уни баланд бўйли, тўладан келган, полвонкелбат бир қиз билан учраштирибди.

– Энди буниси ёқар сенга? – дебди отаси. – Ахир битта соғ-саломат қиз бўлса шунчалик бўлар-да!

Афанди индамабди-ю, қизнинг бошидан оёғига, оёғидан бошигача кўз югуртирибди.

– Гапир! – дебди отаси.

– Ҳайронман... – дебди Афанди.

– Нимага ҳайронсан?

– Шу қизнинг ҳаммасини менга олиб берасизми?..



Бир қиз дугонасига деди:

– Мен дунёга машҳур бўлган, адабиёт ва санъатдан яхши хабардор, қўшиқ айтиб, рақс тушишни бирдай қойиллатадиган ва нима десам хўп дейдиган эркакни орзу қиламан.

– Э, бунинг йўли осон, сен телевизорга турмушга чиқиб қўя қол!



Икки аёл суҳбатлашмоқда.

– Вой, қўшнижон, кафтим бирам қичишяптики, қўлимга катта пул тушадиганга ўхшяпти.

– Менинг эса баданим қичишяпти. Эрим бугун ҳам ичиб келиб дўппосламаса эди...



– Қўшхотинлилик қандай жазоланади?

– Қўшқайноналик билан.



Хотин уйидаги итни икки оёқда туришга ўргатарди. Уни истехзо билан кузатиб турган эр деди:

- Фойдаси йўқ, барибир ўргатолмайсан!
- Нега энди ўргатолмас эканман? Сиз ҳам бошида менга қулоқ солмагандингиз...



- Ў-ҳў, дўстим, кўринишинг жуда яхши-ку!
- Ахир 80 килолик юкдан халос бўлдим-да.
- Тушунмадим, қандай юкдан?
- Хотиним билан ажрашдим.



Ярим кечаси эшик тақиллади. Хотини чиқиб қараса, остонада эри ғирт маст турганмиш.

- Шу маҳалгача қаерларда санқиб юрдингиз?
- Дўстим билан шахмат ўйнадик.
- Нима учун ароқнинг ҳиди келяпти?
- Нима, шахматнинг ҳиди келсинми?



Қайнота билан қайнона тантиқ, ялқов келинни ўзларича изза қилмоқчи бўлишди. Эрта тонгда кўпдан супурилмаган ҳовлига чиқиб супурги талашинишди:

– Отаси, эркак кишисиз, уят бўлади! Менга беринг, ўзим супураман.

– Йўқ, мен супураман, – деди чол супургини бермай.

Ичкари уйдан кўзларини ишқалаб айвонга чиқиб келган келин уларни мурасага келтирмоқчи бўлди:

– Ҳай, ҳай, келишинглар! Бир кун биттангиз, яна бир кун иккинчингиз, галма-галдан супуринглар.



– Шу маҳалгача қаёқларда қолиб кетдингиз? – деди хотин.  
– Яна суриштиряпсанми? Ақлли хотин эридан бунақа нарсаларни сўрамайди.

– Ақлли эр...

– Э, қўйсанг-чи, ақлли эрнинг хотини бўлмайди.



Афанди жаҳл устида хотинининг юзига шапалоқ тортиб юборган экан, боёқишнинг кўз ости кўкариб қолибди. Эртаси куни меҳмонга келган онаси қизидан ўсмоқчилаб сўрабди:

– Айланай, қизим, кўзингга нима қилди?

– Сигир тепди, ойижон, – дебди қизи ерга қараганча.

Буни эшитиб турган Афанди қўлини пахса қилибди:

– Мен сигир бўлдимми? Жилла қурса, ҳўкиз тепди дегин!



Француз, инглиз ва рус Одам Ато билан Момо Ҳаво қайси миллатдан эканлиги ҳақида баҳслашиб қолишди.

– Албатта улар инглиз, – деди инглиз. – Фақат инглизгина қўлида биттагина олма билан Момо Ҳавонинг қўлини сўраши мумкин.

– Фақат француз хонимгина битта олмага ўзини топшириб қўяди, – деди француз.

– Фақат русларгина икки кишига бор-йўғи битта олма бўла туриб ўзларини жаннатда юргандек ҳис этишади, – деди рус.



– Хотин, пул чўнтагимда турибди. Қанча керак бўлса, олиб ишлатавер!

– Ҳаммасини олдим! Яна шунча керак!



Хотин санаторийга кетаётган эрига тайинлади:

– Дадаси, пулни тежанг. Уйимизда текинга топиладиган нарсаларга ҳам пул сарфлаб юрманг!



Ҳаддан зиёд семириб кетган хотин эрига деди:

– Кеча меҳмондорчиликда чиройли қизлардан сира кўз узмадингиз!

– Мен уларга санъат асари сифатида қарадим, хотин.

– Билиб қўйинг, сиз учун санъат асари фақат мен бўлишим керак!

– Тўғри, лекин сени реставрация қилиш керак-да, хотин!



– Хотин, сени илгари шунчалик яхши кўрардимки, баъзан еб қўйгим келарди.

– Ҳозир-чи?

– Энди ўшанда еб қўймаганимга пушаймонман.



– Тўхта! Ҳозир устингга дарахт йиқилади!

– Сен кимсан?

– Ичингдаги овозман.

– Эҳ, аҳмоқ! Уйланишимдан олдин қаёқда эдинг?



Бир одамдан сўрадилар:

– Ақлли одам хотинини жуда яхши кўради дейдилар, шу гап ростми?

– Бекор гап. Ақлли одам ҳеч қачон уйланмайди.



Хотин эридан сўради:

– Айтинг-чи, мени қандай қилиб севиб қолгансиз?

– Кўрдингми, энди бунга ўзинг ҳам ҳайрон бўляпсан!



– Менинг хотиним уяли телефонга ўхшайди.

– Қанақасига?

– Пулим тугаши билан гаплашмай қўяди.



– Менга уйланмасдан олдин «Қуёшим» деб эркалатардингиз. Энди бўлса пивоходанадан бери келмайсиз.

– Одам қуёшнинг олдида тураверса исиб кетади. Исиб кетгач эса чанқайди-да!



– Билиб қўйинг! Агар мени яна хафа қилсангиз, ортиқ чидайдиган аҳмоқ йўқ! «Ялмоғизлик сирларини ўрганиш» курсига бораман.

– Ўқитувчи бўлибми?



– Хўжайин! Хотиним, маошим оширилмаса, мени ташлаб кетмоқчи. Сиздан илтимос – маошимни оширманг!



Кинодан қайтаётган хотин эридан сўради:

– Ростини айтинг, кинодаги қизлар ичида мендай чиройлиси борми?

– Йўқ, йўқ, гўзалим. Бутун оламда сенга тенг келадигани йўқ!

– О, қанчалик яхшисиз! Вафодорсиз!

– Ва қанчалик қўрқоқман!..



– Хотин, тушимда сени бегона шаҳарда йўқотиб қўйибман.

– Хўш, кейин топдингизми?

– Қидирсам топаман-да!..



– Эркак киши ўзининг ҳамма камчиликларини билиб олиши учун нима қилиши керак?

– Уйланиши керак!



– Сени хурсанд қиладиган янгилик бор, қизим, – деди ота қари қизига. – Сенга муносиб кувёв топдим.

– Турмушга чиқсам онамни ташлаб кетишга кўзим қиймайди-да, отажон.

– Онангни ҳам олиб кетавер!



Ёши ўтган қиздан сўрашди:

– Шундай гўзал бўла туриб нега турмушга чиқмагансиз?

– Уйда ҳурадиган итим, сўкадиган тўтиқушим, дайди мушугим бор. Эрни нима қиламан?



– Уйланиш учун энг яхши ой қайси?

– Мартобир!



Зиёфатда эр хотинига деди:

– Жонгинам, анави ликопчани узатвор!

– Хўп, мана.

– Азизам, манави салатни ҳам бервор.

– Хўп.

Шунда эркакнинг ёнида ўтирган дўсти деди:

– Шунча йил бирга яшасанглар ҳам муносабатлар илиқ экан.

– Э, хотиннинг отини эздан чиқариб қўйибман.



– Ўғлим, уйланганингдан кейин ҳақиқий бахт нима эканини тушунасан.

– Наҳотки?

– Ҳа, лекин унда кеч бўлади.



Юзга кирган чолдан сўрашди:

– Узоқ умр кўришингизнинг сири нимада?

– Сири... хотинимда. Раҳматли 35 ёшимда ўлиб кетган эди.



– Хотиним бир йилда 90 килога семириб кетди.

– Э, ҳайдавор унақа хотинни.

– Энди иложи йўқ. Эшикка сиғмайди.



Эркак уйга вақтлироқ келса: «Нима ўқисам экан?» – деб ўйлайди. Мабодо кеч қолса: «Нима тўқисам экан», – деб ўйлайди.



– Нега қизингизни менга беришни истамаяпсиз? Ахир мен ичмайман, чекмайман, қарта ҳам ўйнамайман, кечалари сандироқлаб юрмайман.

– Буниси яхшику-я, аммо уйда ҳар доим сизни менга ўр-нак қилиб кўрсатишларини хоҳламайман.



– Эрингизнинг касали оғир, унга тинчлик-осойишталик керак, – деди дўхтир аёлга.

– Менга ҳам пальто жуда керак-да!..



Эр-хотин жанжаллашарди.

– Менга ҳеч яхшилик қилмагансиз! – деди хотин.

– Сенга бир марта яхшилик қилганман, етади шу бир умрга.

– Қандай яхшилик экан?

– Сенга... уйланганман...



Бир одам шифохонага тушган хотинидан хабар олгани келса, бош врач уни четга чақириб шундай дебди:

– Бардам бўлинг, хотинингиз қазо қилди.

У одам аввалига хомуш тортибди, кейин: «Мен ёлғиз қолдим, ёлғиз қолдим», – дея ўйнаб кетибди. Шу маҳал ичкаридан бошқа врач чиқиб унга дебди:

– Узр, англашилмовчилик бўлибди, хотинингиз тирик экан.

– Йўқ, йўқ! Уша гап – гап!



– Хотинингизнинг бир ойлик умри қолган, – деди врач.

– Начора, 40 йил чидаган, яна 30 кун чидайман!..



Қўша қариган чол-кампирдан узоқ умр кўриш ва тинч-тотув яшашнинг сири нимада деб сўрашибди. Чол шундай жавоб қилибди:

– Биринчи сири – тотувлик, иккинчиси – жанжаллашмаслик, учинчиси – очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш. Масалан, мен уйда жанжал бошланиши биланоқ очиқ ҳавога чиқиб кетардим.

– Очиқ ҳавода кўп юрдингизми?

– Турмуш қурганимизга эллик йил бўлган бўлса, шу эллик йиллик умрим очиқ ҳавода ўтяпти.



– Кеча хотиним билан роса уришдик. Ахийри у ёнимга эмаклаб келишга мажбур бўлди.

– Э, зўр экансан-ку! Келиб нима деди?

– Каравотнинг остидан чиқ бу ёққа, қўрқоқ, деди.



– Хотин, кечқурун меҳмонлар келади, овқат қилиб қўясан.

– Овқатни қандай қилай? Меҳмонлар яна келадиган қилибми ёки бошқа қорасини кўрсатмайдиган қилибми?



Бир донишманд жуда озғин аёлга уйланибди. Дўстлари ундан сўрашибди:

– Нега ундай қилдингиз? Дурустроқ аёлга уйланмадингизми?

– Ташвишнинг кичикроқ бўлгани яхши! – деб жавоб берибди донишманд.



– Эримга янги олган шарфим ёқмади.

– Унда алмаштир.

– Эрларни қаерда алмаштириш мумкин?



Профессор фалсафадан маъруза ўқияпти:

– Ноҳақлигини билган одам ён берса, у – донишманд, агар ҳақ бўла туриб ён берса, у ...

Орқа қаторда ўтирган бир одам луқма ташлади:

– Уйланган одам.



Бир содда эр туғруқхона деразаси орқали хотини билан гаплашяпти:

– Тожинисо, нима туғдинг? Ўғилми?

Хотини «Йўқ» дегандек бош чайқайди. Шунда эр ҳайратланиб сўради:

– Вой, унда нима туғдинг?



Бекатда икки аёл суҳбатлашяпти.

– Мен ҳақимда шунча гаплашганимиз етар. Энди ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг, – деди улардан бири ва дарҳол қўшимча қилди, – дарвоқе, японча шарфим сизга маъқул бўлдимиди?



Эр хотинига бақирмоқда:

– Пулни тежамайди деб вайсайверма! Мен жуда тежам-корман.

– Бекорларни айтибсиз! Мана, ўт ўчирадиган асбобни сотиб олганингизга ўн йил бўлди, ҳалигача ундан бирон марта фойдаланмадик...



Бир одам яқин дўстига маслаҳат берапти:

– Энциклопедия сотиб олинг. Унда сизга керакли ҳамма маълумотлар бор.

– Э, қўйсанг-чи! Уйимда хотин деб аталувчи жонли энциклопедия бор, унда ҳатто менга керак бўлмаган маълумотлар ҳам бор.

## «ДАВОЛАЙМИЗМИ ЁКИ... ЯШАЙВЕРСИНМИ?...»

Бир хоним врачга мурожаат қилди:

– Турмушга чиққанимга беш-олти йил бўлиб қолди. Ҳалигача фарзанд кўрмадик. Ёрдамингизга муҳтожмиз.

– Бу авлоддан авлодга ўтадиган касаллик, – деди врач. – Айтинг-чи, онангиз фарзанд кўрганми?



– Сиз ичиш ва чекишни, аёлларга илакишишни ташлашингиз керак.

– Ахир мен эркакман-ку, дўхтир.

– Соқолингизни олишингиз мумкин.



– Дўхтир, – деди ҳамшира, – бешинчи палатадаги бемор Тошматовнинг аҳволи оғирлашиб қолди.

– Тиббиётдаги янгича қарашларга кўра, бундай пайтда: «Бемор аҳволим ёмонлашяпти деб ўйлаяпти», – дейиш керак.

Эртаси куни ҳамшира яна ўша дўхтирга деди:

– Бешинчи палатадаги бемор Тошматов ўлиб қолган бўлсам керак деб ўйлаяпти.



Бир кекса киши ўз докторига мақтанибди:

– Виласизми, доктор, мен ичмайман, чекмайман, аёллардан узоқроқ юраман. Бекорчи гап билан шуғулланмайман. Кино ёки театрда ҳам бормайман, барвақт ётаман ва ҳеч қачон парҳезни бузмайман. Эртага саксон ёшга тўлишимни нишонлайман.

– Тавба, нимасини нишонлайсиз? – сўрабди доктор ҳайрон бўлиб.



– Дўхтир, хотирамнинг мазаси йўқ, ҳатто бугун қилган ишимни эртага эслолмайман.

– Қачондан буён шунақа бўляпти?

– Нима... қачондан буён?



– Дўхтир, ростини айтинг, мени даволай оласизми?

– Ҳа, албатта. Статистика маълумотига қараганда, бундай ҳолларда юзта бемордан биттаси албатта тузалиб кетади.

– Нима-нима?

– Хавотирланманг, сиз мен даволаган беморларнинг юзин-чисисиз. Олдинги тўқсон тўққизтаси ўлган.



– Алло, дўхтир, тезроқ келинг! Эримнинг иссиғи қирқ беш даражага чиқиб кетди.

– У ҳолда тиббиёт чорасиз. Ўт ўчирувчиларга телефон қилинг.



– Дўхтир, анчадан буён яхши эшитмаяпман. Ҳатто ўзим-нинг йўталиминиям эшитолмаяпман.

– Мана сизга хапдори. Кунига уч маҳалдан ичасиз.

– Шунда яхши эшитадиган бўламанми?

– Йўқ, қаттиқроқ йўталадиган бўласиз.



Икки шифокор суҳбатлашяпти.

– Тўғрисини айтинг, ҳамкасб, иш жараёнида ҳеч хато қилганмисиз?

– Афсуски, бир вақтлар хато қилганман. Хатойим шуки, жуда ҳам бой миллионерни билмасдан арзонга, икки кунда даволаб қўйганман.



– Мен спорт турлари ичида боксни ёқтираман.

– Нима, сиз боксчимисиз?

– Йўқ, тиш докториман.



- Намунча бугун хурсандсан?
- Бугун тиш дўхтирига борган эдим.
- Хўш?
- Борсам, у ишга келмаган экан.



- Психиатр врачга бир аёл ҳаяжонланиб телефон қилмоқда:
- Дўхтир, эрим ўзини отман деб хаёл қиляпти. Ейишга арпа топиб бер деяпти.
  - Яхши, уни олиб келинг, ўзим шуғулланаман.
  - Бўпти, ҳозир уни эгарлайман.



- Бу дўхтир жуда зўр экан. Хотинимни бир неча дақиқада даволаб юборди.
- Қандай қилиб?
- Дўхтир унга ҳамма касаллиги қарилик аломати эканлигини айтди.



- Жарроҳ нега операция пайтида ниқоб кияди?
- Муваффақиятсиз чиққан операциядан кейин уни таниб қолмасликлари учун!



- Доктор, менда наслий касаллик бўлиши мумкин эмас. Мен ғирт етимман!



- Дўхтир беморга узоқ вақт тикилиб тургач деди:
- Сизга нима бўлганини тушунолмаяман. Менимча, бу ичкиликнинг таъсири бўлса керак.
  - Яхши, дўхтир, унда ҳушёр пайтингизда келарман.



- Бугун шифокорга хотирам ёмонлигини айтдим.
- Хўш, у нима деди?
- Олдиндан пулини тўланг деди.



- Кечирасиз, отангиз ўз ажали билан ўлганмиди?
- Йўқ, уни даволашган эди.



- Дўхтир, нима қилсам озаман?
- Қора икра енг.
- Ахир уни топиш жуда қийин-ку!
- Ҳамма гап шунда-да! То уни топгунингизча озиб кетасиз.



- Дўхтир, нафас олсам, юрагим қаттиқ санчиб оғрияпти.
- Унда нафас олманг!



Америкалик бир дўхтир шундай дебди:

– АҚШдаги кўпчилик жарроҳлар пул учун зарур бўлмаган операцияларниям қилаверишади деган гапларга ишонмайман. Масалан, мен ўзим пул керак бўлгандагина операция қиламан.



- Доктор, қабулхонада бир бемор ҳушидан кетиб қолди.
- Ундай бўлса, навбатсиз қўйиб юборинг.



Ҳаддан зиёд семириб кетган бир киши дўхтирдан маслаҳат сўрабди.

– Парҳезга қатъий риоя қилишингиз керак бўлади, – дебди дўхтир. – Бульон, ёрмали, сутли бўтқа ва сузмаларнинг нафи катта.

- Буларни овқатдан олдин ейманми ёки кейин?



Бир жинни узоқ муддатли муолажадан кейин дўхтирдан маслаҳат сўраяпти:

– Дўхтир, мен энди дон эмаслигимни биламан, аммо товуқ буни билармикин?



– Дўхтир, айтинг-чи, донолик ҳам ўзига яраша касалликми?

– Ташвишланманг, сиз соппа-соғсиз!



Журналист юз ёшга кирган отахондан сўради:

– Узоқ умр кўришингизнинг сири нимада? Ахир сиз ёшлигингиздан бери чекаркансиз-ку!

Отахон тамакини чекиб, тутунини ичига тортди, кейин уни секингина қайтариб чиқарар экан, деди:

– У замонларда, йигитча, никотиннинг зарарли эканлиги номаълум эди.



Шифокор бемордан сўради:

– Хўш, сизга нима бўлди?

– Ё тавба, умримда биринчи бор ташхисни бемордан сўраб ўтирган дўхтирни кўриб турибман!..



Бир аёл боласини тиш дўхтирига олиб борди. Боланинг оғриқ тишини бақиртириб суғуриб ташлагач дўхтир аёлга юзланиб деди:

– Беш минг тўланг!

– Нимага? Ахир олдинги гал икки минг тўлагандим-ку!

– Аммо бу гал болангиз қаттиқ қичқириб мижозларимнинг ярмини қочириб юборди.



– Алло! Асаб-руҳий касалликлар шифохонасими?

– Худди ўзи.

– Академикни чақириб беринг.

– Бу ерда ҳамма академик, қайси бирини чақирай?



– Дўхтир, айтинг-чи, мен нима қилай? Тун бўйи кўз юмолмайман, аммо ишхонага келсам бўлди, дарров ухлаб қоламан.

– Ундай бўлса, кечаси ишхонага келиб ухланг.



– Ҳаяжонланманг, бемор! Врач сифатида айтаман, сизга ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ. Менинг ўзимда ҳам худди шунақа касаллик бўлган эди.

– Аммо сизнинг дўхтирингиз бошқа эди-да.



– Мен чекиш ва ичишнинг зиёни ҳақида кўп ўқигач қарор қабул қилдим.

– Ичмаслик ва чекмасликками?

– Йўқ, ўқимасликка!



Врач беморга деди:

– Уйқудан олдин бир қадаҳ коньяк ва ванна қабул қилишингиз керак.

Орадан икки кун ўтгач бемор яна врачга учрашди:

– Дўхтир, сиз айтган коньякни-ку ичяпман, аммо ваннадаги сувни ичиб тугатолмаяпман.



Врачнинг қабулига бир алкаш келиб сўради:

– Дўхтир, ошқозоним оғрияпти.

– Ичасизми?

– Ичаман, аммо фойдаси бўлмапти.



Врач беморнинг рентген суратларини кўраётиб сўради:

– Ёшингиз нечада?

– Яқинда қирққа кираман.

– Кирилмайсиз... Кирилмайсиз...



Бир мижоз психиатрга деди:

– Менга ёрдам беринг.

– Касбингиз нима?

– Психиатр.

– Нега ўзингизни даволамайсиз?

– Мен жуда қиммат сўрайман-да...



Дўхтир беморнинг томир уришини текшириб бўлгач ҳам-  
касбига деди:

– Ё менинг соатим тўхтаб қолган, ё у аллақачон ўлган.



Бир одам йўтала-йўтала дорихонага кирди:

- Й-й-йўтал доридан борми, ўхў, ўхў...
- Одамга қараб йўталмайди-да, биродар.
- Йў...йўтал дори сўраяпман сиздан, ўхў...
- Сиз, яхшиси, сурги дори ичинг, тез тўхтайти.
- Сурги дорининг йўталга нима алоқаси бор?
- Ўшанда йўталишга қўрқасиз.



Кечқурунги кўрикда шифокор ухлаётган беморни туртки-  
лаб уйғотаётган ҳамширадан сўради:

- Беморни нега уйғотяпсиз? У қаттиқ ухлаяпти-ку!
- Мен унга ухлатадиган дори беришни унутибман.



Афанди кўчада қўшниси билан кетаётган эди, ёнидан бир  
киши ўтиб қолди. Афанди унга бошидан дўпписини олиб са-  
лом берди.

– Нега дўппингизни олиб саломлашдингиз, у киши катта  
одамми? – деб сўради қўшниси.

– У киши дўхтир, – деди Афанди. – Менга соч чиқарадиган  
дори берувди, атайлаб тепакалимни кўрсатиб қўйдим.



– Дўхтир, мен эшакдек ишлайман, бўридек овқатланаман,  
итдек чарчайман...

– Ундай бўлса, сиз мол дўхтирига учрашинг...



– Дўхтир, негадир кейинги пайтларда сочим тўкилиб кет-  
япти.

– Бунинг сабаби шуки, асабингиз кўп бузилар экан.

– Сочим тўкилади-ю, асабим бузилмасинми?!



- Қон босимингиз жуда баланд – 180.
- Жаҳон рекорди қанча, дўхтир?



- Нима қиялпсиз, дўхтир? Оғриган тишим қолиб, бошқа тишимни суғуриб ташладингиз-ку.
- Шошилманг, хоним, унга ҳам навбат келади.



- Бир одам врачга дебди:
- Хотиним оғир ётибди. Ёрдам беринг, дўхтир.
  - Зулук бериб кўрдингизми?
  - Бериб кўрдим, дўхтир. Учтасини еди. Қолганини емайман деб оёқ тираб туриб олди.



- Ҳа, тиббиёт жуда илгарилаб кетди, – деди ўрта яшар аёл дугонасига. – Ёшлигимда дўхтиргга борсам, дарров: «Ечининг», – дейишарди. Ҳозир эса: «Тилингизни чиқаринг», – дейишади.



- Икки врач суҳбатлашмоқда.
- Одамлар нима учун чекишаркин?
  - Сен билан мен ишсиз қолмаслигимиз учун.



- Дўхтир беморга деди:
- Топсангиз дори ичиб туринг.
  - Агар тополмасам-чи?
  - Унда эшикни маҳкам ёпиб олинг. Ҳеч қандай микроб кирмасин.



- Врач беморга маслаҳат берди:
- Трамвай тўхтамасдан туриб унга сакраманг.
  - Мен касалхонага шошаман.
  - Унда сакрайверинг.



Олимлар витаминлар асосан дорихоналарда бўлиши ҳақида ягона фикрга келдилар.



Дўхтир беморга деди:

– Дори ичиш унчалик қўрқинчли эмас. Гўё пиво ичяпман деб тасаввур қилинг.

– Яхшиси, дўхтир, пиво ичиб уни дори деб тасаввур қилсам-чи?



– Нимага бунчалик ғамгинсиз?

– Кўрмайсизми, дўхтир ичишния, чекишния тақиқлаб қўйди.

– Шўям ташвишми, бошқа дўхтирга бора қолинг!



– Айтинг-чи, дўхтир, соғайиб кетаётганим ростми? Дўхтирлар гоҳида адашиб ташхис қўйишади дейишади. Масалан, беморни ўпканг шамоллаган деб даволашади-ю, лекин у охир-оқибат тиф касалидан ўлади.

– Бизда эса ундай бўлмайди, – деди дўхтир. – Бизда кимнингки ўпкаси шамоллаган бўлса, албатта шу касалликдан ўлади.



– Дўхтир, бедаво дардга йўлиқдим. Ўзим ўзимга икки киши бўлиб кўриняпман.

– Ҳеч нарса тушунмадим, – деди дўхтир. – Яна бир карра такрорланг. Фақат икковинглар баравар гапирманглар.



– Ёшлигимда рассом бўлишни орзу қилардим, – деди машҳур врач.

– Нега фикрингиз ўзгариб, врач бўлдингиз?

– Рассомликда ҳамма нуқсонларинг яққол кўриниб туради, – жавоб қилди врач. – Врачнинг хатолари эса бемор билан бирга кўмилиб кетади.



– Дўхтир, ростини айтинг, бу шифобахш гиёҳлар қандайдир наф келтирадими?

– Бўлмасам-чи! Яқинда ўғлимга далаҳовли сотиб олдим, энди қизимга уй қурапман.



Тунда тиш дўхтирининг уйига ўғри тушибди. У ҳеч нарса тополмагач дўқ уриб пул талаб қилибди.

– Афсуски, пулим йўқ, – эснаб жавоб қилибди врач, – аммо қуруқ кетмай десангиз, тишингизни текинга суғуриб қўйишим мумкин.



Қулоғи оғир бемор дўхтирдан сўради:

– Қулоғимни тузатганингиз учун қанча ҳақ тўлашим керак?

– Йигирма минг.

– Қанча? Қирқ минг дедингизми?

– (Овозини баландлатиб) Юз минг!



Врач беморга деди:

– Чинордек бақувватсиз, отахон, Худо хоҳласа, тўқсон йил яшайсиз.

– Аллақачон тўқсонга кирганман, болам.

– Ана, айтмадимми?..



– Мен бир қанча дўхтирларга учрашиб қандай озиш кераклигини сўрадим. Биттаси: «Кўпроқ пиёда юринг!» – деса, бошқаси: «Курортга боринг!» – деб маслаҳат берди. Сиз нима дейсиз, дўхтир?

– Курортга пиёда боринг!



Тиш дўхтири аёлларга: «Оғзингизни очинг ва ёпинг», – деб дадил айта оладиган ва бу гапининг оқибатидан қўрқмайдиган ягона эркакдир.



- Вақт – энг яхши малҳам.
- Ҳа, шу сабабдан ҳам шифохона қабулхоналарида кўп кутишга тўғри келаркан-да.



- Агар дўхтирлар бўлмаса, одамлар нима қилар эди?
- Ўз ажаллари билан ўлар эди.



- Боламга витамин беринг.
- Қанақасидан? «В»ми ёки «С» витаминиданми?
- Барибир, болам ҳали ўқишни билмайди.



Пенсиячи дўхтирга учради. У беморга дори ёзиб бериб тайинлади:

- Мана бу хапдориларни бир кунда уч маҳал овқатдан кейин бир ҳафта давомида ичасиз.
- Нималар деяпсиз, дўхтир?! Бунча овқатни қаердан топаман?



- Эрингизга тинчлик, осойишталик керак. Мана уйқу дорисига йўлланма! – деди дўхтир.
- Эрим бу дориларни қачон ичиши керак?
- Дори эрингизга эмас, ўзингизга!



- Сизга ёзиб берган дориларим фойда қилдими?
- Зўр экан! Ўғлимнинг йўтали тузалиб қолди, елкамдаги оғриқ ҳам йўқолди. Дорининг қолган-қутгани билан хотиним деразани тозалаб ювди.



- Дўхтир, бир йил аввал мен кутилмаганда танга ютиб юборган эдим.
- Ҳўш, нега менинг ҳузуримга энди келяпсиз?
- Чунки менга шу пайтгача пул керак эмасди-да!



Руҳий касаллар шифохонасига комиссия келди. Беморлар «Сен кимсан?» деган саволга «Мен Чапаевман» деб жавоб беришарди. Меҳмонлар шарафига ёзилган дастурхон атрофида комиссия раиси бош врачдан сўраб қолди:

– Касалларингизда манмансираш авжига чиқиб кетганга ўхшайди.

– Э, бу тентакларнинг гапига ишонманг, бу ерда Чапаев – мен ўзим!



Бир семиз киши баланд иморатдан йиқилиб ҳушидан кетибди. Касалхонага келтиришгач, ҳушига келиб сўрабди:

– Дўхтир, мен тирикманми?

– Ҳа, тириксиз, аммо сиз босиб тушган уч кишидан умид йўқ.



Врач беморни кўраётиб сўради:

– Ароқ ичасизми?

– Раҳмат, дўхтиржон. Ҳозиргина ресторандан чиқиб кел-япман.



Вагонда кимдир қичқирди:

– Ёрдам беринглар! Бу ерда биронта дўхтир борми?

Қўшни купедан бир эркак чиқиб келди.

– Мен дўхтирман, кимга ёрдам керак?

– Менга! – деди ҳалиги йўловчи. – Айтинг-чи, «а»дан бошланувчи олти ҳарфдан иборат томоқ касаллиги нима?



Эндигина туғруқхонадан навбатчиликни топшириб чиққан врач қайтиб келиб бош врачга деди:

– Дарвозадан чиқаётиб «Тез ёрдам»да мебель дўкони директорининг хотинини олиб келишганини кўриб қолдим. Ўзингизга айтгандим, қизимни унаштириб қўйганман, мебель олишим керак. Рухсат берсангиз, шу аёлга ўзим доялик қилсам.



– Сиз ҳамиша биронта ёқимлироқ нарса ҳақида ўйлашингиз керак, акс ҳолда, депрессиядан қутулолмайсиз, – деди дўхтир беморга. – Хўш, эсланг-чи, биронта қувончли воқеа эсингизга тушяптими?

– Тушганда қандоқ! – деди бемор жонланиб. – Яқинда қўшним янги «Нексия»сини симёғочга уриб олувди.



Бир хотин жарроҳнинг олдига бориб бирон жойини операция қилиб қўйишни сўрабди.

– Ие, бу қандоқ гап бўлди? – деб жарроҳ ҳайрон бўлибди.

– Гап шундаки, – дея тушунтирибди аёл, – танишларим билан гурунглашаётганимизда бирон жойим ҳам операция қилинмагани учун суҳбатга аралаша олмаяпман.



Тиш дўхтири беморга деди:

– Тишингизни арралай бошлашим биланоқ қаттиқ бақиринг.

– Нега энди?

– Биласизми, футбол ўйини бошланишига ярим соат вақт қолди, ташқарида эса яна ўнта мижоз кутиб турибди.



– Касалхонамизда янгича тартиб жорий қилинган, – деди бош шифокор қабулхонага келган мижозга. – Операция тугаши ҳамоно ўзингиз ўрнингиздан туриб палатага борасиз. Эртаси куни касалхонани беш марта айланиб чиқасиз, учинчи куни эса уч километрга чопасиз. Тушунарлими?

– Кечирасиз, операция қилишаётганда бироз ётсам бўладими?



Врачлар хонасида консилиум – шифокорлар кенгаши узоқ давом этди. Ниҳоят, бош врач ҳамкасбларига юзланиб сўради:

– Хўш, нима дейсизлар энди? Бу беморнинг касали анча жиддий. Уни даволаймизми ёки яшайверсинми?..



Жарроқ операцияни тугатгач беморга деди:

– Сизни сал безовта қилишга тўғри келади. Паришонхотирлигим қурсин, қорнингизда қўлқопимни унутибман. На-чора, қайта ёришга тўғри келади.

– Нима ҳам дердим, зарур бўлса, ёрасиз-да. Бунақа экан, яхшиси, қорнимни тугмали қилиб қўя қолинг.



Дўхтирнинг қабулида роса уч соат кутиб тоқати тоқ бўлган бемор шартта ўрнидан турибди-ю, ўзича тўнғиллаб уйига жўнабди: «Яхшиси, уйимга бориб ўз ажалим билан ўлганим афзал».



– Қўрқиб кетяпман, дўхтир, – деди операция столига ётган бемор. – Бу менинг биринчи марта операция қилдиришим.

– Қўрқманг, – дея далда берди дўхтир, – менинг ҳам биринчи марта операция қилишим.



Тиш дўхтирининг автомашинаси бузилиб қолибди. У о-бирини олиб машинасига яқинлашиб дебди: «Озгина чидай-сан энди, оғайни, кўп эмас, сал-пал оғрийди...»



– Бахтсизлигингизнинг асосий сабаби – алкоголизм, – де-ди дўхтир.

– Раҳмат, дўхтир, сиз айбни ўзимга ағдармадингиз.



Дўхтир беморга деди:

– Бугундан бошлаб ҳар овқатлангандан кейин битта папи-рос чекишингиз мумкин.

Орадан бир ой ўтгач бемор яна дўхтир қабулига келди.

– Мана энди кўринишингиз яхши, анча тўлишиб қолиб-сиз.

– Мен энди кунига ўн марта овқатланяпман-да, – деди бе-мор.



– Дўхтир, нега сиз оғзингни оч дедингиз-у, бирон марта унга қарамай дори ёзиб ўтирдингиз?

– Ёзиб бўлгунимча жим ўтиринг дедим-да.



Психиатр қабулида ёш йигит хуноб бўлиб шундай дебди:

– Мен соппа-соғман, фақат пахтадан тикилган пайпоқ сунъий толадан тайёрланган пайпоқдан афзал деганим учун уйдагилар мажбур қилиб шу ерга олиб келишди.

– Қизиқ-ку, – дебди дўхтир ҳам ҳайрон бўлиб. – Мен ҳам пахтали пайпоқни ёқтираман.

– Ростданми?! – дебди мижоз суюниб. – Сиз пайпоқни қаймоққа ботириб ейишни ёқтирасизми ёки нишолдага?



– Қаерингиз безовта қиляпти?

– Нима, ўзингиз кўрмаяпсизми?

– Ундай бўлса, мол дўхтирини чақириб кела қолай, у савол бермасдан даволай олади.



Дўхтир қабулига келган машинкачига дебди:

– Қани, «А» денг-чи!

– Каттасини айтайми ёки кичигини?



Бир киши жарроҳдан томоғига тикилган балиқни олиб ташлашни илтимос қилди.

– Хизмат ҳақи қанча бўлади? – деб сўради бемор, иш битгач.

– Эллик доллар!

– Йўғ-э, мен балиқнинг ўзига бор-йўғи икки доллар тўлагандим.



– Менинг дардимга даво бўладиган дори сизда бўлмаса керак, – дебди бемор оғир хўрсиниб.

– Ташвишланманг, – дебди дўхтир, – бизда дори шунчалик кўпки, уларнинг айримлари учун ҳали касаллик йўқ.



Бир беморга дўхтир ичишни ташлаб, фақат сут ичишни буюрибди. Боёқиш уч кун мобайнида ўзини зўрлаб сут ичиб юрибди. Тўртинчи куни ахийри чидолмай шундай дебди:

– Гўдақларнинг хархаша қилиб йиғлаши бежиз эмас экан-да.



Мижозни обдан текшириб кўрган дўхтир унга шундай маслаҳат берибди:

– Дардингизга фақат битта нарса даво бўлиши мумкин – спорт.

– Дўхтиржон, ахир мен йигирма йилдан буён спорт билан фаол шуғулланиб келаман.

– Қанақа спорт билан?

– Шахмат билан?



Дўхтир мижозга маслаҳат берарди:

– Ўнг томонингиз билан ётганингиз маъқул.

– Бунинг иложи йўқ, дўхтиржон, эрим тушида гапириб чиқади, менинг эса чап қулоғим оғирроқ.



Психиатр-дўхтирга бир хотин шикоят қилибди:

– Кейинги вақтларда хотиним сал ғалатиноқ бўлиб қолди: кофени ичиб бўлгач тутқичини қолдириб идишнинг ўзини еб қўядиган одат чиқарди.

– Қизиқ, – дебди дўхтир, – энг мазали жойи тутқичи-ку!



Бош жарроҳ ўпкасини босолмай ҳансираб турган бемордан сўрабди:

– Нега сиз операция столидан қочиб кетдингиз?

– Чунки ҳамшира: «Ваҳима қилаверманг! Кўричак операцияси жуда энгил нарса», – деди-да.

– Хўш, нима бўпти? Тўғри айтибди!

– Тўғрилиқка тўғри-я, аммо у бу гапни менга эмас, ана бу ёш жарроҳга қараб айтди-да!



Бир одам ўртоғига деди:

– Мен касал бўлмасам ҳам ойда бир марта дўхтирга учраб тураман, чунки унинг ҳам яшагиси келади. У ёзиб берган дориларни аптекадан оламан, чунки унинг ҳам яшагиси келади. Кейин бу дориларни ташлаб юбораман, чунки менинг ҳам яшагим келади.



– Сизга олдинги гал ёзиб берган дори фойда қилдими?  
– Фойда қилганда қандоқ! Амаким уни янглишиб ичиб қўйди ва мен энди унинг ягона меросхўриман.



Дўхтир хонасига қўллари қалтираётган бемор кирди.  
– Сиз кўп ичсангиз керак? – деб сўради ундан дўхтир.  
– Унчалик эмас, кўп қисмини тўквораман.



Жарроҳ наркоздан кейин ўзига келган мижозга деди:  
– Операция яхши ўтди.  
– Раҳмат, дўхтир! Аммо мен операция хонасига кранни тузатиш учун кирувдим.



– Дўхтиржон, ҳамма қўзиқоринларни еса бўлаверадими?  
– Бўлавереди... Фақат айримларини бир мартагина ейиш мумкин.



– Дўхтиржон! Овқатдан олдин соғлиқ учун юз грамм ичиш соғлиққа зарар қилмайдими?  
– Йўқ, албатта. Фақат кунига ўн марта овқатланмаслик керак!



– Менинг итим ҳаётимни сақлаб қолди.  
– Қандай қилиб?  
– Бетоб эдим, итимиз дўхтирни уйга киритмади.



Бемор кўз дўхтиридан сўради:

- Дўхтиржон, агар мен кўпроқ сабзи есам, кўзим ўткирлашадими?
- Албатта, сиз бирон марта кўзойнак таққан қуённи кўрганмисиз?



Шифохонадаги палатага оқ халатли бир киши кириб келди. У касалларга аланглаб қарагач бир беморнинг олдига келиб сўради:

- Сенинг бўйинг неча метр?
- Қўйинг бунақа гапни. Яхшиси, менга ёрдам қилинг, дўхтир! Ҳаммаёғим зирқираб оғрийди, мадорим қолмади.
- Мен дўхтир эмасман, тобутсозман!



Дўхтир беморга далда бериб шундай деди:

- Мана, бугун, ниҳоят, йўталишингиз анча яхши, жаранглаб чиқяпти!
- Мен ахир уч кундан буён машқ қиляпман-да!



Янги уйланган дўхтирга ҳамкасблари телефон қилиб шахмат ўйинига таклиф этишди.

- Шошилинч чақирув! – деди дўхтир телефон гўшагини жойига қўйиб.
- Анча жиддий, шекилли? – деди ёш хотини хавотирланиб.
- Ҳа, масала ўта жиддий, катта дўхтирларнинг ҳаммаси ўша ерда!



Бемор дўхтирдан сўради:

- Дўхтиржон, менинг гоҳ бошим, гоҳ ошқозоним оғрийди. Нима қилсам экан?
- Дўхтир қўлидаги хапдорини тенг иккига бўлиб мижозга узатди:
- Мана сизга дори, ярми бошоғриғи, қолган ярми ошқозон учун! Яна адаштириб юборманг!



Тиш дўхтирининг ҳузурига бир бойвачча кирди. Дўхтир унинг оғзини очиб кўргач деди:

– Ҳамма тишларингиз тилладан экан, қайси тишингиз безовта қиляпти ўзи?

– Сиздан ягона илтимос – тишларимга «сигнализация» ўрнатиб берсангиз!



Аптекачи ишга янги келган ходимга ўргатапти:

– Мана бу идишдаги доридан биз дўхтирларнинг хатини ўқий олмай қолганимиздагина қўйиб берамиз!



– Дўхтир дўстимга бир ой оч қолиб даволанишни маслаҳат берибди.

– Ў-ҳў! Бир ойда қанча маблағ тежаб қолар экан?

– Анчагина тежайди. Бу пул уни кўмиш, еттисини, қирқини ўтказиш учун етади, ҳатто ундан ҳам ортиб қолиши мумкин! Очликда ҳикмат кўп!



Ҳамшира беморга маслаҳат беради:

– Агар дўхтирни рози қилмоқчи бўлсангиз уни операциягача қилинг, акс ҳолда, кеч бўлиши мумкин.



Бош шифокор ёш дўхтирга танбеҳ бермоқда:

– Нега яна ишга кечикиб келдингиз?!

– Гап шундаки, хотиним эллик долларини йўқотиб қўйди.

– Бунинг сизга нима дахли бор?

– Мен ўша пулни оёғим билан босиб турган эдим-да.



Икки шифокор ўзаро суҳбатлашмоқда.

– Эшитишимча, сизларнинг касалхонангизни хўжалик ҳисобига ўтказишибди. Хўш, бу ёғи нима бўляпти энди?

– Нима десам экан. Бизда энди ҳар бир жарроҳ «Кесиб олганинг ўзингни!» деган қоида асосида ишлайди.



Хотин дўхтир эридан сўради:

– Нега кеча бош шифокор сизни бир урганда жавоб қилмадингиз?

– Қанақасига жавоб қилмабман? Йиқилиб тушдим-ку!



Бемор жарроҳга деди:

– Орқа томоним оғрияпти.

– Оёғингизни кесиб ташлаш керак.

Бемор ҳаяжонланиб терапевт ҳузурига борди.

– Менинг орқам оғрияпти. Жарроҳга учрашсам, оёқни кесиш керак деяпти.

– Эҳ, бу жарроҳлар! – деди терапевт. – Улар кесишдан бошқасига ярамайди. Мана бу таблеткаларни ичинг, оёқларингиз ўз-ўзидан узилиб тушади.



Беморни операцияга тайёрлашарди. Дўхтирнинг оғзидан ароқ ҳиди анқийётганини сезган бемор қалтираб деди:

– Операцияга ётишга юрагим дов бермаяпти. Қўққисдан бошқа жойимни кесиб қўйсангиз-чи!

– Сиз қўрқманг. Яхшиси, қорнингиз қаерда эканлигини кўрсатиб қўйинг.



– Бош шифокорни телефонга чақириб қўйсангиз.

– Бош шифокор банд.

– Аммо мен унинг хотиниман.

– Э-э, кўпчилик шунақа дейди!



Кексайиб қолган дўхтир ишини ўғлига топширди.

– Ота! – деди ўғил биринчи иш куни охирида уйига келиб.

– Сиз ўттиз йилдан буён даволай олмаган беморни мен бир кунда тузатиб юбордим.

– Тентак, нега ҳовлиқасан? – деди ота энсаси қотиб. – Мен ўттиз йил давомида ана ўша мижоз ҳисобига оилани боқиб келганман.



Шифокорлар хонасида жарроҳлар чой ичиб суҳбатлашиб ўтиришган эди. Тўсатдан хонага ёш жарроҳ ҳовлиқиб кириб келди:

– Илтимос, ёрдамлашворинглар! Операция хонасида беморнинг қорнини ёриб қўйдим, энди у ёғини нима қилишни билмаяпман.



Талабадан шифокор сўради:

– Нимадан шикоят қиласиз?

– Математика, физика, кимё...



Ошпаз шифохона ошхонасига ишга кираётганди. Кадрлар бўлимида ундан сўрашди:

– Судланганмисиз?

– Йўқ, ҳозирча қўлга тушмаганман!



Кекса жарроҳнинг кундалигида шундай сўзлар битилганди: «Инсоннинг қалбини тушуниш учун уни олиб кўриш керак».



– Нега арзимаган нарса учун ҳаяжонланаяпсиз? – деди кекса дўхтир ёш ҳамкасбига. – Сиз билишингиз керак – жамики касалликларнинг тўқсон фоизи ўз-ўзидан даволаниб кетади, қолгани тузалмайди.



– Бизнинг ишимизда покизалик, тартиб-интизом алоҳида қадрланади, – деди жарроҳ ишга кирмоқчи бўлган ёш ҳамширага. – Дарвоқе, хонамга киришдан олдин оёғингизни артувдингизми?

– Албатта!

– Покизаликдан ҳам кўра тўғрисиўзликни кўпроқ қадрлаймиз. Маълумотингиз учун айтиб қўяй: остонада оёқ артиш учун латта қўйилмаган.



Операциядан кейин бир ҳафта ўтгач жарроҳ беморга деди:

– Сизни ранжитишга тўғри келади. Операция чокларини яна қайта очишга мажбурман.

– Нима бўлди ўзи?

– Операция пайтида қорнингизда қайчини унутиб қолдирибман.

– Мана сизга пул. Янгисини сотиб ола қолинг.



Навбатчи шифокорни ҳамшира чақирди:

– Чамаси, сизни бир одам телефонда сўраяпти.

– Чамаси деганингиз нимаси?

– Телефонни кўтарсам, ундан шундай овоз эшитилди: «Бу сенмисан, қари эшак?»



– Томир уришингиз яхши, – деди дўхтир беморга.

– Дўхтир, ўнг қўлимни текшириб кўринг. Сиз чап қўлим ўрнида бўлган протезни текширдингиз ҳозир.

## «ҚАНИЙДИ СЕХҒГАР БЎЛИБ ҚОЛСАМ...»

Ўқитувчи тўполон қилаётган болаларни тинчлантириш учун деди:

– Жим ўтиринглар! Пашша учса ҳам эшитиладиган бўлсин.

Болалар бир лаҳза жимиб қолишди. Шунда орқа қаторда ўтирган Дурбек шундай луқма ташлади:

– Нимани кутяпсиз? Учиринг пашшангизни!



Ота ўглининг кундалик дафтарини кўздан кечира туриб деди:

– Манави ёмон баҳолар учун, аслида, яхшилаб калтаклаш керак!

– Мен ҳам шу фикрдаман, – деди бола. – Юринг, дада, сизга ўқитувчимизнинг уйини кўрсатаман.



Ойиси кичкинтой ўглини койияпти:

– Яна кийимларингни лой қилибсан. Ахир атроф оппоқ қор-ку!

– Ойижон, мен йиқилган жойда қор йўқ экан.



Кинода ҳиндулар юзларини бўяганини кўрган бола отасидан сўради:

– Нега улар юзларини бўяшади?

– Жангга тайёрланишади.

Кечқурун бола онаси бўянаётганини кўрди-ю, отасига чопди:

– Дада, қочдик, онам жангга тайёргарлик кўряпти!



Ўқитувчи яна икки баҳо олган ўқувчига танбеҳ беряпти:

– Наҳотки, бор-йўғи ўнгача санашни билсанг? Ҳайронман, келажакда ким бўласан ўзи?

– Бокс бўйича судья бўламан.



Она ишга кетаётиб тўрт яшар ўғлини огоҳлантирди:

– Ваннахонадаги жўмракни очвормагин, уйга сув тўлиб кетса, ўзинг ҳам чўкиб кетасан.

– Ойижон, хавотирланманг, мен сузишни биламан.



– Қизим, айт-чи, нега отинг Олмахон?

– Олмани яхши кўраман-да!



Сомса пишираётган онасининг ишини кузатиб турган бола сўрабди:

– Ойижон, нега мен билан гаплашмаяпсиз?

– Нима деб гаплашишим керак, болам?

– Мана бу сомсалардан егин, жон болам, деб-да!



– Яп-янги шиминг билан балчиққа йиқилиб тушдингми, болам? – деб ўғлига танбеҳ берди она.

– Ойижон, бу воқеа шундай тез содир бўлдики, ҳатто шимимни ечишга улгуролмадим.



– Ойижон! Кеча Шерзод юзини ювмай келгани учун синф раҳбаримиз уни уйига қайтариб юборди.

– Яхши эмас! Хўш, бугун нима бўлди?

– Бугун ҳамма юзини ювмай келди.



– Кел, Элбек, сенга эртақ айтиб бераман. Бир кампирнинг етгита эчкиси бор экан. Бир куни ҳаммасини чақирибди.

– Телефондами?



Бир Америка журнали ўз ўқувчиларига қуйидаги масалани ечишни таклиф қилди: «Ҳаво шарида уч нафар машҳур одам: йирик сиёсий арбоб, дунёга танилган режиссёр ва атоқли олим учиди. Ҳаво айнаиб, шар ерга тушиб урилиши мумкин бўлганда юкни енгиллатиш учун саёҳатчилардан бирини қурбон қилишга, яъни ерга ташлаб юборишга тўғри келиб қолди. Лекин қайси бирини? Энг яхши жавобга минг доллар мукофот берилади».

Ўн ёшли қизчанинг қуйидаги жавоби мукофотга лойиқ деб топилди: «Учовларидан энг семизини ташлаб юбориш керак».



Сардорга дадаси байрамда совға сотиб олиши учун озроқ пул берди.

– Шундай пайтда дадага нима дейиш керак? – сўради онаси. – Мен отанг пул берганда нима дейман ҳаминиша?

– Шу холосми! – бурро жавоб қилди болакай.



Қоровул дарахтга чиқиб олган болага бақиряпти:

– Ҳой бола! Қўлга тушдинг-ку! Қани дарров пастга тушиб дадангни чақир!

Бола пастга тушди ва тепага қараб қичқирди:

– Дада, сиз ҳам пастга тушаркансиз. Қоровул амаки сўра-япти.



– Ҳа, болакай, нега йиғлаяпсан?

– Ойим кўчани кесиб ўтишда аввал машиналарни ўтказиб юбор, сўнгра ўзинг ўтгин деб тайинлаганди.

– Жуда тўғри айтибди. Нега йиғлаб ўтирибсан?

– Бир соатдан бери кутяпман, бирорта машина ўтма-япти-да.



– Нима учун хўтиксан дейишимга энди тушунгандирсан?

– Албатта, чунки мен сиздан кичикман-да.



Бола мактабдан келиб дадасига мақтанди:

– Мен бир кекса онахонга йўлнинг иккинчи томонига ўтишда ёрдамлашдим.

– Тўғри иш қилибсан, ўғлим, қарияларни ҳурмат қилиш керак, – дея отаси ўғлига ширинлик берибди. Эртасига бола икки ўртоғи билан келибди.

– Дада, биз биргалашиб бир қари кампирни кўчанинг нариги томонига ўтказиб қўйдик.

– Ҳаммаларинг-а? – ажабланибди ота.

– Ҳа, чунки у кампир йўлнинг нариги томонига ўтишни истамаганди, учаламиз мажбурлаб ўтказдик.



Ота-она ўғлини гуллар билан янги мактаб кийимида биринчи синфга кузатишди. Бола мактабдан қайтиб келиши билан уни саволга тутишди:

– Хўш, ўғлим, мактаб сенга маъқул бўлдимиди?

Ўғил сумкани бир четга улоқтириб бақирди:

– Нега менга тушликкача деб алдаб жўнатдинглар? Ахир бу бошоғриқ тўққиз йил экан-ку!



Бир ўқувчи ўз ўқитувчисини доимо сенсираб юраркан. Бундан асабийлашган муаллим ўқувчига буюрибди:

– «Ўқитувчини сизлаш керак» деган жумлани 50 марта ёзиб чиқ.

Ўқувчи худди шу жумлани 100 марта ёзиб чиқибди. Бундан кўнгли жойига тушган ўқитувчи:

– Ахийри ўз айбингга иқрор бўлибсан-да? – деган экан, ўқувчи жавоб берибди:

– Сени хурсанд бўлсин дедим-да!



Математика муаллими ўқувчидан сўраяпти:

– Отанг онангга ўн минг сўм берди дейлик. Кейин уч минг сўмни қайтариб олди. Хўш, кейин натижа нима бўлади?

– Отам пулни қайтариб олса, ҳамиша жанжал бўлади, домла.



Аҳмаднинг ота-онаси ажрашмоқда эди. Улар ўғилчасидан сўрашди:

- Сен ким билан яшашни истайсан?
- Телевизор кимда қолса, ўша билан яшайман.



- Ўғлим, туғилган кунингга нима совға қилайлик?
- От, қилич, тўппонча ва яна...
- Хўш, яна нима?
- Уч кун ювинмаслик...



Насибага ойиси туғилган кунда совға олиб келди. У суюниб совғани очди-ю, ҳафсаласи пир бўлди. Аразлагандай лабини бурди.

- Нима, кубиклар сенга ёқмайдами, қизим? – ойиси бошини силаб сўради.
- Кубикларни еб бўлмайди-ку!..



Тиш шифокорининг хонасига бир талай болалар кириб келишди.

- Мен тишимни олдиргани келдим, – деди улардан бири.
- Унда ўртоқларинг нимага келишди? – сўради дўхтир.
- Улар менинг қандай додлаганимни эшитишмоқчи.



– Менинг бурним отамники, кўзим онамники, – деди бир бола.

– Менинг эса пешонам бувимники, қулоғим тоғамники, – деди бошқаси.

Улардан ортда қолмаслик учун учинчи болакай шундай деди:

- Менинг иштоним акамники...



- Нурбек, нечага кирдинг?
- Яқинда саккизга кираман, ҳозирча учдаман.



– Икки воқеанинг тасодифан бир-бирига тўғри келиб қолишига мисол келтиринглар-чи, – деди ўқитувчи.

Ўқувчилардан бири қўлини кўтариб жавоб қилди:

– Дадам билан ойимнинг тўйлари бир кунда бўлган.



Дастурхонга овқат тортилавермагач, меҳмон уй эгасининг беш ёшли ўғлидан сўради:

– Сизлар, одатда, қачон овқатланасизлар?

– Биз соат бирда овқатланамиз. Агар меҳмон келиб қолса, у кетгунча сабр қиламиз.



Бассейнда биринчи бор чўмилаётган Мўминтой сувдан чиқа солиб йиғламсираб акасига деди:

– Мен уйга кетаман.

– Нега энди? Ўзимиз ҳозиргина келдик-ку.

– Бошқа сув ичолмайман, қорним тўлиб кетди...



– Адҳам, бас қил, йиғлама! – деди Азим укасига.

– Мен сенга йиғлаётганим йўқ. Ойимга йиғлаяпман.



Бобоси чақалоқ йўргаклашни билмайман деганида набираси сўради:

– Бувим чақалоқ бўлганларида уларни қандай йўргаклагансиз?



– Вой, бувижон, мушукчамиз аксирди.

– Нега унга: «Соғ бўл!» – демадинг?

– Унда менга ким: «Раҳмат!» – дейди?



Кичкина Сарвар акаси Алибекдан сўради:

– Ака, троллейбус трамвай билан автобуснинг қўшилганими?



- Дада, тоғамнинг иштаҳаларини чалиб кўрса бўладими?
- Нималар деяпсан, полвон ўғлим?
- Ўзингиз ойимлар норин пишираётганларида тоғасининг иштаҳаси карнай-да дедингиз-ку...



– Ойижон, менга минг сўм беринг, – деди ёш бола онасининг ёнига югуриб келиб, – кўчада бир камбағал киши турибди.

- Онаси унга пул бераркан, сўради:
- Камбағал киши у ерда нима қиляпти?
- Нима қиларди, музқаймоқ сотяпти-да.



Она биринчи синфга қатнай бошлаган қизидан сўради:

- Севара, мактаб яхшими ёки боғчами?
- Мактаб яхши экан, ойижон.
- Мактабнинг нимаси яхши экан?
- Ҳеч ким: «Овқат е, ухла», – деб зўрламайди.



- Бувижон, ширин конфет ейсизми? – сўради Акбар.
- Раҳмат, оппоғим, егим келмаяпти.
- Бироздан кейин Акбар деди:
- Бувижон, ундай бўлса, мендан сўрамайсизми?



- Ўғил отасидан илтимос қилди:
- Адажон, менга маймун олиб беринг.
- Олиб берсам, уни банан билан боқасанми?
- Сиз ҳайвонот боғидаги маймундан олиб беринг. У ерда «Ҳайвонларни боқиш мумкин эмас» деб ёзиб қўйилган.



- Дурбек шимини ифлос қилганини кўрган бувиси деди:
- Бу нима қилганинг? Ҳозиргина кийган шиминг билан полнинг чангини артиб қўйибсан-ку!
- Бунинг учун «раҳмат» демайсизми, бувижон?



Тўрт яшар Сарвар ҳайвонот боғида товусни кўриб деди:  
– Адажон, бу қушни рангли телевизор учун атайлаб бўяб қўйишганми?



– Дада, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?  
– Итдек чарчаганман, ўғлим. Қўл-оёғимни қимирлатишга ҳам мажолим йўқ.  
– Ундай бўлса, сизга кундалик дафтаримни кўрсатиб олай.



Беш яшар Акбар жиринглаган телефонни кўтарди:

- Алё?
- Отангни ёки онангни чақириб қўй.
- Улар уйда йўқ.
- Уйда ким бор?
- Синглим бор?
- Чақириб қўй уни?

Орадан бироз вақт ўтгач болакай яна телефонни олди:

- Синглим жуда оғир экан, коляскадан кўтаролмаяпман.



Тўрт яшар Сардор отасидан сўраяпти:

- Дадажон, Ер нега айланади?
- Тирранча, яна менинг пивомни ичиб қўйдингми?



– Ёлғончи! Нега менга сўз бериб устидан чиқмадинг? – деди Дурбек укаси Нурбекка.

- Майли, йиғлама... Истасанг, сенга бошқа сўз бераман...



Ўқитувчи синф хонасига кириб навбатчидан сўради:

- Нега Тўлан яна дарсда йўқ?
- Бунинг сабаби бор. Бу ҳақда сизга хат ёзиб қолдирди.

Мана, ўқиб кўринг.

Ўқитувчи қоғозни олиб ўқиди: «Менинг бошим оғрияпти, душанбагача оғриydi».



Уч яшар Комила сўради:

– Ойижон, итлар билан мушукларни қаёқдан олишади?  
Уларнинг магазини йўқ-ку!



– Қани, Шавкат, «Отам мажлисида қолди» деган гапни таҳлил қил-чи, – деди она тили ўқитувчиси.

– «Отам» – гапнинг эгаси, «қолди» – кесими, «мажлисида» – бу баҳона!..



Муаллим ўқувчидан сўраяпти:

– Бир сутка неча соатдан иборат?

– Йигирма беш соатдан.

– Йўқ, янглишдинг.

– Нега? Ахир ўзингиз кунлар бир соатга узайди дедингиз-ку!



Болакай бобосига қараб: «Бобо!» – деди, аммо бобоси унинг гапига қулоқ солмади.

– Овқат вақтида гапириш одобдан эмас, болам, – деб танбеҳ берди бобо.

Овқатдан кейин бобо неварасидан сўради:

– Хўш, боя менга нима демоқчи эдинг?

– Э, энди фойдаси йўқ, бобо. Сизнинг шўрвангизга пашша тушиб кетувди. Уни еб юбордингиз.



– Элдор, идишдаги мураббони ким ялади?

– Қўшнимизнинг мушуги.

– Унда нега юзингда мураббо юқи турибди?

– Мушукдан ортгани исроф бўлмасин деб еб қўйдим.



Иккита болакай ўзаро суҳбатлашапти.

– Нега бугун футбол ўйнашга бормадинг?

– Отамга уй вазифаларини бажаришда ёрдамлашдим.



Меҳмон келса, уй бекаси йўқ экан.

- Ойинг қани? – деб сўради у беш яшар Комиладан.
- Ойим икки соат олдин беш минутга қўшнимиз Санобар холаникига чиқиб кетувдилар.



– Болалар! Дунёда энг кўп сув ичадиган жониворнинг но-  
мини ким айтиб беради?

Сардор қўл кўтариб жавоб берди:

- Дадамлар энг кўп ичадилар.
- Нега ундай дейсан?
- Чунки ойимлар қачон ичишни ташлайсиз деб ҳар куни дадам билан уришадилар.



- Собир, юр, мактабга борамиз.
- Бугун ўқишга боролмайман, қорним оғрияпти.
- Айтмоқчи, эшитмадингми, бугун дарсдан сўнг мактаби-  
мизга қўғирчоқ театри келиб томоша кўрсатаркан.
- Ундай бўлса, мен ҳам бораман.



Ўқитувчи биринчи синф боласидан сўради:

- Қани, айт-чи, нега тухумдан жўжа очилиб чиқади?
- Агар очилиб чиқмаса, қуймоққа айланиб қолишдан қўр-  
қади-да.



Бола онасининг янги сотиб олган шляпасини отасига кўр-  
сатиб деди:

- Дадажон, энди ойим шляпаларини йўқотмайдилар. Бир чеккасига номларини сиёҳда сира ўчмайдиган қилиб ёзиб қўйдим.



Буви шамолаб қолган набирасининг оёқларини спирт би-  
лан ишқалаб арта бошлади. Бола хиринглаб кулганча деди:

- Бувижон, нима қилиясиз? Ахир оёғим йўталмайди-ку!



Мактабга кечикаётган ўқувчи кўчада машинани тўхтатиб илтимос қилди:

- Амаки, мактабга олиб кетинг.
- Ўғлим, мен бошқа томонга кетяпман-ку!
- Унда янаям яхши...



Тўрт яшар Комила кўчадан ўтиб кетаётган кекса кампирни кўриб ойисидан сўради:

- Ойижон, бу кампир намуноча қари?
- Кўп йиллар илгари туғилган-да.
- Бувижонимдан ҳам илгарими?
- Ҳа.
- Уни маймун туққанми?



Муаллим ўқувчилардан Ҳамид Олимжоннинг туғилган ва вафот этган йиллари ёзилган рақамларни кўрсатиб бу нима-ни билдиради деб сўради. Ҳаммадан илгари сакраб турган Сардор шундай деди:

- Мен биламан, бу унинг телефон рақами.



Дўконга келган қизалоқ идишни узатиб деди:

- Сметана беринг.

Қизалоқ сметанани олиб кетаётганда сотувчи орқасидан сўраб қолди:

- Пулини бермадинг-ку.
- Пули идишнинг ичида эди.



Она ўғлидан сўради:

- Нега мактабдан кеч келяпсан?
- Ҳаммасига лифт сабабчи.
- Нима, ишламаяптими?
- Йўқ, ишлаяпти. Фақат қондасида «Тўрт кишига мўлжалланган» деб ёзилган экан, яна уч кишини кутишга тўғри келди.



Оила аъзолари Янги йил кечаси дастурхон атрофида ўтиришарди. Торт еяётган Акбар отасидан сўради:

- Отажон, манави тортни Қорбобо тайёрлаганми?
- Йўғ-э, нега ундай деяпсан?
- Ахир тортдан Қорбобонинг соқоли чиқди-ку!



Адабиёт дарсида ўқитувчи уйга топширилган «Мен янги йилни қандай кутиб олдим?» деган мавзудаги иншони текшираётиб бир ўқувчидан сўради:

- Неъматжон, сен нега иншони ёзмай келдинг?
- Янги йил кирмасдан ухлаб қолибман.



Акбар акаси Дурбекдан сўраяпти:

- Лайлак қачон келади, ака?
- Ёзда.
- Ёз қачон келади?
- Июнда.
- Июн қачон келади?
- Майдан кейин.
- Май қачон келади?
- Лайлак келишидан бир ой олдин.



Жажжи Сардор уйларига меҳмон бўлиб келган Аҳмаддан сўради:

- Нечага чиқдингиз?
- Олтига.
- Мен тўртга тўлдим. Сиз мендан катта экансиз. Туғилганингизда ёшингиз нечада эди?



Биология ўқитувчиси ўқувчиларга тушунтиряпти:

– Судралиб юрувчи жониворлар доимо ерда эмаклаб юрадилар. Қани, Маҳмуд, судралиб юрувчиларга битта мисол келтир-чи!

- Менинг кичик укам доимо ерда судралиб юради.



Ўқитувчи Нурбекдан сўради:

- Қани, айт-чи, 8 март қандай кун?
- Дадам овқат пиширадиган кун!



Ўқитувчи ўқувчиларга ҳар бирида бештадан феъл бўлган гап тузишни топширди.

– Қани, туриб нима ёзганингни ўқи-чи! – деб сўради муаллим олдинги қаторда ўтирган ўқувчидан.

Ўқувчи ўрнидан туриб ёзган гапини ўқий кетди:

– Онам пиширади, тозалайди, ювади, тикади, дазмоллайди. Отам ейди, чекади, ўқийди, ичади, ухлайди.



Бола отасидан сўраяпти:

– Бугун ўқитувчимиз айтдики, биз ернинг тортиш қонунига кўра ер устида юрарканмиз. Шу гап тўғрими?

– Тўғри, ўғлим.

– Унда бу қонун ҳали кашф этилмасдан олдин одамлар ер устида қандай юришган?



– Ойижон, сиз ҳам урушда қатнашганмисиз?

– Йўқ, болам.

– Нега бўлмаса сизга «Қаҳрамон она» деган унвон беришган?



– Амаки, суюнчи беринг, ойим туғдилар.

Амакиси болага минг сўм берди.

– Яна минг сўм беринг!

– Нега?

– Чунки ойим эгизак туғдилар.



Кўчада ўйнаб юрган Салим уйга югуриб кирди:

– Ойижон, тезда телевизорни қўйворинг, «Қилич ва талқон» («қалқон» демоқчи) деган кино бўляпти.



Жажжи Асрор уйқудан турди-ю, «олма» деб йиглай бошлади.

- Олмадан жудаям кўп единг-ку, болам! – деди ойиси.
- Емайман деяпман-ку, чўнтагимга солиб юраман.



Шухрат ўқитувчисига деди:

- Агар мен математикадан «беш» олсам, дадам менга минг сўм беришни ваъда қилган.
- Қачондир «беш» олишингга кўзим етмайди.
- Агар шу минг сўмни иккаламиз бўлишиб олсак-чи?



- Адажон, сизнинг омадингиз келди.
- Нега бундай деяпсан? Қаёқдан билдинг буни?
- Мен синфда иккинчи йилга қолдим. Энди менга янги дарсликлар сотиб олмайсиз.



Милиция бўлимидаги телефон жиринглади:

- Зудлик билан уйимизга милиция ходимини юборинг.
- Мени аёл киши урди.
- Ёшингиз нечада?
  - Унда...
  - Сизни ким урди ўзи?
  - Ойим...



- Нега овқатингни емаяпсан, ўғлим? Ўзинг бўридай очман дегандинг-ку.
- Бўрининг бўтқа еганини кўрганмисиз?



Айб иш қилиб қўйган кичкинтой Сойибни бурчакка турғазиб қўйишди. Шунда у алам билан уй бурчагига қараркан, чуқур хўрсинди:

- Улғайиб қурувчи бўлсам ҳамма хоналарни бурчаксиз қураман.



Бола тиш дўхтиридан қайтиб келгач, отаси сўради:

- Тишинг яна оғрияптими?
- Билмайман, дўхтир уни ўзига олиб қолди.



– Менга айт-чи, – деди ўқитувчи ўқувчига, – ҳаво очиқ бўлганда бошимиз тепасида нимани кўрамиз?

- Осмон, булут, қуёшни.
- Ҳаво булут бўлганда-чи?
- Соябонни...



Талъатни отаси Москвага олиб борди. Уни поездда бир йўловчи гапга солиб исмини, ёшини ва қаерда туғилганини сўради.

– Ўзбекистонда туғилган, – деди отаси уялиб турган ўғлига ёрдам бермоқчи бўлиб.

– Йўқ, мен Ўзбекистонда эмас, Тошкентда туғилганман, – деди Талъат.



Ўқувчи чизган расмини ўқитувчисига кўрсатди:

- Мана бу қоғозга қаранг, ўтлоқда сигир ўтлаб юрибди.
- Ие, сигир бор-у, ўтлоқ йўқ-ку!
- Ҳамма ўтларни сигир еб қўйди-да.



Ўқитувчи Нозимадан сўради:

– Қани, айт-чи, овқатланишдан олдин нима учун қўл ювилади?

- Қошиқни ифлос қилмаслик учун...



– Юр, ўйнаймиз, – деди Шокир Холматга.

- Иложим йўқ, соат учда кино бошланади.
- Ахир энди икки бўлди-ку!
- Тўғри, лекин билетга пул ундиришдан олдин ярим соатча йиғлашим керак-да.



Математика ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

– Айт-чи, ўн битта отга яна олтита отни қўшсак, қанча бўлади?

– От уюри-да.



– Балиқлар гапирадими? – сўради ўқитувчи.

– Йўқ, гапирмайди, – жавоб қилди ўқувчи. – Чунки уларнинг оғзи тўла сув бўлади.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– Менга Ернинг юмалоқ шаклда эканини исботлаб бер-чи!

– Кечирасиз, муаллим, мен ҳеч қачон ундай демаганман.



– Ойи, нега дадамнинг сочлари тўкилган?

– Ёшлигида кўп китоб ўқиган.

– Унда эртага мен ҳам мактабга бормайман.



Қўшниларниқидан чиқиб келган Сарвар онасига деди:

– Тошмат ака редискаларини суғурди. Ҳаммасини қизилга бўяб ерга кўмиб қўйган экан.



Ота қизига деди:

– Агар ҳар куни пианинода жиддий машқ қилиб турсанг, музқаймоққа пул бераман.

– Бобом, агар пианино чалмасам, ҳар куни ўнта музқаймоққа пул бераман деди.



– Наҳотки, харитадан Лондон шаҳрини тополмасанг? – деди ўқитувчи.

– Лондонда тез-тез туман бўлиб туради дедингиз, ҳозир туман тушганга ўхшайди, шаҳар кўринмаяпти, – жавоб қилди ўқувчи.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– Қора денгиздан ташқари яна қайси денгизларни биласан?

– Қизил, Сарик, Оқ, Кўк денгизларни биламан, муаллим.



– Отинг нима?

– Фарҳод.

– Фамилиянг-чи?

– Билмайман.

– Қаерда турасизлар?

– Уйда!



Ҳовлида ўртоғи билан ўйнаётган ўғлига онаси деди:

– Ҳой, бу совуқ билан ўйнашма, шамоллаб қоласан-а, қани, дарров уйга кир.

Ўғил ҳовлидан туриб жавоб қилди:

– Мен совуқ билан ўйнамаяпман, Шерзод билан ўйнаяпман, ойи.



– Терлатадиган воситаларни айтиб бер-чи, – сўради ўқитувчи.

– Биринчиси сизнинг саволингиз, муаллим.



Пашша тутиб олган Карима ойисига деди:

– Ойижон, мана бу пашшадан фил ясаб беринг.

– Нималар деяпсан? Эсинг жойидами ўзи?

– Ахир дадам сизга доим пашшадан фил ясайсан дейдилар-ку.



– Ўн еттинчи асрда яшаган кимёгарлар ҳақида нималарни биласан? – деб сўради ўқитувчи.

– Улар аллақачон ўлиб кетишган, домла, – жавоб қилди ўқувчи.



Хархаша қилиб йиғлаётган Ақобирга онаси деди:

– Агар шунақа йиғлайверадиган бўлсанг, сенга ҳеч нарса олиб бермайман.

– Ойи, унда қанақа йиғлайин?



– Яна ёмон баҳо олибсан-ку, нима, ўқитувчининг саволига тушунмадингми? – деди ота ўғлига.

– Аксинча, ўқитувчи жавобимга тушунмади, дада.



– Онажон, сотувчидан қайтим сўраса, боши оғрийдими?

– Нега ундай деяпсан, ўғлим?

– Дўкондан печенье олиб, қолган пулни сўрасам, сотувчи амаки: «Ҳа, зумраша, сенлар билан савдо қилсам, бошим оғриб кетади», – деди-ку!



– Йўқ бўлиб кетган ҳайвонлардан қайси бирини биласан? – деб сўради ўқитувчи.

– Скелетозавр! – бурро жавоб қилди ўқувчи.



– Ўғлим, ботинкангни ечиб қўйиб ўйнагин, хўпми? Йўқса, ботинканг йиртилиб қолади.

– Ялангоёқ ўйнасам, оёғим йиртилиб кетмайдими?



– Ойижон, қўзичоқ нега маърайди?

– Гапиришни билмайди-да.

– Унда синглим Комила нега маърамайди? У ҳам гапиришни билмайди-ку!



Набира ердаги нос юқини кўрсатиб сўради:

– Бувижон, бу нима?

– Билмадим, болажоним, шу ерда ит юрган эди.

– Ие, ит нос чекадими?



Кичкина Мансурдан тоғаси сўради:

– Қани, менга айт-чи, мактабни битириб ким бўлмоқчиди-сан?

– Ойимнинг фикрича, врач, дадамнинг фикрича, адвокат бўлмоқчиман.

– Хўш, ўзинг нимани хоҳлардинг?

– Менга қолса, ўқишни битириб уйланмоқчиман.



Ўқитувчи болаларни сўроққа тутяпти:

– Деразани ким синдирди?

Ҳамма жим.

– Такрорлайман: ким синдирди? Агар ким айбини бўйнига олса жазонинг ярмини олади.

Шу пайт орқа қаторда ўтирган Абдукарим секин ўрнидан туриб сўради:

– Агар айбимни икки марта бўйнимга олсам-чи?



– Ойижон, синфдошлар билан суратга тушувдик, мана, кўринг.

Ойиси суратга тикилиб ўғлини тополмади.

– Сен йўқсан-ку, болам?

– Борман, мана, анави чеккадаги менинг қулоғим-да, яхши тушибманми?



– Юкинг оғирлик қилмаяптими, ўғлим?

– Ичида ҳандалак борлиги учун оғирлиги билинмаяпти.



Эшик тақиллади. Болалар чуғурлашиб қолишди.

– Аям келдилар!

– Йўқ, бу қўшнимиз бўлса керак.

– Ҳечам-да, бу дадам!

– Қаердан била қолдинг?

– Эшикнинг пасти қисми тақиллади. Демак, дадам яна ичиб келганлар, тушундингми?



Кичкинтой Сарвар жиринглаган телефонни олиб деди:

– Алло! А...аммажон, кимни, аямними? Хўп, ҳозир. Фақат сиз телефондан чиқиб кетманг, ичида ўтириб туринг... Ҳозир...



– Абдумалик! Стол устида турган олма қани? Компот қилишим керак эди, – деб сўради кампир неварасидан.

– Уни қўзичоқ еб қўйди, – кулимсираб жавоб қилди набира.

– Қанақа қўзичоқ? – буви набирасига ҳайрон бўлиб қаради.

– Мен-чи? Ўзингиз мени доимо қўзичоғим дейсиз-ку!



Кечаси билан йўталиб, эртаси овози бўғилиб қолган уч яшар Сарвар ойисига шивирлаб деди:

– Ойи, менинг овозим йўқолиб қолди.



– Ойи, чақалоқ пайтимда мени нимада катта қилгансиз?

– Беланчақда, қизим.

– Бувимларни-чи?



– Болам, сигирга озгина ўт ташлаб келгин, – деди бувиси кичкинтой набирасига.

Набира ташқарига чиқса, сигир кавш қайтараётган экан.

– Бувижон, ҳозир сигирга ўт берсам, емаса керак, – деди набира уйга кириб.

– Нега емас экан?

– Сигиримиз ҳозир сақич чайнаяпти.



– Ойижон, музқаймоқ олиб беринг, жудаям егим келяпти.

– Музқаймоқ муздек бўлади, ўғлим, есанг, томоғинг оғриб қолади.

– Унда иссиқ музқаймоқ олиб бера қолинг.



Жажжи қизалоқ Рахшона ойиси билан бувисиникига борди. Хонада бувиси йўқ экан.

– Бувим йўқмилар? – деб сўради у тоғасидан.

– Бувинг ошхонадалар. Овқатга мош солиб, ҳозир келадилар.

Рахшонанинг эсига дарров Мош деган мушукчаси тушди:

– Ие, ойи, овқатга мушук ҳам солинадими?



Биринчи синфга бораётган ўғлидан дадаси сўради:

– Алифбони биласанми, ўғлим?

– Биламан, дадажон.

– Унда айт-чи, «А»дан кейин қайси ҳарфлар келади?

– Қолган ҳарфлар-да, дадажон!



Набираси бувисидан сўраяпти:

– Бувижон, менга беш минг беринг.

– Нима дединг?

– Беш минг сўм бериб туринг деяпман.

– Нима? Эшитмаяпман, қаттиқроқ гапир!

– Ўн минг беринг деяпман.

– Нима? Ахир ҳозиргина беш минг деётгандинг-ку!



Онаси Баҳромга укангга қараб тургин деб ўзи дўконга чиқиб кетди. Қайтиб келса, бола йиғлаяпти.

– Сен нима қилиб ўтирибсан укангга қарамай? – деди ойиси аччиғланиб.

– Қараб ўтирибман, ойи. Энди укам тўхтаса, мен йиғламоқчи эдим.



Беш ёшли Содиқ ойиси билан тоғасиникига борди. Тоғанинг Носир деган ўғли бетоб бўлиб, касалхонада ётиб чиққанди. Ойиси у билан кўриша туриб шундай деди:

– Вой, ўлай, озиб-тўзиб, фақат битта бошинг қопти-ку!

– Вой, ойи, Носир акамни бошлари илгари иккитамиди?



Ҳасан билан Ҳусан меҳмонга кетишаётган эди. Зоодўкон ёнидан ўтишаётганда Ҳасан ойисига ялинди:

- Ойи, менга олмахон олиб беринг.
- Менга олчакхон олиб беринг, – гапга аралашди Ҳусан.



– «Икки»ларингни йўқотдингми, ўғлим?  
– Кундалигимдагиларни резинка билан ўчирдим. Лекин журналдагиларни йўқотишнинг ҳеч иложи бўлмапти.



– Мен бочқага (боғчага демоқчи) бормайман! – деди уч яшар Дилфуза йиғлаб.



Қоровул боққа сўроқсиз кирган болага деди:  
– Ҳой бола! Нега бировнинг боғидаги мевани теряпсан?  
– Битта олма узилиб тушган экан, шуни жойига қайта илиб қўймоқчи эдим, амаки.



Она тўполон қилаётган ўғлига танбеҳ берди:  
– Сендан ҳеч ёруғлик чиқмади-да, болам.  
– Ойижон! Ахир мен электр лампочкаси эмасман-ку!



Она тили ўқитувчиси ўқувчига топшириқ берди:  
– «Каримга дадаси футбол тўпи олиб келди» деган гапнинг эгасини топ-чи.  
– Агар акалари тортиб олишмаса, эгаси Карим.



– Ойижон, мен туғилганимда сиз қаерда эдингиз?  
– Қаерда бўлардим, туғруқхонада эдим-да.  
– Дадам-чи, улар қаерда эдилар?  
– Даданг заводда, ишхонасида эди.  
– Доимо аҳвол шу, бирон ҳодиса юз берса, уйда ҳеч ким бўлмайди.



Уйларига келаётган меҳмон Шавкатдан сўради:

- Уйингларда ким бор?
- Уйимизда ҳеч ким бор.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Қани, айт-чи, Фарҳод, энг кейин чиқадиган тишни нима дейишади?
- Энг кейин чиқадигани сунъий тиш бўлади-да, домла.



- Ўғлим, мана бу ерда иккита нок бор эди. Бирини сен едингми?
- Қоронғи эди, иккинчисини кўрмабман.



- Ойи, эшигимиз олдида иккита маст юз сўмдан бер деб жанжаллашяпти.
- Икковига юз сўмдан бериб ҳайдаб юбор!
- Шундай қилдим, аммо битгаси кетди-ю, иккинчиси кет-маяпти.
- Нега?
- Чунки иккинчиси дадам-да!



Она ўғлига деди:

- Бугун даданг маош олиб келадиган кун. Негадир кечикяпти, тинчликмикин, ишқилиб? Деразадан бир қараб қўй-чи!

Ўғил деразадан ташқарига қараб олгач деди:

- Ойижон! Маош ўрнига икки киши дадамнинг ўзини судраб келяпти-ку!



Боғбон дарахтга чиқиб олган болага ўдағайлаяпти:

- Нега олмага чиқдинг? Эсинг борми?
- «Ўзингиз майса устида юриш мумкин эмас!» деб ёзиб қўйибсиз-ку!



- Дада, музқаймоқ олиб беринг!
- Хўп, ўғлим, қанақасидан бўлсин? Қаймоқлигиданми ёки шоколадлигидан?
- Унисидан ҳам, бунисидан ҳам бўлсин!



- Рўза кунлари эди. Кичкинтой Раҳматулла дадасига деди:
- Дада, ойимнинг оғизларини ким беркитди?
  - Ҳеч ким беркитгани йўқ, – жавоб қилди дадаси ҳайрон бўлиб.
  - Бувижоним ҳар куни: «Дадангдан сўраб кел-чи, оғзимни очсам бўлармикин?» – деб сўрайдилар-ку.



- Мактабга эндигина қатнай бошлаган боладан отаси сўра-япти:
- Нима янгиликлар бор мактабингда?
  - Ўқитувчимизнинг кимлигини билиб олдим.
  - Хўш, ким экан у?
  - Ҳасадгўй экан.
  - Нега бундай деяпсан?
  - У менга: «Эҳ, отангнинг ўрнида бўлганимда эди...» – деди.



- Алибек, қани, айт-чи, 8 ни 2 га бўлса неча бўлади?
- Узунасига бўлса – 3, знига бўлса – 0.



- Геометрия муаллими ўқувчиларга юзланиб деди:
- Энди мен сизларга Пифагор теоремасини исботлаб бе-раман.
  - Шунда орқа партада ўтирган Тўлан луқма қилди:
  - Ҳожати йўқ, домла, биз сўзингизга ишонамиз.



- Ўғил телевизорда хоккей кўраётган отасидан сўради:
- Дада, бу сизларнинг мультфилмингизми?



Райҳона дугонаси Комилага деди:

- Суюнчи бер, чақалоқ укамнинг тили чиқяпти.
- Вой, нима, туғилганида тили йўқмиди?



Синфда ўқувчилар «Агар миллион сўм пулим бўлса, нима қилардим?» деган мавзуда иншо ёзишаётганди. Сарвар узоқ ўйланиб қолди, ўзича уҳ тортди ва муаллимнинг ёнига келиб секин шивирлаб сўради:

- Яна юз минг қўшишнинг иложи йўқми?



Шаҳзод ўртоқларига мақтаниб деди:

- Менинг дадам хошли (шошли демоқчи) қўй олиб келдилар.



– Беҳзод, бурнингга нима қилди?

- Йиқилувдим, бурнимга яра чиқди.



Икки болакай ўзаро дадасини мақтаб гаплашмоқда.

- Менинг дадам исталган мавзуда гаплаша олади.
- Менинг дадам эса мавзу-павзу бўлмаса ҳам гапни қотириб ташлайди.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Нега барча сўзларни кичик ҳарфда ёзясан?
- Дадам бош ҳарфларни кичик қилиб ёзсанг, ручкангнинг сиёҳи тежаллади деган эди.



Тўрт яшар Шавкат отасидан сўрапти:

- Нега анави ит тилини осилтириб турибди?
- Иссиқдан қийналяпти-да.
- Унда нега пўстинини ечиб қўймайди? Тугмачаси бўлмагани учунми?



География дарсида ўқитувчи Маҳмуддан сўради:

- Қани, айт-чи, дунёда нечта қитъа бор?
- Бешта.
- Сана-чи уларни.
- Бир, икки, уч, тўрт, беш...



Уч яшар Алибек дарё соҳилида дадаси билан сайр қилиб юрарди.

- Дадажон, менга балиқ тутиб беринг.
- Тутадиган ҳеч нарса йўқ-да.
- Қўлингиз билан тутаверинг, қўрқманг, балиқ тишламайди.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Экспедиция шимолий қутбда қандай ютуқларга эришди?
- География дарсларини қийинлаштиришдан бошқа нарсага эришмади!..



Кичкина Алишер жажжи бармоқларини букиб санай бошлади:

- Бир, икки, уч... ўн, вой, – деди у бирдан тўхтаб, – қолганларига бармоқларим етмайди-ку.



Ўқитувчи она тили дарсида ўқувчидан сўрапти:

- Қани, айт-чи, «ўғирламоқ» феълнинг келаси замондаги шакли қандай бўлади?
- «Қамоқ» бўлади-да, домла.



Комила осмондаги Зухро юлдузи билан оймомани кўрсатиб деди:

- Вой, ойижон, қаранг, осмондаги ҳамма юлдузлар ухласа ҳам, битта юлдуз билан битта ой ухламаяпти-ку!



Беш яшар Дурбек эндигина тишини олдириб келган бувисига ачиниб қараркан, деди:

– Бувижон, йиғламанг, мен сизни тишингиз бўлмаса ҳам яхши кўравераман.



- Мушукларга жуда маза-да, – деди кичкинтой Аъзам.
- Нега ундай деяпсан, ўғлим? – сўради ойиси.
- Чунки улар ҳеч қачон қўлларини ювмайди.



Ўқитувчи:

– Уй ҳайвонларининг ёввойи ҳайвонлардан фарқи нимада?

Ўқувчи:

– Ёввойи ҳайвонлар уй ҳайвонлари каби тухум ва сутни ўз ихтиёри билан беришмайди.



Биология дарсида ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Таркибида сут бўлган бешта нарсани айт-чи.
- Сут, сарёғ, пишлоқ ва иккита сигир.



Ўқитувчи:

– Қора денгиз бўйидаги шаҳарлар ҳақида гапириб бер.

Ўқитувчи:

– Қора денгиз бўйидаги шаҳарлар асосан денгиз қирғоғида жойлашган...



Кичкинтой Беҳзод бувиси билан кўчада кетаётган эди. Шу маҳал рўпарадан чиқиб қолган одамга набира тилини чиқариб кўрсатди.

– Бу нима қилиқ? – деди бувиси. – Катта одамга бунақа қилиш одобдан эмас.

– Бувижон, бу амаки бизнинг дўхтиримиз. У тилини чиқариб кўрсатган болаларни яхши кўради.



Нурбек телефонда онасига деди:

– Ҳозир бувимлар сиз билан гаплашолмайдилар, гриплари юқади.



Онаси шўхлик қилаётган Акбарга танбеҳ беряпти:

– Акбар, сакрама! Акбар, китобларга тегма! Акбар, эшикка осилма!

– Ҳўп, нима қилай, бўлмаса? – деди Акбар лабини чўччайтириб.



– Ойи, қўнғиз деразадан чиқолмаяпти, боши кичкина бўлгани учун ақли етмаяптими? – сўради Дурбек ойисидан.



Забаржад ойисидан сўради:

– Мен узоқ-узоқларга кетиб қолсам, нима қиласиз?

– Бошқа қиз топиб оламан.

– Вой, унда яна ўзимни топиб олинг!



– Қизим, нимага иккита конфет олдинг?

– Қўлим иккита бўлгани учун билмасдан олиб қўйибман, кечиринг, ойижон...



– Забаржад, мени яхши кўрасанми?

– Яхши кўраман.

– Қанақа яхши кўрасан? Қаттиқ яхши кўрасанми?

– Йўқ, юмшоқ яхши кўраман.



Буви набирадан сўраяпти:

– Ойинг пиширган кўк сомсаларни эртага еймиз деб бир четга олиб ўраб қўйгандим. Уларни сен едингми, тойчоғим?

– Ҳа, бувижон, мен едим. Ўзингиз доимо: «Бугунги ишни эртага қўйма», – деб насиҳат қиласиз-ку!



- Ойи, нега дадамнинг бошларида сочлари йўқ?
- Даданг ҳамиша ўйлаб-ўйлаб, кейин бир иш қилади, шунинг учун сочи кам.
- Э-ҳа, сочингиз нега бунчалик кўплигини энди тушундим.



– Ойижон! Илгари ўқитувчимиз майда ёзасан деб «4» қўярди. Кўзойнак тақа бошлаганларидан буён катта ёзма деб уришяпти. Дафтаримизни кўзойнақларини олиб текширсайди...



- Бувижон, нега кўзойнак тақасиз?
- Кўзойнак тақмасам яхши кўролмайман-да, қўзичоғим.
- Бўлмаса, кўзойнагингизни тақмай туринг, қўзичоғингиз дастурхондаги конфетлардан еб тўйиб олсин.



- Рустам дадасидан сўради:
- Дада, сиз кийикдан қўрқасизми?
  - Йўқ, ўғлим. Нима эди?
  - Унда нега кийик овига нуқул милтиқ билан кучукни оволасиз?



Ўқитувчи Жамшиддан сўради:

- Жамшид, нима қиляпсан?
- Ҳеч нарса.
- Сен-чи, Восит?
- Жамшидга ёрдам берапман.



Ўқитувчи «Агар мен директор бўлсам...» деган мавзуда иншо ёзишни топширди. Ҳамма ёза бошлади, фақат Ҳакимгина ёзмай ўтираверди.

- Сен нега ёзмаяпсан? – деб сўради ўқитувчи.
- Котибамни кутяпман.



- Ойижон! Қушларнинг ҳам болалари бўладими?
- Ҳа, бўлади.
- Дарахтларнинг-чи?
- Дарахтларнинг болалари уларнинг мевалари-да!
- Вой, унда биз дарахтларнинг болаларини еб қўяркан-миз-да!..



- Соатим тўхтаб қоляпти, бузилганга ўхшайди. Устага олиб бориб тозалатиш керак, – деди ота соатни қўлига олиб.
- Тозалатиб ўтирманг, дадажон, – деди кичкинтой Босит.
- Мен кеча уни яхшилаб совунлаб ювиб қўйганман, топ-тоза.



Дарс пайтида сақич чайнаб ўтирган ўқувчи қиздан муаллим сўради:

- Ҳамида, нима чайнаяпсан?
- Ўтаётган дарсингизнинг мазмунини.



Болалар ўзаро суҳбатлашмоқда.

- Мен Тошкентда туғилганман, сен-чи?
- Мен касалхонада туғилганман.
- Нима, касалмидинг?



Ўқитувчи ўқувчига деди:

- Дадангга айтсанг бўларди, математикадан сенга бироз ёрдам берсин.
- Дадам энди ёрдам бермайди, чунки аввалги кун у ишлаган масалага ёмон баҳо қўйганингиздан жуда аччиқланган.



Ўқитувчи ўқувчига танбеҳ беряпти:

- Нега сочингни уйда тараб келмадинг?
- Уйда тарақ йўқ.
- Отангнинг тарағини олиб турмадингми?
- Отамнинг сочи йўқ.



Бобо оромкурсида мудраб ўтирарди. Набира келиб унинг камзулидаги тугмани бураб ўйнай бошлади.

- Нима қиляпсан?
- Бошқа каналга бурамоқчиман.



Бола сут-қатиқ дўконига бориб сотувчига деди:

- Икки литр сигир сутидан беринг.
- Идишинг кичиклик қилади, икки литр сут сиғмайди.
- Унда эчки сутидан бера қолинг.



– Ойижон, қуёш катталардан кўра болаларни кўпроқ яхши кўраркан-а?

- Сен буни қаердан билдинг?
  - Ҳозир мен жудаям исиб кетяпман, сиз эса исимаяпсиз.
- Шундан билволдим-да, ойижон!



Набира бобосидан сўраяпти:

- Бобожон, пичанингиздан озроқ бериб тураркансиз.
- Отанга керак эканми?
- Йўқ, отам пичан емайди. Йилқимиз учун керак экан.



Уч яшар қизалоқ гулзорнинг ёнидан ўтишаётганда ойи-сидан сўради:

- Ойи! Анави гулнинг ичидан игнага ўхшаб чиқиб турган-лари гулнинг киприкларими?



Тўрт яшар Забаржад ойисига деди:

- Ойижон! Мен булутларнинг устига чиқиб ухлагим кел-япти. Булутлар роса юмшоқ бўлса кераг-а?



Асрор юк кўтараётган кранни кўрсатиб деди:

- Анавиам дадамга ўхшаб машқ қилаётганга ўхшайди.



Троллейбуга тикилиб турган Комрон ойисига деди:

– Анави машинаям укам Мансурга ўхшаб шўх экан, онаси шохидан бойлаб қўйипти. Энди у йиғлаб бувисиникига арзга кетяпти.



Шаҳар кўчаларидан ўтиб бораётган қўй ва қўзиларни кўрган Дурбек онасидан сўради:

– Уларниям боғчага олиб кетишяптими?



– Вой, эсим қурсин! Ошни дамлаб, оловини пасайтирмабман-ку!

– Ойижон! Ош тезроқ пишсин деб, оловни баланд қилиб қўйгандим.



Болакай дорихона сотувчисидан сўради:

– Оғриқ қолдирадиган бирор дори борми?

– Қаеринг оғрияпти ўзи?

– Ҳозирча ҳеч жойим. Аммо кечқурун дадам кундалигимни текширадилар...



– Аяжон, ухламанг...

– Нега энди?

– Ухласангиз, мен сизни соғиниб қоламан.



Поездга биринчи марта чиққан Нурбек дадасидан сўради:

– Бу вагон ҳам: «Кейинги бекат Ҳамид Олимжон», – деб гапирадимми?



Бола отасига деди:

– Дада, мен синфимизда энг яхши ўқувчи эканман.

– Баракалла, ўғлим. Қани, энди айт-чи, сизларда энг мақтанчоқ ўқувчи ким?



Тиббий текшириш пайтида врач биринчи синф боласидан сўради:

- Хўш, қулоқ-бурундан шикоят борми?
- Ҳа, улар менга кийимларимни ечаётганимда халал беради.



Ўғил онасига гул совға қилди.

- Гулни қаердан олдинг? – деб сўради ойиси.
- Мамажон аканикидан олдим.
- Мамажон аканинг ўзи биладими?
- Албатта, дарвозагача сўкиниб қувиб келди-ку.



Болакай ўртоғига мақтаняпти:

- Кеча дадам зўр машина олиб келди.
- Қани ўша машина?
- Гаражда турибди. Негадир дадам уни бошқа рангга бўяб, номерини ҳам ўзгартириб қўйди. Нега бундай қилди, тушунмадим.



Ўқитувчи болага танбеҳ беряпти:

- Нега ювинмасдан келдинг?
- Ойим бурчакка турғизиб қўйди.
- Нега?
- Ювинмаганим учун.



Она хонага кираётиб ола-була бўялган эшикни кўриб жаҳли чиқди:

- Эшикни ким бўяди?
- Болалар жим бўлиб бир-бирига қараб қолишди:
- Биз бўямадик.
- Она айбдорни топиш учун ҳийла ишлатди:
- Яхши бўяпти, ким бўяган бўлса, мана унга битта олма!
- Шунда Сарвар бидирлаб жавоб қилди:
- Мен бўядим, ойижон!



Шаҳарга биринчи марта келган Сардор баланд биноларга термилиб қолди:

– Дада, бу ерда ҳамма бинолар бир-бирининг устига чиқиб олган экан-а?



Тарбиячи боладан сўради:

- Зайниддин, ёшинг нечада?
- Ҳадемай еттига кираман, ҳозир учдаман.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Қани, айт-чи, балиқ овлайдиган тўр қандай ясалади?
- Жуда кўп тешиқлар бир-бирига боғлаб ясалади.



Шамоллаб қолган Малика ойисига деди:

– Ойижон! Ичимга мушук кириб қолганга ўхшайди, нуқул хирилляпти.



Меҳмонга келган хола Омонни эркалаб ўпди-да, ҳол-аҳвол сўрай кетди:

- Эсонмисан, омонмисан, болам?..
- Эсон уйда, мен Омонман, хола.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Абстракт от деб нимага айтилади?
- Билмадим...
- Ахир мен сенга қайта тушунтирдим-ку! Абстракт от шундай нарсаки, у ҳақда ўйлай оласан, аммо қўл билан ушлаб бўлмайди. Тушундингми энди? Қани, битта мисол келтир-чи.
- Оташқурак...



- Дада, гилам қоқаётиб танга топиб олдим. Нима қилай?
- Гиламни янада қаттиқроқ қоқ!



Ота-бола тоққа җаллослаб чиқишди. Ота ўғлига деди:

– Пастдаги чиройли манзарани кўряпсанми? Анави дарёнинг шарқираб оқишини томоша қил! Чап томондаги даранинг гўзаллигини қара!

– Дадажон! Ҳамма чиройли нарсалар пастда бўлса, биз нега овора бўлиб тепага чиқдик?



Ўқитувчи саволга жавоб қайтаролмаган ўқувчига танбеҳ беряпти:

– Яна тайёрланмай келдингми? Жуда дангаса бўлиб кетяпсан.

– Худди шу мавзунини ўтган гал ҳам сўраган эдингиз. Ўшанда мен сизга: «Билмайман!» – деб дангал айтгудим-ку!



Тўрт яшар Сарвар овқат емай ойисини қийнади.

– Овқат емасанг, бўйинг ўсмайди, – деди ойиси.

– Ўзингиз овқат ейсизми? – сўради Сарвар.

– Ейман.

– Бўйингиз ўсиб томгача етиб қоладими?

– Йўқ, мен ўсиб бўлдим.

– Унда нега овқат ейсиз?



Кичкина Акбар мактабдан келиб деди:

– Энди мактабга бормаيمان!

– Нега?

– Ўқитувчи ҳар сафар бирор нарсани билмай қолса менадан сўрайди.



Автобусда бир бола ўтирарди. Унинг ёнида ҳасса тутган кампир тикка турарди.

– Хола, ўтирасизми?

– Ҳа, болам.

– Шу ердан жилмай тулинг. Мен икки бекатдан кейин тушаман. Шунда сиз жойимга ўтириб оласиз.



Ўғил отасига деди:

– Дада, мана, бизлар ҳам катта бўлиб, оқ-қорани таниб қолдик, энди рангли телевизор олиб беринг.



– Ака, мана бу мисолнинг қандай ечилишини айтиб беринг.

– Йўқ, айтмайман. Ўзинг ишла.

– Бўлмаса, ёзиб бера қолинг.



Алибек укаси Сарварга «О» ҳарфини ўргатишда анча қийналди. Пиёланинг кетини намлаб ерга қўйиб олди-да, сўради:

– Бу қандай ҳарф бўлади?

– Пиёланинг кети бўлади, – жавоб берди Сарвар.



Қоровул олма ўғирлаган болани тутиб олди ва деди:

– Мен сенга ўғирлик қилишни кўрсатиб қўяман, зумраша!

– Яхши бўларди, амаки. Ҳар гал қўлга тушавериш жонимга тегди.



Биология ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

– Кимни йиртқич ҳайвонларнинг подшоси дейиш мумкин?

– Ҳайвонот боғининг директорини!



Мактабга боргиси келмаган болакай ўқитувчисига телефон қиляпти:

– Беҳзод бугун шамоллаб қолди, мактабга боролмайди.

– Афсус, афсус... Дарвоқе, мен ким билан гаплашяпман?

– Дадам билан гаплашяпсиз.



– Ойижон! Нега қошингизни силаяпсиз?

– Қовоғим учди.

– Ие, жойида турибди-ку!



Физкультура дарсида ўқитувчи буюрди:

– Ўнг оёқни кўтаринглар!

Болалар ўнг оёқни кўтардилар.

– Энди чап оёқни кўтаринглар!

– Домла! – деди ҳамон ўнг оёғини кўтариб турган бир бола.

– Чап оёқни ҳам кўтарсак, нимада турамыз?



Тиқилинч автобусга чиққан кампир бир болакайнинг олдига бориб деди:

– Эй бола, нима, ўрнингдан туrolмайсанми?

– Туrolаман, лекин турсам, сиз жойимга ўтириб оласиз-да.



Полиция хизматчисининг ўғли дадасидан сўради:

– Дада, айтинг-чи, нега сиз жиноятчиларни ушлайсиз?

– Чунки улар ўғирлик қилишади.

– Қандай ўғирлик?

– Улар бировларнинг нарсаларини ўғирлашади.

– Унда сиз нега оймни ушламайсиз? Доим ухлаб ётганингизда чўнтагингизни қоқиштиради-ку!



Ярим тунда болакай қўшининг уйини тақиллатди.

– Бемаҳалда сенга нима керак? – ҳайрон бўлиб сўради қўшни.

– Видеоаппаратингизни бериб турар экансиз, дадам сўра-япти.

– Қоқ ярим тунда-я? Нимага зарур бўлиб қолди?

– Дадам... ухламоқчилар!...



Тарих дарсида ўқитувчи бир ўқувчига савол берди:

– Франция – Пруссия уруши ҳақида нима биласан?

Ўқувчи ўрнидан турди, лекин ундан садо чиқмади.

– Нега гапирмаяпсан?

– Дадам уруш-жанжалга аралашма деганлар.



Мактабдан қайтган набирасидан бувиси сўраяпти:

- Хўш, бугунги дарслар қандай бўлди, болам?
- Бугун кимё дарсида портловчи моддалар устида тажриба ўтказдик.
- Хўш, эртага мактабда нима бўлади?
- Мактаб энди йўқ, бувижон!



- Катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?
- Генерал бўламан.
- Урушда сени ўлдиришлари мумкин.
- Ким ўлдиради?
- Душманлар-да.
- Унда мен душман бўламан.



Она олти яшар қизалоғидан сўради:

- Қўғирчоғинг қани, қизим?
- Мен уни ухлатиб қўйдим, бу кино болаларбоп эмас экан.



Бир аёл ёнида кичкина қизи билан поездга шошиларди:

- Ана шу охирги вагонга чиқиб олсак, яхши бўларди.
- Йўқ, йўқ, – деди қизи норози бўлиб, – охиргисига эмас, энг олдингисига ўтирамиз. Бувижонимникига тезроқ боргим келяпти.



Табиат ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

- Отларнинг ёш ёки қари эканини қандай билиш мумкин?
- Уларнинг тишидан.
- Хўроз ва товуқларни-чи?
- Уларни ҳам.
- Ахир уларнинг тишлари бўлмайди-ку.
- Ўзимизнинг тишларимизда демоқчиман.
- Қандай қилиб? – ажабланди ўқитувчи.
- Агар улар ёш бўлса осон чайналади. Қари бўлса яхши чайналмайди.



– Кеча дадамлар мени тўйга олиб бордилар. Қайтишда мен уларни уйга олиб келдим.



Кичкинтой Сардор отаси билан ҳайвонот боғига борди. Арслоннинг қафаси олдида отасидан сўради:

– Дадажон, мабодо арслон сизни еб қўйса, қайси автобусда уйга бораман?



Болакай ўртоғига мақтаняпти:

– Мен репетиторга қатнаб инглиз тилидан саккиз соат дарс олдим.

– Ў-ҳў, унда инглизлар билан бемалол гаплаша оларкан-сан-да?

– Йўқ, мен инглиз тилидан саккиз соат дарс олганлар билан гаплаша оламан.



Она тили ўқитувчиси ўқувчидан «юрмоқ» феълени туслаб беришни сўради. Ўқувчи жавоб бера бошлади:

– Мен ю-ра-ман, сен ю-ра-сан...

– Ўқитувчининг жаҳли чиқди:

– Тезроқ гапирсанг-чи!

– Мен ю-гу-ра-ман, сен ю-гу-ра-сан...



Кутубхоначи китобхонга деди:

– Бу жуда ноёб китоб, бизда унинг фақат битта нусхаси бор. Хўш, уни ўқиб бўлганингдан кейин нима қиласан?

– Ёпиб қўяман.



– Шакарнинг фойдаси ҳақида нима биласан?

– Шакар қулоқлар учун фойдали.

– Қанақасига... қулоқлар учун?

– Укам шакар еганида бақирмайди, шунда қулоқларим дам олади.



- Ойижон, келинг, галати бир ўйин ўйнаймиз.
- Қанақа ўйин экан у?
- «Ҳайвонот боғида» деб аталади бу ўйин. Биз қафасдаги ҳайвонлар бўламиз, сиз эса томошабин бўлиб бизга олма, конфетлар ташлайсиз.



Буви набирадан сўрабди:

- Намунча кўп сув ичяпсан?
- Олма егандим.
- Хўш, нима бўпти?
- Уни ювмасдан егандим.



Югуриш бўйича ўтказилаётган мусобақани томоша қилиб ўтирган бола ёнидаги ўртоғидан сўради:

- Булар нега югуришяпти?
- Ким биринчи бўлиб маррага етиб келса мукофот олади.
- Унда қолганлар нега югуришяпти?



– Дада, асал нимадан тайёрланади?  
– Асални асалари беради. Улар боғларда гулларни шимиб асал йиғади.

- Унда нега қовоғари қовоқ бермайди?



Она тўполончи ўғлига киноя қияпти:

- Даданг совға қилган ҳамма ўйинчоқларни синдириб бўлгандирсан?
- Йўқ, ойижон, болғачани шунча уринсам ҳам синдирирмадим.



- Холажон, менга берган совғангиз учун раҳмат.
- Арзимамайди.
- Арзимаслиги тўғрику-я, ойим шундай деб айт дедилар-да.



- Ўғлим, аквариумдаги сувни янгиладингми?
- Йўқ, ойижон, балиқчалар ҳали сувни ичиб бўлишмабди.



Зоология дарсида ўқитувчи боладан сўради:

- Сичқонлар қанча яшайди?
- Бу мушукларга боғлиқ, – бурро жавоб қилди ўқувчи.



- Нечанчи синфда ўқийсан? – деб сўради автобусда чипта текшираётган аёл.

- Учинчида.
- Ёшинг нечада?
- Ёшим... ёшим бешда.



- Ойижон, мана бу ит Норқул акага жудаям ўхшар экан-а?
- Жим бўл. Бундай гапни айтгани уялмайсанми?
- Гапимни ит эшитади деб ўйлайсизми?



Шавкатнинг ойиси биратўла уч нафар фарзанд кўрди. Дадаси билан туғруқхонага борган болакай сўради:

- Дадажон, чақалоқларнинг ҳаммасини олиб кетамизми ёки биттасини танлаб оламизми?



Буви набирасидан сўради:

- Бу ойнани ким синдирди?
- Ойим, аммо дадам айбдор. Ойим ликопчани отганда дадам энгашиб қолдилар.



Биринчи синф ўқувчиси математика дарсини тайёрлаб ўтирарди. У масалалардан бирини ечаётиб дадасидан сўради:

- Дада, «метр» нима?
- Метр – узунлик ўлчови.
- Унда сантиметр калталиқ ўлчови экан-да?



– Ўғлим, нима учун пашшахонага пашшаларни қамаб қўйдинг?

– Молхонада мол туради, қўйхонада қўй, пашшахонада эса пашша туриши керак-да.



Уч яшар Сардор бувисига деди:

– Бувижон! Сиз доимо: «Шакарнинг ҳам ози ширин», – дердингиз. Боғчага шунча бордим, бўлди-да энди!



Бола ўртоғига норози бўлиб деди:

– Итим сенга ёқмадимми? Нега унга афтингни қийшайтиряпсан?

– Аввал ўзи бошлади-ку!



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– Қани, айт-чи, қуёш билан электр энергияси ўртасида қандай фарқ бор?

– Қуёш текинга нур сочади, электрга эса пул тўлаш керак.



– Ўғлим, уйдан бир думалоқ чой олиб чиқ.

Бироздан кейин бола уйдан чиқиб деди:

– Чойларнинг ичида бирорта ҳам думалоғи йўқ, ҳаммаси тўртбурчак экан.



Дастурхон атрофида оила жамулжам ўтирганди. Она отадан бир нимани сўраганди, у шундай деди:

– Ҳозир каллам ишламаяпти, жуда чарчаганман. Кейин ҳал қиламиз.

Орадан анча вақт ўтгач шу куни бўлган бир воқеани ўғил гапириб берди.

– Қачон бўлганди бу воқеа, ҳеч эслолмаяпман, – деди ота.

Шунда ўғил жиддий жавоб қилди:

– Ўша сизнинг каллангиз ишламаган кун!



Ота қизига деди:

- Дилнора, ичкаридан кичкина пиёлани олиб чиқ.
- Ароқ пиёлами?..



Бир бола дўстидан маслаҳат сўради:

- Эртага карнавалга қанақа ниқоб кийиб борсам экан?
- Сенга ниқоб керак эмас. Юз-қўлингни яхшилаб ювиб бор, ҳеч ким танимай қолади.



Ўқитувчи болаларга ой ҳақида ҳикоя қилди:

- Ой жуда катта сайёра. У ерда миллиондан зиёд одамлар яшаши мумкин.
- Менда бир савол бор, – деди бир ўқувчи.
- Хўш, нима дейсан?
- Ой яримта бўлиб қолганда одамлар қандай сиғишади?



Ота ўғлини койияпти:

- Мен ўқувчилик давримда тарихдан доимо беш баҳо олардим. Сени бўлса нуқул учдан бошинг чиқмайди. Бу қанақаси?
- Дадажон, сиз ўқиган даврда тарих қисқароқ эди-да!



– Ўғлим, мактабда ишлар қалай?

- Мен «иккичи»нинг дадаси билан гаплашмайман!



– Бу бир кишининг хатоси эмас, – деди дафтар текшираётган ўқитувчи.

Ўқувчи хурсанд бўлиб кетди:

- Тўғри, уй вазифасини дадам билан ечгандик.



– Дурбек, сен шу кир қулоқларинг билан мактабга бориб келдингми? Уялмадингми?

- Менда бошқа қулоқ бўлмаса, нима қилай, ойижон?



Ота ўғлига насиҳат қилмоқда:

– Ёлғон гапириш яхшимас, ўғлим. Мен сендақа вақтимда бирон марта ҳам ёлғон гапирмаганман.

– Унда неча ёшингиздан ёлғон гапиришни ўргангансиз?



– Бугун бизнинг мактабда қисқартирилган ота-оналар мажлиси бўлади, – деди ўғил отасига.

– Қисқартирилган деганинг нимаси?

– Мен, сиз ва директор...



Салим мактабдан уйга кийимлари йиртилган ва ифлос ҳолда кириб келди. Уни кўрган отаси сўради:

– Сенга нима бўлди?

– Азим билан уришиб қолдим.

– Бундан чиқди, энди сенга янги кийим сотиб олиш керак экан-да?

– Бу-ку қийин эмас, дада, аммо Азимнинг аҳволини кўрганингизда эди, энди унинг дадасига янги бола сотиб олишга тўғри келади.



Боғча тарбиячиси болалар билан касб-ҳунар ҳақида суҳбат ўтказмоқда.

– Ошпаз нима иш қилади?

– Овқат пиширади.

– Дўхтир-чи?

– Болаларни даволайди.

– Боғча тарбиячиси-чи?

– Овқат ейди ва бизни жазолайди.



– Дадажон, менга ҳам ногора олиб беринг.

– Ҳали олиб бермасимдан бошимни қотириясан, олиб бергудай бўлсам, тинчлик бўлмас экан-да бу уйда.

– Йўқ, дада, мен уни фақат сиз ухлаганингиздагина чаламан.



Беш яшар Сарвар ўртоғига оиласи ҳақида гапирмоқда:

– Мени ойим туққан, онамни бувим туққан, бобом эса ўзи туғилган.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– Нега ҳозир одамлар ўтган асрдагига қараганда узоқроқ умр кўришяпти?

– Кредитга олган машинасининг пулини тўлашга улгуриши учун!



Тўрт яшар Элбек отасидан сўради:

– Дадажон, дунёда қанча одам яшайди?

– Етти миллиарддан ортиқроқ.

– Сиз яқинда туғилган укам Сардорни ҳам ҳисобга олдингизми?



– Ойи, бугун синф раҳбаримиз ўқувчилар олдида мени роса мақтади.

– Қизиқ, нима деб мақтади?

– Ҳаммаларинг тентаксийлар, Сардор эса энг биринчиси!  
– деди.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– «Қанд» сўзини қўшиб бир гап туз-чи!

– «Эрталаб қаҳва ичдим».

– Бу гапда «қанд» сўзи йўқ-ку?

– Қанд қаҳванинг ичида эриб кетган-да!



Мактабдан қайтган Абдор ойисига мақтанди:

– Мен синфимизда энг кучли эканман.

– Нега бундай деяпсан?

– Ўқитувчимиз: «Бир ўзинг бутун синфни орқага тортиб турибсан», – деди-ку!



- Жим бўл! – деди ойиси шўхлик қилаётган ўғли Акбарга.
- Ҳозир шапалоқ ейсан.
- Акбар кўчага югуриб кетди:
- Урр-эй... ойим бугун шапалоқ пиширяптилар!..



Ота боласига деди:

- Юқори қаватда турадиган бола билан ўйнама, тарбияси яхши эмас.
- Менинг тарбиям яхшими?
- Албатта яхши-да.
- Ундай бўлса, ўша бола мен билан ўйнаса майлими?



Она беш яшар ўғлига танбеҳ берапти:

- Вой, Худойим, бунчалар тошбақақадамсан, болам? Овқатланишда ҳам, уй ишларида ҳам доимо имиллаганинг-имиллаган. Биронта ишни тезроқ бажара оласанми ўзи?
- Бажара оламан, ойижон! Мана, масалан, мен жуда тез чарчаб қоламан.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Биздан Африка узоқдами ёки ойми?
- Албатта, Африка-да, домлажон.
- Яхши, энди сен буни исботлаб бер-чи!
- Исботи оддий: ой бизга кўриниб туради, Африка эса кўринмайди.



- Дада, мен Тошкентда туғилганманми?
- Ҳа, ўғлим.
- Онам-чи?
- Онанг Фарғонада туғилган.
- Сиз-чи?
- Мен Самарқандда туғилганман.
- Қизиқ, ҳаммамиз ҳар жойда туғилган бўлсак, қандай қилиб учаламиз бу ерда учрашиб қолганмиз?



- Ойи, қорним очди, – деди уч яшар Камола.
- Қорнинг очган бўлса, ана нон, овқат, еб ол.
- Қорним нонга, овқатга эмас, марўжнага очди.



- Кел, зоопарк ўйини ўйнаймиз, – деди Дурбек синглисига.
- Майли, ўзингиз ўргатинг бу ўйинни.
- Бу қийин эмас. Мен қафасдаги маймун бўламан, сен мени ёнгоқ, банан билан боқасан.



- Холажон, сиз ўзингиз овқат еёлмайсизми?
- Нега ундай деяпсан?
- Бизникига келишингизни эшитган дадам ойимга: «Яна бир ҳафтагача синглингни боқишга тўғри келади», – дедилар-ку!



- Ўқитувчи дарс тугаганда ўқувчиларга эълон қилди:
- Бугун оқшомда, соат ўн тўққиздан йигирма минут ўтганда, ой тугилади. Қизиққанлар томоша қилиши мумкин. Шунда ўқувчилардан бири ўрнидан туриб сўради:
- Қайси каналда кўрсатилади?



- Арча ўйинчоқларини ясаб ўтирган бола ойисидан сўради:
- Янги йил қуни қор ёғмасдан, ёмғир ёғса, Қорқиз кела олмайдими?
- Акасининг гапини эшитиб ўтирган уч яшар Комила дарҳол жавоб қилди:
- Унда Ёмғирқиз келади!



- Ўқувчи ўқитувчига шикоят қиляпти:
- Устоз, Маҳмуд нонимни еб қўйди.
- Сенинг рухсатинг биланми?
- Йўқ, пишлоқ билан.



Янги йил арафасида ота болаларидан сўради:

– Қани, ким билади, қизил сабзи нимага ишлатилади?

Болалар бараварига жавоб қилишди:

– Қорбобонинг бурни учун!



– Анави вертолётни кўряпсанми? Ун дақиқадан бери бир жойда қимирламай осилиб турибди.

– Бензини тугаб қолган бўлса керак.



– Мен энди мактабга бормаيمان! – деди биринчи синф ўқувчиси.

– Нега энди бормас экансан? – деб сўради отаси.

– Ўқиш ва ёзишни билмайман, гаплашиш ҳам мумкин эмас экан!



Онаси ўғлига олма узатиб деди:

– Мана шу олмани синглинг иккаланг инсоф билан бўлиб енглар.

– Ойижон, инсоф дегани нима ўзи?

– Инсофли одам олманинг катта қисмини синглисига бериб, кичигини ўзига олиб қолади.

– Ундай бўлса, олмани синглим бўла қолсин.



Меҳмон уйда катталар йўқлиги учун болакайни гапга сол-япти:

– Қани, айт-чи, тойчоғим, неча ёшга кирдинг?

– Уйда олти ёшдаман, мактабда еттидаман, автобусда кондуктор сўраб қолса, тўрт ёшдаман дейман!



– Олма териш учун қайси вақт яхши?

– Боғда боғбон бўлмаган, ити эса боғлоғлиқ турган пайт.



Ака укасига пўписа қиляпти:

– Агар шунақа инжиқлик қилаверсанг, сени адаштириб,  
ўзим қочиб кетаман.

– Унда уйга борганда оймга айтиб бераман.



Муаллима ўқувчи қизга танбеҳ берапти:

– Шунақа калта кўйлак кийишга уялмайсанми? Онанг  
кўрса нима дейди?

– Уришади.

– Қизиқ, нима деб уришади?

– «Кўйлагимни нега сўрамай кийдинг», – деб уришади.



– Дада, – сўради ўқувчи отасидан, – сиз ҳам математика-  
дан икки олармидингиз?

– Ҳа, нима эди?

– Тарих такрорланиб тураркан-да.



Ўқитувчи болага танбеҳ берапти:

– Қўлларилинг намунча ифлос?!

– Қўлим билан юзимни ювгандим-да!



– Ўғлим, таниш, бу сенинг янги ойинг бўлади, – деди ота  
ўғлига.

– Сизни роса чув туширишибди, у мутлақо янги эмас-ку!



Мухтор ботинкасини калиш билан киймоқчи эди, ойиси  
деди:

– Мухтор, кўча қуруқ, лой йўқ.

– Мен топаман, ойи.



– Бувижон, сиз кучлимисиз?

– Ҳа, кучлиман.

– Нечта от кучига эгасиз?



Ота ўглини гапга солди:

- Тойчоғим, катта бўлсанг нима қиласан?
- Соқол қўяман.
- Нима учун?
- Юзимда ювишга камроқ жой қолиши учун.



- Шерзод, синфингизда энг ялқови ким?
- Билмайман.
- Ҳамма ёзаётганда ким ёзмай қараб ўтиради?
- Ўқитувчимиз.



Бола музқаймоққа пул бермаётган онасига хархаша қил-  
япти:

- Агар пул бермасангиз, автобуста чиққанимизда одам-  
ларнинг олдида сизни ойи эмас, буви девораман!..



География муаллими ўқувчидан сўради:

- Яриморол дегани нима ўзи?
- Оролнинг тенг ярмидан бўлингани-да, домла!



- Нега дарсингни қилмадинг? – деб сўради ўқитувчи.
- Уйимизда тинчлик йўқ, ота-онам доимо жанжаллаши-  
шади.

- Онангни яқинда кўрувдим, дарвоқе, отанг ким?
- Мана шу масалани аниқлаш учун жанжал бўляпти-да.



- Аҳрор, тўполон қилма, калтак ейсан.
- Ойижон, ҳали қорним очгани йўқ.



Кимё ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

- Шу тангани кислотага ташласам, эрийдими, йўқми?
- Эрмайди.

- Буни қандай билдинг?
- Эриса, ташламас эдингиз.



Меҳмонга келган хола Шавкатга деди:

- Тойчоғим, сенга бир плитка шоколад олиб келганман. Фақат уни хайрлашаётганимизда бераман.
- Бўлмаса, хайр, холажон!



Ота китобдаги расмларга ишора қилиб деди:

- Мана бу шам, буниси шар. Икковини қўшиб айтсак, нима бўлади?
- Қўшманг, – деди қизи, – бўлмаса, шар ёниб кетади.



Дадаси ўғлига ўшқирди:

- Неча марта айтиш керак?! Гугурт ўйнама демабмидим?
- Ўйнаганим йўқ, фақат сигаретамни тутатиб олдим, холос...



– Ойи, ойи! Ҳозиргина соғилган сут пақирига сичқон тушди.

- Сен нима қилдинг, қизим? Сичқонни ушладингми?
- Йўқ, сичқонни ушласин деб, пақирга мушугимизни ташладим.



– Неча ёшдасан, қизалоғим? – деб сўради бир чол ўйнаб юрган қизчадан.

- Бу йил олтига кираман.
- Буни қара-я, – ҳазиллашди чол, – олтига қадам қўйсанг ҳам менинг ҳассам баробар эмассан.
- Бобо, – деди қизалоқ қизиқсиниб, – ҳассангиз неча ёшда?



Ҳайвонот боғида томошабинларга бепарво ухлаб ётган йўлбарсни кўрган беш ёшли Акмал онасига деди:

– Ойи, қаранг, йўлбарс дадамга ўхшаб ичиб олган, шекилли. Шунча шовқинга ҳам парво қилмай ухляпти.



Бола овга отланган отасига деди:

– Дада, сиз қуёндан қўрқасизми?

– Йўқ, нега бундай деяпсан?

– Унда нега ҳар гал овга кетаётганингизда милтиқ билан итимизни олволасиз?..



Жаҳли чиққан ота дўконга келиб сотувчига деди:

– Ўғлимга бир килограмм деб берган узумингиз етти юз грамм чиқди.

– Олдин ўғлингизни тортиб кўринг, – деб жавоб қилди сотувчи кулимсираб.



Она тили дарсида муаллима ўқувчидан сўради:

– Қани, айт-чи, «Мен чиройлиман», – десам, қайси замон бўлади.

Ўқувчи бироз ўйланиб туриб жавоб қилди:

– Албатта, ўтган замонда!..



Олти яшар Нилуфар ойисидан сўради:

– Ойижон, мен ярим кечада туғилганим ростми?

– Ҳа, рост, қизалоғим.

– Демак, ўшанда мен сизни уйғотиб юбормаганман.



Бола отасидан сўраяпти:

– Дадажон, қўшиқ ишлаётган одамга халал бермайдимми?

– Йўқ, қўшиқ яхши бўлса, аксинча, ёрдам беради.

– Унда нега қўшиқ айтсам, ойим: «Овозингни ўчир, даданг ишлаяпти!» – деб уришиб берадилар?



– Дада, мен минг сўм топиб олдим.

– Яхши, тезда жойига қўйиб қўй!



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– Қани, айт-чи, нега аввал чақмоқ чақилганини кўрамиз-у, кейин момақалди роқнинг гумбурлаганини эшитамиз?

– Чунки кўзимиз қулоғимиздан олдинда жойлашган-да!



Тоғаси жияни Анвардан сўради:

– Сенга қайси фасл кўпроқ ёқади?

– Таътил фасли!



Меҳмондорчиликда хола кичкинтой Сардорга деди:

– Қани, тойчоғим, ҳовучингни оч, сени ёнғоқ билан сийламоқчиман.

– Дадамга бера қолинг!

– Нега?

– Дадамнинг ҳовучи каттароқ-да!



Дарсда ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– Сув нима ўзи?

– Сув, аслида, рангсиз суюқлик, аммо унда қўлимизни ювсак, дарров туси ўзгариб, қорайиб қолади.



Ойнасоз уста кўчадаги болаларга иши юришмаётганидан нолиди. Болалар унга шундай маслаҳат беришди:

– Бизга футбол тўпи олиб беринг, шунда ишингиз юришиб кетади!



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

– Одамлар ернинг юмалоқлигини қаердан билишган?

– Глобусдан бўлса керак, домла.



Ўқитувчи юз-қўллари ювмай келган Фаррухни синфдошлари олдида изза қилмоқчи бўлиб деди:

- Сен бугун тухум егансан, топдимми?
- Йўқ, тополмадингиз. Тухумни ўтган кунни егандим.



Футбол ўйинини томоша қилаётган Фарҳод дадасидан сўради:

- Нега ҳакам ўйинчиларга қараб ҳуштак чалаверади? Нима, улар гапга тушунмайдими?



Беш яшар Сарвар отасидан сўради:

- Дадажон, менга маймун олиб беринг.
- Маймунни нима қиласан?
- Уни одам қиламан.



Беш ёшлардаги болакай кечки цирк томошасига тушган эди. Ёнида ўтирган аёл ундан сўради:

- Сен жуда кичиксан-ку, циркка бир ўзинг қандай келдинг? Паттани ўзинг сотиб олдингми?
- Йўқ, – жавоб берди болакай, – уни дадам сотиб олган.
- Даданг ўзи қани?
- Уйда йўқолган паттани излаяпти.



Болакай онасидан сўраяпти:

- Ойижон! Кичкиналигимда тезроқ юргин, тезроқ гапиргин дердингиз. Нега энди юришни, гапиришни ўрганганимда жим ўтир, югурма, овозингни ўчир деяверасиз?



- Дада, нега сизнинг машинангиз йўқ?
- Машина қиммат туради, ўғлим. Мана сен мактабда яхши ўқиб, улғайиб, яхши пул топадиган бўлсанг албатта машина оласан.
- Нима, сиз мактабда ёмон ўқувдингизми?



Она ўғлига деди:

- Бугун ўқитувчинг яна сендан арз қилди.
- Бўлиши мумкин эмас, мен бугун мактабга бормадим-ку!



География дарсида ўқитувчи ўқувчига деди:

- Мана, стрелкани кўряпсанми? Ўнгда шарқ, чап томонингда ғарб, тўғрингда шимол, хўш, орқангда нима бор?
- Орқамда иштонимнинг йиртиғи бор.



Ўқитувчи ўқувчиларга деди:

- Ким ўзини аҳмоқ деб ҳисобласа ўрнидан турсин!
- Ҳеч ким ўрнидан қўзғолмади. Охири орқа қатордаги бир бола ўрнидан турди.
- Ие, сен нима...
- Йўқ, аҳмоқ эмасман, – деди у бола, – ярим соатдан буён битта ўзингиз тикка турибсиз, шунга...



Партага ўйиб ёзилган ёзув: «Фотима, мен сени яхши кўраман. Бировга айтсанг ўлдираман».



Она боласидан сўраяпти:

- Ликопчадаги гилосни ким еди? Данаклари атрофда сочилиб ётибди.
- Ойижон, мен данагини ҳам ютворганман!



Ота бебош ўғлига насиҳат қилиб деди:

- Агар аҳмоқ деган сўзни айтмасанг, сенга минг сўм бераман.
- Дадажон, мен ўн минг сўмлик сўзням биламан.



- Дада, нега мен сиздан новчаман?
- Бизнинг ёшлигимизда селитра деган дори йўқ эди.



Ўқитувчи ўқувчига танбеҳ берапти:

- Нега қаламсиз келдинг?
- Қалам бўлиши шартми?
- Албатта шарт. Жангга қуролсиз кирган аскарни нима дейишади?
- Офицер дейишади!



Болакай бир ҳомиладор аёлнинг қорнига ишора қилиб сўради:

- Бу нима?
- Болам.
- Уни яхши кўрасизми?
- Жудаям яхши кўраман.
- Унда нега уни еб қўйдингиз?



Автобусда болакай дадасининг тиззасида ўтириб кетаётганди. Навбатдаги бекатда ичкарига ёш бир аёл чиқди. Бола сакраб ўрнидан турди ва аёлга таклиф қилди:

- Менинг жойимга ўтира қолинг!



Ишдан чарчаб қайтган она болаларидан сўраяпти:

- Идишларни ювиб қўйдингларми, тойчоқларим?
- Ҳа, ойижон, ҳаммасини ювиб қўйдик! – деди Камола.
- Мен Камолага ёрдам бердим, – қўшимча қилди Севара.
- Сен нима иш қилдинг? – ойиси кичкина Сарвардан сўради.
- Мен синган идишларнинг синиғини териб челақка солиб қўйдим.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Қани, картадан Американи кўрсат-чи!
- Мана у!
- Уни ким топган?
- Уни мен топдим.



- Дада, нега келинлар оппоқ либос кийиб олишади?
- Оқ либос шод-хуррамлик белгиси.
- Э-ҳа, нега куёвлар қора кийинишини энди тушундим.



- Ўғлим, деразадан қара-чи, даданг пивоходанадан келяпти-микин.

- Ҳа, келяпти.
- Йўлнинг қайси томонидан?
- Иккала томонидан ҳам.



Биринчи сентябрь куни биринчи синф ўқувчиси мактаб директоридан сўради:

- Кечирасиз, сизларда сиртқи ўқиш бўлими йўқми?



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- Одам чўкаётганда нима қилиш керак?
- Одамни сувдан тортиб олиш керак.
- Кейин-чи?
- Кейин одамдан сувни тортиб олиш керак.



Алибек инжиқлик қилиб, узоқ вақтгача йиғлаб тинди.

- Хўш, йиғлаб бўлдингми? – сўради ойиси.
- Йўқ, ҳозир дам оляпман, – деди болакай хўрсиниб.



Ота кечки овқатдан кейин ўғлидан сўради:

- Синфингларда сендан бошқа яхши ўқувчи ҳам борми?
- Бор, бор. Бир бола қулоғини шунақа ажойиб қилиб қи-мирлатадики, ҳаммамиз қотиб-қотиб куламиз. Жуда зўр!



Биология ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

- Одамлар нега саҳрода туяларни миниб юришади?
- Туфлиларига қум тўлиб қолмаслиги учун-да!



Она меҳмондорчиликда ўғлига танбеҳ берапти:

– Ҳадеб дастурхонга қўлингни чўзаверасанми? Тилинг йўқми?

– Тилимдан қўлим узун-да!



Ўқитувчи ўқувчидан сўрапти:

– Сен ёзда соат нечада уйғонасан?

– Қуёш нури деразамдан тушганда уйғониб кетаман.

– Жуда барвақт тураркансан-да?

– Йўқ, менинг деразам кунботиш томонда.



Она ўғлидан сўради:

– Нега қулоғингга пахта тиқиб олдинг?

– Ўқитувчимиз: «Сенга бир гап айтсам, бу қулоғингдан кириб, унисидан чиқиб кетади», – деб уришгани-уришган. Гаплари чиқиб кетмасин деб, қулоғимга пахта тиқиб олдим, ойижон.



Меҳмондорчиликда мезбон она қизига деди:

– Абдуқосим амакингга қошиқ қўймабсан-ку, қизим.

– Кеча ўзингиз у кишини овқатни молдай ейди дедингиз-ку!



– Мушугингни бериб тур, сичқонларимизни едириб олай!

– Сичқонларингни тутиб кел, шу ерда еб беради.



Гигиена дарсида ўқитувчи ўқувчиларга деди:

– Ҳайвонларни ўпиш жуда ҳам хавфли. Ким бунга мисол келтира олади?

– Мен! – деди Нигора қўл кўтариб. – Масалан, қўшнимиз Робия хола доимо итини ўпарди.

– Хўш, натижада нима бўлди?

– Натижада ити ўлиб қолди.



Ўқитувчи ўқувчидан сўраяпти:

- Кеча нега мактабга келмадинг?
- Кеча уйимизга янги меҳмон келди.
- Ў-ҳў, табриклайман! Ўғилми ёки қизми?
- Сиз тушунмадингиз. Ойим кеча эрга тегдилар.



Ўқитувчи дарсда деди:

- Сабзи жуда фойдали неъмат, унда темир моддаси бор. Шунда бир ўқувчи қўл кўтариб савол бериб қолди:
- Унда нега сабзининг устига магнит қўйсак, қимирламайди?



Она кўчадан ҳаммаёғини ифлос қилиб келган ўғлига юзингни ювиб кел деди.

Ваннада ювинаётган ўғил онасидан сўради:

- Ойижон, қулоқ юзга тегишли аъзоми ёки елкага?



Икки ўқувчи суҳбатлашяпти:

- Менинг акам яқинда бўлиб ўтган югуриш мусобақасида икки километрни икки дақиқада босиб ўтди.
- Ёлгон! Бу кўрсаткич жаҳон рекордидан ҳам юқори-ку!
- Акам яқин йўлни биларди-да!



Она ўғлидан сўради:

- Нега бугун мактабдан эрта қайтдинг? Дарс бўлмадими?
- Ҳали ўқиш-ёзишни билмайман. Гаплашиб ўтириш мумкин эмас. Қиладиган ишим бўлмагани учун, зерикиб кетиб келавердим.



Ота ўғлига иш буюрди:

- Қассобга бориб кел-чи, туёғи бормикин.
- Ўғил анчадан кейин қайтиб келиб деди:
- Кутдим, кутдим, сираям ботинкасини ечмади.



Биология ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

- Ҳамма дарёлар денгизга қуйилади. Лекин нега улар тошиб кетмайди?
- Балиқлар сувни ичиб қўяди-да!



Математика дарсида ўқитувчи ўртага шундай савол ташлади:

- Масалан, онангизда минг сўм пул бор, шу пулдан уч юз сўмини дадангиз олса, натижа нима бўлади?
- Орқа қаторда ўтирган Комрон секин жавоб қилди:
- Масалан, бизнинг уйда бундай пайтда доимо жанжал бўлади.



Иккита болакай ўзаро мақтанишарди.

- Менинг отам сенинг отангдан бойроқ.
- Меники эса ақллироқ.
- Менинг отам сенинг отангга бир даста пул берди.
- Менинг отам бу пулларни қайтармайди.



Ўғли билан сураткашнинг олдидан қайтган онадан ота сўрапти:

- Хўш, қалай, сураткаш ўғлимизни кулдириб суратга тушира олдими?
- Йўқ, аксинча бўлди, ўғлимиз сураткашни йиғлатди.



Тарих ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

- Қани, айт-чи, Наполеон ўлиmidан сўнг қандай воқеа юз берган?
- Дафн маросими бўлган.



Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

- «Бизнинг оила» деган мавзуда иншо ёзиб келиш топширилганди, хўш, вазифани бажардингми?

- Йўқ, ёзолмадим.
- Нега?
- Отам уйдаги гапни кўчага олиб чиқиш мумкин эмас деганлар.



- Ўқитувчи ўқувчидан сўрапти:
- Қайси кимёвий модда ихтиро қилингандан кейин дунёдаги аҳвол кескин ўзгариб кетган?
  - Аёлларнинг соч бўёғи ихтиро қилингандан кейин, домла.



- Ота ўғлига танбеҳ берапти:
- Вой-бўй, кундалигингни «икки»лар босиб кетибди-ку!
  - Да-да!
  - Гапирма! Сендай пайтимда «уч» олсам ҳам уялардим. Сен бўлсанг...
  - Да-да, дада деяпман!
  - Хўш, нима демоқчисан ўзи?
  - Ахир бу сизнинг ўқувчилик пайтингиздаги кундалигингиз-ку. Кеча эски китобларингиз орасидан топиб олувдим.



- Зилзиладан кейин кичкинтой Элбекдан сўрашди:
- Ер қимирлаганда қўрққандирсан?
  - Унчалик қўрқмадим, аммо ер мендан кўра кўпроқ қўрқаркан, роса титради.



- Баҳром биринчи марта тоғаси билан ҳайвонот боғига борди.
- Хўш, ҳайвонлар сенга ёқдими? – деб сўради тоғаси.
  - Ёмон эмас, фақат фил билан кенгурунинг думларини алмаштириб қўйиш керак.



- Ойижон, сиёҳ шунчалик қиммат турадими?
- Қиммат эмас. Хўш, нега сўраб қолдинг?

– Кеча билмасдан гиламга озроқ сиёҳ тўкворувдим, дадамлар жаҳли чиқиб роса бақирдилар.



Бола ойисининг пардоз қутисини олиб юзига упа суркай бошлади. Буни кўриб қолган кичик синглиси шундай деди:

– Упани бу ёққа бер! Билмайсанми, фақат аёллар юзларига упа сурадилар. Эркаклар бўлса доимо юзларини ювиб юришлари керак!



Она ўғлига танбеҳ берапти:

– Бунақа бемаъни сўзларни кўчадан ўрганиб келдингми?

– Ойижон, бунақа сўзларни Шекспир ҳам ишлатган!

– Шекспир билан ўйнама!



Она ўғлига танбеҳ берапти:

– Элдор, бас қил энди, ҳадеб сакрайверма!

– Ойижон, дорини ичишдан олдин чайқатиш эсимдан чиқибди.



Ота ўғлидан сўради:

– Менда ўнта олма бор, шундан иккитасини есам, нечта қолади?

– Билмайман, – деди ўғли. – Биз мактабда масалани апельсинда ечамиз.



– Туғилган кунингга нима совға қилсам экан, неварагинам?

– Қўшиқ ёзилган касета совға қила қолинг, энажон.

– Сенга қанақаси ёқишини билмайман-да.

– Эшитиб кўринг-да, ўзингизга ёқмаганларини танлаб олаверинг.



– Ойи, армиядаги акамга иккита дўппи тикиб қўйинг.

– Нега иккита деяпсан?

– Бувижоним: «Баҳромим келиши билан бошини иккита қилиб қўямиз», – дедилар-ку!



Икки болакай ўзаро суҳбатлашмоқда.

– Агар паровозни шоколаддан яшашса, олдин қаеридан бошлаб ер эдинг?

– Филдирагидан.

– Нега?

– Юриб кетмаслиги учун-да.



Ўқитувчи ўйланиб қолган ўқувчидан сўрапти:

– Саволим шу қадар оғирлик қиляптими?

– Савол эмас, жавоби оғирлик қиляпти, домла.



Муаллим тўполончи ўқувчига танбеҳ берди:

– Сен бирон марта виждонинг овозига қулоқ соласанми ўзи?

– Уни қайси тўлқинда эшиттиришади?



– Нега мактабга кечикдинг? – деб сўради муаллим ўқувчидан.

– Балиқ овига жўнаётувдим, отам рухсат бермади.

– Жуда яхши бўлибди. Шунақа ақлли отанг борлигидан хурсандман. У сенга дарс қолдириш яхши эмаслигини туншунтиргандир?

– Йўқ, у чувалчанг икковимизга етмайди деди.



– Бобожон, менга минг сўм қарз бериб туринг, кейин нафақадан қайтараман.

– Қанақа нафақа? Ҳали бешга ҳам тўлмадинг-ку!

– Қанақа эмиш... Бувимнинг нафақасидан қайтараман.



– Ҳей бола, ким ўргатди сенга сўкишни?

– Ким ўргатди эмиш... Нима, одамда тугма талант бўлмай-  
дими?



Ўқувчи синфга қаншари ёрилган ҳолда кириб келди. Ўр-  
тоқлари атрофини ўраб олишди.

– Нима бўлди?

– Якшанба куни отам билан қайиққа тушиб кўлда сайр  
қилётувдик. Шу маҳал лабимга ари келиб қўнди.

– Ҳайдаб юбормадингми?

– Улгурмай қолдим, отам уни эшкак билан уриб ўлдирди.



Жасурга туғилган кунида ўйинчоқ совға қилишди. У ўйин-  
чоқни обдан айлантириб кўраркан, иштиёқ билан сўради:

– Буни қандай қилиб синдириш мумкин ўзи?



Ота ўғлига танбеҳ бериб деди:

– Тишингни етти марта тозаладинг. Ахир ҳозир тиш  
пастаси қиммат-ку!

– Бир ҳафта давомида яна овора бўлиб тозалаб юрмай де-  
дим-да.



– Энажон, қўшниларишимиз шунақа камбағалми?

– Нега бунақа деяпсан, Асил?

– Кеча кичкина қизчаси темир тангани ютиб юборгани  
учун роса дод солиб бақаришди-ку!



– Акмал, сен аълога жавоб бердинг. Кундалигингни олиб  
кел, баҳонгни қўйиб берай, – деди муаллим.

– Афсус, кундалигимни уйда қолдирибман, – деди Акмал  
бўшашганча.

Шунда партадоши Асил ғамхўрлик билан деди:

– Сенга кундалигимни бериб туришим мумкин.



- Ўғлим, сен ўртоғинг Рустамни аҳмоқсан деб сўкибсан. Энди ундан узр сўрагин, бундан афсусланаётганингни айтгин.  
– Рустам, мен жуда афсусланапман, чунки сен аҳмоқсан.



- Меҳмондорчиликда мезбон қизалоққа битта шоколад узатди. Онаси қизига танбеҳ бериб деди:  
– Хўш, бундай пайтда нима дейиш керак?  
– Яна битта беринг!



- Дарсдан кеч қолган Беҳзоддан ўқитувчи сўради:  
– Нима бўлди?  
– Менга қуролли қароқчи ҳужум қилди.  
– Ў-ҳў! Хўш, у нима қилди?  
– Уй вазифамни тортиб олди.



- Қизалоқ «Олтин балиқ ва балиқчи чол» деган эртакни эшитгач ойисига деди:  
– Чолнинг калласи ишламас экан, ойи. Олтин балиқдан янги уй-жой, янги тоғора сўраб ўтиргунча биратўла янги кампир сўраб қўя қолса бўлмасмиди?



- Бирорта конфет борми, ойижон? Аччиқ бўлсаям майлийдими...



- Ким айтиб беради – ерда шудринг қаёқдан пайдо бўлади? – деб сўради муаллим.  
– Ер ўз ўқи атрофида шу қадар тез айланадики, натижада терлаб кетади, – деди бир ҳозиржавоб ўқувчи.



- Акмал ўзича хафа бўлиб афсусланади:  
– Катта одам бўлиш ёмон экан. На конфет, на музқаймоқ егиси келади...



Муаллим ўқувчидан сўради:

– Стол устида ўнта пашша бор. Агар улардан иккитасини ўлдирсанг, нечтаси қолади?

– Иккита ўлган пашша қолади-да.



Мақтабдан келган болакай отасидан сўради:

– Нега грамматика фани она тили дейилади-ю, ота тили дейилмайди?

– Овозингни чиқарма! Бу гапни онанг эшитса яна кечгача вайсайди.



Она болакайни мактабга жўнатарди:

– Тезроқ кийингин, акс ҳолда, мактабдан кеч қоласан.

– Ташвишланманг, ойижон, мактабимиз кун бўйи очиқ туради.



Муаллим доскага «Дурбек ердан юз сўм топиб олди» деган гапни ёзди-да, Нурбекни тургазиб: «Эгасини топ», – деди.

– Дурбек олдин юз сўмни менга берсин, эгасини кейин топаман, – деди Нурбек.



Болакайдан мева билан сабзавотларнинг бир-биридан фарқини сўрашди.

– Мевалар ширин бўлади, сабзавотлар эса фойдали, – деб жавоб қилди болакай.



Боласининг ақлий қобилиятидан ташвишланган ота ўғлини психиатрга олиб борди. Дўхтир болага саволлар бера бошлади:

– Мушукнинг қулоғи нечта бўлади? Оёғи-чи? Қандай миевлайди?

Саволлардан безор бўлган болакай отасига ўгирилиб деди:

– Нима, бу тентак умрида мушукни кўрмаганми?



Болакай овқатини егиси келмасди. Жаҳли чиққан онаси деди:

– Тезроқ овқатингни ея қол, бўлмаса, ялмоғиз кампирни чақираман.

– Нима, у бу овқатни ермиди?



Кичкина болакай ойисидан сўради:

– Ойижон, айтинг-чи, агар қиз болаларни ҳам, ўғил болаларни ҳам оналар туғса, оталарнинг нима кераги бор?



Ҳомиладор она кичик ўғилчасидан сўради:

– Ўғлим, айт-чи, сенга ўғилча келтирайми ёки сингилча?

– Яхшиси, менга велосипед олиб беринг!



Кичкинтой Нурбек уйқуси келавермагач отасидан илтимос қилди:

– Дадажон, менга эртақ айтиб беринг.

Ота кетма-кет эртақ айта бошлади. Кейин бирдан хонага жимлик чўқди. Она шивирлаб сўради:

– Ухладими ахийри?

– Ҳа, отам ухлаб қолди! – деди Нурбек илжайиб.



Шўхлик қилиб ухлагиси келмаётган ўғлига онаси деди:

– Агар яхши бола бўлиб ётиб ухласанг, сенга қизиқ-қизиқ эртақлар айтиб бераман.

– Вой, ойижон, мен ухлаб қолсам, эртақни ким эшитади?



– Каримжон, катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?

– Жарроқ бўлмоқчиман.

– Ў-ў, зўр-ку, ҳозирдан ҳаракат қиляпсанми?

– Албатта. Ҳар куни дарсдан кейин маҳалламиздаги қас-собга ёрдамлашяпман.

## НАБИРАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Набирам Дурбек байрам куни амакисининг ўғли, ўзи билан тенгдош Нурбекка телефон қилди:

- Нурбек! Нурбек! Мен сени байрам билан табриклайман!
- Ҳмм... Раҳмат...
- Энди сен мени табриклагин!..



Дурбек билан Нурбекнинг тўполонларидан безор бўлиб уларни чалғитишга уринаман:

- Бу уйда яхши болалар ҳам борми?
- Бор, бор! – набиралар бараварига чувиллашади.
- Қани улар? Кўрмаяпман-ку!
- Мана биз! Биз! – болакайлар кўкракларига уриб хитоб қилишади.
- Айтгандек, бу уйда камтар болалар ҳам борми?
- Бор, бор! Биз камтар! Биз камтар!



– Дурбек! Катта бўлганимда сен ҳам қизларнинг орқасидан югуриб қоларсан! – дея ҳазиллашдим. «Югуриш»ни ўзи-ча талқин қилган набирам шундай деди:

- Мен катта бўлганимда югуриб қизларнинг ҳаммасидан ўзиб кетаман!



– Дурбек! Шунақа тўполон қилаверсанг энди бизнинг уйга келмайсан. Отангга: «Бунақа эси йўқ болани олиб келма!» – дейман.

- Мен ҳам сиз борганингизда ҳовлимизга киритмайман!
- Ие, уят бўлади-я! Кимдан ўргандинг бунақа гапларни?
- Кимдан бўларди – сиздан-да!



Янги йил киришига саноқли дақиқалар қолганди. Катта оила даврасида ҳамма бир-бирини табриклай бошлади. Шу маҳал ташқарида қасира-қусур тўполон бошланди. Болакайлар шошиб айвонга чопиб кетишди. Ташқаридаги мушакбозлик, шовқин баттар кучайди. Набирам Нурбек хонага қайтиб келиб шундай теша тегмаган гап қилди:

– Бобожон! Ташқарида янги йил портлаб кетди!



Дурбек компьютер ўйнамоқчи бўлганда Хуршида кенонийси рухсат бермабди. Шунда у норози бўлиб ўзича бидирлади:

– Бизнинг уйда эркакларнинг гапига кирмайдиган хотинлар бўлмаслиги керак. Ҳали Асил амаким келса, айтаман, жавобингизни беворади!



Беш яшар Дурбекни сайр қилдириб юриб кўтариб олдим. Шунда у ўзича хижолат бўлиб илтимос қилди:

– Бобожон! Мен энди катта бўлиб қолдим, пастга тушириб қўйинг! Қизлар кўриб қолса, уят бўлади.



Дурбек ота-онаси яшайдиган ҳовлида зерикканда кўпинча биз билан турарди. Тўполонни меъёридан оширворганда унга шундай пўписа қилардик:

– Агар шунақа ҳаддингдан ошаверсанг, яна ҳовлига олиб қўямиз, бу ёққа бошқа келмайсан.

Шунда у ҳиқиллаб норози бўларди:

– Мен сизларни яхши одамлар деб ўйлагандим. Ёмон одам экансизлар!



Дурбек ижодхонамга кириб илтимос қилди:

– Бобожон! Менга пул беринг!

– Ёш бола бўлсанг, пулни нима қиласан?

– Энди ёш бола эмасман! Кеча беш ёшга тўлдим. Беш ёшли одамда албатта пул бўлиши керак!



- Дурбек! Отанг уйда кўринмай қолди.
- Отам кетдилар.
- Машинаси ташқарида турибди-ку.
- Отам оёғи билан кетдилар!



Дурбек кутилмаганда сўраб қолди:

- Бобожон! Нега сиз қари кампирга уйлангансиз?
- Катта бобонг оберган-да!
- Нега энди ёшроғига уйланмайсиз?
- Энди иложи йўқ-да.
- Бувижоним йиғлайдими?..



Пайғамбар ёшига тўлган куним Дурбек телефон қилди:

- Бобожон! Мен сизни туғилган кунингиз билан табриклайман!
- Раҳмат, тойчоғим, раҳмат. Дарвоқе, менга нима совға қилмоқчисан?
- Ўзим сизга энг катта совғаман-ку, бобожон!



Уч яшар набирам Алибекни эркалаб сўрайман:

- Мени яхши кўрасанми, тойчоғим?
- Қоронғида яхши кўролмайман, кун ёруғ бўлганда яхши кўраман.



Бир куни овқатланаётганимни кузатиб турган Алибек сўраб қолди:

- Бобожон, сиз ҳам тилингизни тишлаб олсангиз йиғлайсизми?



Олти яшар Элбек Угом дарёси соҳилида тошқиндан муҳофаза қилиш учун сим тўрлардан қилинган тўсиқ-ровни кўриб деди:

- Бобожон, қаранг, тошларни қамаб қўйишибди!..



Дурбекка ойиси айби учун жиддий танбеҳ бериб жазоларди. Болакай бунга чидолмай отасига шикоят қилди:

– Сиз ёмон хотинга уйланган экансиз! Бошқа хотин олинг!



Набирани эркалагим келиб дедим:

– Алибек, кел, бир ачомлашиб қўяйлик!

– Ҳали юзимни ювганим йўқ.

– Ёлгон гапирма, туш вақти бўлди-ку!

– Ҳали уйқум очилгани йўқ.



Кўчага чиқиб кетаётсам, тўрт яшар Сарвар сўраб қолди:

– Бобожон, қаёққа кетяпсиз?

– Шаҳарга, ишларим бор эди.

– Майли, аммо олдингидақа бўлмасин.

– Олдин нима бўлувди?

– Олдин машина уриб кетувди-ку!..

(Ажабо, бир йил олдин кўчада мени машина туртиб кетгани эсида экан...)

## СВЕТОФОР ЧИРОҒИ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Бир кекса аёл машина ҳайдаб борарди. Чорраҳада ДАН ходими қўл кўтариб ҳуштак чалди-да, яқинлашиб келиб сўради:

– Айтинг-чи, хоним, қўл кўтарганимда нима қилиш кераклигини биласизми?

– Ҳа, албатта! – жавоб берди аёл. – Мен ахир қирқ йил муаллимлик қилганман.



ДАН ходими қоидани бузган ҳайдовчини тўхтатиб сўради:

– Янглишмасам, бир ҳафта бурун сиздан ҳайдовчилик гувоҳномангизни олиб қўйгандим, шундайми?

Ҳайдовчи ҳовлиқиб сўради:

– Ишқилиб, йўқотиб қўймадингизми?



Тезликни ошириб кетаётган ҳайдовчини тўхтатган йўл назоратчиси деди:

– Бу йўлда соатига 60 километр тезликда юриш керак, лекин сиз 80 да келяпсиз.

– Мени кечиринг, – деди ҳайдовчи зорланиб. – Илтимос, баённомангизга соатига 120 километр тезликда келаётганди деб ёзиб қўйсангиз.

– Ие, сизга бунинг нима кераги бор?

– Шалағи чиқиб кетган шу машинани сира сотолмаяпман. Келаси бозор қуни сотишга олиб чиққанымда сиз ёзиб берган шу қоғозни кўрсатсам, харидор қизиқиб қолиши мумкин-да.



– Светофорнинг битта чироғи бир миллион сўм тураркан.

– Сен буни қаердан билдинг?

– Қизил чироқда ўтиб кетгандим.



ДАН ходими бошлиқ хузурига кириб илтимос қилади:

– Ўртоқ бошлиқ! Қизимни унаштириб қўйгандим, яқинда тўй, харажатлар кўп... Шунга, сиздан илтимос, мен турган чорраҳадаги постга бир-иккита тақиқловчи белги ўрнатишга рухсат берсангиз.



– Ҳайдовчилар роса ўзларидан кетишяпти-да. Ҳозиргина чорраҳада мени машина уриб кетишига сал қолди.

– Атрофда ДАН ходими йўқмиди?

– Уни икки дақиқа олдин машина уриб кетган экан.



Ҳайдовчи ДАН ходимига эътироз билдирыпти:

– Соатига бир юз ўттиз дейсизми? Ахир менинг тезлигим соатига 30 километрдан ҳам ошмаган эди-ку!

– Ҳали машинам бир жойда тўхтаб турувди ҳам дерсиз?

– Ҳа-ҳа, деярли шундай...

– Унда барибир жарима тўлайсиз. Бу жойда тўхтаб туриш тақиқланган!



– Статистика маълумотларига қараганда, кўча фалокатларининг 17 фоизи ҳайдовчилар кайфлигида содир бўларкан.

– Демак, фалокатларнинг қолган 83 фоизи ҳушёр ҳайдовчиларнинг айби туфайли юз бераркан.



ДАН ходими мактабга келиб ўқувчиларга кўча ҳаракати қоидалари ҳақидаги видеофильмни қўйиб берди.

– Мана, кўряпсизларми, – деди у, – анави йигит мотоцикл ҳайдаб кетяпти. Бошига махсус каска киймагани учун фалокат юз бериб, ҳалок бўлди. Энди иккинчи йигитни кўринг. У бошига ўша кийимни кийгани учун йиқилган жойидан ҳеч нарса бўлмагандек туриб кетди.

Шу маҳал орқа қаторда ўтирган бир ўқувчи туриб деди:

– Мен биламан бу йигитни, ўша йиқилган вақтдан буён тинимсиз кулаверади. Мияси чайқалиб қолган...



Ҳайдовчилик ҳужжатини олиш учун имтиҳон топшираётган йигитга ўқитувчи савол берди:

– Машинани тез ҳайдаб кетяпсиз. Шунда қутилмаганда йўлдан эшак ва одам чиқиб қолди. Аввал нимани босасиз?

– Эшакни! – дадил жавоб берди йигит.

– Тормозни босиш керак! – деди ўқитувчи бош чайқаб.



– Сиз жуда бепарво экансиз, – деди ҳайдовчи чорраҳада машина билан уриб кетишига салгина қолган йўловчига. – Мен ўн йилдан бери ҳайдовчилик қиламан, лекин сизга ўхшаган йўловчини кўрмаганман.

– Э, кўп бошимни қотирманг! – деди йўловчи ҳам бўш келмай. – Оёқда юришда менинг ҳам тажрибам бор, эллик йилдан буён пиёда юраман.



ДАН ходими қоидани бузган ҳайдовчига деди:

– Бунақа қоидабузарлик учун мен ҳайдовчилик гувоҳномагизни олиб қўйишим мумкин.

– Менда шунақа гувоҳнома бор деб ўйлайсизми?



ДАН ходими ҳайдовчига иддао қиляпти:

– Қаёққа қараб кетяпсиз? Бу кўчадаги ҳаракат ахир бир томонлама-ку!

– Мен ҳам бир томонга қараб кетяпман-ку!



Судья судланувчидан сўради:

– Сиз бировнинг енгил машинасини олиб қочгансиз, айбингизга иқрормисиз?

– Йўқ, ҳурматли судья, машинани эмас, машина мени олиб қочди. Қолаверса, мен машина ҳайдашни билмайман.

– Бу гапингизни ким тасдиқлайди, гувоҳларингиз борми?

– Бор. Мен йўлда уриб кетган беш киши қўл-оёқлари синиб, ҳозир шифохонада ётишибди, улар гувоҳлик бериши мумкин.



Янги бойлардан иккитаси охирги русумдаги машинасини соатига 200 километр тезликда ҳайдаб борарди. Шунда ҳайдовчининг ёнидаги шериги сўраб қолди:

- Мабодо ҳозир гилдирак чиқиб кетса, нима қиласан?
- Зиёни йўқ, менда запаси бор.



Машина ҳайдаб кетаётган аёлнинг машинаси бузилиб қолди. Хоним йўловчи машинани тўхтатиб ҳайдовчидан ёрдам сўради. У машинани ковлаштириб, ишқални қидираётганда аёл савол берди:

- Хўш, нима бўпти ўзи?
- Агар машинангиз от бўлганда, уни отиб ташлаш керак деган бўлардим.



ДАН ходими ҳайдовчидан сўради:

- Қани, айтинг-чи, бу йўловчини қандай қилиб уриб юбордингиз?
- Э, мен уни уриб юбормадим. Тормозни босиб бемалол ўтиб олиши учун йўл бўшатсам, бечора ҳайратланганидан ҳушини йўқотиб афдарилиб тушди.



Бир маст одам катта дарахт олдига келиб шовқин солаётган экан:

- Хотин, эшикни оч, сенга айтяпман, оч!
- Шу пайт ДАН ходими келиб унга деди:
- Мен милиция сержанти Эшпўлатовман. Нега тўполон қиляпсиз? Тинчликми ўзи?
- Э, кўрмайсизми, қанча тақиллатсам ҳам, хотин эшикни очмаяпти.
- Тушунарли, қани, бир куфланг-чи!
- Куф-ф!
- Шунда ДАН ходими маст одамга қўшилиб дарахтни тақиллатди:
- Хоним, безорилик қилмай тезроқ эшикни очинг! Акс ҳолда, чора кўраман!



Чорраҳага яқинлашганда бир эски «Москвич» машинаси секинлаб тўхтади. ДАН ходими ҳайдовчига яқинлашиб деди:

– Ака, мана шу жойда эрталабдан буён турибман. Жуда кўп машина ўтди. Лекин биронтаси қоидага риоя қилмади. Фақат сиз қоидани бузмадингиз. Раҳмат сизга! Дунёда шунақа ҳайдовчи ҳам бўларкан. Энди мен билан идорамизга борасиз. Сизга раҳматнома эълон қилиб, юз минг сўмлик пул мукофоти берамиз.

– Яхши бўларди. Права оволардим.

– Ие, ҳали правасиз ҳайдаяпсизми? Қўшни давлатга ҳужжатсиз ўтиб кетяпсизми?

Шу маҳал ҳайдовчининг ёнида ўтирган хотини гапга араллашиб шундай деди:

– Э, ука, бу кишининг гапига ишонаверманг. Ичиб олганда шунақа жаврайверади.

– Вой, ҳали кайфингиз ҳам борми? Энди совғани биз эмас, сиз тўлайсиз.

ДАН ходими дарҳол шерикларини чақирди:

– Бу ёққа келинглр. Акт тузамиз.

Шунда орқада ўтирган онахон эшиқдан бошини чиқариб гап қотди:

– Мен бу ер ютгурларга ўғирланган машинада узоққа бориб бўлмайди деб юз марта айтганман. Мана оқибати...



Машина бошқариб кетаётган киши семиз ДАН ходимини туртиб юборди.

– Ёнимдан айланиб ўтсангиз, асакангиз кетармиди? – деди назоратчи жаҳли чиқиб.

– Айланиб ўтишга бензиним етмай қолади деб ўйлабман, – деди ҳайдовчи афсусланиб.



Карикатурачилар танловида шундай бир расм голиб деб топилди. Унда тасвирланишича, узоқдан катта тезликда келаётган енгил машинанинг кўриниши бўри қиёфасида бўлади, ДАН постига яқинлашганда у қўзичоққа айланиб қолади, постдан ўтгач эса яна бўри бўлиб қолади.



ДАН ходимлари ҳалокатга учраб ағдарилиб кетган машина ичидан уч нафар ғирт маст эркакни судраб чиқишди. Улар сал ўзларига келгач, сўроққа тутишди:

- Рулда ким ўтирган эди?
- Учовимиз ҳам орқада ўтирувдик!



ДАН ходими ҳайдовчидан сўради:

- Машинангиз йўқолганини қачон пайқадингиз?
- Кеча билиб қолдим. Ресторандан чиқиб рулга ўтирдим. Моторни ўт олдирмоқчи бўлганимда машинам йўқлигини сездим.



Автосервисда ҳайдовчи хоним устадан сўради:

- Сигнални қаттиқроқ чалинадиган қилиш мумкинми?
- Нега?
- Тормоз ишламайди-да.



ДАН ходими рулда аёл киши ўтирган машинани тўхтатиб ҳужжатларни сўради. Кейин ҳужжатларни варақлаб кўргач бирдан жонланиб деди:

- Ие, сиз ҳали менинг ўқитувчиммисиз? Жуда соз! Қани, қалам олиб мана бу қоғозга: «Мен энди йўл ҳаракати қоидасини бошқа бузмайман», – деб юз марта ёзинг-чи!



ДАН ходими ҳайдовчидан сўради:

- Қандай қилиб маст ҳолатда машинага ўтирдингиз?
- Мен мутлақо ўтирмоқчи эмасдим, лекин ўртоқларим ёрдамлашиб юборишди...

## «НАРКОЗГА ЮЗ ГРАММ ҚЎШВОРИНГ!..»

Пойтахтдан келган маърузачи ичкиликнинг зарари ҳақида маъруза ўқимоқда:

– Спиртли ичимликларни муттасил ичиш фақат соғлиққагина эмас, оилавий муносабатларга ҳам таъсир қилади. Кўп ароқ ичадиганларнинг хотинлари эрларини ташлаб кетиши мумкин.

Шу маҳал орқа қаторда ўтирган бир киши ўрнидан туриб луқма ташлади:

– Айтинг-чи, бунинг учун қанча ичиш керак?



Бир пиёниста улфатига шикоят қиляпти:

– Хотинимни билмайсан-да, у мисоли бир ялмоғиз. Қачон уйга келсам, «Қани, бир пуфла-чи», – дегани-деган.

– Сен менга ўхшаб жуда қаттиқ пуфла!

– Кейин нима бўлади?

– Хотининг ағдарилиб тушади.



– Кайфим ошиб қолганини нимадан билишимни айтайми?

– Қани, айт-чи!

– Кайфим ошганда хотиним кўзимга яхши кўрина бошлайди.



Икки маст ўзаро гаплашяпти:

– Ич-чкилик умрни икки баравар қис-қис-қисқартиради. Тушундингми? Менга қара, сен неччига чиқдинг ўзи?

– Ў-ў-ттиз бешга!

– Ана-а-а! Агар ичмаганингда ҳозир нақ етмишга чиққан бўлардинг.



Бир халта бўш шиша кўтариб кетаётган одамдан ўртоғи сўради:

- Пиво олишга кетяпсанми?
- Йўқ. Хотиним уйдан ҳайдаворди.
- Бўш шишаларни нега кўтарволдинг?
- Хотиним: «Бор бисотингни кўтариб уйдан йўқол!» – деди-да.



- Нима сабабдан бунчалик қаттиқ маст бўлдинг?
- Ёмон улфатлар орасига тушиб қолдим. Биз тўрт киши эдик. Менда бир шиша ароқ бор эди, учала шеригим ичишни хоҳлашмади.



Маст ҳайдовчини ДАН ходими тўхтатди. Ҳайдовчи тор-мозни босиб жаҳл билан сўради:

- Қаёққа борасан?
- Ҳеч қаёққа!
- Унда нега қўл кўтарасан, ярамас?!



Милиция ходими қоқ ярим тунда кўчада кетаётган маст одамни тўхтатди:

- Бемаҳалда қаёққа кетяпсиз?
- Ичкиликнинг зарари ҳақида маъруза эшитгани кетяпман.
- Шундай паллада ким сизга бунақа маъруза ўқийди?
- Хотиним.



Эрталаб ҳушёрхонада милиция ходими бир мастдан сўради:

- Кеча кечқурун сени бу ерга иккита мелиса олиб келиб ташлаганини эсласанг керак?
- Албатта эслайман.
- Маст ҳолда, а?
- Ҳа, иккаласи ҳам ўлгудек ичиб олишганди.



– Чекиш билан ичишнинг зарари ҳақида шундай кўп ўқидимки, охири бутунлай ташлашга мажбур бўлдим.

– Ичишними ёки чекишни?

– Э-э, ўқишни ташладим.



– Яқинда бир журналда фақат ароқ билан даволайдиган касаллик борлигини ўқидим.

– Ўша журналда шу касалликни қандай юқтириш ҳақида ёзишмабдими?



Эр-хотин беш ёшли ўғил билан ресторанга киришди. Эр буюртма берди:

– Иккита икки юз грамдан ароқ беринг!

Бола отадан сўради:

– Нима, онам ичмайдими?



Ичкиликка ружу қўйган икки оғайни суҳбатлашяпти:

– Хуш, қандай яшаяпсан?

– Ҳа, энди, бир амаллаб... Ўзимни ёмон ҳис қилганимда «Тез ёрдам» олиб кетади, яхши ҳис қилганимда эса милиция...



– Ким сени бунчалик дабдала қилди?

– Э-э, ўзимнинг итим-да.

– Нега бундай бўлди?

– Ўша куни уйга йўлдаги пивохонага кирмай қайтувдим.

Итим танимай қолди.



Маст одам оёқда аранг туриб уйга келди-ю, остонада қулаб тушди. Хотини ўқловни олди ва тепасига келиб ўдағайлади:

– Яна ичасизми? А? Ичасизми деяпман?

Маст зўрға кўзини очиб деди:

– Майли, қуя қол.



Хотин эрига ўдағайлаяпти:

– Нега маст бўлиб келдингиз?

– Уч кишига лойиқ ароқ олувдик, иккитаси келмай қолди.



– Дада, маст одам қанақа бўлади?

– Анави иккита дарахтни кўрдингми? Маст одам уни тўртта деб ўйлайди.

– Тушундим. Лекин у ерда битта дарахт турибди-ку.



Фирт маст одам йўл четидаги кўлмакда ағанаб ётарди. Уни кўриб қолган милиция ходими қўлидан тортганда маст ёрдамни рад этиб деди:

– Қўяверинг, мен бу денгизда суза оламан. Аввал аёллар ва болаларни қутқаринг.



Аёл ичкилик ичадиган эрининг ишхонасига бориб кабинетда бир қанча бўш шишаларни кўриб қолди.

– Булар қаёқдан пайдо бўлди? – деб сўради жиғибийрони чиқиб.

– Ўзим ҳам ҳайронман, – деди эри елкасини қисиб. – Мен ҳеч қачон бўш шиша сотиб олмаганман.



Дўхтир қабулига келган пиёнистадан сўради:

– Спиртли ичимликлар ичасизми?

– Фақат тантанали кунлардагина ичаман.

– Қанақа тантанали кунларда?

– Ичадиган нарса топилганда...



Кайфи тароқ бир одам кўчада ўтиб кетаётган қиздан сўрапти:

– Яхши қиз, айтинг-чи, бошимда нечта ғурра бор?

– Тўртта, – деб жавоб қилди қиз хавотирланиб.

– Раҳмат, демак, уйимгача яна бешта симёғоч бор экан.



Бир пиёниста улфатига таклиф қиялпти:

- Эртага балиқ овига борайлик.
- Мен балиқ тутишни билмайман-да.
- Билиш шарт эмас. Қуясан – ичасан, ичасан – қуясан!..



Маст одам кўчада милиция ходимини тўхтатиб сўради:

- Мен қаердаман?
- Амир Гемур кўчасидаги 68-уйнинг ёнида турибсиз.
- Тафсилотлар шарт эмас. Қайси шаҳардаман?



- Нега бу театрга тушмай қўйдинг?
- Буфетида пиво сотмай қўйишди-ку!



Топилмалар идорасига бир одам кириб сўради:

- Кеча сизларга мен йўқотган икки шиша ароқни келтиришмадимми?
- Йўқ, уни топиб олган кишини кўтариб келишди.



Балчиқда ағанаб ётган маст одамнинг ёнига милиция ходими келиб сўради:

- Бу ерда нима қилиб ётибсиз?
- Сен кимсан ўзи?
- Мелисаман.
- Қуруқликдагими ёки денгиздаги?
- Билмадим, қуруқликдаги бўлса керак.
- Ундай бўлса, бор, бошимни қотирма, денгизчиларнинг ишига аралашма!



Операция столида ётган бемор сўради:

- Дўхтиржон! Наркоз ҳам кайф беради дейишади, тўғрими?
- Тўғри, нимайди?
- Агар иложи бўлса, наркоздан яна юз грамм қўшворинг.



ДАН ходими кайфи бор ҳайдовчидан сўради:

– Катта тезликда кетяпсиз, мабодо машинангизнинг филдираги чиқиб кетса, нима қиласиз?

– Газни кучайтириб, филдиракка етиб оламан.



Ресторан буфетчисига бир одам деди:

– Юз грамм ароқ қуйворинг бошланмасдан туриб.

Орадан ўн минут ўтгач у яна шу илтимосни такрорлади.

Кейин учинчи марта келди:

– Барака топгур, қуйвора қолинг бошланмасдан олдин.

Шунда буфетчи тутоқиб кетди:

– Нима бошланмасдан олдин? Пулинг борми ўзи?

– Мана энди бошланди!



Бир маст кўчада Галилейнинг ҳайкалига кўзи тушиб шеригидан сўради:

– Ким анави турган?

– Галилей, Ер айланади деган олим.

– Менинг ҳамкасбим экан, мен ҳам Ер айланишини исбот қилганман.



Янги уйланмоқчи бўлган йигитни бўлажак қайнотаси си-наб кўрмоқчи бўлибди:

– Йигитча, эшитишимча, сиз ичмайсиз ҳам, чекмайсиз ҳам, шундайми?

– Аввал тўй ўтсин, кейин бемалол ичишиб, чекишиб ўти-раверамиз, дада.



Келин кекса қайнонасига эридан шикоят қилиб деди:

– Ойи, ўғлингизнинг қилиқларига бундан ортиқ чидол-майман. Нима қилиб бўлса ҳам ичишни ташлаттирмасак бўлмайди. Маошининг ҳаммасини ичиб битиряпти.

– Қўй, қизим, ундай дема, ичса ичаверсин. Бўшаган ши-шаларни сотиб пулига совун олиб турибмиз-ку!



Икки дугона учрашиб қолди. Улардан бири эрининг кўп ичишидан ҳасрат қилди. Иккинчи дугона эса шундай деди:

– Меники ичмайди ҳисоб. Ҳаммомга тушганда ёки байрамлардагина ичади.

Худди шу лаҳза эри келиб қолиб сўради:

– Дарвоқе, бугун қандай байрам ўзи?

– Нималар деяпсиз? Ҳеч қандай байрам-пайрам йўқ!

– Э, шундайми? Ундай бўлса, мен ҳаммомга кетдим.



Ароқхўрга ўртоқлари танбеҳ беришяпти:

– Ёшинг ҳам бир жойга бориб қолди. Энди ичишни ташласанг бўлармиди...

– Кўп йиллик стажим куйиб қолармикин дейман-да!



Икки ўртоқ пивохонода учрашиб қолишди.

– Ия, сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Дўхтир сенга ичкиликни бутунлай тақиқлаб қўйганди-ку!

– Тўғрику-я, лекин ўша дўхтир ўлиб кетганига уч йил бўлди...



Маст одам уйига келиб ўғлига деди:

– Тезда қундалигингни кўрсат-чи, хўрр-роз!

У шундай деди-да, диванга ўзини ташлаб уйқуга кета бошлади. Ўғли ёнига келди:

– Мана, олиб келдим.

– Оч, – деди ота уйқусираб.

– Очдим.

– Қуй.



Янги йил дастурхонида меҳмондорчилик авжида. Улфатлардан бири шеригидан сўради:

– Нега ичаётганигда кўзингни юмиб оласан?

– Хотинимга янги йилдан бошлаб ичкиликка қарамайман деб сўз берганман.



Эрининг пиенисталигидан безор бўлган хотин шарт қўйди:

- Жавоб беринг: ё мени денг, ё ароқни!
- Сени десам, қанча ароқ берасан?



– Аёллар эркаклардан кўпроқ умр кўришади. Биласанми, хотин, нима учун?

- Билмадим...
- Билмайсан-да! Бунинг учун бизга миннатдорчилик билдиришларинг керак.
- Ҳо-о, нега энди?
- Ахир биз сизларнинг соғлигингизни тилаб ичиб турамиз-да!



Бир маст одам шеригига ҳасрат қиляпти:

– «Мен севаман, сен сеvasанму»ни хиргойи қилиб ярим кечаси уйга қайтаётсам, бир хотинга кўзим тушди. Вей, катта кўчанинг бошида ечинтириб кетишибди. Бечора совуқда қотиб, турган жойида музлаб қолибди. Одамгарчилигим тутиб костюмимни ечдим. «Музлаб қолибсиз-ку, синглим», – деб елкасига энди ёпгандим, бегона қўллар тирсагимдан тутди. Қарасам, иккита барзанги шапкани қийшайтириб турибди.

– Ҳов оғайнилар, мени маст деб ўйлаяпсизларми? Мен маст эмасман, манови синглимиз музлаб қолибди. Шунга... – дедим.

– Йўқ, сизни маст деб ўйлаб ўлибмизми? Фақат «синглингиз»ни ҳайкал деб ўйлаяпмиз, – дейишди.

Ростдан ҳам кўзимни каттароқ очиб мундоқ қарасам, ўша хотин ҳайкал экан!



Бир киши маст ҳолда лойга булғаниб ётганида олдидан бир аёл ўтиб қолди.

- Ўзинг чўчқасан, – деди маст.
- Мен сизга бундай демадим-ку!
- Лекин шундай деб ўйладинг!



– Шу газит-жўрналлардан ҳам ҳафсалам пир бўлди. Қаёқдаги бачкана нарсаларни ёзишади. Ширин кайф қилиб уйга қайтсанг, ўғлинг бир томондан, қизинг иккинчи томондан газит ё жўрнол кўтариб тепангга келишади: «Ўқиб берарканси!». Қўлингга олсанг, кайфни учирадиган сарлавҳалар... «Болаларингизга ўқиб беринг», «Фарзандларга аталган саҳифа»..

Ўзимиз ўқимаймиз-у, болаларга ўқиб берамизми? Ҳа, ундан кўра «Дадаларингизга ўқиб беринг», «Отангизга аталган саҳифа» деб ёзишсин. Ашулани ванг қўйиб келганингда «Ароқнинг шифобахшлиги!» ёки «Соғлиқ ароққа боғлиқ» деган мақолаларни бериб туришса, қандай яхши! Ҳар замонда «Ширин сўз – маст озиғи» дея оналарни ҳам эслаб қўйишса, нур устига аъло нур бўлади.

Ҳали егилмаган ёш ичувчиларга йўл-йўриқ кўрсатадиган «Ўзингизга содиқ улфатлар топинг», «Кўп ичишнинг йўллари ва усуллари» деган мавзулар ҳам фойдадан холи эмас.

Агар шундай қилишса, ҳар йили «Обуна! Обуна!» деб юғриб юрилмасди. Ҳар қанча газит-жўрнол бўлса, ўзимиздан ортмасди.

Дарвоқе, шу ароққа ҳам обуна қилишса қандай бўларкин-а? Йилнинг бошида ёзилиб қўйсанг... Почтачи кечга томон тарқатиб юрса, «Суннатулло ака, обуна бўлган эканси, ароқингизни олиб қўйинг!» – деб турса, «Тилингга шакар», – деб ноёб маҳсулотни ўзинг қабул қилиб олсанг... Мабодо зарурроқ иш чиқиб қолса, хотинга тайинлаб қўйсанг. «Мен фалончиникидаман. Почта келса, олиб кириб ўша ерга қўяверасан!»

Агар шундай қилиш мумкин бўлса, ўн йиллигига олдиндан обуна бўлиб қўярдим-да!..



– Нега сен қанча кўп ичсанг ҳам сира маст бўлмайсан?

– Меъёрни билиш керак.

– Қандай қилиб?

– Ичиш учун ўтирганимда рўпарамга қайнонамнинг суратини қўйиб оламан. У менга ёқа бошласа бас, дарров ичишни тўхтатаман.



Бир маст ярим кечаси кўпқаватли уй қаршисида туриб қичқираётганмиш:

– Эй одамлар! Одамлар!

Ниҳоят, бир уйдан эркак киши бошини чиқариб сўрабди:

– Ҳа, нима дейсан?

– Соат неча бўлди?

– Икки бўлди!

– Унда нимага ухламаяпсан?!



Эр хотинига деди:

– Мен ҳозир ётиб ухлайман. Ичгим келганда уйғотиб қўй.

– Ичгингиз келганини қаёқдан биламан?

– Уйғотиб қўйсанг бўлди...



Ароқхўрнинг улфати сўради:

– Нега қишлоққа кўчиб келдинг?

– Шаҳарда ичсанг ўн беш суткага қамаласан. Қишлоқда ичволиб бирор дарахт соясида бемалол ухлайверасан.



Бир маст ресторандан чиқиб такси ҳайдовчиларига деди:

– Ким мени уйимга обориб қўйса, юз доллар бераман.

Таксичилар: «Мен обориб қўяман, мен обораман», – дея мижозни ўртада талашиб кетишди. Шунда улардан бири сўраб қолди:

– Дарвоқе, қаерда турасиз ўзи?

– Қаерда туришимни билганимда юз доллар тўлармидим?!



Автобусга маст одам чиқди. Кондуктор йўлकिрани сўради.

– Пулим йўқ.

– Ароққа топилибди-ку!

– Дўстим қуйиб берди.

– Йўлга бермадими?

– Берди, мана! – маст шундай деб қўйнидан битта ароқ чиқариб кўрсатди.



Кайфи ошиб қолган бир маст улфатига деди:

– Машина бензин, трамвай ток, трактор солярка билан юрса, мен ароқ билан юраман.



Маст киши қариядан сўради:

– Отахон! Тошмамат қаерда яшайди?

– Ие, Тошмамат ўзингиз-ку.

– Биламан, сиз менга уйим қаердалигини айтворинг!



Бир маст автобусга чиқиб ўтирди. Бироздан сўнг ёнидаги аёлнинг елкасига қийшайиб бошини қўйиб олди. Аёлнинг жаҳли чиғиб кесатди:

– Балки, устимга ҳам чиқиб оларсиз?!

– Ў-ҳў, – деди маст ғўлдираб, – қўнгиллари яна нимани тусайди?



Дала шийпонида гурунглашиб ўтирган раис Афандидан сўради:

– Насриддин, қани, менга айтинг-чи, ёлғиз ўзингизга бир шиша ароқ берсак, кайфингиз ошадими?

– Йўқ, ошмайди, – деб жавоб берди Афанди.

– Икки шиша ароқ ичганингиздан кейин ҳам далага чиқаверасизми?

– Ҳа, албатта.

– Уч шиша ароқдан кейин-чи?

– Учтинчи шишадан сўнг бориб ишлай олмайман-у, аммо сизга ўхшаб раҳбарлик қила оламан, – деди Афанди.



Маст киши уйғониб кетса, ерда ётибди. Олдидан ўтиб кетаётган кишидан сўрабди:

– Мен қаердаман?

– Сиз Самарқанд дарвозадасиз.

– Илтимос, дарвозани беркитиб қўйинг, орқамдан совуқ уряпти.



Бошлиқ ходимга бақиряпти:

- Нега бир ҳафтадан буён ишга келмаяпсан?
- Ўзингиз кайфинг борлигида кўзимга кўринма деган-сиз-ку!



– Амаки, бизникига меҳмон келувди, дадам шиша очқични бериб турсин деди.

– Шунақами? Жуда соз! Сен кетавер, очқични ҳозир ўзим олиб бораман.



Доимий ичувчидан анализ учун қон олишди. Бир кундан кейин келган жавобда шундай ёзилганди: «Анализда қон борлиги аниқланмади».



- Ойи, дадам кеча маош олувдими?
- Қаердан билдинг?
- Ўзлариники қолиб ойнанинг соқолини қиряптилар.



- Ҳали ҳам унча-мунча отиб турасизми?
- Ҳа. Лекин қувиб ичмайман. Меҳмон келганда...
- Меҳмонлар тез-тез келиб туришадими?
- Бир кунда икки-уч маҳал. Баъзан ишхонага ҳам излаб боришади.



Ҳушёрлик жамиятининг ташвиқотчиси бир қишлоққа суҳбат ўтказиш учун келибди.

– Тасаввур қилинглар, – дебди у, – ҳўкизнинг олдига бир челақда сув, иккинчисига вино қўйсангиз, қайси бирини ичди?

- Сувни! – деган қичқириқ эшитилибди.
- Баракалла! – дея хурсанд бўлибди ташвиқотчи. – Айтинг-чи, нега?
- Чунки у ҳайвон-да!



- Менга қаранг, дадаси. Сиз доим ароқ ўлгурни ичаверасиз. Ҳеч уйни, хотин, бола-чақаниям ўйлайсизми ўзи?
- Мен шуларни унутиш учун ичаман-да!



Маст одам уйига келиб эшик қўнғироғини босди. Хотини эшикни очиб ўдағайлади:

- Яна ичиб келдингизми? Қани янги пальтоингиз? Униям сотиб ичдингизми?
- Йўқ, уни йўқотиб қўйдим.
- Қўлингиздаги ароқ қаёқдан пайдо бўлди?
- Уни тэпиб олдим.



Врач ароқхўр беморни кўриб деди:

- Ҳаммасига ароқ айбдор.
- Хайрият, – хитоб қилди ароқхўр хурсанд бўлиб, – менда айб йўқ экан.



Ароқхўрнинг ўғли отасига деди:

- Дада, ароқ қиммат бўлди дейишяпти, энди озроқ ичарсиз?
- Йўқ, энди сен озроқ овқат ейсан.



Бир маст киши зўр бериб симёғочга калит тикарди. Уни кўрган йўловчи сўради:

- Нима қиляпсиз, биродар? Ахир бу ерда ҳеч қанақа эшик йўқ-ку!
- Бўлиши мумкин эмас. Нега унда иккинчи қаватда чироқ ёниқ?



Врач ароқхўрни кўрикдан ўтказаетиб сўради:

- Сиз бирон марта руҳий зўриқишни бошдан кечирганмисиз?
- Ҳа, бир гал кўз олдимда компьютерни тоза спиртда артиб тозалашганда аламдан шайтонлаб қолганман.



Кўчада гандираклар кетаётган маст одам кўлмакда ойнанинг аксини кўриб ёнидан ўтиб кетаётган йўловчидан сўради:

- Оғайни, бу нима ўзи?
- Ой.
- Ў-ҳў, шунчалик баландга чиқиб кетибман-да!



Дафн маросимида синчков бир киши ёнидаги одамдан сўради:

- Кечирасиз, марҳум қанақа дард билан вафот этди?
- Муҳаббат дардидан!
- Наҳотки? У кимни шунчалик қаттиқ севарди?
- АРОҚНИ!



Хушёрхонада телефон жиринглади:

- Алё! Сизларга бугун Ғурбатуллаевни олиб келишмадимиз?
- Йўқ.
- Олиб келишолмайдиям! Мен бугун уйимда ичяпман!



Врач ароқхўрни огоҳлантиряпти:

- Билиб қўйинг, спиртли ичимликлар одамнинг вужудини секин-аста емиради.
- Мен шошилаётганим йўқ.



Дўхтир:

- Ичасизми?
- Бемор:
- Борми?



Бола ароқхўр отасидан сўраяпти:

- Дада, сиз ичиб бўшатган шишаларни топшириб нон сотиб олсак майлими?
- Майли, майли... Эҳ, мен бўлмасам, ҳолларинг не кечарди?!



Автобус бекатида ғирт маст киши симёғочга суяниб турибди. Бошқа маст унинг олдига келиб сўраяпти:

– Нима қиляпсан бу ерда?

– Автобус кутяпман.

– Жиннимисан, ким сени бундай узун ёғоч билан автобусга қўяди?!



Ярим кечада учта маст киши темирйўлдан кетишаркан, бири деди:

– Бу зинапоя жуда баланд эканми-а?

– Ушлаб чиқишга тутқичлари ҳам пастак экан, – деди иккинчиси.

Учинчиси тез юриб келаётган поездга қараб деди:

– Ҳечқиси йўқ, ана, лифт келяпти.



Метро эшиги ёнида ширакайф одам ёнидан ўтиб бораётган йўловчидан сўради:

– У ер иссиқми?

– Яхши, иссиқ.

– Ҳавоси тозами?

– Тоза... Сиз бошқа ёқдан келганмисиз?

– Йўқ, шу ерликман, фақат мени у ерга ҳечам қўйишмайди.



Икки маст баҳслашиб бир уйга киришди.

– Бу менинг уйим!

– Йўқ, меники! Мана бу ошхонам, мана бу телевизорим. Мана бу ғаравотим. Мана бу ухлаб ётган хотиним. Унинг ёнида ухлаб ётган эркак... менинг ўзим!..



– Хотин, биласанми, дунёда бир ҳайвон бор. Бир ҳафта ишлаб, бир марта сув ичади. Қани, топ-чи, у қанақа ҳайвон?

– Мен фақат бир кун ишлаб, бир ҳафта ичадиган ҳайвонни биламан.



- Хўш, бир стакандан ичамизми?
- Менга мумкин эмас, рудаман.
- Ҳечқиси йўқ, сенга қизил вино оламиз. Қонни текширганда у билинмайди.



Москва – Магадан самолётида бир йўловчи маст киши билан ёнма-ён ўтирарди. Йўловчи ундан илтимос қилди:

– Илтимос, мумкин бўлса, саккизинчи қаторга ўтиб олсангиз. У ерда менинг хотиним ўтирибди. У ёнимга ўтиб оларди.

– Йўқ! Мен ҳеч қаёққа жилмайман, – тескари қараб олди маст киши.

– Сизга барибир эмасми?

– Йўқ дедимми, йўқ!

Йўловчи стюардессага аҳволни тушунтирган эди, у секин келиб маст кишининг қулоғига шивирлади. Маст киши дарҳол ўрнидан туриб саккизинчи қаторга ўтиб олди. Йўловчи стюардессага миннатдорчилик билдириб сўради:

– Қизиқ, сиз унга нима дедингиз?

Стюардесса кулди:

– Самолётнинг олдинги беш қатори Магаданга қўнмайди дедим...

## «ҲАММАСИГА ХОТИНИМ АЙБДОР»

– Ҳурматли судья! Қасам ичиб айтаманки, мен айбдор эмасман.

– Далиллар ҳаммаси сизнинг айбингизни тасдиқлаб турибди. Мана гувоҳларнинг ёзма кўрсатмалари: «Ёш, келишган, ақлли...»

– О, ундай бўлса, бу менман...



Қоронғи кўчада қароқчи бир қизга таҳдид қилди:

– Яшашни истайсанми?

– Ким билан?

– Пулдан борми?

– Қанча керак?

– Қани, ечин!

– Ўзинг-чи?

– Ҳадингдан ошма, мен хизматдаман!



Судья:

– Нега кундузи ўғирлик қилдингиз?

Жиноятчи:

– Кўп пул билан кечаси юришга қўрқаман.



Бошқа жойдан келган одам меҳмонхона излаб юрарди. Бирдан оқидан тўппонча ушлаган безори чиқиб қолди. Меҳмон бошқа томонга бурилмоқчи бўлганди, йўлтўсар унга деди:

– У ёққа борма, азизим. Ечинтириб кетишади.

– Унда қаёққа боришим керак?

– Ҳеч қаёққа. Шу ерда ечинавер!



Собиқ жиноятчи ўғлини калтаклаётиб деди:

– Мен сени мураббони сўроқсиз еганинг учун эмас, банкада бармоқ изларингни қолдирганинг учун уряпман.



Сейфни бузмоқчи бўлган икки жиноятчини терговчи сўроқ қиларди:

– Шеригингизни қачондан буён биласиз?

– Кечадан буён.

– Шу одам ишонадиган гапми?

– Ўн икки марта қамалиб чиққанман дегани учун дарров унга ишона қолгандим-да!



– Айбланувчи! Гуноҳингизни енгиллаштирадиган бирон-бир далилингиз борми?

– Бор. Мен олдин ҳам тўққиз марта судланганман, бироқ ҳеч қандай фойдаси бўлмаган.



Қоронғи кўчадан кетаётган йўловчи олдидан чиқиб қолган милиция ходимидан сўради:

– Бу кўчада юриш хавфли эмасми?

– Хавфли бўлса, мен шу ерда турармидим?



Судья:

– Нега у бечорани беш марта отдингиз?

Судланувчи:

– Ахир у кар эди-да.



Қоронғи кўчада икки киши учрашиб қолди. Улардан бири дўқ уриб сўради:

– Қани, пулни чиқар.

Иккинчи киши ёнидан тўппонча чиқариб деди:

– Пулни нима қиласан?

– Минг сўмлигимни майдаламоқчи эдим.



Қамоқхона бошлиғи маҳбусга деди:

– Сиз, балки, оила аъзоларингиз йўқлаб келишларини хоҳларсиз?

- Менинг оилам йўқ.
- Дўстларингиз-чи?
- Дўстларим ҳаммаси шу ерда.



Қамоқхона йўлагига бир-бирини жуда ёмон кўрадиган иккита маҳбус учрашиб қолди. Улардан бири сигир, иккинчиси соат ўғирлагани учун қамалганди. Шунда улардан бири киноя қилиб сўради:

- Соат неча бўлди?
- Сигир согадиган вақт бўлди.



Маҳбус уйдан келган хатни ўқиётиб йиғлаб юборди. Ёнидаги шериги сўради:

- Уйда бирон кўнгилсизлик бўлибдими?
- Э, нимасини айтасан. Ўғлим синфда иккинчи йилга қолибди. Бу оиламиз шаънига яхши эмас!



Қамоқ муддати тугагач, ўғрига қамоқхона бошлиғи ҳужжатларини қайтариб бераркан, насиҳат қилди:

– Мана, етти йил ўтириб чиқдинг. Энди ўғирликка чек қўй, ҳалол меҳнат билан тирикчилик қил!

Ўғри ҳадеганда кетавермагач, қамоқхона бошлиғи сўради:

- Хуш, нимани кутяпсан яна?
- Қамалаётганимда тортиб олинган иш қуролларимни қайтариб берсангиз.



Қамоқхонада иккита маҳбус гаплашмоқда:

- Сен нима учун қамалгансан?
- Рақобат қурбони бўлдим.
- Қанақа рақобат?
- Мен худди давлатникига ўхшаган пул ясагандим.



– Суд сизни ўн йилга озодликдан маҳрум этади, – деди судья айбланувчига.

– Ишонч учун сизга катта раҳмат, – деди айбланувчи. – Мен яна шунча яшайман деб сираям ўйламовдим.



Судья судланувчидан сўради:

– Айтинг-чи, судланувчи, марказий банкни қандай ўмардингиз?

– Айтолмайман, жаноб судья. Шаҳарда рақобатчиларим кўп.



Судланувчи деди:

– Жаноб судья! Мен ахир ўттиз йил қамоқда ўтиролмайман. Ҳозир элликни уриб қўйганман.

– Ҳечқиси йўқ, қўлдан келганча амаллайсиз.



Ярим кеча. Тор кўчада икки киши учрашиб қолди.

– Менга қара, – деди улардан бири, – шу яқин ўртада мелиса йўқми?

– Йўқ.

– Ундай бўлса, пальтонгни еч!



Судья от ўғрисини сўроқ қиларди:

– Қани, айтинг-чи, айбланувчи, бу иш қандай содир бўлди?

– Уйга қайтаётган эдим. Қоқ ярим тун. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Мундоқ қарасам, йўлда катта қора нарса ётибди. Устидан сакраб ўтмоқчи эдим, ўрнидан тура солиб мени олиб қочди. Мелисаларга раҳмат, тўхтатиб қолишди.



– Нега суд залига тўқмоқ кўтариб кирдингиз?

– Қонунда кўрсатилишича, мен ўзимни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканман.



Томтешар ўғрининг хотини ҳамиша тунларда эри билан  
изма-из юарди. Ниҳоят, ўғри қўлга тушади.

- Сиз ҳам жиноятга шериксиз! – деди судья хотинга.
- Мен ҳеч қачон эримга ёрдам бермаганман. У бегона аёл-  
лар билан учрашмасин деб кузатиб юрганман, холос.



Афанди қози эди. Унинг ҳузурига бир қиз зўрлаб ўпиб ол-  
ган йигит устидан арз қилиб келди.

- Менимча, жазо жиноятга мос келиши керак, – деди  
Афанди. – Энди сиз ҳам у нобакорни бир зўрлаб ўпиб додини  
беринг!



Тергов бошлиғи изқувардан сўради:

- Жиноятчини нега қочириб юбординг?
- У кинотеатрга кириб кетди.
- Хўш, сен нега орқасидан кирмадинг?
- Мен бу фильмни кўргандим-да...



Судья айбланувчига деди:

- Содир этган жиноятингиз доимо жиноятчилар муҳитида  
ўралашиб юрганлигингиз натижасидир.
- Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз. Мен бутун онгли ҳаётимда  
фақат милиция, прокуратура ва суд билан алоқадаман.



Обрўли бир одамни терговчи сўроқ қилмоқда:

- Юз минг сўм пора олиш сизга уят эмасми?
- Албатта уят! Нима қилай, юз мингдан ортиқ пули йўқ  
экан-да...



– Нима айб билан қамалдинг?

- Пора билан.
- Унда нимага сени жуда тез қўйиб юборишди.
- Пора билан.



– Мен бажонидил бу уйни сотиб олардим. Айтинг-чи, бу жойлар тингчи?

– Тинч бўлганда қандоқ! Шу йилнинг ўзида бешта уйни ўғри уриб кетди, кўчадан ўтиб кетаётган учта одамни ўлдиришди, ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган...



– Айбланувчи, айтинг-чи, нега шундай иш қилдингиз?

– Кечаси уйга қайтаётган эдим. Ёнимга икки киши келиб: «Пальто ва шапкани еч», – деди. Мен айтганини қилдим. Биттасидан пальтони, иккинчисидан шапкани ечиб олдим.



Ўқитувчи ўқувчилардан уй вазифасини суриштирмақда:

– Толипов, нега вазифани бажармадинг?

– Қорним оғриб қолди.

– Ўтир, икки! Сен-чи, Эшматов?

– Меҳмон келиб қолувди.

– Ўтир, икки. Мирзаев, сен-чи?

– Акам қамоқдан келувди.

– Қамоқдан келган аканг билан мени қўрқитма, ўтир, уч!



Чўнтаккесар қўлга тушиб суд қилинмоқда.

– Қани, айтинг-чи, – деб сўради судья, – қандай қилиб сиз тилла соат ва тилла занжирни билинтирмай ечиб олдингиз?

– Жаноб судья! Бунақа нозик масала бўйича берган маслаҳатим учун менга 500 доллар тўлашади.



Қамоқхонада икки маҳбус суҳбатлашмоқда:

– Сен сиёсий маҳбусмисан ёки жиноятчимисан?

– Сиёсий маҳбусман.

– Қанақасига?

– Ўзим сантехникман. Бир куни мени шаҳар партия қўмитаси идорасига чақиришди. Ҳар томонга кўз ташлаб: «Бу ерда ҳамма системани алмаштириш керак», – дедим... Ўша гапим учун қамаб юборишди.



– Уят эмасми? Ёш, соппа-соғ бўла туриб пул сўраб ўтириб-сиз.

– Бир гал сўрамай олганим учун уч йил ўтириб чиққанман.



Судья судланувчидан сўради:

– Гуноҳсиз эканлигингизни исботлай оласизми?

– Албатта, фақат менга муҳлат беринг, – деди айбдор.

– Хўп, сизга беш йил бераман.



– Сизни кеча тунаб кетишгани ростми?

– Рост. Соатим билан ҳамёнимни тортиб олишди.

– Янглишмасам, сиз доимо ўзингиз билан тўппонча олиб юардингиз, шекилли.

– Тўғри, аммо бахтимга улар тўппончани топишолмади.



Судья айбланувчига деди:

– Судланувчи! Сиз ниҳоятда ноёб, камдан-кам учрайдиган жиноятга қўл ургансиз.

– Мақтамай қўя қолинг, барибир тан олмайман.



Милиция ходими идорасига қўнғироқ қилмоқда:

– Бу ерда бир одамни тунаб кетишибди. Биттасини ушлаб қолдим.

– Кимни?

– Тунаб кетилган одамни.



Милиция ходимининг қўлидаги тилла соатни кўрган дўсти сўради:

– Ў-ҳў, зўр-ку! Мукофот олдингми?

– Ҳмм... Шундай деса ҳам бўлади...

– Биронта йирик шайка бошлиғини қўлга туширувдингми?

– Қўлга тушириб, кейин қўйворувдим.



- Гувоҳ! Сиз айбланувчини биласизми?
- Ҳа, биз банкда бирга ишлагандик.
- Бу қачон содир бўлганди?
- Икки ой аввал. Тахминан эрталаб соат тўртда.



Бир одам китоб дўконига Жиноят кодексини сотиб олиш учун буюртма берди. Орадан икки кун ўтгач дўкон мудирининг уйига телефон қилиб буюртма тайёр бўлганини айтди. Телефонни кўтарган хотин жавоб берди:

- Энди кеч бўлди, уни қамоққа олишди.



Кампир қамоқхонадаги набирасига хат ёзди: «Сени жуда соғиндим. Кўриб келай десам, бу ёқда картошкаларни қазиб олиш керак. Яхшиси, икки кунга жавоб сўраб келолмайсанми?»

Набира жавоб йўллайди: «Сўрадим, рад этишди. Ишларингизга бошқа бирортаси ёрдам бериб турар. Лекин ерни чуқур қазиманглар, чунки ер остига тўппонча кўмиб қўйганман».

Кампир яна хат ёзди: «Қандайдир одамлар келишди, бутун картошказорни қазиб ташлашди, лекин тўппончани топишолмади. Қазилган картошкаларни йиғиштириб олдим».

Набиранинг жавоби: «Бувижон, қўлимдан келганча ёрдам бердим».



- Ўғирликка тушганингизда қари онангиз ҳақида ҳам ўйладингизми?

- Албатта ўйладим. Аммо у ерда унга лойиқ ҳеч нарса йўқ экан.



Аёл судья сўроқ қиляпти:

- Судланувчи, нега у аёлни зўрладингиз?
- У менга ёқиб қолувди.
- Нега кўзингизни четга ўгирияпсиз?
- Сиз ҳам менга ёқяпсиз...



Суд мажлиси бўлмоқда.

– Жабрланувчи тўмтоқ, тўнкага ўхшаган нарса билан уриб ўлдирилган.

Судланувчи қовоғини уйиб жавоб қилди:

– Ҳақорат қилманг, мен уни каллам билан урувдим.



Ҳимоячи судда ўз мижозидан сўради:

– Хотинингизда нима хусуматингиз бор? Ахир у жуда чиройли экан. Ажралиш шартми?

– Менда жуда чиройли ботинка бор, лекин у оёғимни сиқиб, қавартириб ташлашини сиз қаёқдан биласиз?



Терговчи айбланувчидан сўради:

– Нега сиз тунда битта дўконга кетма-кет уч карра кириб чиқдингиз?

– Ҳаммасига хотиним айбдор. Унга кўйлак ўғирлаб келтирсам, уч марта алмаштириб келишга мажбур қилди.



Автобусда чўнтаккесар бир йўловчининг чўнтагини титкиларди. У ўғрининг қўлларидан тутиб жаҳл билан деди:

– Уят эмасми бировнинг чўнтагига қўл суқиш?

– Чўнтагингда ўзи бир тийин ҳам йўқ экан, сен уялишинг керак!



Қора курсида ўтирган қалбаки пул ясовчидан судья сўради:

– Нима учун қалбаки пул ясадингиз?

– Ҳақиқийсини ясашга уриняпман-да.



– Судланувчи! Нега сиз сўнгги сўздан воз кечяпсиз?

– Гапиришдан нима фойда? Мен айтишим керак бўлган ҳамма сўзни адвокатим, айтишим керак бўлмаганларини эса прокурор гапирди.



Йиғилишда кимдир ўрнидан туриб сўради:

- Деразани очиб ухлаган яхшими ёки ёпиқ ҳолда?
- Ҳамма ҳар хил фикр айтди. Шунда йиғилишга четдан келиб қолган бир кимса шундай деди:
- Менинг учун деразани очиқ ҳолда қолдириш афзал.
- Сиз врач бўлсангиз керак?
- Йўқ, ўғриман...



– Судланувчи! Биринчи хотинингиз нимадан ўлган эди?

- Қўзиқориндан.
- Иккинчиси-чи?
- Уям қўзиқориндан.
- Учинчиси-чи?
- У қўзиқорин ейишни истамаганди.



Бир одам мангу ёшлик ато этадиган дори сотиб юрган экан. Милиция ходими уни ушлаб товламачиликда айблади:

- Илгари шу иш учун судланганмисиз?
- Ҳа.
- Қачон?
- 1640, 1719 ва 1895 йилларда...



Маҳбуснинг хотини қамоқхона бошлиғидан эрига осонроқ иш буюришни сўради.

- Эрингизнинг қилаётган иши жуда осон, конвертларни елим билан ёпиштиради, холос.
- Э, хайрият. У менга туни билан қандайдир лаҳим қазитганини ёзувди.



Судланувчидан сўрашди:

- Илгари ҳам судланганмисиз?
- Ўн йил аввал судланганман.
- Ундан кейин нима иш билан шуғулландингиз?
- Нима билан шуғулланардим, қамоқда ўтирдим-да...



Судья айбланувчидан сўради:

- Асл касбингиз нима эди?
- Акробат.

Судья маслаҳатчиларга энгашиб секин шивирлади:

- Деразани ёпиб қўйиш керак!



Қоровул маҳбусдан сўради:

- Нима учун қамашди?
- Бекордан-бекорга.
- Қандай қилиб?
- Бировнинг хонадонига кирувдим, аммо олишга арзигулик ҳеч нарса йўқ экан.



Судья ашаддий жиноятчидан сўради:

- Сиз ўзи одамларга бирор яхшилик қилганмисиз?
- О, бўлмаса-чи! Мен туфайли шунча йил бутун бир вилоят милициясига иш топилиб турди, улар маош олиб рўзғор тебратишди.

## «ИМТИҲОН ҚАЙСИ ФАНДАН ҶИЗИ?»

Талабадан сўрашибди:

- Имтиҳон нима?
- Имтиҳон – икки ақлли одамнинг ўзаро суҳбати.
- Мабодо улардан бири аҳмоқроқ бўлса-чи?
- Унда иккинчиси стипендиясиз қолади.



- Исм-шарифингиз...
- Боймуродов, – деди талаба қулимсираб.
- Нимага тиржаясан? – деб сўради имтиҳон олаётган домла.
- Биринчи саволингизга тўғри жавоб берганимга хурсандман!



- Талаба ўғил ота-онасига хат ёзибди.
- Дадаси, – деди она эрига, – ўғлимиз нималарни ёзганини ўқиб берайми?
- Ҳожати йўқ, – деди ота, – қанча пул сўраганини айтсанг бўлди.



- Профессор имтиҳон топшираётган талабадан сўради:
- Нега бунча ҳаяжонланаяпсиз? Саволлардан қўрқаяпсизми?
- Йўқ, домла, сизнинг саволларингиздан эмас, ўзимнинг жавобларимдан қўрқаяпман.



- Имтиҳон олдидан домла талабадан сўради:
- Жавоб беришдан олдин савол бўлса, марҳамат!
- Домла, имтиҳон қайси фандан ўзи?



Бир одам озиқ-овқат омборхонасига юк ташувчи сифатида ишга ёлланмоқчи бўлди. Унга вазифасини тушунтиришди:

– Мана бу ерда колбасалар, анави бурчакда пишлоқлар сақланади. Тушунарлими?

– Тушунарли. Хўш, маоши қанча?

– Уч юз минг.

– Йўқ, бўлмайди, камлик қилади.

Кейин талаба ишга кирмоқчи бўлиб келди. Унга ҳам нарсалар кўрсатилди, қиладиган иши тушунтирилди. Талаба индамай тураверди.

– Маошингни сўрамайсанми? – дейишди унга.

Шунда талаба ҳайрон бўлиб сўради:

– Ие, бу ерда маош ҳам бериладими?



Институтда имтиҳон кетмоқда. Домла ўртага савол ташлади:

– Беш баҳога савол: Менинг исми-шарифим ким?

Ҳамма жим.

– Тўрт баҳога савол: Қайси фандан имтиҳон топширяпсиз?

Яна ҳамма жим.

– Уч баҳога савол: Дарсликнинг ранги қанақа?

Шу пайт орқа ўриндиқда гўлдираган овоз эшитилди:

– Вой ярамас-эй, жуда қийин саволлар беряпти-ку, а?



Талаба бекатда йиғлаб ўтирганди, бир кампир келиб сўради:

– Нега йиғлаяпсан, болам?

– Йўлкира талонимни йўқотиб қўйдим.

– Қўй, йиғлама, мана, меникини ола қол.

– Мен талонимга нонуштамни ўраб қўйгандим.



Талаба ресторанда официантга буюртма беряпти:

– Менга икки бўлак нон билан бир стакан сув беринг.

– Шу холосми?

– Эҳ, майли, бугун бир маза қилай! Бир буханка нон билан бир челақ сув беринг!



– Ақлли одамнинг жавобидан кўра аҳмоқнинг саволи кўп бўлади, – деди имтиҳон олаётган профессор.

– Ҳа, энди тушундим. Имтиҳондан кўпчилигимиз йиқилишимиз бежиз эмас экан, – деди талаба жилмайиб.



Институтга кириш имтиҳонида домла абитуриентдан сўради:

– Мингта юз қанча бўлади?

– Қанча оласизлар ўзи?



Домла талабага деди:

– Нега лекцияга кечикиб келдингиз?

– Ахир ўзингиз: «Ўқимоқ ҳеч қачон кеч эмас!» – дегандингиз-ку!



Консерваторияда ўқиётган Афанди мусиқа тарихидан имтиҳон топшираётган экан.

– Қани, саволларни ўқинг-чи! – дебди домла.

– Биринчи савол: Борбад ҳақида нима биласиз? Иккинчи савол: Домла Ҳалим Ибодов ҳақида сўзланг. Учинчи савол: «Муножот».

– Тайёр бўлсангиз биринчи саволга жавоб беринг.

Афанди дадил гап бошлабди:

– Борбад ўтмишимизнинг энг ажойиб созандаси бўлган. Марҳамат қилиб унинг хотираси учун ўрнингиздан туринг.

Имтиҳон олаётганлар ноилож ўринларидан туришибди.

– Майли, энди иккинчи саволга ўта қолинг, – дебди домла.

– Домла Ҳалим Ибодов халқимизнинг хушовоз хонандаси, ажойиб ҳофизи бўлган. У кишидан бизга буюк мерос қолган. Шу бетакрор, буюк санъаткорнинг хотираси учун бир дақиқа бош эгишингизни сўрайман.

Имтиҳон олувчилар яна ўринларидан қўзғолишибди.

– Тезроқ баҳосини қўйиб бера қолайлик, – дебди улардан бири шерикларига. – Худо кўрсатмасин, яна «Муножот»ни айтасизлар деб қолмасин.



Тантиқ талаба бой отасига хат ёзди: «Институтда ишларим яхши. Ҳамма дарсларга автобусда боради, фақат мен таксида бораман».

Ота ўғилга шундай жавоб йўллади: «Ҳаммадан ажралиб туриш яхши эмас, ўғлим. Эл қатори бўлгин, ўзингга автобус сотиб ол».



Талаба имтиҳондан йиқилди. Орадан бир неча кун ўтгач ўзини имтиҳонда қулатган домлани кўчада учратиб саломлашди.

- Мен тўнкалар билан саломлашмайман! – деди домла.
- Мен саломлашавераман! – жавоб қилди талаба.



Бир танбал талаба ўйлай-ўйлай шундай фикрга келибди: биз қанчалик кўп ўқисак, шунчалик кўп биламиз. Қанчалик кўп билсак, шунчалик кўп унутамиз. Қанчалик кўп унутсак, шунчалик оз биламиз. Қанчалик оз билсак, шунчалик оз унутамиз. Қанчалик оз унутсак, шунчалик кўп биламиз. Шундай экан, ўқиб нима қиламиз?..



Имтиҳон олаётган профессор талабага деди:

- Бу учинчи савол, ҳануз чурқ этмадингиз...
- Ўйлаб олиш учун озгина вақт беринг.
- Марҳамат! Сизга келгуси сессиягача вақт берсам етади-ми?..

## КУНЛАРДАН БИР КУН...

Кунлардан бир кун машҳур ихтирочи Эдисоннинг набира-  
си сўраб қолди:

– Бобожон, гапирадиган аппаратни сиз ихтиро қилганми-  
сиз?

– Йўқ, болакай, биринчи гапирувчи аппаратни Оллоҳ эр-  
какнинг қобирғасидан яратган ва уни «хотин» деб атаган.

– Улардан қай бири яхши: Оллоҳникими ёки сизники?

– Шубҳасиз, Оллоҳнинг яратгани чиройлироқ. Аммо мен  
яратган аппаратнинг битта афзаллиги бор, уни истаган  
вақтингда ўчириб қўйишинг мумкин.



Кунлардан бир кун машҳур италян кўшиқчиси Энрико  
Карузо ижодининг илк даврида кичик бир шаҳар саҳнасида  
концерт бераётганди. Шу пайт томошабинлардан бири унга  
қарата карам бошини стиб юборади. Кўшиқчи ўзини йўқот-  
май шундай жавоб қилади:

– Айрим томошабинлар менинг ижромдан таъсирланиб  
калласини йўқотиб қўйишди.



Лондонда пролетариатнинг бўлажак доҳийси Карл Маркс  
жуда ночор ҳаёт кечирарди. Йўқчиликдан безор бўлган хоти-  
ни ахийри зорланиб шундай дейди:

– Ҳаётда кўпроқ капитал тўплаб, капитал ҳақида камроқ  
ёзсанг, яхши бўларди.



Куппа-кундузи чироқ кўтариб юрган қадимги юнон фай-  
ласуфи Диогендан нимани қидиряпсан деб сўрашибди.

– Одам қидиряпман! – деб жавоб қилибди файласуф.



Қадимги машҳур олим ва файласуф Аристотелдан сўрашди:

– Нега ҳасадчилар ҳамиша нимадандир хафа бўлиб юришади?

– Улар фақат ўзларининг омадсизлигидангина эмас, бошқаларнинг ютуқларидан ҳам хафа бўлиб юришади.



Нақл қилишларича, машҳур аллома Пифагорнинг узугига шундай ҳикматли сўз битилган экан: «Вақтинчалик омадсизлик вақтинчалик омаддан афзал».



Кексайиб қолган юнон драматурги Софокл бир даврада ўзининг янги трагедиясини ўқиб беради. Тингловчиларда ҳар хил фикр туғилади. Драматург уларнинг мулоҳазаларини ҳаяжонланиб кутади. Кейин асари кўпчиликка маъқул бўлганини эшитиб азбаройи... суюнганидан жон таслим қилади.



Кунлардан бир кун Суқротдан нега ёзмайсан деб сўрашади.  
– Менимча, папируснинг ёзилмаган саҳифаси ёзилганидан кўра қимматроқдир, – деб жавоб қилади файласуф.

Маълумки, Суқрот ҳам худди Гомер каби ёзишни билмаган.



Кунлардан бир кун машҳур рус физиологи И.П.Павловнинг дўстлари ўзаро келишиб олимга янги костюм-шим сотиб олиши учун пул тўплаб беришади. Ўшанда ёш олим камхаржликдан қийналиб юрган экан.

– Раҳмат, дўстларим! – дейди олим бу мурувватдан мутаассир бўлиб.

Эртаси куни олим лабораториясига узун арқонга боғланган бир неча итларни етаклаб келади.

– Кечаги пул жудаям асқотди-да! Мана энди тажрибаларни кенг миқёсда давом эттириш мумкин. Костюм нима бўлди дейсизми? Ҳозирча эскиси ҳам бўлаверади.



– Дунёда мен учта нарсани яхши кўраман, – деди машҳур композитор Глюк. – Булар пул, вино ва шон-шуҳратдир.

– Шон-шуҳрат охирги ўриндами? – деб сўради дўсти ҳайрон бўлиб.

– Албатта. Пулга вино сотиб оламан, вино менга илҳом бахш этади, илҳомдан эса шон-шуҳрат пайдо бўлаверади.



Машҳур физик Генрих Герц ёшлигида слесарликка астойдил қизиққан экан.

Орадан кўп йиллар ўтгач Герцнинг профессор бўлганини эшитган эски устози бош чайқаб шундай дейди:

– Афсус, у ажойиб слесар бўлиши мумкин эди.



Кунлардан бир кун машҳур ихтирочи олим Эдисон Эйнштейнга ҳасрат қилади:

– Ўзимга биронта тузукроқ ёрдамчи тополмаяпман. Талабгор ёшлар кўп, аммо улардан биронтаси тўғри келмаяпти.

– Уларни қандай қилиб танлайсиз? – сўрайди Эйнштейн.

Эдисон саволлар ёзилган бир варақни узатади:

– Ким мана шу саволларга жавоб беролса, ишга олардим.

«Нью-Йоркдан Чикагогача неча мил?» – деб ўқийди Эйнштейн ва жавоб қилади:

– Темирийўл маълумотномасига қараш керак.

«Зангламайдиган пўлат нимадан қилинади?»

– Бу ҳақда металшунослик ҳақидаги маълумотномадан билиб олиш мумкин.

Эйнштейн бошқа саволларга кўз югуртиргач шундай дейди:

– Рад жавобини кутмасданоқ номзодимни қайтариб оламан!



Машҳур физик Лихтенштейнга бир одам қитмирлик қилиб шундай дейди:

– Жаноб Лихтенштейн, сизнинг қулоқларингиз битта одамга сал катталик қилмасмикин?

– Тўппа-тўғри! – дейди олим кулимсираб. – Аммо, тан олинг, сизнинг қулоқларингиз ҳам битта эшак учун кичиклик қилади.



Машхур физик Роберт Уатсон Уайт бир куни машинада кетаётиб тезликни меъеридан ошириб юборади. Тезликни ўлчайдиган замонавий радар ускунаси билан қуролланган назоратчи уни тўхтатади. Профессор эътироз билдирмай жаримани тўлагач шундай дейди:

– Кейинги гал сал ўйлаб кўриш керак ...

– Сиз тезликни айтяпсизми?

– Йўқ, мен радарни ихтиро қилишдан олдин ўйлаб кўриш керак экан демоқчиман.



Машхур сатирик адиб Свифт ўғлини вақтлироқ уйланишга ундарди.

– Ўғлинг ҳали ёш-ку! – дейди адибнинг дўсти. – Яхшиси, яна бироз кутиб тургин, оқ-қорани таниб, ақли сал тўлишсин.

Ёзувчи шундай эътироз билдирди:

– Ақли тўлишганда умуман уйланмайди!



Людовик XV нинг саройидаги тушлиқда шоир Буало гап орасида шундай луқма ташлайди:

– Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмайди, ҳаммаям охир бир кун ўлади.

Қиролнинг дарғазаб бўлганини кўрган шоир дарҳол гапини тузатади:

– Деярли ҳамма ўлади демоқчиман.



Австриялик машхур кимёгар Адольф Франк имтиҳон пайтида бир талабага шундай деди:

– Ниҳоятда ноёб қобилиятингиз бор. Озгина сўзлаб бир дунё аҳмоқона фикрларни баён қила оласиз.



Машхур шифокор Гиппократдан сўрашди:

– Даҳолик – касаллик деган гап тўғрими?

– Тўппа-тўғри! Аммо, афсуски, бу касаллик жуда камдан-кам учрайди ва у мутлақо юқумли эмас!



Англиялик машҳур астроном Жон Гершел қоқ ярим тунда самони қузатиб турганда ёнига обсерватория фарроши яқинлашиб сўраб қолади:

– Айтинг-чи, жаноб, бошқа сайёраларда ҳам ахлат бўладими?

– Аниқ айтолмайман! – дейди олим ўйланиб. – Аммо у ерларда онгли мавжудотлар бўлса, ахлат ҳам бўлади.



Немис геологи Ремердан маъруза пайти бир талаба сўрайди:

– Жаноб профессор, мабодо мана шу биз ўтирган жойдан Ернинг диаметри бўйича лаҳим қазисам қаердан чиқаман?

– Тўппа-тўғри жиннихонадан чиқасиз! – дея жавоб қилади олим.



Машҳур италян олими Галилей ўзи ихтиро қилган термометрларга симоб ёки спирт эмас, вино қуйиб қўярди. Олим шунақа асбоблардан бирини тушунтириш хати билан қўшиб Англиядаги дўстига юборади. Йўлда хат йўқолиб қолганмиди ёки дўсти бу асбобнинг моҳиятини тушунмаганмиди, дўстидан шундай кутилмаган жавоб келади: «Вино зўр экан! Яна шунақа асбобдан юборавер!»



Америкада Алберт Эйнштейн шарафига уюштирилган зиёфатда уй бекаси машҳур олимга билафонлигини намоиш қилгиси келади. У олимнинг қўлтиғидан олиб дераза ёнига бошлаб келади, осмонда чарақлаб турган юлдузга ишора қилиб дейди:

– Бу Венера. Уни топиш жуда осон, худди гўзал аёлдек ял-ял товланиб туради.

– Афсус! – дейди олим. – Сиз кўрсатиб турган сайёра Юпитер!

– Қойилман, профессор! Сиз узоқ масофадан туриб ҳам сайёраларнинг жинсини ажрата оласиз!



Инженер геологиясининг асосчиси Леонид Иванович Лутугиндан акциядорлик жамиятига раҳбар бўлишни илтимос қилишади.

– Э, қўйсанглар-чи! – дейди олим тавалло қилиб. – Тўримдан гўрим яқин. Кўп нарса ўмариб улгуролмайман. Қайтанга номим бадном бўлгани қолади.



Хэмингуэй «Чол ва денгиз» қиссасига Нобел мукофоти берилганини эшитиб кулимсираганча дўстларига шундай деган экан:

– Бир роман устида узоқ вақт ишладим, уни ҳамма ноширлар рад этишди. Шундан кейин бир сатр ҳам ёзмасликка аҳд қилдим. Аммо орадан йиллар ўтиб, чўнтакда ҳемири ҳам қолмагач, тезгина «Чол ва денгиз»ни ёздим. Шундан кейин: «Ёзувчига энг яхши илҳомчи муҳтожлик эмасмикин?» – дея ўйлаб қоламан.



Машҳур ёзувчи Конан Дойлнинг кўпгина қисса ва ҳикояларида изқувар Шерлок Холмс Лондоннинг Бейкер-Стрит кўчасидаги 221-уйда яшаши қайд этилади.

Ана ўша манзилга Шерлок Холмс номига дунёнинг кўп жойларидан ҳали-ҳамон хатлар келиб туради. Ҳалиги манзилда яшовчи одам эса мактубларга жавоб қиларкан, мистер Шерлок Холмс саёҳатга кетганини, қайтиб келиши ҳамон хатлар унга топширилишини маълум қилади.



Даниэл Дефонинг «Робинзон Крузо» романи 1719 йили босилиб чиқади. 1703 йилдан 1719 йилгача Дефо жами 250 босма табоқдан иборат асарлар ёзган, аммо ном қозонолмаган.

Ёзувчининг ўзи «Робинзон Крузо»ни машҳур асар деб ҳисобламаган. Қизини турмушга узатаётиб сепига маблағ тополмай қолгани боис қисқа бир фурсатда ўша романи ёзган экан.

Ушбу роман ёзувчининг номини мангуликка муҳрлади.



Кунлардан бир кун Одессага келган Пушкин шаҳар четига чиқиб меҳмондорчиликка бормоқчи бўлади. Йўлни билмаган аравакаш ҳарбий қисм томон бурилади. Пушкин бир зобитдан манзилни сўрайди.

– Ким билан гаплашаётганимни билсам бўладими? – дейди зобит.

– Мен Пушкинман.

– Қайси Пушкин?

– Александр Сергеевич Пушкин.

– Наҳотки?!

Зобит суюниб қўл силтайди ва баланд овозда буюради:

– Тўплардан ўт очилсин!

Тўплар гумбурлайди.

– Ўт оч!

Тўплар яна гумбурлайди.

Шунда аскарлар ва зобитлар югуриб келишади.

– Нима гап ўзи? Нега ўт очилди?

– Машҳур шоиримиз Александр Сергеевич Пушкин шарафига ўт очилди! – дейди ўша зобит қўлини чеккасига қўйиб шоирга таъзим қиларкан.



Фонвизиннинг машҳур «Думбул» комедияси қаҳрамони кўпчиликка яхши маълум. Аммо муаллиф 18 ёшли дворян Алексей Оленинни ўз қаҳрамонига прототип қилиб олганини ҳамма билавермайди.

Оленин сахнада ўзини кўриб қаттиқ хижолат бўлади, каптарбозликни, бошқа бемаъни қилиқларини ташлайди ва астойдил ўқишга тутинади. Натижада у ўз даврининг маърифатли кишиларидан бири бўлиб етишади, кейинчалик санъат академияси президенти ва Петербургдаги фундаментал кутубхона директори бўлади.

Санъатнинг таъсири, қудрати шундай эди!



Мухбирлардан бири Жек Лондондан сўрайди:

– Туғилган кунларни нишонлашни ёқтирасизми?

– Ёқтираман, аммо ўзимникини эмас, яқинларимникини.



Жек Лондон Нью-Йоркдаги журналга ваъда қилган ҳикоясини белгиланган вақтда топширолмаётган эди. Журнал муҳаррири ёзувчи истиқомат қилаётган меҳмонхонага шундай мактуб юборади: «Азизим Жек Лондон! Агар ҳикояни йигирма тўрт соат ичида олмасам хонангизга бориб, орқангизга қаттиқ тепиб пастга учуриб юбораман. Айтиб қўяй, сўзимнинг устидан чиқаман!»

Ёзувчи ноширга шундай жавоб йўллайди: «Азизим Дик! Мен ҳам ҳамма ишни сизга ўхшаб оёғимда бажарганимда эди, аллақачон сўзимнинг устидан чиқардим».



Кавказ республикаларидан бирида марказдан келган ёзувчи Кукушкин шарафига зиёфат бўлаётганди.

Мутасадди тадбирни очаркан, шундай дейди:

– Пушкин, Лермонтов, Толстой, Горький каби буюклар ишининг давомчиси, ажойиб ёзувчи замондошимиз Кукушкиннинг саломатлиги учун қадаҳ кўтаришингизни сўрайман.

Зиёфат қизигандан-қизийди. Кайфи ошиброқ қолган мутасадди Кукушкиннинг елкасига қўлини қўяди:

– Гоголни биласанми?

– Албатта биламан.

– Лермонтовни-чи?

– Биламан.

– Пушкинни-чи?

– Билганда қандоқ!

– Кўряпсанки, ҳамма яхши ёзувчилар ўлиб кетишган, сен бўлсанг, узр, ҳалиям тириксан.



Бошловчи қаламқаш Томас Манга машқларини топшираркан, ўқиб фикр айтишини сўрайди. Машҳур адиб қўлёзmani варақлаб кўриб иқтидорсиз ҳаваскорга шундай маслаҳат беради:

– Сиз иложи борича кўпроқ ўқишингиз керак.

– Нима, бу... шунчалик шартми?

– Шарт! Сиз қанчалик кўп ўқисангиз, шунчалик ёзишга вақтингиз камроқ қолади.



Франсуа Рабле ҳамиша эрталаб соат олтида туриб яхшилаб бадантарбия қилгач ёзув столига ўтирарди. Бир куни қўшниси сўраб қолади:

– Айтинг-чи, Франсуа, қандай қилиб аниқ соат олтида тура оласиз? Ҳали соат кашф этилмаган, шекилли.

– Мен ёстигимнинг тагига ҳўрозни қўйиб ётаман, – дея жавоб қилади ёзувчи.



Ибсен бир замонлар рангтасвир билан ҳам жиддий шуғулланганди. Ўшанда у мўйқаламни танласаммикин ёки қаламни дея бир муддат иккиланади. Шунда хотини рангтасвирдан воз кечишга кўндиради.

– Хотинимнинг тарихий хизмати шундаки, – дея кейинчалик ҳазил қилади адиб, – норвегияликлар ўртамиёна расомдан халос бўлиб, буюк драматургга эга бўлишди.



Брехт театрда адабий эмакдош бўлиб ишлаб юрганида бир куни номаълум бир муаллифдан шундай мактуб олади: «Менгача ўтган жамики драматурглардан фарқим шуки, мен асаримга атай вергул қўймайман, бу муаллифнинг иши эмас. Агар сиз бошқача фикрда бўлсангиз, керакли жойга вергулларни ўзингиз қўя қолинг. Ҳурмат билан Мориц Фонбах».

Брехт пьесани қайтариб юбораркан, шундай жавобни илова қилади: «Ҳурматли жаноб Фонбах! Вергулларнинг ниҳоятда аҳамиятли эканини назарда тутган ҳолда сиздан илтимос шуки, келгусида бизга фақат вергулларнинг ўзини юбора қолинг, матнни ўзим бир амалларман».



Америкалик машҳур адиб Фолкнернинг асарларини ўз юртида ҳам ҳазм қилиш қийин туюларди.

Журналистлардан бири ёзувчидан сўрайди:

– Айримлар асарларингизни икки-уч марта ўқишганда ҳам тушуна олмасликларини айтишади. Уларга нима маслаҳат бера оласиз?

– Тўртинчи марта ўқиш керак!



Касал ётган Бернард Шоуни бир дўсти йўқлаб келса, адиб каравотда ўтириб ёзаётган экан.

– Шундай аҳволда қандай ишляяпсиз? – ҳайрон бўлибди дўсти.

– Тузалганимдан кейин вақтим бўлмайди-да!



Марк Твеннинг ити йўқолиб қолибди. Ёзувчи итини топганга 20 доллар мукофот борлиги ҳақида газетага эълон берибди. Кейинроқ бирон янгилик бормикин дея таҳририятга борса, у ерда ҳеч ким йўқмиш. Адиб ҳайрон бўлиб сўрабди:

– Ходимлар қаерда?

– Кеча бир жаноб итимни топган одамга мукофот бераман деб эълон берган экан, ҳамма ўша итни қидириб кетиб қолди.



Виктор Гюго бир настриётга зудлик билан қўлёзмани ёзиб топшириши лозим эди. Бошқа ишларга чалғимай тезроқ ишни битириш учун ёзувчи соч, соқолини тақир қилиб қирқиб, қайчини деразадан улоқтириб юборади. Соч қайта ўсиб чиққунча ёзувчи ҳам ишини битириб олади.



Лев Толстойнинг ўғли Илья 28 отаси яхши кўрадиган рақам эканини кўп таъкидларди. Дарҳақиқат, Толстой 1828 йил 28 августда туғилган, ойнинг 28-кунида биринчи китоби – «Болалик ва ўсмирлик» босилган, 28 да биринчи ўғли туғилган, ўғилларидан бири 28 да уйланган, 28 да ёзувчи уйдан бош олиб чиқиб кетган.



Кунлардан бир кун машҳур адиба де Сталь хонимдан сўрашади:

– Нима учун чиройли аёллар ақллиларига қараганда эркакларга кўпроқ ёқади?

– Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ, – дея жавоб қилади ёзувчи. – Кўзи сўқир эркаклар кам, аҳмоқлари эса истаганча топилади.



Хэмингуэй одмигина кийиниб юрар, автомобили ҳам эскигина эди. Шу аҳволда у бир куни йўлакай бир меҳмонхонада тўхтаб хизматкордан тамадди қилишга бирон егулик сўрайди.

– Ҳисоб-китоб қилишга бирон нарсангиз борми ўзи? – дейди хизматкор унга тикилиб қараркан.

Ёзувчи индамай чўнтагидан бир даста тахи бузилмаган доллар чиқаради.

– Ичкарига киринг! – дейди хизматкор ва бошлиғига бориб шундай дейди. – Шубҳали бир одам келди, чамаси, банкни ўмарганга ўхшайди, тезда полицияга хабар қилиш керак!



Бернард Шоунинг ҳузурига бир ёш драматург келиб ёзган пьесасини суриштиради.

– Пьесангизни диққат билан ўқиб чиқдим, – дейди Шоу. – Сизга маслаҳат – бошқасини ёзинг.

– Бунисини нима қиламан? – сўрайди ёш муаллиф.

– Бунисини кўздан нарироққа яшириб қўйинг.

Орадан кунлар ўтгач муаллиф бошқа пьесасини олиб келади ва яна ўша жавобни эшитади.

– Бу қачонгача давом этади? – деб сўрайди боёқиш алам билан.

– Ҳаммада ҳар хил бўлади! – жавоб қилади Шоу. – Масалан, менда йигирма йил давом этган. Мана, қаранг!

Машҳур драматург қўлёзмаларга лиқ тўла жавонни очиб кўрсатади.



Бернард Шоу ҳеч қачон режиссёрларга пьесасини қисқартиришга рухсат бермасди. Лондондаги театрлардан бирининг директори Шоунинг комедияси саҳналаштирилаётганда асосий кўриқдан сўнг драматургга шундай телеграмма юборади: «Пьесани қисқартиришга рухсат беринг, акс ҳолда, томошабинлар охирги поездга улгуришолмайди».

Шоу шундай жавоб қилади: «Қисқартиришга рухсат бермайман. Поезд жадвалини ўзгартиринг».



Кунлардан бир кун Фолкнер шотландиялик бир мухлисининг ғалати эътирофи унга Нобел мукофотини олгандан ҳам кучлироқ таъсир қилганини айтади. Ушанда мухлис шундай деган экан:

– Жаноб Фолкнер! Сизнинг романингиз менга шунчалик ёқдики, уни сотиб олишимга сал қолди.



Кунлардан бир кун Хэмингуэйнинг ҳасадгўйларидан бири ёзувчига шундай иддао билан хат йўллайди: «Сизнинг ҳар бир сўзингизга бир доллардан ҳақ тўлашади деб эшитдим. Сизга бир доллар юборяпман, ижодингиз намунаси бўлмиш сўзлардан бирини юборсангиз».

Хэмингуэй шундай жавоб юборади: «Раҳмат».



Кунлардан бир кун саксон уч ёшли Вольтер дўстларини йўқлаб Парижга боради.

– Кўряпсизларми, сизлар билан дийдорлашиш учун ўлим билан курашишни бир четга суриб қўйиб келдим.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач у вафот этади.



Валтер Скоттнинг хизматкори Том хўжайинининг мухлиси эди. Бир куни гап орасида у шундай дейди:

– Романларингиз қандай ажойиб, қандай гўзал! Ҳар куни уйга чарчаб келганимда уларни қўлимга олиб ўқишим биланоқ ухлаб қоламан!



Валтер Скотт кўчада қўлини чўзиб турган гадойни кўради. Ёнида майда пули бўлмагани учун, гадойга бир шиллинг узатиб дейди:

– Сиз менга кейинчалик олти пенс қайтим беришингиз керак.

– Худо сизни ўз паноҳида асрасин! – дея дуо қилади гадой.  
– Қачондир бир кун қарзимни узишим учун умрингиз узоқ бўлсин.



Гюго овқатни кўп ер, иштаҳаси ҳамиша карнай эканидан тортинмас эди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ҳазил қиларди:

– Ер юзида учта жонзотнинг ошқозони катта. Булар акула, туяқуш ва Гюгонинг ошқозони.



Англиялик машҳур ёзувчи Сомерсет Моэм ижодининг бошланишида ёзган романлари муваффақиятли чиқмайди. Кунлардан бир кун адиб газеталарга шундай эълон беради: «Ёш, кўркем, бадавлат врач «Ламбетлик Лиза» романи қаҳрамонига феъл-атвори ўхшаброқ кетадиган қизга уйланмоқчи».

Моэмнинг 1897 йили нашр этилган романи «Ламбетлик Лиза» эди.

Орадан бир неча кун ўтгач роман тезда сотилиб кетади.



Жонатан Свифт бир зиёфатга таклиф этилади. Меҳмонлардан бири гап орасида шундай луқма ташлайди:

– Ишламайдиган одамнигина жентльмен деб ҳисоблаш мумкин.

– Мен бошқачароқ фикрдаман, – дея эътироз билдиради сатирик. – Мен биладиган эркакларнинг ҳаммаси Англияда ишлайди, аёллар ҳам бекорчи эмас. Отлар ва хачирлар ҳам ишлайди. Ҳатто сув, олов ҳам ишга жалб қилинган. Фақат чўчқагина ишламайди. Демак, Англияда фақат чўчқагина жентльмен экан-да!



Машҳур адиба де Сталь хоним ёш, гўзал қизи билан Талейраннинг уйидаги зиёфатда қатнашаётганди. Бир маҳал герцогнинг қизи билан ошкора шакаргуфторлик қилаётганини кўриб ундан сўрайди:

– Айтинг-чи, мабодо биз учовлон чўкаётган кемада бирга бўлиб қолсақ, олдин кимни қутқарасиз, меними ёки қизимними?

– Хоним! – дейди Талейран кулимсираб. – Мен сизни узоқ йиллардан буён яхши биламан, уддабуронлигингиздан хабардорман, ҳойнаҳой, сузишни билсангиз керак деб ўйлайман. Шу боис, табиийки, олдин қизингизни қутқарган бўлардим.



Бир кечада машхур артист Качалов Есениннинг шеърларини ўқийди. Тадбир сўнгида шоирнинг ўзи келиб артистнинг қўлини олади:

– Шеърларим шунчалар яхшилигини билмас эканман!



Лев Толстой тез-тез елкасига халтасини осиб Ясная Полянадан Москвага бориб келар, йўлда деҳқонларнинг кулбаларида, карвонсаройларда, вокзалларнинг учинчи класс кутишхоналарида тўхтаб нафасини ростлар эди.

Ана ўшандай саёҳатларнинг бирида у кичик вокзал йўлкасида туриб одамларнинг силжиётган поездга ўтиришаётганини кузатиб турарди.

– Ҳой чол! – қутилмаганда купедаги хонимлардан бири унга қараб хитоб қилади. – Аёлларнинг ҳожатхонасига тезда боргин, мен у ерда сумкачамни унутибман. Шуни олиб кел!

Толстой аёлларнинг ҳожатхонасига чопиб бориб сумкачани топади ва уни эгасига келтириб беради. Хоним унга танга пул узатади:

– Мана бу сенинг хизмат ҳақинг, барака топ, чол!

Шу маҳал йўловчилардан бири Толстойни таниб қолади.

– Сиз ҳозир беш тийинни кимга берганингизни биласизми? У Лев Толстой-ку!

– Вой, Худойим-эй! – дейди ҳалиги хоним хижолат бўлиб. – Нима қилиб қўйдим-а?! Лев Николаевич! Лев Николаевич! Мени кечиринг. Мен яхши ниятда... Сизга берган ўша беш тийинни қайтаринг.

Тангани чўнтагига жойлаб улгурган Толстой шундай дейди:

– Нега энди қайтарар эканман? Сиз ҳеч қандай ёмон иш қилмадингиз. Мен бу беш тийинни ҳалол ишлаб топдим.



Бернард Шоу билан бир таниши баҳслашарди.

– Қалламни узиб бераман, бу ҳақиқатан ҳам шундай! – дейди таниши.

– Мен фақат қиммат нарсани оламан, – жавоб қилади адиб.



Эски, ўнгиб кетган шляпа ва плаш кийиб юрадиган машхур эртакчи Андерсенни Копенгагенда яшовчи ҳар бир одам яхши танирди. Кунлардан бир кун кайфи тароқ бир талаба эртакчини бурчакка тиқиб иддао қилади:

– Жаноб Андерсен! Каллангиздаги мана шу ипирисқи нарса шляпа дейиладими?

– Шляпангиз остидаги мана шу ипирисқи нарса калла дейиладими? – жавоб қилади эртакчи.



Михаил Светлов қоқ ярим тунда яқин дўсти, карикатурачи рассом Иосиф Игинга телефон қилади.

– Соат неча бўлганини биласанми? – уйқусираб тўнғиллайди рассом.

– Дўстлик уззукун давом этадиган нарса! – жавоб қилади шоир.



Кунлардан бир кун Гюго Париждаги газета муҳаррири билан жанжаллашиб қолади. Муҳаррир ёзувчини дуэлга чақириб тўппонча билан отишишни шарт қилиб қўяди.

Гюго дуэлдан қатъий воз кечади, сабабини шундай изоҳлайди:

– Шу даҳмаза етмай турувди ўзи. Агар рақибим лоақал қўлимни нишонга олганда ҳам мен ёзолмай қоламан, у эса калласига отсам ҳам ёзаверади.



Марк Твен бир куни жуда узоқ давом этган зерикарли маърузани эшитиб сиқилади. Тадбир сўнгида у маърузачининг ёнига бориб шундай дейди:

– Маърузангизни жуда диққат билан эшитдим. Уйимда бир китоб бор, унда маърузангиз бошдан-оёқ ёзиб қўйилган.

– Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас! Марҳамат қилиб ўша китобни менга кўрсатинг.

– Бажонидил кўрсатаман, – жавоб қилади ёзувчи ва эртаси куни маърузачига катта луғатни юборади.



Америкада чиқадиган бир журнал ёзувчи ва артистларга кимсасиз оролда қолишга тўғри келса, қандай китобни ола кетардингиз деган сўровномани тарқатади.

Жавоблар ҳар хил бўлади. Кимдир Библияни, яна бошқаси Шекспирни афзал кўради. Ўша савол Честертонга берилганда ёзувчи шундай жавоб қилади: «Бундай вазиятда қайиқ ясаш ҳақидаги китоб энг яхшиси бўлади».



Майн Рид пиво ичиб ўтирганда бир танқидчи унинг ёнига келиб шундай дейди:

– Албатта, «Бошсиз чавандоз»ингиз қизиқиш билан ўқилади. Аммо китобингиз бошдан-оёқ уйдирма. Бошсиз чавандозни қаерда кўргансиз ўзи?

– Чавандозни кўрганним йўғ-у, аммо бошсиз суҳбатдошларни кўп кўрганман, – жавоб қилади ёзувчи.



Адабиёт нашриётида қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг «Этика» асари нашр этилади. Китобга машҳур фалсафа профессори Эрнест Радлов шарҳлар ёзганди. Унинг қалам ҳақини уйига юборишади. Бухгалтериядагиларнинг наздида, Аристотелга тегишли қалам ҳақи нашриёт кассасидан берилиши лозим эди.

Бир куни пул тарқатилаётган маҳал нашриёт кассасига бир одам келиб сўрайди:

- Аристотелга бир нима борми?
- Журнал бўйичами ёки китоб учунми?
- Китоб бўйича.

Ҳазначи ведомостни олиб имзо қўйиладиган жойга белги қўйиб тайинлайди:

- Суммани сўз билан, тўлиқ ёзинг.
- Албатта, албатта.

Ҳалиги одам Аристотелнинг имзосини қойилмақом қилиб қўйиб, бир даста пулни шошилмай санаб чўнтагига жойлагач ҳазначига саломатлик тилаб, хайрлашиб чиқиб кетади.

Бухгалтерия тартиб-қоидалари ва психологиясини яхши билган бу шахснинг кимлиги қоронғилигича қолаверади.



Димоғи баланд, бадавлат бир хоним Пикассога дейди:

– Тўғрисини айтиб қўймоқчиман, картиналарингизни сотиб оламан, аммо уларни тушунмайман...

– Ҳмм, яхши. Дарвоқе, сиз хитой тилини тушунасизми?

– Йўқ, – дейди хоним талмовсираб.

– Шундайми? Аммо бу тилда миллиардга яқин одам гаплашади.



Рафаэлнинг яқин танқидчи дўсти машҳур рассомнинг бир картинасини аёвсиз танқид қилиб мақола ёзади. Айни чоғда, дўстига шундай мактуб юборади: «Қадрдоним Рафаэл! Ҳойнаҳой, сиз мақоламни ўқиган бўлсангиз керак. Умид қиламанки, бу нарса дўстлигимизга рахна сололмайди».

Рафаэл шундай жавоб йўллайди: «Азиз дўстим, учрашганимизда, аввало, бурнингизни бир мушт уриб пачоқлайман. Умид қиламанки, бу нарса дўстлигимизга рахна сололмайди».



Машҳур рассом Рубенс Нидерландиянинг Испаниядаги элчиси эди. Одатича, тушликдан сўнг қирол боғида мольбертни рўпарасига қўйиб ижод қиларди. Сарой аъёнларидан бири уни ижод пайтида кўриб шундай дейди:

– Бизнинг дипломатимиз гоҳо рассомлик ҳам қилиб туради, шекилли.

– Йўқ, рассом гоҳо дипломатлик қилиб туради.



Марк Слефогт узоқ вақтгача рассомликни танласаммикин ёки қўшиқчиликни дея иккиланиб юради. Бу ҳақда у бир танишига айтганда у сўрайди:

– Нега энди охир-оқибат барибир рассомликни танладингиз?

Слефогт шундай жавоб қилади:

– Агар овозингни йўқотсанг, сен бир тийинга қимматсан, агар мўйқаламни йўқотсанг, уни бошқасига алмаштириш мумкин.



Кунлардан бир кун Пабло Пикассога таниш бир врач шундай дейди:

– Картиналарингизда одам анатомияси сал номукаммалроқ.

– Эҳтимол, – дея жавоб қилади рассом, – аммо улар сизнинг мижозларингиздан кўра узоқроқ яшайди.



– Мен портретингизни чизиб тугатяпман, – дейди Пикассо бир мижозга. – Энди ўзингиз унга ўхшашга ҳаракат қилинг.



Йиллар ўтгач машҳур рассом Маненинг хотини семириб, кўрку тароватини йўқота бошлайди. Рассом аёлига садоқатини йўқотмаган бўлса-да, гоҳо бошқа хонимларга ҳам ўгринча кўз ташлаб кўярди.

Кунлардан бир кун Маненинг бир хушбичим аёл кетидан эргашиб кетаётганини хотини кўриб қолади ва уларни ортидан таъқиб этишга тушиб хитоб қилади:

– Мана, ниҳоят, қўлга тушдинг!

– Янглишяпсан, азизам, – дейди Мане муросага ундаб, – бу аёл орқа томондан худди сенга ўхшагани учун эргашиб келаётгандим.



Жуда ҳам чиройли ўғли бўлган бир рассом ҳақида Микеланжело шундай дейди:

– Матодагидан кўра тирик образларни яратишга уста!



Француз композитори Обер Парижга келган Рихард Вагнер билан учрашади.

– Биласизми, – дейди у меҳмонга ҳазиломуз, – ҳеч қандай мусиқий талантим йўқлигини билишим учун нақ ўттиз йил керак бўлди.

– Хўш, шундан кейин мусиқани тарк этгандирсиз?

– Э-э, нималар деяпсиз?! Бу даврга келиб мен машҳур бўлиб кетгандим.



Машҳур театр назариётчиси В.И.Немирович-Данченко «Париж олови» балет спектаклини томоша қилиб ўтирганди. Партердаги ён қўшниси ундан сўраб қолади: «Булар қачон қўшиқ айтишаркин?»

Владимир Иванович иддао билан жавоб қилади: «Бу балет, балетда қўшиқ айтилмайди, тушундингизми?»

Шу маҳал кутилмаганда сахнада қўшиқ янграб қолади. Режиссёр спектаклга шундай топилмани киритганди. Ҳалиги қўшни Немировичга ачиниб қарайди: «Сен, қария, театрга биринчи бор тушгансан, шекилли».



Машҳур француз адиби Жерар Нерваль ресторанда тушлик қилаётганди. Бир маҳал овқатига тушган суваракни кўриб қолади. Дарҳол официанткани чақириб шундай дейди:

– Бундан кейин суваракларни алоҳида беришингизни сўрайман.



Исаак Ньютон ишга берилганда ҳамиша тажрибахонасини ичидан беркитиб оларди. У ерга фақат кекса хизматкоргина кира оларди. Кунлардан бир кун эрталаб келган хизматкор олимга нонуштани эслатмоқчи бўлади. Мундоқ қараса, хўжайин ўчоққа тикилганча ўйлаб турганмиш. Ёнига келган қарияни кўриб олим шундай дейди:

– Нима гап ўзи – сира тушунолмаяпман. Бир соатдан буён қайнатаман, ҳалиям пишмаяпти.

Хизматкор идишга қарайди. Унинг ичида соат қайнаб турар, тухум эса олимнинг қўлида эди.



Кунлардан бир кун машҳур адиб Марсел Прустни сурбет, фирт саводсиз бир ёзувчи дуэлга чақиради. У Прустга ташрифномасини узатаркан, калондимоғлик билан иддао қилади:

– Ўзингиз истаган қуролни танлашингиз мумкин.

– Жуда соз! – хитоб қилади Пруст – Мен имло қоидаларини танлайман. Сиз ўлдирилдингиз.



Спектаклдан кейин машҳур актриса Фаина Раневскаянинг олдига бир томошабин келиб сўрайди:

– Кечирасиз, ўртоқ Раневская, ноқулай бўлса ҳам, билмоқчийдим, ёшингиз нечада?

– Шанба куни 115 га кираман, – дея актриса ҳазил қилади.

– Ў-ҳў, мана шу ёшда ҳам қойиллатаяпсиз! – ҳайратланади мухлис.



Россини Моцартнинг «Дон Жуан» операсини тинглаб ўтирар, асосий роллардан бирини тенор Рубини ижро этаётганди. Унинг ёнида ўтирган ёш бир йигит ўзича овозини баландлатиб артистга жўр бўларди.

Ниҳоят, Россини чидолмай тутақиб кетади:

– Чўчқа!

– Сиз мени сўкяпсизми? – сўрайди йигитча.

– Йўқ, – дея уни тинчлантиради композитор, – мен сизни эшитишга халақит бераётган Рубинини сўкяпман!



Машҳур мусаввир Константин Аполлонович Савицкий устахонасида натурачилар киядиган кийимлар ва турфа хил қурол-яроғлар уйилиб ётарди.

Расомга деҳқон қиёфасидаги бир натурачи керак бўлиб қолади. Бозордан шундай қиёфани топиб устахонасига бошлаб келади. У ердаги қуролларни кўрган боёқиш натурачи қўрқиб кетади, Савицкийнинг оёғига йиқилиб тавалло қилади:

– Отагинам! Менга раҳм қил! Қишлоқда саккиз нафар болам бор!



Бернард Шоу сочини олдириш учун сартарошхонага киради.

– Сочингизни қандай олай? – деб сўрайди сартарош.

Унинг эзмалигини яхши билган олим шундай жавоб қилади:

– Иложи бўлса, гапирмасдан олинг.



Михаил Светлов молдован шоирларининг шеърларини рус тилига таржима қилиб қалам ҳақини ололмай юрганди. Шунда шоир ноширларга пўписа қилади:

– Агар бир ой мобайнида пулни бермасанглар, шеърларни қайта молдованчага таржима қилиб қўяман!



Иқтидори ўртачадан ҳам ночор бўлган бир адиб жамики унвон, орден ва лавозимларга эга бўлади. Уни кўчада учратган Абутолиб шундай дейди:

– Сен ҳамма нарсага эришдинг. Энди мутлақо ёзмасанг ҳам бўлаверади.



Бир одам Суқротдан сўрайди:

– Уйланмоқчиман. Нима маслаҳат берасан?

– Сен ҳам балиққа ўхшаб қолмагин. Балиқ қармоққа илинганда озод бўлгиси келиб типирчилайди, озодликда эса яна қармоққа интилади.



Англиялик актёр Ирвинг ўзининг саҳна ҳаёти билан боғлиқ тафсилотларни ҳикоя қилишни ёқтирарди. Бир куни уни тинглаётганлар орасида Марк Твен ҳам бор эди. Ирвинг ҳикоясини бошлабоқ ёзувчидан сўрайди:

– Сиз бу воқеани эшитганмисиз?

– Йўқ, – жавоб қилади Марк Твен.

Ирвинг ҳикоясини давом эттираркан, бир маҳал тўхтаб яна ёзувчидан сўрайди:

– Сиз ростдан ҳам бу воқеани билмайсизми?

– Йўқ деяпман-ку, биринчи бор эшитиб турибман.

– Яхши, – дейди артист, – унда айтавераман...

Ҳикоянинг энг қизиқ жойига келганда артист яна ёзувчидан:

– Наҳотки, бу воқеани билмасангиз? – деб сўрайди.

– Менга қаранг, Ирвинг, – дея жавоб қилади Марк Твен, – икки марта ёлғон гапирдим, учинчисига ортиқ тоқат қилолмайман. Бу воқеани уч йил олдин ёзиб қўйганман.



Сергей Орлов деган шоир «Гилдирак» номли тўпламини Светловга совға қилади.

– Серёжа, – дейди Светлов ҳазиллашиб, – яна учта гилдирак бўлса, машинали бўласан.



Буюк рус ёзувчиси И.С.Тургенев бир зиёфатга таклиф этилганди. Ҳамма жойлар банд экан, Тургенев атрофга аланглаб четроқдаги кичикроқ бир столга омонатгина чўкади ва олдига қўйилган иссиқ овқатни ича бошлайди. Шу маҳал хонага бир генерал кириб қўлидаги овқат қуйилган идишни кўтарганча ўзига жой қидира бошлайди, жаҳл билан Тургеневнинг олдига келади. Ёзувчини танимайди. Унга жой бўшатгиси келмаётгани учун уялтирмоқчи бўлади. «Менга қаранг, жаноб, – дейди ёзувчига, – ҳайвон билан одам ўрта-сида қандай фарқ бор?»

«Фарқ шундаки, – дея баланд овозда жавоб қилади Тургенев, – одам овқатини ўтириб, ҳайвон эса тик туриб ейди».

Меҳмонлар кулишади, хижолат бўлган генерал эса ўзини ташқарига уради.



Америкадаги клублардан бирида машҳур ёзувчи Шолом Алейхем оташин нутқ сўзлайди. Унинг ёнига таниқли бир адвокат келиб қўлини чўнтагидан олмаган ҳолда табриклайди:

– Умримда биринчи марта қойилмақом нутқ сўзлаган жухудни кўриб турибман.

– Мен ҳам биринчи марта чўнтаги ўз қўлида бўлган адвокатни кўриб турибман.



Кунлардан бир кун Бернард Шоудан қайси даврда яшашни афзал кўрардингиз деб сўрашади.

– Францияда Наполеон Банопарт даврида яшашни истардим, – дея жавоб қилади Шоу.

– Нега энди?

– Чунки у даврда фақат битта одам ўзини Наполеон деб ҳисоблаган.



Голливуддаги олғирлар анчадан буён Бернад Шоунинг асарларига кўз тикиб юришарди. Улардан бири пьесаларини саҳналаштиришга розилигини олиш учун муаллиф билан учрашади.

– Яхши, мен розиман, – дейди Шоу, – аммо шарт шуки, сиз пьесамнинг номини тилга олмайсиз, воқеаларни тубдан ўзгартирасиз ва бирон жойда, ҳатто рекламада ҳам мени эслатмайсиз.

Олғир ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетади.



Кунлардан бир кун Эйнштейн трамвайга чиқиб одатича мутолаага берилади. Кейин кондукторнинг юзига қарамай йўлкира ҳақини узатади.

– Пулингиз етмаяпти, – дейди кондуктор.

– Бундай бўлиши мумкинмас, – дейди олим китобдан кўз узмай.

– Яна қайтараман – пулингиз етмаяпти.

Эйнштейн бош чайқаб эътироз билдиради. Кондуктор идао қилади:

– Мана, ўзингиз санаб кўринг, етмаяпти дедим-ку!

Эйнштейн чўнтақларини ковлаштириб йўлкирага мўлжалланган пулни топади. Ўзича хижолат бўлади. Кондуктор эса кулимсираб далда беради:

– Ҳечқиси йўқ, бобой, арифметикани яхшироқ ўрганиш керак.



Италян композитори Руджеро Леонкаваллонинг «Масхарабозлар» операси кўриги бўлаётганди. Шу маҳал кутилмаганда залда кўнжи баланд этик ва чавандозлар кийимини кийиб олган бир барзанги пайдо бўлади. Композитор бу номаълум кимсанинг ёнига бориб унга миннатдорчилик билдиради.

– Хўш, нима учун менга раҳмат айтаясиз? – барзанги ҳайрон бўлади.

– Сиз бу ерга яна отингиз билан келмаганингиз учун шукр қиляпман! – дея жавоб қилади композитор.



Алберт Эйнштейннинг хотинидан сўрашади:

- Сиз Эйнштейннинг нисбийлик назариясини биласизми?
- Унчалик эмас, – тан олиб гапиради аёл, – аммо дунёда ҳеч ким Эйнштейнни менчалик яхши билмайди.



Кунлардан бир кун Наполеон жавоннинг юқори тоқчасидан китоб олишга бўйи етмай қийналиб қолибди.

– Рухсат беринг, жаноби олийлари, ёрдамлашворай, ҳар ҳолда, сиздан баландроқман, – дебди ёнида турган маршаллардан бири.

Наполеон шундай жавоб қилибди:

– Йўқ, сиз мендан баланд эмассиз, узунроқсиз, холос.



Наполеон 1815 йилнинг май ойида Эльба оролидан Париж томон юриш бошлайди. Париж газеталарида унинг юриши кунма-кун шундай ёритилади:

«Одамхўр фордан ташқарига чиқди».

«Корсикалик кўппак Жуан бурнини ишғол қилди».

«Йўлбарс Канга етиб келди».

«Қутурган махлуқ Греноблда тунади».

«Золим Лионни ортда қолдирди».

«Ўзбошимча мустабидни пойтахтдан ўттиз мил нарида кўришди».

«Банопарт илдамлик билан олдинга интилмоқда, аммо ҳеч қачон Парижни ололмайди».

«Наполеон эртага шаҳар остонасига қадам босади».

«Император Фонтенблога етиб келди».

«Император жаноби олийлари ўзларининг садоқатли аъёнлари билан саройга қадам ранжида қилдилар».



Машҳур физик олим, академик Пётр Капицадан сўрашади:

– Раҳбарлик истеъдодини қандай тушунасиз?

– Раҳбарлик истеъдоди деганда яхши одамларга ишлашлари учун халақит бермасликни тушунаман.



Машҳур артист ва режиссёр Н.Милославский Шиллернинг «Қароқчилар» трагедиясидаги ўлим тўшагида ётган Моор ролини ўйнаётганди. Шу боис жуда паст овозда гапирётганди.

Залдаги томошабинлардан бири: «Баландроқ!» – деб қичқирди.

Шунда Милославский бор овози билан жавоб қилади:

– Моор ўлапти, баландроқ гапиролмайди!



Хрушчев Америкадан кайфияти бузилиб қайтади ва Микоянга ҳасрат қилади:

– Кеннеди менга одамни тирилтирадиган машина ихтиро қилишганини айтди. Мен ҳам одамни машинадан тез югуртирадиган дори ихтиро қилдик деб ёлғон гапирдим. Энди бунақа дорини қаердан топамиз?

Микоян шундай жавоб қилади:

– Ҳечқиси йўқ, агар улар Сталинни тирилтира олишса, сен ҳар қандай машинани ортда қолдириб кетасан.



Бернард Шоу дўстига шахсий кутубхонасидаги китобларни кўрсатаркан, бир китобни қўлига олиб шундай дейди:

– Бу жудаям ноёб китоб, уни ўқишга олиб қайтариб беришган!



Француз математиги Ампер хаёлан мураккаб бир масалани ҳисоб-китоб қилиб бораётганида худди аудиториядагига ўхшаш қора тахтага дуч келиб қолади. У суюнганча тахта ёнига чошиб бориб доимо чўнтагида олиб юрадиган бўрни чиқаради-да, формулаларни ёзишга тушади. Аммо шу лаҳза тахта жойидан жилиб қолади. Машғулотига берилиб кетган олим беихтиёр унга эргашади. Тахта тезлашади. Ампер ҳам чопа бошлайди. Орадан бироз вақт ўтгач ён-атрофдаги одамларнинг кулгиси уни ўзига келтиради. Мундоқ қараса, формулага тўлган қора тахта каретанинг (ўша даврдаги от қўшилган арава) орқа тўсиғи экан.



КПССнинг тарихий XX съездида Хрушчев Сталин шахсига сиғинишни фош этишга бағишланган тарихий маърузасини қилишдан олдин бир неча дақиқа қаёққадир чиқиб кетади.

– Қаёққа бориб келдингиз, ўртоқ Хрушчев?

– Ҳар эҳтимолга қарши, мавзолейга бориб Сталиннинг томир уришини пайпаслаб келдим.



Эйнштейн кўпчилик машҳурлар каби анча паришонхотир бўлган. Бир куни хонасида ишлаб ўтирганда ёрдамчиси шундай дейди:

– Жаноб профессор! Бугунги газеталар сизнинг етмишга кирганингизни ёзишибди.

– Э, шундайми? Ундай бўлса, менинг номимдан табриклар унга гулдаста юборинглар.



Бернард Шоу ноёб китоблар дўконидан ўз пьесаларининг илк нашрини кўриб суюниб кетади. Аммо унда ўз дастхатини кўриб ҳайрон бўлади. Унда шундай сўзлар битилганди: «Роберт Фуксга. Ҳурмат билан Бернард Шоу». Адиб китобни сотиб олиб яна ўша одамга юборади. Бу гал сал бошқачароқ дастхат битаетди: «Сизга бўлган ҳурматимни яна бир карра тасдиқлайман. Шоу».



Парламент биносига бўлиб ўтган маҳкама йиғилишидан чиққан бош вазир Макдональд Чаплинни учратиб қолади.

– Нима ишлар қилиб юрибсиз? – деб сўрайди Макдональд.

– Янги фильм ҳақида ўйлаб юрибман. Ўзингиз-чи? Чамаси, сиз ҳам зўр бир томошани тайёрлаётганга ўхшайсиз. Шундай эмасми?

– Эҳтимол, – дейди бош вазир жонланиб. – Аммо биз, сиёсатчилар, сизларга ўхшаб ҳар бир саҳна ва сценарийни обдан ўйлаб ўтирмаймиз!

– Мана шунинг учун ҳам сизларнинг пьесангиз томошабинларга ёқмайди, – дейди Чаплин.



Бернард Шоу кўчада бир семиз одам билан тўқнаш келади. У қотмадан келган, озгин ёзувчининг устидан ўзича кулмоқчи бўлиб дейди:

– Сизни кўрган одам Англияда очарчилик бошланибди деб ўйлайди.

– Сизни эса ана ўша очарчиликнинг сабабчиси деб ўйлашади.



Машҳур италян композитори Россинига ҳайкал ўрнатмоқчи бўлишганда у эндигина ўттиз ёшда эди.

– Ёдгорлик қанчага тушаркин? – деб сўрайди композитор шаҳар маъмурияти вакилидан.

– Уч юз минг лира.

– Вой-бўй! Уч юз минг лира? – ҳайрат билан хитоб қилади Россини. – Ўша пулни ўзимга бера қолинглар. Бунинг эвазига Римнинг қоқ марказида кунига бир неча соат типпа-тик туриб бераман.



Шекспирнинг «Қирол Ричард III» трагедиясида немис актёри Девриент рол ижро этаётганди. Актёр «От! От! Отга ярим қироллигимни алмаштираман!» деган ўша машҳур хитобини айтганида томошабинлар орасидан шундай қитмир луқма эшитилади:

– Эшак бўлмайдимми?

– Бўлади, келинг тезроқ! – дейди ҳозиржавоб актёр.



Вена кўчаларида бир гадой Моцартдан садақа сўрайди. Моцарт унга бир нима бермоқчи бўлиб чўнтагини қараса, пули йўқ экан. Шунда у гадойдан кутиб туришини сўрайди ва бир неча лаҳзада менюэт ёзиб беради. Кейин асарига хат илова қилиб гадойга узатади ва ноширга учрашини маслаҳат беради.

Гадой ишонқирамай ноширга учрайди. Ношир ҳалиги асар учун мўмайгина пул берганда гадой ҳайратдан лол қолади.



Америкада Чарли Чаплинга тақлид қилувчи артистларнинг танлови ўтказилади. Голливудда ўтказилган ана ўша танловга Чаплиннинг ўзи ҳам яширинча келиб қатнашади. Танлов комиссияси мусобақа натижасини эълон қилганда Чаплиннинг бор-йўғи... учинчи ўринни олгани маълум бўлади.



Польшалик композитор ва скрипкачи Гражина Бацевич ўзининг скрипка учун концертини оркестр билан машқ қилаётганди. Карнайчининг ижросидаги ношудлик туфайли ҳаргал бир ишқаллик чиқиб турарди. Ниҳоят, карнайчи яхшигина дакки эшитади.

Ҳаммасини янгидан бошлайдилар. Шунда карнайчи композиторнинг ноёб эшитиш қобилияти борлигини унутиб ўзича минғирлайди:

– Бацевич хотиним бўлганда эди, уни заҳарлаб ўлдирган бўлардим!

Скрипкачи шу заҳоти эгри қозиққа эгри тўқмоқ қабилида жавоб қилади:

– Сиз эрим бўлганингизда, мен ҳам иккиланмай заҳарни ичардим!



Парижда ижобий тақриزلари учун артистлардан пора олиб юрадиган бир мусиқа танқидчиси бор экан.

Кунлардан бир куни унга «Опера Комик» солисти Батель мурожаат қилади. У таниқли танқидчидан яқин орада ўтказилиши мўлжалланаётган кўрикда ўзи ижро этадиган янги ролни мақтаб мақола ёзиб чиқишни илтимос қилади. Ҳозирча камхаржроқ эканини, кейинги ойда биратўла яхшилаб рози қилишини айтади.

Тақризчи зўр бир мақола ёзишини айтиб артистни ишонтиради.

Тез орада танқидчининг каттагина мақоласи эълон қилинади. Унда Бателнинг номи охиридагина тилга олинганди: «Жаноб Батель истиқболли артист. У келажакда умидимизни оқлайдими, йўқми – тез орада маълум бўлади».



Машҳур композитор Россини ҳузурига ёш бастакор келиб янги асарини тинглаб кўришни илтимос қилади.

Россини партитурани диққат билан кўздан кечиргач кунимсираб шундай дейди:

– Нима ҳам дердим, сизнинг асарингизда ажойиб, янги нарсалар бор, аммо ажойиблари янги эмас, янгилари эса ажойиб эмас!..



Кунлардан бир куни Москвадаги «Шоирлар кафеси»да Прокофьев ўзининг «Шайтон васвасаси» деган фортепьяно пьесасини ижро этади.

Кафеда Маяковский ҳам ўтирганди. У бир четда ўтириб ниманидир астойдил чизарди.

Концертдан кейин Прокофьев ўз портретини шундай дастхат билан олади: «Сергей Сергеевич Владимир Владимировичнинг энг нозик асаб торларини чертмоқда».



Ҳукумат идорасида катта амалдор бўлган буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте машҳур композитор Бетховен билан тез-тез учрашиб турарди.

Кунлардан бир куни улар Венадаги истироҳатгоҳда айланиб юришганди. Атрофдан ўтаётганлар уларга таъзим қилиб ҳурмат-эҳтиромларини изҳор этишарди. Таъзимларга фақат Гётегина шляпасини сал кўтариб қўйиб жавоб қиларди. Ахийри бу илтифотлардан безор бўлган шоир ҳамроҳига шундай гап қотади:

– Бу таъзимлар жонимга тегди!

– Азият чекмасинлар, ҳазрат олийлари, – дейди Бетховен вазминлик билан. – Балки, бу таъзимларнинг менга ҳам озмоз дахли бордир!..



Машҳур киноартист Брижит Бардодан бир журналист сўрайди:

– Ҳаётингиздаги қайси кунни энг ажойиб эди дея оласиз?

– Энг ажойиб кун... тун эди.



1926 йили кинематография арбоблари Парижда халқаро конгресга йигиладилар. Ака-ука Люмьерлар ихтиро қилган кино санъатининг аҳамияти ва тараққиёти ҳақида оташин нутқлар ирод қилинади. Шу маҳал мажлис қатнашчилари залнинг бир бурчагида юпунгина кийинган бир чолни кўриб қолишади. Кўринишидан у бу ерга тасодифан кириб қолганга ўхшарди.

– Сизга нима керак бу ерда? – дея қариядан таҳдид билан сўрашади. – Бу конгресга қандай алоқангиз бор?

Нотаниш одам тортиниб-қимтиниб жавоб қилади:

– Биласизми, мен ўша... Люмьерман.

Шошилинича буюк ихтирочини таклиф этиш унутилган экан.



Машҳур рус режиссёри, актёр ва ёзувчи Василий Шукшин ўз юрти Олтойдан Москвага келиб Бутуниттифоқ кинематография институтига имтиҳон топшираётганди. Ётоқхонада жой бўлмагани боис, ноилож тунаш учун дарё соҳилига бориб шу ердаги бир ўриндиққа чўзилади. Энди кўзи илинай деганда уни баланд бўйли, қотмаган келган, қўлида таёғи бор бир одам туртиб уйғотади. Шукшин уни қоровул бўлса керак деб ўйлаб қўрқиб кетади.

– Нега бу ерда ухлайсан? – деб сўрайди ҳалиги одам.

– Ётадиган жойим йўқ, – жавоб қилади Шукшин.

– Юр бизникига, ўша ерда ухлайсан, – дейди нотаниш одам.

У Шукшинни уйига бошлаб келади, меҳмон қилади ва туни билан суҳбатлашиб чиқади.

Шукшин институтда ўқий бошлаганда кимдир узоқдан унга машҳур режиссёр Иван Пирьевни кўрсатади. Шукшин шунда уйда тунаган ўша одамни танийди.

Орадан кўп йиллар ўтганда бир куни Шукшин ўзаро гурунгда Пирьевдан сўраб қолади:

– Уйингизда тунаганимни эслайсизми, Иван Александрович?

– Эслолмайман, – дея жавоб қилади Пирьев. – Менинг уйимда кўп одамлар тунаган.



Овозсиз кинонинг машҳур актёри, америкалик Лон Чаней бошқаларнинг қиёфасига киришга уста эди.

Кунлардан бир куни Чарли Чаплин у билан айланиб юрганда йўл четидаги катта қўнғизни кўриб қолади.

– Эҳтиёт бўлинг, – дейди Чаплин, – уни босиб олманг! Эҳтимол, у қўнғиз қиёфасига кириб олган Лон Чанейдир.



Чарли Чаплин меҳмонхонадан чиқаётиб эшик оғасига йигирма франк чойчақа беради. У эса норози бўлиб минғирлайди:

– Ўтган гал сизнинг саломатлигингиз учун ичиб қўйишимни сўраб қирқ франк берувдингиз.

– Бу гал ўзимни анча яхши ҳис қиляпман, – дея жавоб қилади артист.



Америкалик комик артист Фатти Арбэклъ 20-йилларда анча машҳур бўлган. Дўстлари уни анча совуққон, беғам одам деб ҳисоблашарди. Бир куни мюзик-холл директори артистдан томошабинлар ҳузурида чиқиш қилишни сўрайди. Фатти рози бўлади, аммо хизмат ҳақини: «Мени бутун Америка танийди», – дея анча оширворади.

Бу даврга келиб Фаттининг шуҳрати анча сўна бошлаганди. Томошабинлар ҳам шу боис анча сийрак бўлади. Бундан аччиғланган директор иддао билан артистга зуғум қилади:

– Ҳаммаси барбод бўлди! Яна уни бутун Америка танирмиш!

– Кўриб турибсиз-ку, – артист пинагини бузмайди.

– Залга қаранг, бор-йўғи ўнтача одам ўтирибди.

– Тўппа-тўғри. Ана ўша ўнта одам ҳозирча мени танимайди, – хотиржам жавоб қилади артист.



Машҳур италян режиссёри Федерико Феллини шундай деганди:

– Томошабин ҳамиша ҳақ, фақат бунини пайқамаслиги лозим.



Альберто Сордининг атрофини мухлислари қуршаб дастхат олаётганди. Уларнинг орасини аранг ёриб ўтган бир кекса хоним машҳур артистдан илтимос қилади:

– Синьор Сорди, сиз қарияларга ҳам дастхат берасизми?

– Албатта, – дейди Сорди жилмайиб. – Аммо қани ўша қария?



Рахманинов Америкага келганда бир танқидчи ундан сўраб қолади:

– Намунча бунақа оддий кийинасиз, маэстро?

– Менга барибир. Ахир мени бу ерда ҳеч ким танимайдик-ку! – деб жавоб қилади машҳур композитор.

Орадан бир йил ўтади.

Ўша танқидчи Рахманиновни учратиб яна ўша саволни беради.

– Менга барибир, – дейди композитор кулимсираб. – Ахир мени шундоғам ҳамма танийди-ку!



Кунлардан бир куни машҳур италян қўшиқчиси Карузо пулини олиш учун почтага келади. Ёнида паспорти бўлмагани учун, почтачи пулни бермайди. Шунда Карузо ўз шахсини тасдиқлаш учун бир операдан арияни қойилмақом ижро этиб пулини олади.

Бу воқеани эшитган бир танқидчи Карузога иддао қилиб дейди:

– Энрико, бу ахир санъатни таҳқирлаш-ку!

– Ишинг қисталанг бўлиб турганда кўзингга санъат ҳам кўринмайди! – дея жавоб қилади Карузо.



Лессинг паришонхотирлиги билан машҳур эди. Бир куни уйига кеч қайтиб эшикни тақиллатади. Ичкаридан шундай жавоб бўлади:

– Жаноб профессор уйда йўқ!

– Ҳа, майли, нима ҳам қилардим, бошқа вақтда келарман, – дея профессор уйдан узоқлашади.



Машхур драматург Бернард Шоу Ницше фалсафаси таъсирида «Мафусаилга қайтиш» деган пьеса ёзади. Асар кўригидан сўнг у томошабинларга эгилиб таъзим қилади. Шу маҳал кутилмаганда гулдурос қарсақлар баробарида юқоридаги ўриндиқда ўтирган бир томошабин жаҳл билан хуштак чалворади.

Шоу юқорига қарайди, қўлини чўзиб баланд овоз билан хитоб қилади:

– Мен ҳам шунақа фикрдаман, дўстим. Аммо иккимиз мана бу қарсақбозларга қарши нима ҳам қила олардик!



Кунлардан бир кун Тристиан Бернар ҳаваскор бир драматургнинг пьесаси кўригида қатнашаётгани.

Иккинчи кўриниш пайтида машхур драматург ўтирган жойга муаллиф келиб сўрайди:

– Маэстро, сизга пьесам ёқяптими?

– Менга гўё ташқарида челақлаб ёмғир ёғаётганга ўхшайпти.

– Тушунмадим, нега энди?

– Ахир шу пайтгача залдан ҳеч ким чиқмади-ку!



Машхур француз актёри Поль Муне иштирокидаги театр труппаси гастролларга борганда майда роллар учун актёрларни олиб боришмасди. Бунақа роллар учун ижрочиларни маҳаллий ҳаваскорлар орасидан топишарди.

Шундай ҳаваскорлардан бирига хизматкорнинг «Монсеньор, соқов келди» деган ягона луқмасини ижро этиш топширилади.

Пойтахтдаги машхур артистлар билан бир спектаклда рол ўйнаётганидан ҳаяжонланган ҳаваскор саҳнадаги ижросини андак бўлса-да чўзиш учун ўзидан ҳам пича қўшиб шундай дейди: «Монсеньор, соқов келди... ва у сиз билан гаплашмоқчи».

Унга хатосини тузатиш учун имконият яратиш мақсадида Муне шундай дейди:

– Унинг соқов эканлигига ишончингиз комилми?

– Ҳарқалай, ўзи шунақа деяпти! – ҳаваскор баттар қовун туширади.



Москвада гастролга келган бир труппа «Тарас Бульба»ни намойиш этаётганди.

Тарас ўз ўғлини ўлдирадиган саҳнада Бульба ролини ўйнаётган актёр елкасидаги нимагадир илашиб қолган милтиғини ололмай анча овора бўлади. «Шошма, Андрей, мен ҳозир сени ўлдираман», – дея минғирлаб аранг милтиғини олади. Кейин Бульба: «Сени ўзим дунёга келтирганман, ўзим ўлдираман!» – дея милтиқ тепкисини босади. Аммо милтиқ отилмайди. Актёр бир неча марта хуноб бўлиб тепкини босади, барибир отилмайди.

Шунда томошабинлардан бири актёрга раҳми келиб милтиқ отилганига ишора тарзида таёқ билан полга тарақлатиб бир уради. Аммо бу лаҳзада Бульба ўғлининг бошини қилич билан кесиб бўлганди.



Машҳур рус қўшиқчиси Фёдор Михайлович Шаляпин артистларнинг меҳнатини енгил деб ҳисобловчи кишиларни ёқтирмасди.

Кунлардан бир куни у Москва бўйлаб файтонда кетаётганди, аравакаш тўсатдан сўраб қолади:

- Хўш, хўжайин, ўзлари нима иш билан шуғулланадилар?
- Мен... шу энди... қўшиқ айтаман.
- Мен бунни айтаётганим йўқ. Нима иш қилишингни сўрапман. Қўшиқни ҳамма айтаверади.



Собиқ совет артисти Савелий Крамаров Американинг Лос-Анжелос шаҳрида яшаётганида Борис Сичкинга дўхтирлар кўзини операция қилганини, аммо ғилайлиги сақланиб қолганини айтиб ҳасрат қилади. Бир оқшом улар сайр қилиб юришганда Савелий дуч келган йўловчидан соат неча бўлганини сўрайди. Қўрқиб кетган йўловчи дарҳол соатини ва яна саксон долларини топшириб қочиб қолади.

– Савелий, – дейди шунда Сичкин, – дўхтирлар сенга яхшилик қилишган. Нью-Йоркка кўчиб ўт. Оқшомда сайр қилиб юриб икки марта соатни сўраб қўйсанг бас – бир ҳафталик тирикчилигингни ғамлаб олаверасан!



Машхур рус артисти Александр Вертинский узоқ йиллар Ватандан айрилиқда яшаб юртига қайтади.

Ўта ҳаяжонланган қўшиқчи вагондан тушиб атрофига аланглайди... Перронга жомадонини қўйиб эҳтирос билан хитоб қилади:

– О, Россия! Бу ўзингмисан? Сени танимай қолдим.

Артист оппоқ рўмолчаси билан беихтиёр тўкилган кўз ёшларини артиб, жомадонини олиш учун энгашиб қараса... уни ўғри уриб кетибди.

Қўшиқчи маънос оҳангда шивирлайди:

– Энди сени танидим, Россия...



Машхур француз актёри Жан Габен бир куни шундай деганди:

– Агар сиз саёҳатга оёқлари келишган котибангизни бирга олиб кетаётган бўлсангиз ва атрофдагиларда у сизнинг хотинингиз деган таассурот қолдиришни истасангиз, жомадонларни кўтаришни унинг ўзига ҳавола қилинг. Сизларнинг эр-хотин эканингизга бундан зўр исбот бўлмайди!



Кунлардан бир куни машхур француз актрисаси Брижит Бардодан нима учун автомобил фалокатлари темирйўл фалокатларидан кўра кўпроқ учраши сабабини сўрашади. Актриса дарҳол жавоб беради:

– Бу мутлақо табиий. Сиз бирон марта поезд ҳайдовчисини буғ машинаси билан қучоқлашиб турганини кўрганмисиз?



Артуго Тосканини Америкага борганида Нью-Йорк оркестрига дирижёрлик қиларди. Кунлардан бир куни у оркестр билан қуйлаётган қўшиқчи хонимга танбеҳ беради.

– Ахир мен машхур артистман! – дейди ҳақоратланган леди. – Сиз буни биласизми?

Тосканини иддао билан шундай жавоб қилади:

– Ташвишланманг, машхурлигингизни ҳеч кимга айтмайман!..



«Ла Скала» театрида Шаляпин Борис Годунов ролини қойилмақом ижро этганида ҳузурига италиялик қўшиқчи киради.

– Соқолингиз ажойиб экан, – дейди италиялик ҳасад билан. – Мен ҳам шунақа соқол билан куйлашни истардим.

– Гап фақат соқолда бўлганида эди, – дейди Шаляпин, – эчки биздан кўра яхшироқ куйларди.

Шаляпин шу заҳоти юзидан подшолик соқолини юлиб олиб италияликка бераркан, шундай дейди:

– Мен бажонидил калламни ҳам қўшиб берардим-у, аммо у ҳозирча ўзимга яна керак бўлади.



Композитор Рубинштейн Лондонда концерт бераётганди. Саҳна ортидан бир хоним бостириб кириб кечки концертга билет топиб беришларини талаб этиб хархаша қила бошлайди. Композиторнинг билетлар сотилиб бўлганлиги ҳақидаги гаплари кор қилмайди.

– Хоним, – дейди, ниҳоят, Рубинштейн тоқати тоқ бўлиб, – залда фақат битга бўш ўрин бор, шуни сизга таклиф қила олишим мумкин.

– Сиз жуда ҳам олижанобсиз, маэстро. Хўш, ўша жой қаерда экан ўзи?

– У роялнинг олдида, хоним.



Буюк композитор Моцарт ёшлигида устози Гайднга бир ҳазил қилмоқчи бўлади.

– Мен шундай бир мусиқали пьеса ёздимки, сиз буни ижро этолмайсиз, – дейди у.

Гайдн нотани олиб роялнинг олдида ўтиради.

– Аммо бу ерда ҳар икки қўл клавиатуранинг қарама-қарши томонларида мураккаб пассажни ижро этиш билан банд бўлиб турганда ўртадаги бир қанча нотани ҳам уйдлаш керак экан. Бунақа музикани умуман ижро этиб бўлмайди.

Моцарт бунга жавобан кулимсираб роял ёнига ўтиради ва пьесани ижро этаётиб ўртадаги ўша ноталарни... бурни билан чалади.



Машхур италян қўшиқчиси Карузо сафарга чиққанида, машинаси бузилиб қолиб, бир фермернинг қўрғонига тушди.

Қўшиқчи ўз исмини айтганида фермер ўрнидан сакраб туради ва Карузонинг қўлини ҳаяжон билан қисиб шундай хитоб қилади:

– Мен қачонлардир бир қуни ўз уйимда машхур саёҳатчи Робинзон Карузони кўрарман деб ўйламаган эдим!



Машхур инглиз адиби Бернارد Шоуни ёш скрипкачининг концертига таклиф этишади.

Томошадан сўнг зиёфат бекаси ёзувчидан ёш ижрочининг концерти ҳақидаги фикрини сўраб қолади.

– Менга у Падеревскийни эслатиб юборди, – дея жавоб қилади Шоу.

– Ахир Падеревский скрипкачи эмас-ку! – дейди хоним ҳайрон бўлиб.

– Худди шунинг учун ҳам эслатди-да!



Тосканинидан нега унинг оркестри таркибида биронта ҳам аёл киши йўқлиги ҳақида сўраб қолишади.

– Биласизми, – дея жавоб қилади маэстро, – хотинлар жуда ҳам халақит беришади. Агар улар чиройли бўлса мусиқачиларимга, хунук бўлса менга халақит қилишади!



Жузеппе Верди ўзининг «Трубадур» деган операсини тугаллагач таниқли танқидчи бўлган бир дўстини операнинг муҳим фрагментлари билан таништиради.

– Хўш, қалай? – деб сўрайди композитор.

– Агар очигини айтадиган бўлсам, ҳали анча хом, пишмаган жойлари сероб.

Верди азбаройи хурсанд бўлганидан дўстини қучоқлаб олади.

– Мен сиздан беҳад миннатдорман, бахтлиман! Агар асар сизга ёқмаган бўлса, у томошабинларга албатта ёқади!



Композитор Леонкавалло Манчестерга келиб ўзининг «Масхарабозлар» операси қўйилаётган театрда киради.

Спектакл тугагандан кейин унинг ёнида ўтирган томошабинлардан бири ҳаяжонланиб хитоб қилади:

– Ажойиб мусиқа! Дурдона асар! Беқийёс!

Леонкавалло қўшнисига ҳазиломуз эътироз билдиради:

– Кечирасиз, жаноб, фикрингизга қўшилолмаман. Мен ўзим ҳам бироз мусиқачиман ва сизга айтиб қўяйки, бу операнинг мусиқаси бир тийинга қиммат. Ундаги ҳамма нарса ўғирланган. Каватина Берлиозники, биринчи актдаги дуэт Гунога тегишли, яқуни эса Вердига жўнгина тақлиддан иборат бўлиб қолган.

Эртаси куни Леонкавалло маҳаллий газетада ҳайрат билан қуйидагиларни ўқийди: «Леонкавалло ўз операси ҳақида». Синьор Леонкавалло эътироф этадики, унинг асари кўчирмачилик маҳсули. «Масхарабозлар»да биронта ўзига хослик йўқ».

Маълум бўлишича, композиторнинг кечаги қўшнисиси... театр танқидчиси экан.



Таниқли бир хоним Марк Твенни ўз ёнига таклиф этади ва спектакл давомида тинмай жаврайвериб жонига тегади. Томоша тугагандан кейин у яна шундай таклиф қилади:

– Балки, сиз билан келаси сафар «Тоска»ни бирга томоша қилгани борармиз?

– О, бу жуда ҳам ажойиб бўларди. Сизни ҳали «Тоска»да бирон марта эшитганим йўқ.



Кунлардан бир куни Эйнштейн ҳамроҳларини табиат манзараси билан таништираётиб шундай дейди:

– Рўпарангиздаги мана шу тоғда қадимги қаср харобалари бор. Тик жарлик ёқасидан манави сўқмоқ бўйлаб борсангиз, тоғ этагидаги яшил водий чиқади. Бу сўқмоқ жуда хавфли, эҳтиёт бўлиш лозим, мабодо жарликдан қулаб кетгудай бўлсангиз ўнг томонга қарашни унутманг. Кўз олдингизда жуда гўзал манзара намоён бўлади.



Ригалик шахмат устаси Александр Кобленц ўз шогирди, экс-чемпион Михаил Тал билан халқаро турнирда қатнашаётганди.

Ўйиндан бўш кунларида устоз-шогирд сайр қилиб юришганда ширали овози бўлган Кобленц рус ва италян тилларида бир арияни хиргойи қилади. Шунда унинг ёнига бир хоним келиб лутф қилади:

– Ташаккур! Ажойиб овозингиз машҳур бир қўшиқчини эслатиб юборди.

– Карузоними? – бетоқатлик билан сўрайди Кобленц.

– Йўқ, Василий Смиловни! (шахмат бўйича экс-чемпион – Ш.О.).



Маълумки, машҳур композитор Шопеннинг отаси француз, онаси поляк эди. Бўлажак композиторнинг болалиги Польшада ўтади, аммо ҳаётининг асосий қисмини Францияда ўтказади.

Дўстлари ва танишлари бир куни унинг миллати ҳақида баҳслашиб қолишади. Ахийри бу ҳақда Шопеннинг ўзидан сўраб қўя қолишади.

– Ақлимга кўра мен французман, юрагим билан полякман.

Шопен вафоти олдидан юрагини Варшавага дафн этишларини васият қилган.

Марҳумнинг тилаги адо этилган.



Кунлардан бир куни Милан консерваторияси директори ҳузурига бир ўсмир келиб ўзини имтиҳон қилиб кўришларини сўрайди. Кириш синовидида у ўзи ижод қилган асарларини роялда ижро этади.

Орадан бир неча кун ўтгач у шундай ёзма жавоб олади: «Консерваторияга киришни хаёлингиздан чиқариб ташланг ва ўзингизга дурустроқ муаллим ёлланг».

Бу воқеа 1832 йили бўлган эди. Орадан ўн йил ўтгач Милан консерваторияси ўшанда омади чопмаган ўсмирнинг номи билан атала бошлайди.

Бу ном Жузеппе Верди эди.



Карузо уй сотиб олиб, таъмирлаш учун усталарни ёллайди. У ўзича қўшиқ ва арияларни хиргойи қилиб турганда хонага усталарнинг ишбошиси кириб келади:

– Мен бир дақиқага... Сиз, ҳойнаҳой, уйингизнинг тезроқ таъмирланишини хоҳласангиз керак?

– Албатта, – дея жавоб қилади Карузо.

– Ундай бўлса, қўшиқ айтишни бас қилинг. Усталар қўшигингизга андармон бўлиб ишлай олишмаяпти.



Композитор Бородин бир куни уйига дўстларини таклиф қилади. Таом устида гурунглашиб ўтирадилар.

Кутилмаганда Бородин ўрнидан туриб шоша-пиша кийимларини кия бошлайди.

– Қаёққа жўнаяпсиз, Александр Порфирьевич?

– Саломат бўлинглар, менинг вақтим зиқ, уйга боришим керак, эртага маърузам бор.

Меҳмонлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборадилар. Мезбон шундагина ўз уйида эканлигини пайқайди.



Машҳур француз адиби Жорж Сименон сермаҳсуллиги билан дунёга доврўғи кетган эди. Умр бўйи 220 та роман ёзган. Шундан 84 таси комиссар Мегрэгга бағишланган.

Кунлардан бир куни ёзувчининг уйига Америкадан кинорежиссёр Альфред Хичкок телефон қилади. Сименон бу пайтда навбатдаги – 158-романини ёзаётганди. Хотини эрини ижоддан чалғитмаслик учун телефон гўшагини ўзи кўтаради.

– Жорж янги романини ёзаётганди, яхшиси, уни безовта қилмаган маъқул, – дейди уй бекаси режиссёрга.

– Бемалол ёзаверсин, – дейди режиссёр ҳозиржавоблик билан, – у ёзиб тугатгунча мен кутиб тураман.



Ўртамиёна бир физик машҳур Эйнштейнни «ҳамкасбим» дейди.

– Ростданми? – дейди олим ҳайратланиб. – Сиз билан ҳамкасбимизми? Нима, сиз ҳам бод касалидан азоб чекасизми?



Кунлардан бир куни Бернад Шоу от миниб сайрга чиқади. Анча муддат ўтгач йўлида учраган одамга мурожаат қилади:

– Биродар, шу отни жиловидан ушлаб турсангиз, илтимос, мен бирров почтахонага кириб чиқаман.

– Э, нималар деяпсиз, жаноб, мен ахир парламент аъзосиман-ку!

– Кўринишингиздан ҳалол, виждонли одамга ўхшаяпсиз. Майли, мен таваккал қилиб сизга ишонаман.



Бир зиёфатда Балзак соҳибжамол уй бекасига илтифот қилиб дейди:

– О, қандай гўзалсиз! Худо нечун ёш хонимларни бу қадар жозибадор, куйдирмажон қилиб яратар экан-а?

– Сизлар бизни яхши кўришингиз учун! – дея жавоб қилади хоним.

– Унда нега Яратган аёлларни ақлдан қисган? – ўсмоқчилайди адиб.

– Биз сизларни яхши кўришимиз учун-да! – ҳозиржавоблик қилади уй бекаси.



Ажойиб сатирик ёзувчи Михаил Зошченко ҳаётлигидаёқ шон-шуҳратга кўмилган адиб эди. Китоблари ҳамиша қўлма-қўл бўлиб ўқиларди.

Бир куни ёзувчи ишдан қайтаётганда ёмғир қуйиб юборади. Соябонини унутган ёзувчи ўзини дарахт панасига олади. Ногоҳ ёнидаги китоб дўконининг олдида узундан-узун навбатни кўради. Одамлар ёмғирга ҳам парво қилишмас, ниманингдир илинжида хотиржам эдилар.

Зошченко шу пайт ёнига келиб қолган кишига шундай дейди:

– Одамларга ҳайронман, шундай ёмғирда навбатга бало борми?

– Улар Зошченконинг янги чиққан китобини сотиб олиш учун навбатда туришибди, – дейди ҳалиги одам.

– Ахир ёмғирда ивиб кетишади-ку! – ҳайрон бўлади адиб.



Энрико Карузо биринчи марта Америкага келганда журналистлар уни ўраб олишади ва саволга тутишади. Улардан бири хонандадан сўрайди:

– Италия ва Америка ўртасидаги савдо алоқалари ҳақида нима дея оласиз?

– Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, – дейди хонанда бироз хижолат бўлиб. – Лекин, ишончим комилки, нима демоқчи эканимни эртага чиқадиган газеталардан ўқиб билиб оларман.



Ўз даврида тилга тушган «Александр Невский» фильми суратга олинаётганди. Ногоҳ бош рол ижрочиси Николай Черкасовнинг тоби қочиб қолади. Суратга олиш майдони студияга яқин эди. Актёр Александр Невский либоси ва гримида ичкарига шошади. Лекин қоровул йўлини тўсиб сўрайди:

– Рухсатномангизни кўрсатинг!

Актёр рухсатномаси пардозхонада қолганини, ҳозир қорни қаттиқ оғриётганини айтади. Қоровул эса барибир ичкарига киритмайди. Шунда Черкасов буюк саркарда ролини ўйнаётганини эслаб қолади. Қаҳр билан шамширини қинидан суғуриб қоровулга ҳезланади:

– Йўлни бўшат, ярамас! Ҳозир каллангни сапчадек узиб ташлайман!

Қўрқиб кетган қоровул боёқиш орқа-ўнгига қарамай қочиб қолади.



Немис ёзувчиси Герман Бар ўғли билан қишлоқда дам олаётганди. Тонг-саҳарда уларни хўрознинг қичқириви уйғотиб юборади.

– Дада, – дейди ўғил, – нега хўрозлар эрталабда бундай қаттиқ қичқирашади?

– Хўрозлар кимдир ёлғон гапирганда шунақа қичқирашади.

– Ҳозир ҳамма ухлапти-ку, соат эндигина беш бўлди.

– Тўғри айтасан, аммо айни шу пайтда тонгги газеталар чоп этилади.



Доғистонлик машхур шоир Абутолибнинг китобини ноширлар келгуси йилга қолдирадилар. Шунда у ноширларга дейди:

– Қизиқ, таржимон Эффенди Капиев мен билан суҳбатлашиб айтган гапларимни ёзиб олди ва ўша заҳотиёқ матбуотда эълон қилди. Расул Ҳамзатов ҳам худди шундай қилувди. Аммо ўзимнинг фикримни ўзим китоб қилиб чиқармоқчи бўлсам, бошқа йилга кўчиришяпти. Қани мантиқ?



Абутолиб бир спектакл кўригида қатнашади. Томошадан кейин ундан спектакл ҳақидаги фикрини сўрашади.

– Менга асарнинг тўртинчи кўриниши жуда ёқди, – деди шоир.

– Ие, спектакл учта кўринишдан иборат эди-ку!

– Нега? Зиёфат-чи?..



Ҳовлиқма бир ёш шоирнинг ижоди ҳақида Абутолибдан сўрашганда шоир шундай жавоб қилади:

– Менимча, ундан катта ижодкор чиқмайди.

– Нега?

– Чунки у биринчи шеърини таҳририятга машинасида олиб келди.



Шўролар даврида Илья Эренбургнинг «Бўрон» деб номланган ёстиқдек романи анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлади. «Правда» газетаси таҳририятида китоб муҳокама қилинади. Сўзга чиқувчилар асарни кескин танқид остига оладилар. Улар адибдан чиркин буржуа маданиятига сажда қилгани учун кечирим сўрашни талаб этишади.

Эренбург сўзга чиқиб фикр-мулоҳазалар учун миннатдорчилик билдиради, айни чоғда, бу ерда айтилган танқидлар айрим китобхонларнинг фикрига зид эканини қистириб ўтади. Кейин шундай бир китобхоннинг фикри баён қилинган телеграммани ўқиб беради: «Муваффақият билан табриклайман. И.Сталин.»

«Правда»чилар ҳангу манг бўлиб қолишади...



Ёзувчилар уюшмасида ишлайдиган раҳбарлардан бири графومانлик (ёзмасдан туrolмаслик касали – Ш.О.) билан шуғулланарди. Унинг ёзганлари атрофдагиларда истеҳзоли кулги уйғотарди, холос. Ёзувчи Виктор Шкловский ўша графومان ёзган бир нарсани ўқигач шундай дейди:

– Ёзувчилик билан шуғулланган маъмуриятчи худди опера театрида куйлаётган ўт ўчирувчига ўхшайди.



Марк Твен бир газетада муҳаррир эканида таҳририятга келган яроқсиз қўлёмалардан роса безор бўлади. Шунақа қўлёмани юборган муаллифга бир куни ғалати жавоб қайтаради: «Азиз дўстим! Минг афсуски, газетамиз саҳифаларида жой етишмаганлиги учун асарингизни босолмадик. Аммо сиз умидсизланманг. Яқин орада таҳририятимиз кераксиз қоғозлар солиб қўйиладиган бир неча катта қоп сотиб олмоқчи. Ўшанда бажонидил асарларингизни ўша қопларга жойлаб қўямиз».



Машҳур француз актрисаси мадам де ля Рок эри билан ажрашмоқчи бўлади.

Мухлислар ундан сўрашади:

- Нега бундай қарорга келдингиз?
- Эрим менга худди итга муносабатда бўлгандай қараяпти.
- Буниси қандоқ бўлди?
- Мендан итдек вафодор бўлишни талаб қиляпти.



Ҳаётининг сўнгги йилларида ёзувчи М.Е.Салтиков-Шчедрин оғир касалликдан азоб чекади. Шунда ҳам у ижод билан шуғулланаверади. Унинг ҳузурига одамлар келиб турган, адиб вақт топиб улар билан суҳбатлашган. Фақат ҳаётининг сўнгги кунларидагина кўрпадан туrolмай қолган, шу боис ҳеч кимни қабул қилолмаган. Бир куни қабулига кимдир келганини эшитиб шундай деган экан:

– Чиқиб унга узримни айтиб қўйинг, мен жуда бандман – ўляпман...



Хрушчев даврида ҳам, Брежнев даврида ҳам «Социализмнинг асосий ютуғи – янги совет кишисидир» деган сиёсий-партиявий шиор оммалашган эди. Бир даврада ўша шиор ҳақида гап борганда ёзувчи Виктор Астафьев шундай деган экан:

– Барибир ошқозонсиз колхозчини яратишолмади!..



Виктор Белов деган шоирнинг «Мен картошкани жудаям яхши кўраман» дея бошланадиган бир шеъри бор эди. Шоир бу шеърини ҳамма учрашувларда мароқ билар ўқирди. Газета ва журналларда бу асар кўп марта танқид қилинса-да, Белов ўзига ёққан шеъридан воз кечолмасди. Кунлардан бир кун у Ёзувчилар уюшмасига тушкун кайфиятда, шалвираб келади. Оғайниларнинг «Нима бўлди?» деган саволига қисқагина қилиб: «Ўғри босди», – дея жавоб қилади. Маълум бўлишича, шоир бола-чақаси билан етилган картошка ҳосилини йиғиштириб олиш учун далаҳовлисига борса, ўғрилар картошкани таг-туғи билан, битта ҳам қолдирмай ковлаб кетишибди. Кўзга кўринадиган жойда эса шундай ёзувни қолдиришибди: «Биз ҳам картошкани яхши кўрамыз!»



Альберт Эйнштейн «Нисбийлик назарияси»ни яратгач дунёга машҳур бўлиб кетади. Олимни халқаро анжуманларга, университетларга маъруза ўқиш учун таклиф этишади. Ҳар куни янги назария бўйича маъруза ўқилади.

Бир куни олимнинг ҳайдовчиси шундай дейди:

– Жаноб, шу қадар кўп маъруза ўқияпсизки, шу назариянгиз ҳатто менга ҳам ёд бўлиб кетди.

– Унда кейинги гал маърузани ўзинг ўқийсан! – дейди олим.

Ҳайдовчи хўп дейди. Университетда маърузани қойил қилиб ўқийди. Минбардан тушаётганда тингловчилардан бири ногоҳ унга савол бериб қолади. Шунда ҳайдовчи ўзини йўқотмайди, топқирлик қилади:

– Бу саволингизнинг жавоби шу қадар оддийки, бунга ҳатто ҳайдовчим ҳам жавоб бера олади, – дея Эйнштейнга сўз берган экан.



Лев Толстой Максим Горький билан яқин муносабатда бўлган. Бир куни улар ўрмон ёқасидаги йўлда яёв гаплашиб кетишаётган экан, иттифоқо йўлнинг қоқ ўртасида суҳбатлашиб турган уч нафар аслзодага кўзлари тушади. Уларнинг извоши билан эгарлоғлиқ отлари кўчага кўндаланг бўлиб йўлни тўсиб қўйган экан. Аслзодалар ёзувчиларни кўришса ҳам парво қилмай тескари ўгирилиб олишади. Шунда эгарлоғлик от жойидан жилиб адибларга жой бўшайди.

Шунда Толстой дейди:

– От анави аҳмоқлардан кўра ақллироқ экан, Толстойни ҳурматлаб йўлни бўшатди.



Машҳур адиб Марк Твен оқшомда уйига қайтаётган эди. Пастқам бир жойда номаълум киши уни тўхтатиб кўксига тўппонча тирайди:

– Соатни чиқар!

Ёзувчи қароқчига синчиклаб тикилади:

– Соатни ўтган ҳафта олгансиз!

– Кечирасиз, – дейди қароқчи, – бу орада янгисини олган бўлсангиз керак деб ўйловдим.



Дунёга машҳур киноюлдуз Жейн Фонда таниқли бир режиссёр билан тамадди қилаётганди.

– Сиз янги фильмни суратга олмоқчимисиз? – деб сўрайди актриса.

– Йўқ, мен мемуар асарлар ёзмоқчиман.

– Ундай бўлса, қўлингизни тиззамдан олиб қўйинг.



Дўхтир машҳур француз ёзувчиси Фонтенелни қаҳва ичмасликка, бу одат унинг учун заҳар билан баробар эканлигига ишонтирмоқчи бўлади.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман, – дейди адиб дўхтирнинг фикрини ўзича маъқуллаб. – Лекин у жуда секин таъсир қилувчи заҳар, чунки уни саксон йилдан бери ичаман.

Фонтенелл юз йил умр кўрган.



Юрий Никулин бир куни гримхонасида ўтирганда цирк ходимларидан бири кириб бақиради:

– Ёнғин! Юрий Владимирович, ёнғин!!!

Шунда Никулин хотиржам жавоб қилади:

– Мен ёнғинни ютолмайман. Бу иш билан бошқа артист шуғулланади.



Кунлардан бир кун Бернард Шоудан сўрашибди:

– Ишинг юришмаганда кимга арзи ҳол қилган маъқул: дўстларгами ёки душманга?

– Ҳар хил ташвишлар ва кўнгилсизликлар ҳақида дўстларга гапирмаган маъқул. Яхшиси, бу ҳақда душманга ёрилиш керак. Шунда, биринчидан, уларга бир неча лаҳза лаззат бахш этасиз, иккинчидан, сўзингизни охиригача диққат билан тинглашади.



Франция пойтахти Парижда маданият масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлади. Ичкарига кираётган меҳмонлардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади. Паспортини унутиб қолдирган Пабло Пикассо эшикоғасига дейди:

– Мен Пабло Пикассоман.

Рассом шу лаҳза ерга энгашиб асфальтга ўша машҳур тинчлик кабутарини чизиб кўрсатади.

– Пабло Пикассо! – деб эълон қилади эшикоға ва рассомни ичкарига чорлайди. Рассомнинг орқасидан келаётган аёл дейди:

– Мен СССР маданият министриман.

Эшикоға аёлдан шахсини исботлашни талаб қиларкан, Пабло Пикассонинг кабутарни чизиб кўрсатганини айтади. Шунда аёл талмовсираб сўрайди:

– Ким ўзи у Пабло Пикассо?

Шунда эшикоға бошқа бир оғиз ҳам гапирмай тантана билан эълон қилади:

– СССР маданият министри! Марҳамат қилсинлар, хоним!..



Қадимги юнонлар донишманд файласуф Диогеннинг фикрини жуда қадрлашган. Мухлислар бир куни ундан сўрашади:

– Қайси ёшда уйланган маъқул?

Файласуф шундай жавоб қилади:

– Ёшларга ҳали уйланиш эрта, кексаларга эса кеч.



Варшавалик машҳур комик артист Жулковский бир шаҳарга гастролга борганида у ердаги ресторанга киради. Ҳисоб-китоб қоғозини беришганда артист ҳайратланиб хўжайинни чақиртиради.

– Бу ҳисоб менга тегишлими?

– Кимга бўларди яна?

– Сиз, фаҳмимча, ҳали мени билмайсиз.

– Танишишга муяссар эмасман ҳозирча.

– Мен сизнинг ҳамкасбингизман! Тушуняпсизми – ҳамкасб!

– Мана бу бошқа гап! Кельнер, бу ҳурматли ҳамкасбнинг ҳисобидан 30 фоиз чегириб қолинг. Бўлдими? Хўш, сизнинг ресторанингиз қаерда?

– Менда ҳеч қандай ресторан йўқ.

– Ахир ҳозиргина айтдингиз-ку!

Шунда Жулковский ресторан хўжайинининг қулоғига энгашиб шипшийтиди:

– Мен ҳам худди сиз каби қароқчиман!



Машҳур француз адиби Виктор Гюго хорижий мамлакатга чиқаётганди. Шунда анкетани тўлдираётган чегара хизматчиси ёзувчидан сўрайди:

– Нима иш билан шуғулланасиз?

– Ёзиш билан.

– Мен сиздан касби-корингизни сўраётирман, жаноб. Тирикчилик учун пулни нима билан топасиз?

– Қалам билан.

– Демак, жаноб Гюго қалам билан савдо қилади деб ёзиб қўямиз! – дейди чегара хизматчиси.



Афиналик бир бадавлат одам файласуф Диогенни уйига чорлаб меҳмон қилади. Мезбоннинг бойлигидан ҳайратга тушган файласуф узоқ вақтгача индамай ўтираверади. Ногоҳ бош кўтариб мезбоннинг юзига туфлайди.

– Бу ерда ҳамма нарса шу қадар гўзал эканки, туфлашга бошқа жой тополмадим!



Француз адиби Андре Моруадан бир дўсти сўрайди:

– Қани, айт-чи, тарихни ким кўпроқ ўзгартирди: Цезарми ёки Наполеон?

Моруа шундай жавоб қилади:

– Цивилизация пайдо бўлгандан буён тарихни энг кўп ўзгартирган шахслар тарихчилардир!..



Машҳур врач Сергей Боткин Петербург ҳарбий-тиббиёт академиясида дарс берарди. Кунлардан бир кун у танбал талабани учинчи марта имтиҳондан «йиқитади». Танбалнинг дўстлари профессорга учрашиб талабанинг аҳволи оғирлигини, боёқиш омадсизликдан изтироб чекиб алам устида ўзини ўлдирмоқчи эканини айтишади.

– Ортиқча ташвишланманглар! – дейди профессор. – У талаба одам анатомиясини яхши билмайди, шу боис пичоқ санчиш учун юрагиниям тополмайди.



Таниқли немис ҳажвчиси Мориц Сафирга бир ёзувчи шундай дейди:

– Сиз, жаноб Сафир, фақат пул учун ёзасиз. Мен эса обрў учун ёзаман.

– Ҳа, албатта, – жавоб қилади Сафир. – Иккаламиз ҳам ўзимизда йўқ нарсалар учун ёзамиз.



Бир куни Хемингуэйдан мухлислари сўрабди:

– Сизнингча, бахт нима?

– Бахт бу – мустақкам соғлик ва хотиранинг заифлигидир.



Бошловчи, аммо ноқобиллиги билан ном қозонган ҳаваскор қаламкаш бир куни Марк Твендан ўзининг нашрдан чиққан янги китоби ҳақидаги фикрини сўраб деди:

– Мен сиздан фикрингиз қандай бўлса шундай, очиқ-ойдин айтишингизни илтимос қиламан.

– Йўқ, йўқ! – дейди адиб бош чайқаб. – Яхшиси, дўстлигимизча қолайлик.



Бир куни француз комедиографи Ашардан дўстлари сўрабди:

– Сенинча, хотин-қизлар учун энг оғир жазо нима?

– Агар менга аёлларни жазолаш лозим бўлиб қолса, уларга энг сўнги модада чиққан янги шляпа совға қилардим-да, ҳаммасини ойнаси йўқ хонага қамаб қўярдим.



Бутун дунёга машҳур «Гулливернинг саёҳатлари» китобининг муаллифи Жонатан Свифт тартиб-интизомни яхши кўрадиган, инжиқ одам бўлган. Кунлардан бир кун бош хизматкор қиз синглиси касал бўлиб қолганини айтиб хабар олиб келишга рухсат сўрайди. Ёзувчи унга рухсат беради. Хурсанд бўлган қиз боши осмонга етиб хонадан чопиб чиқиб кетади. Шошганидан эшикни ёпишни унутади. Шунда Свифт бошқа хизматкорни чақириб бош хизматкорни орқага қайтаради. Боёқиш хизматкор хомуш бўлиб қайтиб келади.

– Сен аввал эшикни ёпгин! – дейди Свифт.

Хизматкор шоша-пиша эшикни ёпади.

– Мана энди сенга рухсат, сафаринг бехатар бўлсин!



Машҳур инглиз адиби Бернард Шоу ўз даврида нуфузли Нобел мукофотини олишдан бош тортганди. Дўстлари ва мухлислари бунинг сабабини сўрашганда адиб шундай жавоб берган экан:

– Сизларга буни қандай тушунтирсам экан? Сувга чўкаётган одам ўзи қирғоққа чиқиб олганда унга қутқарув мосламаси керак бўлмайди-ку!..



Машхур француз адиби Виктор Гюго янги романи қандай сотилаётганини билиш мақсадида ноширларга фақат сўроқ белгисидан иборат мактуб юборади. Жавоб хатини ўқиган адиб ноширларнинг топқирлигига қойил қолади. Бир саҳифалик мактубда каттагина ундов белгиси бор эди.



Чарли Чаплиннинг ўғрилар орасида ҳам мухлислари бўлган экан. Актёр бир куни уйига қайтаётиб чўнтагидан ажойиб қўл соати топиб олади. Ҳайрон бўлиб топилмани полиция идорасига топширади. Орадан бир кун ўтгач у шундай мактуб олади: «Муҳтарам жаноб Чаплин! Бу мактубни сизга ашаддий чўнтаккесар ёзмоқда. Азбаройи санъатингизга қойил қолганимдан чўнтагингиздаги соатни ўғирлаб яна ўзингизга совға қилиб юбордим».



Машхур кўшиқчи, рок-н-рол «қироли» Элвис Преслининг жуда кўплаб мухлислари бор эди. Айниқса, қизлар унга кетма-кет мактублар битиб тинчитмасдилар. Бир газета мухбири кўшиқчидан қизлар унга нима ҳақда ёзишларини сўрайди.

– Улар кўпинча сочимдан бир тола юборишимни сўрашади, – дея жавоб қилади кўшиқчи.

– Ҳаммасининг илтимосини бажараман десангиз, кал бўлиб қоласиз-ку, – ажабланади мухбир.

– Э, менга-ку жин ҳам урмайди, аммо итим яқин орада кал бўлиб қолиши мумкин.



Эйнштейн «Нисбийлик назарияси»ни кашф этганда мухлислар ундан формулани лўнда қилиб тушунтириб беришни сўрашади. Олим шундай жавоб қилади:

– Сизларга буни қандай тушунтирсам экан? Масалан, сиз чиройли бир қиз билан ёлғиз қолсангиз, икки-уч соат ўтирсангиз ҳам вақт бир лаҳзадек туюлади. Мабодо сиз иссиқ печканинг устида бир дақиқа ўтирсангиз, бу нарса сизга худди икки соатдай туюлади. Нисбийлик дегани ана шунақа нарса, энди тушунарли бўлдими?..



Француз физиги Поль Ланжевен фаннинг жамики мураккаб масалалари ҳақида ҳам оммабоп ва ҳаммабоп қилиб гапира олиши билан машҳур эди. Бир гал у Француз Фанлар академиясида қойилмақом маъруза ўқийди. Ҳамкасблари маърузадан кейин олимни ўраб олиб бу қадар содда, тушунарли гапира олишининг сир-асрорини сўрашади.

– Э, ҳаммаси жуда оддий, – дея жавоб қилади физик. – Мен гапираётиб тингловчилар орасидан энг анқовроқ бир башарага қараб то у тушунгандай бўлмагунича гапиравераман. Тамом-вассалом!

Шу маҳал Ланжевеннинг ёнига Франция Фанлар академиясининг президенти келади:

– Сизни табриклайман, ҳамкасб! Фақат тушунмадим, нега гапираётганингизда мендан кўз узмадингиз?



Ўз даврида машҳур бўлган ажойиб конференсье Смирнов – Сокольский кунлардан бир кун Сталиннинг далаҳовлисига таклиф этилади. Конференсье саҳнага чиқиб одатий иборани айтади:

– Салом, қадрли ўртоқлар!

Биринчи қаторда ўтирган, сочлари устара билан қирилган, ширакайф одам бутун залга эшиттириб луқма ташлайди:

– Ғоз чўчқага ўртоқ эмас!

Смирнов – Сокольский қўлларини худди учаётган қушдай силкитиб жавоб қилади:

– Учиб кетяпман, учиб кетяпман, учиб кетяпман!

Ҳамма жимиб қолади. Шунда саҳнанинг бир четидаги алоҳида оромкурсида ўтирган Сталин кулимсираб қарсак чалади.

Орадан уч кун ўтгач «Правда» газетасида тўқимачилик саноатининг вазири ишдан олингани ҳақида кичик бир хабар босилади.



Сартарошхонанинг эркаклар залида шундай шиор осилган эди: «Бахт сочда эмас!»



Бир миллиардер Шалаяпинни уйидаги зиёфатда меҳмонларга концерт беришга таклиф қилади.

– Хизмат ҳақи минг доллар бўлади! – дейди Шалаяпин.

– Розиман, – жавоб қилади бой ота, – фақат бир шартим бор. Концерт тутагач, сиз меҳмонлар орасида бўлмайсиз.

– Нега буни менга олдинроқ айтмадингиз? – дейди улуг хонанда хурсанд бўлиб. – Аслида, меҳмонларингиз билан мулоқотда бўлмаслик учун мен ўша хизмат ҳақининг ярмига ҳам рози бўлаверардим.



Кунлардан бир кун буюк немис сиёсатчиси Бисмарк машҳур бактериолог Кох билан жанжаллашиб қолади ва олимни дуэлга чақиради. Кох рози бўлади.

Дуэлга қурол танлаш ихтиёри олимга берилади. Рақибининг анча жангари эканини, қилич ва тўппончани яхши ишлата олишини билган Кох Бисмаркка бир хил суюқлик қуйилган иккита шиша идишни кўрсатади.

– Ушбу суюқликлардан бирини сиз, иккинчисини мен ичман. Улардан бирида заҳар бор, иккинчисида эса тоза сув. Марҳамат, танланг!

Бисмарк қийин аҳволда қолади. Бироз ўйланиб тургач ноилож жавоб қилади:

– Йўқ, бунақаси кетмайди! Ошқозоннинг емирилишидан ўлиш фирт шармандалик-ку!

Хуллас, дуэл бекор қилинади.



Немис ботаниги К.Гебелни рассом дўсти устахонасига таклиф этиб, янги ишлаган расмни кўрсатади. Гебел суратга жуда узоқ тикилиб қолади, аммо мақтов эшитиш иштиёқида турган рассом асар ҳақидаги фикрини сўраганда томдан тараша тушгандек дангалига дейди:

– Дўстим, олма нотўғри чизилган!

– Йўғ-э? Қанақасига энди нотўғри бўларкан? – деб сўрайди рассом ҳайратланиб.

– Ахир Момо Ҳавво Одам Атога узатиб турган олма навининг кашф этилганига атиги саксон йил бўлган, холос!..



Ҳайвонот боғида болалар ёзувчи Юлиан Тувимдан туя ҳақида гапириб беришни сўрашади.

– Туя, ҳафта давомида ичиб ишламай юрадиган одамдан фарқли равишда, ҳеч нарса ичмаса-да, бир ҳафтагача ишлай оладиган махлуқдир.



1912 йили машҳур ихтирочи Эдисон жиддий касалланиб қолади. Хотини унга дори-дармонларни келтиради. Олим кўп ўйлаб ўтирмай уларни ташлаб юборади ва хотинига шундай дейди:

– Врач яшашни истайди. Дорихона сотувчиси ҳам яшагиси келади. Мен ҳам яшасам дейман!



Машҳур немис адиби ва мутафаккири Гёте Веймар шаҳридаги истироҳат боғида сайр қилиб юрганди, рўпарасидан бир танқидчи чиқиб қолди. Улар бир-бирларини ёқтиришмасди. Қарши томондан келаётган танқидчи такаббурлик билан деди:

– Мен аҳмоқларга йўл бермайман!

– Мен ҳамиша аҳмоқларга йўл берганман! – деди буюк Гёте кулимсираб ва секин йўлнинг четига чиқди.



Кунлардан бир кун Рим императори Август ҳарбийлардан бирини хизматдан бўшатади.

– Энди уйга қайси юз билан бораман? Бўшатилоганимнинг сабабини қандай тушунтираман? – дейди айбдор бўйнини қисиб.

– Ҳечқиси йўқ, – дея уни тинчлантиради Август, – император менга ёқмади деб қўя қол!..



Енгилтак аслзода хонимлардан бири Бернард Шоуни домига илинтириш учун адибга хат ёзади: «Жаноб, эртага соат еттида уйда бўламан».

Шоу ҳам дарҳол унга жавоб йўллайди: «Мен ҳам».



Бир одам граф Л.Н.Толстой билан учрашувга кечикиб келади.

– Кечирасиз, Лев Николаевич! Мен ҳушёрлар жамиятидаги мажлисда тугилиб қолдим, – дейди у ўзини оқлаб.

– Ҳушёрлар жамияти дегани нима ўзи? Одамлар йиғилишиб ичмасликни муҳокама қилишадими? Бунинг учун йиғилиш шарт эмас ўзи, модомики йиғилишдими, унда ичиш керак!



Кунлардан бир кун Версалнинг соя-салқин истироҳат боғида соҳибжамол де Монтеспан хоним билан сайр қилиб юрган Людовик XIV гап орасида:

– Давлат – бу менман! – деб юборади.

– Бўлиши мумкин, – дея назокат билан таъзим қилади хоним, – аммо билиб қўйинг, ҳазрати олийлари, мен бутун бошли давлатни севомайман.



Александр Македонский Эрон устидан ғалаба қозонганда дўстлари унга подшо Доронинг гўзал қизи борлигини айтишади. Император бу хабардан шодланмайди:

– Душман томоннинг йигитларидан жангда енгилиб қолиш жуда оғир мусибатдир. Аммо душманнинг қизларига асир бўлиш ундан ҳам оғир кўргилик.



Машҳур скрипкачи ва композитор Паганини ўз концертига кечикаётган экан. Шоша-пиша кўчада извош топиб театрға олиб боришни сўрабди. Извошчи машҳур скрипкачига шарт қўйибди:

– Ун танга берасиз!

– Йўғ-э, намуноча қиммат?

– Маэстро! Ўзингиз ҳам биргина симда куй чалиб томошабинларнинг пулини шилиб оласиз-ку!

– Ундай бўлса, сиз ҳам извошингизнинг битта гилдирагида мени манзилга обориб қўйсангиз, ўша айтган пулингизни бераман!



Машҳур актриса Фаина Раневскаянинг мухлислари кўп эди. Улардан бири буюк актрисани ҳол-жонига қўймай телефон рақамини сўрайверади.

– Нималар деяпсиз, барака топгур, – жавоб қилади актриса, – телефон рақамимни қаёқдан биламан? Ахир мен ўзимга ўзим қўнғироқ қилмайман-ку!



Петербургида циркида машҳур ҳайвон ўргатувчи Анатолий Дуровнинг концерти аъло даражада ўтади.

Кунлардан бир кун бадавлат бир одам ёш хотини билан томошага келади. У касса ёнида Дуровни кўриб қолиб бепи-санд оҳангда сўрайди:

– Айтинг-чи, бугунги томошада чўчқалар бўладими?

– Агар сиз патта олсангиз, албатта бўлади! – деб жавоб қилади артист.



Кунлардан бир кун қадимги юнон файласуфи Диоген ҳар хил ўт-ўланлардан ўзига овқат тайёрлаётган эди, уни Суқротнинг шогирди, мадҳиябоз файласуф Аристипп кўриб қолади.

– Агар сен подшони мақташни ўрганганингда эди, кунинг шунақа ўтларга қолмасди, – дейди у истеҳзо билан.

– Сен ҳам менга ўхшаб ўтлар билан тирикчилик қилишни ўрганганингда эди, подшони мақташга мажбур бўлмасдинг, – деб жавоб қилади Диоген.



Чарли Чаплин катта бир зиёфатда халқ учун севимли бўлиб қолган операдан ария ижро этади. У арияни айтиб бўлган заҳоти йиғилганлар машҳур актёрни астойдил олқишлаб қарсақ чаладилар. Ўтирганлардан бири шундай хитоб қилади:

– Э, қойил! Чарли, сиз фақат киноюлдузгина эмас, беқиёс хонанда ҳам экансиз!

– Унчалик эмас, – дейди Чаплин хижолат бўлиб, – мен бу арияни ижро этганим йўқ, бор-йўғи уни куйлаган артистга тақлид қилдим, холос.



Карузонинг ўлимидан кейин унинг продюссери машҳур хонанданинг ўрнини боса оладиган артистни қидира бошлайди. Бир куни ёш хонандани тинглаб кўргач унга шундай дейди:

– Оҳ, сенъор, сиз бемалол Карузонинг ўрнини боса олишингиз мумкин эди!

– Сиз шундай ўйлайсизми? – деб сўрайди ёш йигит ҳаяжонланиб.

– Ҳа, агар унинг ўрнига сиз ўлганингизда эди...



Америкалик машҳур олим Бенжамин Франклин Американинг Франциядаги биринчи элчиси бўлган. Кунлардан бир кун у катта зиёфатда ўтириб нотиқларнинг кетма-кет айтган сўзларини тушунмаса-да (француз тилини билмасди), ноқулай аҳволда қолмаслик учун бошқалар қарсақ чалса, қарсақ чалиб, кулишса, кулиб ўтирарди. Нотиқларнинг навбатдаги чиқишидан сўнг гулдурос қарсақлар чалинади, ҳамма барабар ўрнидан туради. Франклин ҳам қарсақ чалиб ўрнидан туради. Ногоҳ олим ҳамма унга ажабланиб қараётганини пайқаб қолади. Ёнидаги америкаликдан нима гаплигини сўрайди.

– Нотиқ сиз ҳақингизда гапирди, – дейди у, – сизни ажойиб дипломат ва жуда ҳам камтар одам деди.



МХАТ театрида Шекспирнинг «Юлий Цезар» спектакли намойиш этилаётганди. Воқеалар давомида чопар саҳнага чиқиб Брут ролини ўйнаётган Станиславскийга бир тугун топшириши лозим эди. Аини ўша лаҳзада чопар ролини ўйнаётган артист қаёққадир гумдон бўлиб қолади. Режиссёр Немирович-Данченко шошилинич равишда саҳна ишчиларидан бирини қайта кийинтириб чопар ролини ўйнаш учун саҳнага чиқаради.

Ишчи саҳнага чиқиб қўлидаги тугунни Станиславскийга бераркан, яхшигина қовун устига туради:

– Мана, олинг, Константин Сергеевич, сизга шу нарсани Владимир Иванович бериб юборди.



Композитор Иоганн Штраус чиройли, ёш актрисага уйланганда, мабодо хотинидан олдин ўладиган бўлса, аёли ҳам унинг орқасидан фоний дунёга бориши ҳақида сўз олади. Ёш хотин эр ўлса, у ёғи бир гап бўлар дея иккиланмай ўлимига рози бўлиб қасамёд қабул қилади.

Орадан кунлар ўтгач хоним эрининг ёзув столидаги қоғозларни титкилаётиб композиторнинг «Менинг васиятим» деган битигини топиб олади. Ўқиб кўрса, эри ҳамма бойлигини муסיқа мактабига туҳфа қилган экан. Хотин жиғибийрони чиқиб эрига иддао қилади:

– Бу нимаси? Сен мени бутунлай унутиб қўйибсан-ку! Ахир мен сенинг хотинингман-ку!

Штраус хотиржам жавоб қилади:

– Менинг меросим сенга нима учун керак ўзи? Ахир менинг ўлимимдан кейиноқ ўзингни отиб ўлдириш ҳақида қасам ичгансан-ку!

Хотин ўзини йўқотмайди:

– Мабодо отаётганимда ўқим хато кетса-чи?



Америкадаги кинофирмалардан бири машҳур инглиз сиёсий арбоби Уинстон Черчилл ҳақида фильм қилмоқчи бўлади. Фильмда олтмиш ёшли арбобнинг ҳаёт йўли кўрсатилиши лозим эди. Черчилл ролини ижро этиш саксон ёшли актёр Чарлз Клофтонга топширилади. Бу рол ижроси учун актёр катта миқдорда пул олишини эшитган Черчилл ғазабланиб шундай иддао қилади:

– Биринчидан, ролимни ўйнаётган бу одам ҳаддан зиёд семиз, иккинчидан, жуда қари. Учинчидан, бундай пулга ўзим ҳам ўзимни қойилмақом қилиб ўйнаб бера оламан!



СССР Ёзувчилар уюшмасининг съездида уюшманинг Тула вилояти раҳбари сўзга чиқиб шундай дейди:

– Ижодий ютуқларимиз анча салмоқли. Аср бошида бизнинг Тула вилоятимизда биргина ёзувчи – Лев Николаевич Толстой бор эди, эндиликда эса бўлимимизда йигирма етти нафар ёзувчи ижод қилмоқда.



Бир хоним машҳур пианист Рубинштейндан уни тинглаб кўришни ўтиниб сўрайди. Ахийри композитор эшитиб кўришга рози бўлади. Бир ярим соат тишини тишига босиб аёлнинг илтимосини қондиради. Синов ниҳоясида хоним сўрайди:

- Хўш, энди фикрингизни айтинг, маэстро!
- Фикрим шуки, – дейди композитор ҳорғин товушда, – сиз эрга тегишингиз керак!



Кунлардан бир кун паришлик сармоядор драматург Эдмон Ростанни уйига таклиф қилиб қанчалар бой-бадавлат яшаётганини кўрсатаркан, мақтанади:

– Кўряпсизми, жаноб Ростан, буларнинг ҳаммасига амаким менга мерос қилиб қолдирган арзимас беш юз франк эвазига эришганман. Бунақасини кўрмагандирсиз?

Ростан индамайди.

Орадан кўп ўтмай драматургнинг «Сирано де Бержерак» деган пьесасининг премьераси бўлади. Асар драматургга катта шон-шуҳрат ва бойлик олиб келади. Уни табриклаган кўп сонли томошабинлар қаторида ўша сармоядор ҳам бор эди. Ростан унга табрик учун миннатдорчилик билдираркан, шундай дейди:

– Мана, кўряпсизми, азизим, мен буларнинг ҳаммасига ўша бошланғич синфда ўрганганим арзимас йигирма беш ҳарф эвазига эришдим.



Маяковский бир шаҳарда ёш шоирлар билан учрашиб уларнинг шеърларини тинглаб ўтирган экан. Шунда бошига кепка кийиб олган бир шоир минбарга чиқиб жўшиб-тошиб шеър ўқий бошлабди: «Эй нозанин ёр, нега жингалак сочларимга боқмайсан, нечун мени бунча қийнайсан?..»

Шу маҳал Маяковский шартта ўрнидан туриб шоирнинг олдига боради ва бошидан кепкасини олиб иддао қилади:

– Ёлғон гапиришга уялмайсизми? Қани ўша жингалак соч? Боёқиш шоирнинг сочи... устарада тап-тақир қирдирилган экан.



Талабалар концертининг ташкилотчиларидан бири бўлмиш ёшгина йигитга машҳур артист Мамонт Дальскийни томошага таклиф этиш топширилади. Талаба бир извошни ёллаб фожиавий ролларнинг қойилмақом ижрочиси яшаётган меҳмонхонага келади.

– Мен боролмайман, – дейди Дальский, – аммо ўрнимга дўстим боради. Яхшигина овози бор. Қаерда экан у? Фёдор!

Қўшни хонадан озгингина ёш йигит чиқади.

– Фёдор! Тезроқ кийин. Талабалар концертига борасан. У ерда бирон нима куйлаб берарсан.

Хонанда эътироз билдирганда Дальский қаттиқ туриб уни кўндиради.

Йўлда жимгина боришади. Талаба иши юришмаганидан хомушроқ эди.

Хонанда саҳнага чиқиши олдидан сўрайди:

– Сизни ким деб эълон қилай?

– Шаляпин, – дейди хонанда. – Фёдор Шаляпин.

– Мен Василий Качаловман, – дея талаба ҳам ўзини таништиради (Кейинчалик Качалов машҳур актёр сифатида танилади – Ш.О.)



Альберт Эйнштейн Европадан Американинг Принстон шаҳрига кўчиб боргандан кейин бироз вақт ўтгач ўзи ишга жойлашган институт ректорининг қабулхонасидаги телефон жиринглаб қолади. Котиба аёл телефон гўшагини олади.

– Ректор билан гаплашмоқчи эдим, – деган овоз эшитилади телефондан.

– Ректор жаноблари ҳозир йўқлар.

– Ундай бўлса, Эйнштейн қаерда яшашини айтолмайсизми?

– Афсуски, айтолмайман. Профессор жаноблари ишимга халал беради деб бегоналарга манзилини айтмасликни сўраган.

Шунда телефонда секингина пичирлаган товуш эшитилади:

– Тўғри, ҳеч кимга айтманг. Лекин телефон қилаётган мен – Эйнштейнман. Уйга қайтаётиб адашиб қолдим.



Инглиз адиби Жонатан Свифт яёв юришни ёқтирарди. Кунлардан бир кун у сайр қилиб юриб бир меҳмонхонага келади. Меҳмонхона хўжайини унга ҳамма хоналар банд эканини, агар рози бўлса, бир фермер билан битта хонада тунаши мумкинлигини айтади. Адиб рози бўлади.

Фермер қўшниси гапдонгина экан, ярмаркадаги ишлари ҳақида жўшиб-тошиб ҳикоя қилади.

– Менинг ишларим ҳам ёмон эмас, – дейди адиб суҳбатга қўшилиб. – Яқинда олти нафар қотилни осиб ўлдирдим, энди қўшни шаҳардаги тўрт нафар қотилни жазолагани кетяпман.

– Сиз... кимсиз ўзи? – фермернинг эхонаси чиқиб кетади.

– Мен жиноятчиларни жазолайдиган оддийгина жаллодман, холос.

Фермер шоша-пиша ўрнидан туриб хонани тарк этади.



Грузиялик Котэ Махарадзе футбол шарҳловчиси сифатида ҳам машҳур эди. У, аслида, театр актёри бўлган, футболни ниҳоятда яхши кўрган. Рус тилида грузинча оҳанг, ҳазил-мутойиба билан гапирарди.

Бир куни Котэ Махарадзе ўйинни шарҳлаётиб шундай деб юборади:

– Футболчи тепган тўп осмону фалакка чиқиб кетди. Келинг, тўп қайтиб тушгунча мен сизларни жамоалар таркиби билан таништириб тура қолай...



Маяковский шаҳарма-шаҳар юриб китобхонлар билан учрашувлар ўтказар, уларнинг турли саволларига жавоб берар эди. Шундай учрашувлардан бирида кимдир унга хат йўлайди: «Ўртоқ Маяковский, нега сиз бир хил гапни такрорлайверасиз? Бугунги гапингизни учта жойдаги учрашувда ҳам айнан айтгансиз».

Маяковский дарҳол хат эгасига жавоб қайтаради: «Дўстим! Сизга менинг ортимдан изма-из юришдан бошқа иш қуриб кетганми?»



Ўз даврида катта шон-шуҳрат қозонган Маяковскийнинг ганимлари ҳам кўп эди. Бир куни шоир Политехника музейида ижодий кечасини ўтказаётганда шоирнинг душманлари бир безори ўсмирни ёллаб унга шоир гапираётганда сўзини бўлиб шарманда қилишни тайинлашади.

Шоир илҳом билан шеър ўқийётганда ҳалиги ўсмир минбарга қараб шундай луқма ташлайди:

– Ўртоқ Маяковский! Бу гапни менинг бувим ҳам айтган эди!

Залдаги одамлар жимиб қолишади. Маяковский ўзини йўқотмай дарҳол ўсмирга жавоб қилади:

– Э, бу сизмисиз, йигитча? Ахир сизнинг бувингиз йўқ эди-ку!

Залда гуриллаб қаҳқаҳа кўтарилади.



Кунлардан бир кун атоқли адиб Абдулла Қодирий боғидаги сўрида хаёл суриб ўтирган экан, қўшниси кўриб қолиб сўрабди:

– Дам олаяпсизми, Абдулла ака?

– Йўқ, мен ишляпман, – дебди ёзувчи.

Ўша қўшни бошқа бир куни кирганида Абдулла Қодирий дарахтларнинг тагини кетмон билан юмшатаётган экан.

– Ҳорманг, – дебди у адибга, – ишлаётган экансиз-да?

– Мен ишлаётганим йўқ, – дебди бу гал ёзувчи, – дам олаётиман, ҳордиқ чиқараётиман.

Қўшни ёзувчини тушунолмаётган анграйиб қолибди.



Уруш йиллари Францияни босиб олган фашистлар машҳур рассом Пикассонинг устахонасига тез-тез кириб туришарди. Мусаввир уларга ўзининг битта асаридан олинган фотонусхани «эсдалик учун» дея имзо қўйиб туҳфа этаверарди. Унда испан қишлоғининг фашистлар томонидан яксон қилиниши тасвирланган эди. Кунлардан бир кун устахонага гестапо агенти кириб келади ва сумкасидан ўша фотонусхани жаҳл билан олиб рассомга кўрсатади:

– Бу сизнинг ишингизми?

– Йўқ, бу сизларнинг ишингиз! – деб жавоб қилади рассом.



Машҳур француз адиби Мопассан маълум муддат бир вазирликда кичик лавозимда ишлаган эди. Орадан йиллар ўтгач ўша вазирликнинг архивида Мопассанга берилган шундай тавсифнома топилади: «Ишга муносабати яхши, лекин ёмон ёзади».



Америка президенти Линкольн ҳаётда жуда камтар-камсуқум инсон бўлган. Бир куни хорижлик дипломат ботинкасини ўзи тозалаётган президентни кўриб қолиб сўрайди:

– Ие, жаноб президент, ўз ботинкангизни ўзингиз тозалайсизми?

– Ҳа, шундай, – дея жавоб беради Линкольн, – сиз кимникини тозалайсиз?



Ёзувчи Алексей Толстой бир шаҳарга келиб меҳмонхонага киради ва навбатчига дейди:

– Мен ёзувчи Толстойман. Менга жой тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

– Албатта! Жойингиз тайёр, – навбатчи жонланиб кетади. – Мен сизнинг мухлисингизман. Энди мана бу «Анна Каренина» романингизга дастхат ёзиб берсангиз. Бу китобни атай сизга дастхат ёздириб олиш учун сотиб олувдим.

Толстой энсаси қотиб жавоб қилади:

– «Ўлик жонлар»ни ҳам мен ёзганман.

– Узр, «Ўлик жонлар»ни олмагандим.

– Унда меҳмонхонангизда турмайман!

Ёзувчи сумкасини кўтариб меҳмонхонадан чиқиб кетади. Ҳеч нарсага тушунолмаган навбатчи эса талмовсираб қолади.



Бир офицернинг хотини рус саркардаси А.В.Суворовга эрини ёмонлаб у ҳақда ҳар хил бўлмағур гапларни айта бошлайди. Шунда саркарда шаллақининг сўзини бўлиб дейди:

– Бу билан менинг ишим йўқ!

– Аммо у орқангиздан сизни ҳам ёмонлайди-да!

– Бу билан эса сизнинг ишингиз бўлмасин! – дейди Суворов.



Кунлардан бир кун Марк Твен поездга чиқиб купега киради. Вагонда йўловчилар кўп бўлса-да, купеда фақат бир киши ўтирарди. Ёлғиз ўтирган у одам Марк Твендан қутулмоқчи бўлиб ўзича ҳийла қилади:

– Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман. Мен дифтерия ва скарлатина билан касалланганман. Кейинги вақтларда кўп йўталайман, бу силнинг аломати бўлса керак. Шунга... яна ўзингиз биласиз.

Марк Твен хотиржам жавоб қилади:

– Зарари йўқ. Мен барибир кейинги тунелда ўзимни ўлдирмоқчиман.



Подшо Пётр гоҳо ўз қизиқчиси Балакирев билан маслаҳатлашиб турарди. Бир куни қизиқчининг маслаҳати ёқмагани учун подшо уни зиндонга ташлатади. Орадан кунлар ўтгач қизиқчининг тўғри маслаҳат берганига ишониб уни озод қилади. Сўнг ундан яна бир масала юзасидан маслаҳат сўрайди. Шунда Балакирев ёнида турган мулозимларга қараб хитоб қилади:

– Барака топгурлар, мени тезроқ зиндонга олиб боринглар!



Бернард Шоунинг «Пигмалион» комедияси илк бор саҳналаштирилганда Англияда зўр муваффақият қозонади. Муаллифнинг ижозатсиз фильмни суратга олдирган продюссер шу воқеа муносабати билан катта зиёфат уюштиради. Кинода қатнашганларнинг деярли ҳаммаси зиёфатга келади. Фақат... буюк драматургни таклиф этишмайди. Лекин Шоу барибир зиёфатга келади. У бир четда ўтириб продюссер, режиссёр, оператор, рассом ва актёрлар шаънига айтилган ҳамду саноларни қулимсираб эшитиб ўтиради. Унинг номи тилга ҳам олинмайди. Шунда ёзувчи аста ўрнидан туриб баланд овозда йиғилганларга хитоб қилади:

– Хонимлар ва жаноблар! Мен Бернард Шоунинг саломатлиги учун қадаҳ кўтаришингизни сўрайман! Дарвоқе, танишиб қўяйлик, Бернард Шоу менинг ўзимман!..



Машхур масалчи Иван Андреевич Криловдан бир куни мухлислари сўрашибди:

– Жуда ноёб истеъдодингиз бор-у, нега жуда кам ёзасиз?

Ёзувчи шундай жавоб қилибди:

– «Нега ёзасиз?» деган сўздан кўра «Нега кам ёзасиз?» деган саволни эшитиш яхшироқ-да!..



Поляк шоири Юлиан Тувимдан сўрашибди:

– Кимни худбин одам дейиш мумкин?

– Менга сира гамхўрлик қилмайдиган одамни худбин дейиш мумкин, – дея жавоб қилибди шоир кулимсираб.



Бир куни машхур сиёсатчи Черчилдан сўрашибди:

– Сиёсатчининг энг асосий фазилати нимадан иборат?

– Нима бўлишини олдиндан башорат қила олиш ва нима учун башорат юз бермаганига ишонтира олиш! – деб жавоб берибди Черчилл.



Император Юлий Цезар гапга чечан, ҳозиржавоб одам бўлган экан.

Бир куни у кемадан Африка соҳилларига тушаётиб ногоҳ қоқилиб йиқилади. Аммо бу кўнгилсизликдан ўзини йўқотмайди, ўша йиқилган жойида туриб шундай хитоб қилади:

– О, Африка! Мен сени қучаман!



Машхур сатирик ёзувчи М.М.Зошченконинг отаси рассом бўлган, аммо ўғли каби шуҳрат қозонолмаган.

Ёзувчи сифатида танилган Зошченко бир куни комиссия дўконда отаси ишлаган расмни кўриб қолади. Сотувчидан картинанинг баҳосини сўрайди.

– Юз сўм! – дейди сотувчи.

– Намунча қиммат? – ёзувчи ҳайрон бўлади.

– Ахир муаллифнинг номи қандай жаранглаётганини қаранг! – дейди сотувчи. – Зошченко-я!



XIX асрда яшаб ўтган машҳур немис рассоми Менцел ҳузурига бир ёш мусаввир келиб ўзининг асарини кўрсатади.

– Маэстро! – дейди у. – Адолат борми ўзи бу дунёда? Мана шу картинани мен бир кунда ишлаган эдим, аммо уни бир йилдан буён сотолмаяпман.

– Азизим! – жавоб қилади рассом. – Агар сиз бу асарингизни бир йил мобайнида ишлаганингизда эди, уни бир кундаёқ сотган бўлардингиз.



Муסיқадан таълим олаётган бир қиз машҳур бастакор Франц Листдан сўрайди:

– Айтинг-чи, ҳурматли маэстро! Одамлар ҳақиқий пианиночи бўлиб туғилиш керак дейишяпти, шу гап тўғрими?

– Тўппа-тўғри! – жавоб қилади маэстро. – Ахир одам туғилмаса қандай қилиб пианино чала олади?



Вольфганг Амадей Моцарт етти яшарлигида Майндаги Франкфуртда концерт бераётганди. Унинг ёнига ўн тўрт ёшли нотаниш ўсмир келиб шундай дейди:

– Қойил! Зўр ижро этдинг. Мен бундай ўйнай олмасдим.

– Нима учун? – эътироз билдирди Моцарт. – Бу қийин эмас, сен уриниб кўр. Агар эпломасанг муסיқа ёзиб кўр.

– Мен фақат шеър ёзаман.

– Бу ҳам қизиқ. Яхши шеър ёзиш муסיқа басталашдан қийинроқ бўлса керак.

– Йўғ-э, бу жуда осон-ку, сен ҳам уриниб кўр.

Ёш Моцартнинг суҳбатдоши Гёте эди.



Марк Твен шаҳар газетасида муҳаррир эди. Кунлардан бир кун таҳририятга, чамаси, муҳаррирдан норози бўлиб юрган кимсадан бир оғизгина «Чўчқа» деб ёзилган хат келади. Эртаси куни газетада муҳаррирнинг ўша хатга ёзилган шундай жавоби эълон қилинади: «Таҳририятимизга кўпинча имзосиз хатлар келиб туради. Аммо куни кеча биринчи марта фақат имзонинг ўзигина келди».



1964 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 19-сессиясида Куба делегациясининг раҳбари, машҳур шахс Эрнесто Че Гевара маъруза қилади. Унинг нутқи зўр қизиқиш билан тингланади. Орадан кўп ўтмай террористлар унинг ҳаётига уч карра суиқасд уюштираётгани бўлгани маълум қилинади. Улар орасида аёл киши ҳам бўлган экан. Бу тафсилотлар ҳақида журналистлар Эрнестога гапириб беришаркан, воқеага муносабатини сўрашади.

– Эркак террористлар билан полиция шуғуллангани маъқул, аёлларни эса мен кечираман. Эркак отган ўқдан ўлгандан кўра аёлнинг пичоғи тиғидан жон таслим қилган яхшироқдир, – деб жавоб қилади инқилобчи.



Композиторликка ҳавасманд бир йигит буюк Моцартдан маслаҳат сўрайди:

– Симфониялар қандай ёзилади?

– Сиз ҳали ёш экансиз, ҳозирча баллада ёзиб кўринг. Ижодингиз ўзингизга маъқул бўлса, яна маслаҳатлашармиз.

– Сиз ўн ёшингиздаёқ кўплаб мусиқа асарлари ёзгансиз-ку.

– Тўғри, аммо мен уларни қандай қилиб ёзиш ҳақида ҳеч кимдан сўрамаганман-да!..



Голландлар жуда маданиятли, покиза халқ экан. Дунёга машҳур сайёҳ Гудзон узоқ сафарда юриб ажойиб кашфиётлар қилгач юртига қайтади. Қирол саройида унинг шарафига тантанали зиёфат берилади. Шундан сўнг сайёҳ уйига боради, онаси остонада тўхтатиб буюради:

– Тўхта, аввал оёғингни арт!



Марк Твен ишлаётган таҳририятга бир куни қуролланган босқинчи кириб таҳдид қилади:

– Қўлингни кўтар! Ё пулни берасан, ё ўласан! Қани, тезроқ қимирла!

– Хайрият-эй! – дейди муҳаррир кулиб. – Яна кимдир шеър кўтариб келдимикин деб кўрқувдим.



Кунлардан бир кун қадимги юнон файласуфи Диоген камон отувчининг қайта-қайта уринса ҳам мўлжалга сира уролмаётганини кўриб нишоннинг ёнига бориб туради. Томошабинлар ҳайрон бўлиб сўрашади:

– Нега бундай қилдингиз? Ахир...

– Энг хавфсиз жой мана шу ер экан! – деб жавоб қилади файласуф.



Ёзувчи О'Генри ўз ноширидан шундай хат олади: «Янги китобингизнинг муқовасига номингизни қандай ёзган маъкул? «О.Генри» дебми ёки «О» дан сўнг вергул тепага қўйилсинми?»

Адиб ноширга шундай жавоб йўллайди: «О! Генри!» деб ёзинг!



И.Сталин «Отелло» спектаклини кўради. Бош ролни А.Остужев ижро этади. Томошадан кейин театр раҳбарияти «доҳий»-нинг спектакл ҳақидаги фикрини билгиси келади. Сталин узоқ вақтгача индамайди, сўнг аста бошини кўтариб дейди:

– Ҳалиги... оти нимади, Яго дегани дурустгина ташкилотчи экан.



Кунлардан бир кун мухбир Бернард Шоудан сўрайди:

– Аёллар табиатидаги энг асосий хусусият нимада деб ўйлайсиз?

Шоу шундай жавоб беради:

– «Кўришгунча хайр» деган сўзни ўттиз мартадан кам айтадиган аёл ҳали дунёга келмаган.



Кунлардан бир кун файласуф Демосфеннинг уйига ўғри киради. Файласуф шарпадан уйғониб ўғрини кўриб қолади. Қўрқиб кетган ўғри талмовсираб қолади:

– Кечирасан, бу нарсалар сеники эканини билмабман.

– Ахир бу нарсалар сеники эмаслигини ҳам билмасмидинг? – дейди файласуф ўғрини изза қилиб.



Машҳур Америка ёзувчиси Брет-Гарт Ричмонд шаҳрига келиб китобхонлар ҳузурида ўз ҳикояларини ўқимоқчи бўлади. Шунда кутилмаганда адибнинг боши оғриб қолади. Учрашув мутасаддиси ёзувчини тинчлантирмоқчи бўлиб дейди:

– Сиз хавотирланманг, шаҳримизнинг иқлими мўътадил. Тасаввур қиласизми, бизда бир кунда ўрта ҳисобда фақат битта одам ўлади.

– Ўша номзод ўлиб бўлдими? – сўрайди ёзувчи.



Ёшлигида кўп номаъқулчиликлар қилган граф Мирабо бир куни Бомаршедан икки ойда қайтариш шарти билан ўн минг ливр пул қарз сўрайди.

– Ҳурматли жаноб! – дейди «Фигаро»нинг машҳур муаллифи. – Ўша қарзни тўлаш фурсати келганда биз сиз билан албатта жанжаллашамиз. Келинг, яхшиси, ҳозир жанжаллашиб қўя қолайлик.

## ФАЛАТИ ГАПЛАР

Агар даволанишга пулингиз бўлмаса, саломат бўлинг!..



Сендан нимани кутишаётганини билмай туриб ҳақиқатни айтиш қийин.



Мен эндигина қирққа кирдим, хотиним эса аллақачон қирқни уриб қўйган.



Бахтимни одамлар билан бўлишмоқчи эдим, лекин негадир ҳаммага пул керак экан.



Олтин қоида: олтин кимники бўлса, қоида ҳам ўшаники.



«Мен кичкина одамман!» – дерди у ва белдан пастига урарди.



Агар ёшлиқдаги хатолар бўлмаганда, қариганда нималарниям эслардик?



Билим тугаган жойдан куч бошланади.



Агар ҳаёт кураш бўлса, унда куч ишлатиш усулини қўллаш мумкинми?..



Бошлиқ ҳамма вақт ҳам ҳақ эмас, аммо у ҳамма вақт бошлиқдир.



Агар одам қанчалик ўз ишини уддалай олмайдиган, ношуд бўлса, ундан қутулиш имконияти ҳам шунчалик камдир.



Хизмат вазифангда қанчалар юқорига кўтарилишинг сендан мамнун бўлганларга эмас, кўпроқ сендан безор бўлганларга боғлиқ.



Айрим кишиларга эрк бериб қўйсанг, қуёшни ҳам хусусийлаштириб олади.



Бозор муносабатларида ҳамма нарсага ҳақ тўлаш лозим бўлса, бировнинг ақли билан иш тутадиганлар нима қилади?



Менга ёрдам беришмаганда, бундан ҳам кўпроқ нарсани уддалардим.



Тош қотган фикр – совуқ қуролдир!



Олға! Фақат менинг ортимдан!



Ҳамма нарса инсоннинг қўлида. Шунинг учун уни тез-тез ювиб туриш керак.



Агар дунёдан ўтганимиздан кейин биз ҳақимизда нима деб гапиришларини билсак эди, аллақачон яшамаган бўлардик.



Сигирга какао берсанг ҳам шоколад соғиб ололмайсан.



Ютқазаетиб менинг позициям афзалроқ эди демайдиган шахматчи ҳақиқий шахматчи эмас.



Ҳар бир Пушкиннинг ўз Дантеси бўлади.



Романимни ўн марта қайта ёзиб нима зарил, барибир мен Лев Толстой эмасман-ку!



Ҳақиқат сиз томонда бўлса-да, бошқа томонга ҳам бир қараб қўйинг.



Олдин сўз бўлди. Кейин... талонини тешиб беришди.



Хотиним олдимда оёқ учида юрсин десанг балеринага уйлан!



Менга дўстинг кимлигини айт. Унга сенинг кимлигингни айтаман.



Иш пайтида ўз устингизда ишланганг.



Пул билан битиши мумкин бўлган нарсага асабингизни бузиб ўтирманг.



Чўкаётган одамнинг қўлтиғида тоши бўлса, уни қутқариш керакми?



Вақт – пул, аммо пулнинг ўзи яхшироқ.



Ахир менинг ҳамма фикрларимга қўшилаверсангиз, қандай қилиб сиз билан баҳслашай?!



Янги шеърлар тўплами чиқди, охирги нусхасигача ўзи сотиб олди.



Олтин тўйга етиш учун одамда олтин характер бўлиши керак.



Баъзан йиқилмаслик учун ўз вақтида қоқила билиш керак.



Баъзан ёзувчи услуби сиёҳнинг қандай ёзишига боғлиқ бўлади.



Тўғриси айтиш керак бўлса, яхшиси, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик.



Инфарктга элтадиган йўл ундан қочадиган йўлга нисбатан мароқлироқдир.



Адашган қўйларнинг гўшти мазали бўлади.



Ман қилинган неъматлар ҳамини диркиллаб туради.



Масъулиятдан қочаётиб навбатчи қолдириб кет.



Обрўйингни тушириб қўйгач ўзингни у сеники эмасдек тут.



Цейтнотга (вақт танглиги) кўп ўйлаган эмас, керакли нарса ҳақида ўйламаган одам тушади.



Олдин нима бўлган – товуқми ёки тухум – буни фақат хўроз билади.



Кўпинча нуқтаи назар билан таянч нуқтаси бир-бирига тўғри келмайди.



Ҳақиқат ошкор бўлмагунча тўғриси айтиб туриш лозим.



Даҳоларни ёқтирмайдилар. Улар ўз дурдоналари билан бошқа ижодкорларнинг мисини чиқариб қўяди.



Ейишга ҳеч вақо бўлмагач, пичоқ билан санчқини қай қўлда ушлашнинг аҳамияти йўқ.



Пьеса муаллифлари кўпинча ҳеч қандай рол ўйнашмайди.



Оилада кимдир албатта эркак бўлиши керак.



Рекламадаги энг тўғри нарса – манзили ва телефон рақами.



Пешонага ёзилган нарсани ўчириш ҳаммасидан қийин.



Севганингизнинг қўлини сўраб розилигини олгач бир умр бу қўлнинг чўнтагингизда турганини ҳис этасиз.



Бекорчиликда фақат тентакларгина ичади. Ақллилар ҳар доим баҳона топади.



Умуртқасизларга мазза, улар радикулит бўлмайди.



Узоққа боради, аммо қайтиб келмайди.



Кулиб бўлишгач нега кулишганини муҳокама қила бош-лашди.



Виждон қанчалик тоза бўлса, нархи шунчалик баланд бўлади.



Агар аёл унсиз изтироб чекаётган бўлса, демак, унинг телефони бузилган.



Асаблар тордай таранглашганда ҳамиша унда ўйновчилар топилади.



Ташқи қиёфа алдамчидир, шу боис ўзига ўхшамайдиганлар кўп.



Инсон ўз ҳаётида бош ролни камдан-кам ўйнайди.



Одам Ато омадли эди – қайнонаси бўлмаган!



Каллам билан жавоб бераман – ҳаёт гўзал ва ажойиб!



Ҳақиқат баҳсларда туғилади ва... ўлади.



Тарихни бугун ёзадилар. Эртага қайта ёзадилар...



Эпиграмма – шеърий безорилик.



Сочлар худди дўстларга ўхшайди: оқаради ва... сийраклашади.



Инсониятни истаганингча севавер, аммо жавоб севгисини кутма.



Афсонавий ҳаёт учун ҳам ўлимдан бошқа яқунни ўйлаб топиб бўлмайди.



Сенга умрбоқийлик ҳақида гапиришаётганда соатингга қарайверма.



Ғийбат – меҳмондўстлик учун тўлов.



Янгича ҳаётни душанбадан бошлаган маъқул.



Барвақт қариб қолиш кечиккан ёшликчалик хавфли эмас.



Ножўя қадам ташламаслик учун ҳамиша бир жойда депсиниб туравериш керак.



Қарз берувчилардан кўпроқ яшасанггина узоқ умр кўришингда маъно бўлади.



Оилавий ҳаётни ҳеч нарса шахсий котибачалик барбод қилолмайди.



Ўзингдан кетганинда қайтиб келишни унутма.



Чинакам дўстлик изҳори дил учун эмас, тинглаш учундир.



Иқтибослар фақат бегона фикрни ифодалаб қолмай, ўзининг яланғоч фикрингни ҳам хаспўшлайди.



Охиригача айтилмаган фикргина эслаб қолишга арзийди.



Ўликдан нусха кўчириш тирикнинг ниқобини олишдан кўра осон.



Уйқусизликдан азоб чекмаган одам ўзининг таржимаи ҳолини билмайди.



Севги қоидаси: муқаддима қанча узун бўлса, ишқий саргузашт шунча қисқа бўлади.



Бўш қорин билан тўлақонли ҳаёт кечириш қийин.



Эркаклар шунчаки, аёллар эса кўзда ёш билан ёлгон сўз-  
лайдилар.



Илтифотли, ҳамиша ёрдамга шай одамларнинг битта  
камчилиги бор: уларни уйдан топиб бўлмади.



Саводхон одамлар эълон бўйича, саводсизлар эса севишиб  
турмуш қурадилар.



Биттаси хуррак отганда иккинчиси эшитмайдиган никоҳ  
бахтли никоҳдир.



Ҳар бир одам ҳақида роман ёзиш мумкин, лекин ҳамма  
одам ҳам таъзияномага арзийвермайди.



Ёлгондаги пауза бадий бўлмоғи лозим.



Ёзувчилар машҳурлар, машҳур бўлмаганлар ва бедарак  
йўқолганлар тоифасига бўлинади.



Икки хил йўл орқали – ақллилар ёки аҳмоқлар билан  
ҳамтовоқ бўлиб ҳаётингни дўзахга айлантиришинг мумкин.



Мурувват яралайди, олижаноблик ўлдиради.



Хотин иқлимни яратади, эр эса об-ҳавони белгилайди.



Ёрдам қўлини чўзаётганда уни муштга айлантирманг.



Севгида учта тиниш белгиси бўлади: ундов, куп нуқта ва нуқта.



Севги абадий бўлиши учун совуққонлик икки томонлама бўлиши лозим.



Энг катта фил ватанини жимгина соғинади, энг кичик шоир эса ҳаммаёққа айюҳаннос солади.



Содда болаларни лайлаklar олиб келади, ҳамма нарсани билишга қизиқадиган болалар ўзлари туғиладилар.



Жимгина гуноҳ қилиш мумкин бўлганда бақриб тавба қилишнинг нима ҳожати бор?



Ўта ақлли бўлиб кўриниш учун узоқ хўмрайиб туриш керак.



Яшаш учун ҳеч қандай натижа бермайдиган кураш ғоявий курашдир.



Ҳайкал учун қаҳрамон, уни алмаштириш учун эса оломон керак.



Эшикни тарақлатиб ёпишдан олдин унинг тарақлашига ишонч ҳосил қил.



Ўтмишдошларни деворга, замондошларни эса дуч келган жойга осадилар.



Давлатманд ёзувчилар чойчақа, камбағалроқлари эса интервью берадилар.



Сўз билан хафа қилиш, луғат билан эса майиб қилиш мумкин.



Ҳар бир ароқхўр болалигида сутхўр бўлган.



Ишонч мустақкам бўлиши учун алдов узоқ давом этиши лозим.



Агар Диоген ўз вақтида уйланганда эди, бочкагача етолмасди.



Почтачига ўчакишиб ўзига беҳисоб хатлар ёзди.



Ёлғончилар мусобақасида тўғри гапни айтган одам биринчи ўринни олди.



Ботир бўлиш буюрилди.



У подшо ҳузурига ташриф буюрмоқчи бўлди. Бундан хабар топган подшо тахтидан воз кечди.



Ҳозирча биронта йўловчи автомашинани босиб кетгани йўқ, шунга қарамай, негадир машина эгалари норози.



Ҳар хил усулда сузадилар, бир хил усулда чўкадилар.



Донишмандлар ва тиш дўхтирлари илдизга қарайдилар.



Уни истеъдоддан маҳрум қилиб бўлмасди: чунки истеъдоднинг ўзи йўқ эди.



Ҳатто ёмон кишилар тўғрисида ҳам яхши китоблар ёзиш керак.



Эҳтиёткор муҳаррир ҳатто кўпайтириш жадвалини ҳам баҳс рукнида чоп этади.



Вагон ҳайдовчиси янги йўл қидирса, вагонлар издан чиқиб кетади.



Ҳайкалтарош мрамордаги ўз хатосини мангуликка муҳрлаб қўйди.



Ҳеч бир масалада масъулиятни зиммасига олмасди. Ҳатто Ер айланади деса ҳам, Коперникнинг фикрича деб қўшиб қўярди.



Электр лампочкасининг ҳаёти ҳамиша қил устида.



Адабиётга худди имло хатосидек кириб олди.



Соат занжирбанд бўлса-да, вақт югурик.



Тушини яхшироқ кўриш учун кўзойнак тақиб ухларди.



У кек сақламасди: бошқаларга қилган ғаламислигини унутворарди.



Қўшнисидан ташқари бутун инсониятни севарди.



Калласига бир фикр келди, аммо у ерда ҳеч кимни учратолмай кетиб қолди.



Яхши ёзувчи ўзини тушунмасликларидан қўрқади, ёмони эса тушуниб қолишларидан ҳадиксирайди.



Пашшадан фил яшаш фойда келтирмайди: чиқити ҳаддан зиёд кўп.



У тепакаллиги ва хотини билан Суқротга ўхшарди.



Егулик қўзиқорин панада, заҳарлиси эса очиқ кўриниб туради.



Маймундан тарқаганини биларди, аммо айнан қайси маймундан эканини эслолмасди.



Оркестр анча ночор эди, шу боис дирижёр унга қўл силтаб қўя қолди.



Унутилган фикр ҳамиша аҳамиятли туюлади.



Юлдузлар кўкларга кўтаришга муҳтож эмас.



Дарз кетган ойнадан қараётган одамга дунё парчаланган-  
дек туюлади.



Нуқтаи назарини ҳадеб ўзгартираверганидан у кўпнуқта-  
га айланиб кетганди.



Микроскоп катталаштириб кўрсатганда микроблар хавф-  
ли бўлиб қолмайди.



Яхши ҳикоя қисқа бўлгани, ёмони янада қисқа бўлгани  
маъқул.



Юрак қони билан ёзиш керак. Бегонанинг эмас, ўз юра-  
гинг қони билан.



Меҳмонлар нафақага чиққунча ўтирдилар.



Хонада шундай сукунат ҳукмрон эдики, ҳаётнинг қандай  
ўтиб бораётгани ҳам эшитилиб турарди.



Одам аҳмоқлик ҳолатида худди куядори сепилган пўстин-  
дай сақланади.



Никоҳ икки хил асаб тизимининг тинч-тотув яшашидир.



Йўқ, у қаримаганди. У эскидан ёш эди.



Пьесада ва залда бўш жойлар кўп эди.



Акс садо ҳам жавоб беради, аммо ўзи учун эмас.



Шахматдаги от ҳам қоқилиши мумкин.



Тузланган балиқ сувни соғинмайди.



Бўрттирма! Сен микроскоп эмассан.



Бунақа башарага фақат шапалоқ ярашади.



Жўжа ота-онасини билмасди, у инкубаторда туғилганди.



Шляпани каллага қараб танлайдилар, аксинча эмас.



Ҳеч нарса ўқимасди. У китобхон эмас, ёзувчи эди.



Санчо Панса билан бирга адабиётга унинг эшаги ҳам кирган.



Балет – карлар учун опера.



Қўзиқоринлар ёмғирда ўсгани учун шамсияга ўхшайди.



Хотинлар диссертацияга ўхшайди: улар ҳимояга муҳтож...



Ҳаёт – мактаб, аммо уни тугатишга ошиқмаслик керак.



Эри шу қадар рашкчи эдики, ҳатто бегона эркакларнинг тушига киришига ҳам изн бермасди.



У қип-қизил кал бўлиб қолган бўлса-да, ҳамон гажакдор қилиб ёзарди.



У озроқ француз тилида ва жуда кўп телефонда гаплашарди.



Сувга кўпчилик сакрайди. Камдан-кам одамгина ундан қуруқ чиқади.



Конфликтсизлик назариясини астойдил ҳимоя қиларкан, ҳамма дўстлари билан жанжаллашиб қолди.



Агар одамлар айтадиган гапи бўлгандагина сўзласалар эди, бу дунёни ваҳимали сукунат чулғаган бўларди.



Ер ҳақиқатан ҳам айланади, аммо шахсий ҳаётда буни ҳисобга олмаса ҳам бўлаверади.



Жиддий кўринишдан қўрқиб ҳазил қиларди. Йиглавор-маслик учун куларди.



Ўз хотинига хушомад қилиш унинг учун худди қовурилган қушни овлашдай бемаъни туюларди.



Унинг калласи қабул соатларидан ташқари келган фикрларни қабул қилмасди.



Калланг билан тўпни қайтараётиб буни ақлий меҳнат деб ҳисоблама.



Шишадан ташқари ҳеч кимнинг бўғзидан олмасди.



Севгида ва кинода у фақат қисқа метражлисини тан оларди.



Ҳамма уни чўчқа дерди, аммо иштаҳа билан ейишарди.



Бир умр ўзини ковлаштирди, аммо бу қазишмалар ҳеч қандай натижа бермади.



Менинг қадаҳим кичкина, аммо мен бошқаларнинг қадаҳида ичаман.



Тарихчилар ва сатириклар учун ҳамма нарса ўтмишда бўлади.



Қўшиқдан сўзни чиқариб ташлаш мумкин эмас, аммо қўшиқни чиқарворса бўлади.



Хоним музқаймоқ каби совуқ эди, музқаймоқ каби осон эрирди.



Хоним трамвайда жой бўшатишганда хафа бўларди.



Шифокор ичишни ман қилгани учун аламидан ичарди.



Тоғларни ундан юксак бўлгани учун ёқтирмасди.



Кўпик ҳамиша пиводан юқорида туради.



Кекса юбиярға шифокорнинг манзилгоҳини совға қилишди.



– Мен юз грамдан ортиқ ичмайман, аммо юз грамм ичгач бошқа одамга айланаман, ана ўша одам кўп ичади.



Ҳаётдан орқада қолмаслик учун ҳамма дафн маросимларида қатнашарди.



Шухрат ўлимга ўхшайди: одамни яқинларидан жудо қилади.



Уйқудори ичишни унутиб ухлаб қолди.



Ҳаётдан ҳамма нарсани олгач уни қашшоқликда айблама.



Гулханда ёқилганлар Прометейни алқашмагандир.



Услуг бировники, аммо имлоси ўзига хос.



Денгиз тиззасидан келар, балчиқ эса бўйи баробар эди.



Вақт ажинлардан ташқари ҳамма нарсани силлиқлайди.



Қанча калла бўлса, шунча ақлми?.. Бу ерда қўшиб ёзиш бўлмаяптими?



Ўзингни чангютгич деб айтган бўлсанг ифлос ишдан бўйин товлама.



Бир умр ўзини шуҳратнинг синовига тайёрлаб борди, аммо имтиҳон бўлмади.



Яхши шоирани мақтаб қўйишади, жуда яхшиларини чоп этишади.



Хоним ўзини ойнасиз ҳам билиш мумкинлигини англагач ҳайратдан лол қолди.



Ҳақиқатни шу қадар қадрлардики, ундан ҳеч қачон фойдаланмасди.



Шу қадар тушунарсиз ёзардики, уни даҳо дейишларига сал қолди.



Ҳаётда янгичасига яшаш фақат мемуарларда насиб этади.



Баҳсларда фақат ҳақиқат эмас, ғурралар ҳам пайдо бўлади.



Ялқов одамга илҳом париси ҳам ортиқча юк.



Қалб бойлигидан солиқ олинмайди.



Руҳий озуқанинг фақат битта камчилиги бор, у газак бўлолмайди.



Одамзоднинг Худо эмаслиги фақат шу туфайлики, унинг қўлидан ҳар бало келади.



Олижаноблик ва юморни сарф қилмасдан туриб сақлаб бўлмайди.



Айрим диссертацияларни фақат шунинг учунгина ҳимоя қилишга тўғри келадики, уларга ҳеч ким ҳужум қилмайди.



Тараққиёт аломати: илгари таҳқирланиш қон билан, эндиликда эса сиёҳ билан ювилади.



Ҳеч нарса рақибнинг ожизлигичалик куч-қудрат ато этмайди.



Катталар эртакни ҳақиқатга, болалар эса, аксинча, ҳақиқатни эртакка айлантирадилар.



Хотиндан маошдан ташқари ҳамма нарсани яшириш мумкин.



Сенга тақлид қилувчига танбеҳ бераётиб холислик қил: унинг диди чакки эмаслигини писанда қилиб қўй.



Роман қаҳрамони асар муаллифидан кўра ақллироқ бўлолмайди.



Душманларини қучоғида, дўстона бўғиб ўлдирарди.



Ўз даврининг маҳсули, аммо тез айнийдиган маҳсулот.



Ҳамма нарса ўз жойига тушганда кимларгадир жой етмай қолгани маълум бўлади.



Агар юбилейлар ўйлаб топилмаганда эди, ажойиб одамларнинг сони анчага қисқариб кетган бўларди.



Ютуққа мушт билан фақат боксчиларгина эришмайди.



Сунъий тўсиқлар яратиш фақат отчопардагина рағбатлантирилади.



Айрим шеърлар тушга ўхшайди: уларнинг таъбирини топишга тўғри келади.



Ўз қиёфангни бўлажак таъзияномага мослаш – удалаш ўта мушкул вазифа.



Фақат таржимадагина ўзига хос жаранглайдиган шеърлар бўлади.



Оилавий ҳаёт гоҳо одамни шу қадар тоблайдики, оқибатда у нариги дунёдаги ҳаётдан қўрқмай қўяди.



Классиклар буйруқ билан тайинланмайди.



Бошқаларнинг юрагини забт этиш босқинчилик ҳисобланмайди.



Ниқобсиз таниб бўлмайдиган одамлар ҳам бўлади.



Вақт шу қадар қадрсизки, ҳатто уни ўғирлаш жазоланмайди.



Айрим романлар бор-йўғи эпиграфга илова, холос.



Сўзбоши шу қадар батафсил эдики, романнинг ўзини чоп этмасликка қарор қилинди.



Романнинг мақсади маълум, фақат унинг мазмуни мавҳум эди.



Қитиқланмайдиганлар яхши кулади.



Троя отининг қорни бўм-бўш бўлганда эди, тарихда айтарли рол ўйнамасди.



Каттароқ шарафга лойиқ эканлигини эшитган скрипкачи виолончель сотиб олди.



Илҳом манбаи ҳамиша шуҳратга чанқоқликни қондиrolмайди.



Ўзингдаги ҳайвонни отиш учун лицензия шарт эмас.



Соғлом ақл устидан қозонилган ғалабани овоза қилмай-  
дилар.



Ердамингни унга муҳтож бўлмаганларга таклиф қилиш  
мароқлироқ.



Ҳақиқат уятдан ўгирилиб олса, унинг кўзига қандай  
қарайсан?



Ҳайратланарлиси яхши одам ҳар бир одамдан яхшилик,  
ёмон одам эса қабоҳат қидирганида эмас. Ҳайратланарлиси  
ҳар иккиси қидирганини топганида.



Умрбоқийлик афсона, албатта, аммо бу афсона умрбоқий-  
дир.



Шунақа орзулар ҳам бўладики, уларнинг рўёбга чиқмага-  
нини олқишлаш мумкин.



Ҳисоб-китоб қанчалик совуқ бўлса, изҳори дил шунчалик  
иссиқ бўлади.



Бўридан қўрққанлар мультфильм кўришмайди.



Тарих сабоқ беришга беради-ю, аммо ўзлаштириш масъу-  
лиятини зиммасига ололмайди.



Ҳамминг ички дунёси бор, аммо айримларнинг дунёси-  
да яшаб бўлмайди.



Эгизаклар ҳаётда қувонч бахш этади, аммо санъатда эмас.



Узоқни кўра оладиган киши кучли одамни ҳали заифлик пайтида мақтаб қўяди.



У ижобий қаҳрамон қидириб таржимаи ҳолини ўқиб чиқди.



Ўз шажаранг билан фахрланаркансан, авлодингни ҳам шундай имкониятдан маҳрум қилма.



Узоқ мўлжалга олган одам камдан-кам аниқ уради.



Ўз асарини китобхонлар ҳукмига ҳавола қиларкан, фақат афв этилишига умид қиларди.



Виждон билан тузилган битим нотариусда тасдиқланмади.



Қанақасига қўйлар ҳам бутун, бўриям тўқ бўларкан?.. Демак, чўпонни еб қўйишган.



Сир – ҳаммага маълум бўлган, аммо шивирлаб айтиладиган нарса.



Ҳаммуаллифлар истеъдодсиз бўлмайди.



Еттинчи осмонда лифт бўлмайди.



Одамни характер эмас, характеристика безайди.



Думнинг йўқлиги айримларни думини ликиллатишдан маҳрум қилолмайди.



Атрофдагиларга юқоридан қарагани учун фақат жирафани кечирса бўлади.



Қўрқоқлар олға кетишдими?.. Демак, душман орқадан ҳужум қилган.



Одамни елкасига қоқиш билан ҳам эгиб қўйиш мумкин.



Яхшилиқнинг ёвузлик билан олишувида ҳамиша ҳам вазн тоифасига амал қилинавермайди.



Дўст қидир, ҳамшишалар ўзи топилади.



Кўкрагига муштлаётган одам нокаут бўлмайди.



Ўз камчиликлари билан аёвсиз қурашарди, аммо ёлғиз отнинг чанги чиқмасди.



Агар сени замондошлар қадрлашмаса, кейинги авлоднинг тентакроқ бўлишидан умид қил.



Столга муштлашини Морзе алифбосини ўрганаётгани билан изоҳларди.



Фикрларини васият қиларкан, авлодини қашшоқликка маъжум этди.



Шон-шуҳратда чўмилиш ҳаммомнинг ўрнини босолмайди.



Орқадаги кўприкни ёқиш керакми?.. Балки, олдиндагисини ёққан маъқулдир?



Ҳаёт, шубҳасиз, ажойиб муаллим, аммо унинг сабоқлари жуда қиммат туради.



Яқинларидан узоқроқ юрарди.



Гигиенага риоя қилгани учунгина ёрдам қўлини чўзмасди.



Шифобахш балчиқ касалликдан, ҳаётдагиси эса хомхаёллардан халос этади.



У тўнкаликка тўнка, аммо илдизи бақувват эди.



Олим билан тентак орасидаги фарқ жуда оддий: биринчиси кўп нарсани билмайди, иккинчиси ҳамма нарсани билади.



Уйда, оила даврасида сатирик ҳамиша жиддий эди: истеъдодини текинга сарфлашни истамасди.



Нусханинг аслиятдан устунлиги: улар кўп бўлади.



Кўйлакни шу қадар узоқ тикишдики, у яна модага кириб қолди.



Фақат янглишиб яхшилиқ қилиб қўядиган одамлар ҳам бўлади.



Тўтиқушни сотиб олишдан олдин вақиллашига қулоқ сол, шундан кейингина унинг хўжайини билан танишиш масаласини ҳал қил.



Саҳнада қадаҳни шу қадар табиий уриштиришдики, томошабинлар беихтиёр буфетга йўл олишди.



Агар сени қўлда кўтариб кетишаётган бўлса, бундан талтайма, эҳтимол, улар қабристонга йўл олишгандир.



Ўз услубига эга бўлмаган пародиячи энг истеъдодли ҳисобланади.



Масалчининг ўрмонга ёлғиз бормагани маъқул.



Ҳаммуаллиф – ўзи ўқимаган матн остига имзосини қўйишдан тоймайдиган одам.



Тақдир ҳукми устидан шикоят қилиб бўлмайди.



Агар иситгич (грелка) халақит қилаётган бўлса, исиб бўлгансан. Агар хотининг халақит қилаётган бўлса, совиб бўлгансан.



Агар виждон тунда қийналиб чиқса, демак, у кундузи ухлаётган бўлади.



Иштаҳа овқат маҳали келади деб кутиб ўтираверсанг, дастурхонда ҳеч вақо қолмайди.



Агар ҳамма ақллиларга уйланиб кетаверса, чиройлилар нима қилади?



Агар жуда кўп бўлса-ю, аммо етарли бўлмаса, демак, оз экан.



Агар ўз вақтида қўлидан тутиб қолишмаса, одам ҳамма нарсага қодир.



Эзгуликнинг ёвузлик билан курашида кўпинча томошабин голиб чиқади.



Ҳар қандай санъат шартли, фақат унинг қурбонлари ҳақиқийдир.



Агар сабоқ текин бўлса, хатолардан бир умр сабоқ олиш мумкин.



Баъзан келажакни башорат қилишдан кўра кўриш осонроқ.



Агар одамда ҳазил туйғуси бўлмаса, демак, бунинг сабаби бор.



Ўзидан кўтарилиш учун бошқаларнинг устига чиқарди.



Агар болакай тўғри гапни айтиб қўйса, масъулият ота-оналар зиммасига тушади.



Агар ҳар ким лоақал биттадан яхши китоб ёзганда эди, ёзувчилар камроқ бўларди.



Агар итлар гапиролганда эди, биз охирги дўстимиздан ҳам айрилган бўлардик.



Мен ҳеч нарса билмаслигимни олий маълумотим туфайлигина биламан.



Китоблар гулханда ёзилганда саводсизларга ҳам тушунарли бўлиб қолади.



Менга яшашни ўргатманг! Мен аллақачон нафақадаман.



Агар кимки бу ҳаётда ҳеч нарсага тушунмайман деса, демак, у ниманидир англабди.



Агар сиз бир кундан ортиқроқ ўзингизни бахтли ҳисоблаётган бўлсангиз, демак, сиздан ниманидир яширишяпти.



Агар тортишувда ҳеч нарса туғилмаса, бу – баҳс.



Унинг ўз жамоатчилик фикри бор.



Консервага солиб қўйилса эски муҳаббат зангламайди.



Шахсий манфаатдорлик бўлса, ҳатто Отеллонинг роли ҳам ҳаққоний ижро этилади.



Рангли тасвирда бу дунё нақадар гўзал!



Мен ҳеч қачон алдамайман, чунки тўғриси билмайман.



Модомики шу нарсага пул тўланыптими, демек, бу – иш.



Нарсаларни ўз оти билан атамаслик учун нархини айтиш кифоя.



Агар ростдан ҳам айтадиган гапинг бўлса, ариза ёз.



Баъзан сукунат ҳам қалб ҳайқириғи бўлиши мумкин.



Қашшоқларнинг ягона ҳуқуқи – маънавий бой бўлиш.



Дафн маросимингда охириги марта қариндошларингни безор қиласан.



Агар сени ўликхонадан ҳеч ким олиб кетмаса, бу – ёлғизлик аломати.



Нафақачи – ўз кийимидан кўра тезроқ қарийдиган одам.



Баъзан совғалар билан бирга эътибор ҳам қимматлашади.



Қаламни қаттиқроқ ниқтаган билан фикр чуқур бўлиб қолмайди.



Сатирикнинг тобутини бажонидил, тантанали равишда, баланд кўтардилар...



Қадимги юнонлар ҳеч қачон қадимги бўлишни ўйлашмаган.



Мана, ёзув пайдо бўлгандан буён одамлар ёзувчилар ва обуначиларга бўлиниб кетди.



Бодрингни тузлайдиган вақт келганда Диогенни бочкадан ҳайдаб чиқаришди.



Агар ғирт тентак бўлсанг ўзингни аҳмоқликка солиб ўтирма.



Йиртиқ иштон ҳали сабр-тоқат аломати эмас.



Биринчи қадаҳ оқибатда ортиқчалик қилди.



Ҳар бир пивононанинг ўз дарвешлари бўлади.



Ошқовоқдан фарқли равишда, одамнинг калласи зулматда пишиб етилмайди.



Айримларга шайтон йўлдан ургандай туюлади, бошқалар эса Яратганнинг иродаси деб ҳисоблайди.



Қобилияти Аллоҳдан, эҳтиёжи маймундан.



Дон-кихотлар шамол тегирмонидан илгари ўлиб кетишган.



Агар эҳтиёж бўлса-ю, имконият бўлмаса, демак, қобилият етишмайди.



Алмаштириб бўлмайдиган одамлар ҳам бўлади. Айнан ана ўшаларни тез-тез алмаштириб турадилар.



Чўқаётган кемадан қочиб кетаётган каламуш бўлиш ёмон, аммо чўқаётган кеманинг ўзи бўлиш ундан ҳам ёмон.



Агар спиртли ичимликлар бўлмаганда, биз жигаримиз бор-йўқлигини билолмай ўтардик.



Замонанинг улуғворлигини қалбларнинг улуғворлиги белгилайди.



Яланғочлик ҳалиям қироллар ўртасида модами?



Тўнка бир хил усулда – оқим бўйлаб сузарди.



Таъзимга эгилган одамдан эҳтиёт бўл, сузвориши мумкин.



Одамга яқинлашинг! Аммо сизни урворадиган даражада эмас.



Қаноти бўлса эди, қаноти билан қарсак чаларди.



Қоғозга қараб гапираётган одам қуюшқондан ташқарига чиқиб кетолмайди.



Байроқни бўсалар билан ҳам булғаш мумкин.



Асрларда вайроналар яхши сақланади.



Оптимистлар бахтли охирзамонга ишонадилар.



Айримларнинг ҳаёти ўлимидан кейин яхши изга тушиб кетади.



Илғорлар ҳамиша олдинда: ёки ортидан бошлаб бораётган, ёки қочиб қутулаётган бўлади.



Унинг фикри билан шу қадар ўртоқлашдиларки, ўзига ҳеч вақо қолмади.



Тараққиёт жараёнида инсоният ёввойилиқдан жаҳолат томон жиддий қадам ташлади.



Овчиларга илҳом берувчилар осонгина уларга ўлжа бўлиб қолиши мумкин.



Сиздан фикр айтиш эмас, овоз бериш сўралган.



Бекорчиликдан қанча доҳиёна нарсалар ўйлаб топилган!



Энди табиатдаги табиий танланиш одамнинг қўлида.



Чўкаётган одам муштини кўрсатмаслиги керак.



Хизмат вазифасини бажариш, бунинг устига, яна ишлаш осон эмас.



Афтингни бужмайтираётиб қиёфангни сақлаб қоласан.



Биз фақат геологик қатламлардагина маҳкам жипслашамиз.



Ўз вақтида яшай олмаганлар асрларда яшайдилар.



Хотинингнинг фикрига қўшил ва ўз ҳукмингни ўтказ!



Дафн маросимидаги нутққа қараганда, ҳар бир одам даҳо!



Ортиқча баланд учма – номаълум учувчи жисмга айланиб қоласан.



Жиноят содир бўлган жойда жабрдийдани қўлга тушириш осонроқ.



У ўз қарашларини қатъий туриб ҳимоя қилди. Тиз чўккан ҳолда.



Ривожланган саҳроларда сароблар йўқолиб кетган.



Лоақал охирги сўзинг ўзингники бўлсин.



Муштлашиш одамларни қанчалар яқинлаштиради!..



Мен якка муҳаббат тарафдориман. Бутун инсониятни севаман.



Тараққиётнинг тормози ҳам бўлиши керак.



Паканага дарозлар ўртасида тенг келадигани йўқ.



Ғоялар ҳаётга татбиқ қилингунча ўлмасдир.



Кўр тақдир қусурларимизни жуда яхши кўради.



Кампирларнинг ҳам қизлик фамилияси бўлади.



Дарёга ювиндини тўқворишди, у эса ўзини янги оқим деб ўйлади.



Ақлли қандай бўлмоғи лозимлигини, донишманд эса қандай бўлажagini билади.



Овқат ҳазм қилиш аъзолари ким учундир марра чизиғи.



Ёмғирда қолмаслик учун булутдан баланд бўлиш лозим.



Марҳумлар ҳам тантана айбори бўлиши мумкин.



Ҳалол одам ҳамиша бошқа жойда ўғирлик қилади.



Об-ҳаводан ранжиб юрманг – у енгилтак.



Ҳеч қачон эътиқодига хиёнат қилмасди, эътиқодини ал-  
маштириб турарди.



У тез-тез ўзини қоралаб туради, аммо бирон марта ҳукми  
ижро этмайди.



Бахт улкан эди, кўнгил эса кичик қувончларни истарди.



Ҳар қандай асал оғи ҳам ширин турмушнинг бошланиши  
эмас.



Ўз яқинларингни сев – улар билан турмуш қурма.



Даҳшат фильмлар ҳужжатли бўлса янада даҳшатлидир.



Ҳажвчи-ёзувчининг ижодий кечасида менга ҳамма нарса  
ёқди. Ҳазилдан ташқари.



Олтинни биз сукутдан кўра яхшироқ сақлаймиз.



Ўт ўчирувчи хотинидан оловдан қўрққандай қўрқарди.



Бернарддан бошқа ҳамма шоуларнинг менга қизиғи йўқ.



Эски аҳмоқлар қолмади. Бор умид янгиларидан.



«Мен эртанги кун шоириман!» – деб хитоб қилди у.  
«Бу ҳақда индинга гаплашсак!» – дедим мен.



Омади чопди: уни «Тез ёрдам» машинаси уриб юборди.



Коммунистик меҳнат инсонни маймунга айлангирди.



Қарилик – узоқ яшашнинг ягона йўли.



Инсоннинг заифлиги – кучини кўрсатиб қўйгиси келади.



Никоҳ – мутгасил кураш: аввал яқдиллик, кейин тенгху-қуқлилик, сўнг мустақиллик учун.



Қайнона билан куёв бир-бирини яхши кўрса, оила мустақам бўлади.



Агар хотинингиз хазина бўлса, сизга 25 фоиз мукофот берилади.



Графомандан шеър ёзиш қийинми ёки наср деб сўрашганда у ҳеч нарса ёзмасдан тура олиш қийин деб жавоб беради.



Агар бир одам сиз билан қунига қайта-қайта саломлашса, демак, у сизнинг борлигингизни пайқамас экан.



Юмор – бу тиши тўкилган сатира.



Баҳорда улар турмуш қурдилар ва кеч кузгача тинч-тотув яшадилар.



Ҳаёт мактабини сиртдан битирди.



Рациядаги суҳбат: «Биринчи! Биринчи! Мен иккинчиман! Учинчиси бўласанми?»



Тиззада тургандан кўра ўтирган яхши.



Қарз берганинда хотирангни машқ қиласан.



Кўринмайдиган тишлар – бу ақл тишлари.



Об-ҳаво ўзига берилган ишончни оқлай олмади.



Айримлар оч қоринга ўйлай олмайди, қорин тўйгач эса ўйлагиси келмайди.



Ҳажвчи кўзларини қисиб ўлади.



Мастона сузилган кўзлардан қўрқинг. Улар эркакни алиментчига айлантириши мумкин.



Дўстлар сохта бўлиши мумкин, лекин душманлар ҳамиша ҳақиқий бўлади.



Душман учун чоҳ қазиб ўтирманг, унинг сиз учун қазиган чоҳидан фойдаланинг.



Аҳмоқлик икки хил бўлади: жим туриш ва тинмай жавраш.



Бой бўлиш узоқ қариндошларни топишнинг осон йўлидир.



Йиғилишга кеч қолма, йўқса, биринчи қаторда ўтиришингга тўғри келади.



Дўнг пешона ва ажинлар асло даҳолик аломати эмас. Бу белгилар баъзан тентакларда ҳам учрайди.



Ҳатто унинг сукутида ҳам имло хатолари бор эди.



Баъзан ўзингдаги назокатни намойиш этиш учун дағаллик қилишга тўғри келади.



Мишмишлардан қўрқма: ҳақиқат ундан ҳам даҳшатлироқ.



Эҳ, қанийди ҳамма душманларинг ўлиб кетгандан кейин туғилсанг эди!

## МУНДАРИЖА

Ағдан-бағдан.....	3
Эр-хотин, қайнона .....	32
«Даволаймизми ёки... яшайверсинми?..» .....	65
«Қанийди сеҳргар бўлиб қолсам...» .....	87
Набиранинг тили ширин .....	154
Светофор чироғи қанча туради? .....	158
«Наркозга юз грамм қўшворинг!..» .....	164
«Ҳаммасига хотиним айбдор».....	180
«Имтиҳон қайси фандан ўзи?» .....	191
Кунлардан бир кун... ..	195
Ғалати гаплар .....	264

*Адабий-бадиий нашр*

## **ЭНГ ҚИЗИҚ ЛАТИФАЛАР**

Тўпловчи ва таржимон:

**Шодмон Отабек**

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ

**Бадиий муҳаррир:** Алимардон АҚИЛОВ

**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ

**Мусахҳиҳ:** Отабек БОҚИЕВ

**Саҳифаловчи:** Асқарали РЎЗИЕВ

Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 05.01.2015 й.

Босишга рухсат этилди: 27.03.2015 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ .

SchoolBook гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Ҳисоб-нашриёт т.: 8,07. Шартли б.т.: 15,96.

Адади: 2000 нусха.

Буюртма № 58.

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.

100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: [info@akademnashr.uz](mailto:info@akademnashr.uz)

web: [www.akademnashr.uz](http://www.akademnashr.uz)

«КО‘НИ-NUR» МЧЖ босмахонасида chop этилди.

100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳқўчаси 44-уй.



Энг кизик

**ЛАТИФАЛАР**

ISBN 978-9943-4404-8-7



9 789943 440487